


**ПОЁН**  
**РАВШАНОВ**

**ҚУЛГА**  
**ТУШГАН**  
**ҚАСОСКОРЛАР**



**ПОЁН  
РАВШАНОВ**

---

**КУЛГА  
ТУШГАН  
ҚАСОСКОРЛАР**



  
**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**  
**ТОШКЕНТ**  
**2014**

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Равшанов, Поён**

Қўлга тушган қасоскорлар: қиссалар / П.Равшанов.  
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 300 б.

ISBN 978-9943-27-350-4

Ўтган асрнинг 20-йилларида юртимизда мустабид совет ҳокимияти ўрнатилиши қаттиқ қаршиликларга дуч келган эди. Жумладан, Қашқа воҳасида ҳам истиқлол кураши узоқ давом этган, ватанпарварлар элу халққа таяниб, озодлик йўлида жон бериб – жон олгандилар. «Қўлга тушган қасоскорлар», «Жовиздаги ёвузлик» ва «Қизил жаҳолат» қиссалари архив ҳужжатлари асосида давр руҳини, кишилар тақдирини ҳаққоний ёритиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Жовизлик жасур қўрбоши Мулло Абдурозиқ Хўжанди ўғлининг қизил армия қисмларига қарши олиб борган шиддатли жанглари, қишлоқлардан чиққан оддий жигитларнинг Ватан ҳимоясига отланиши мароқли ҳикоя қилинади. Қиссаларда босқинчиларнинг разил қилмишлари, «босмачилар» номидан қишлоқларни талаши, ўт кўйиши, хуллас, барча тубанликлари инкор этиб бўлмас тарзда очиб берилади. Истибод йилларида диёнат ва эътиқоднинг оёқ ости қилиниши, зиёлилар, руҳонийларнинг таъқиб ва қирғин қилиниши ўша даврдаги элатдошларимиз қисмати орқали талқин этилади.


**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Тақризчи:**

Қўйли ХУРРАМОВ,

филология фанлари номзоди, доцент



ISBN 978-9943-27-350-4

© Поён Равшанов, «Қўлга тушган қасоскорлар». «Янги аср авлоди», 2014 йил.



---

# КҮЛГА ТУШГАН ҚАСОСКОРЛАР

---



## ҚИССА – ТАРИХИЙ МАНБА

Ватанимиз мустақиллиги халқимиз тарихини кенг кўламда, холис ва ҳаққоний ўрганиш йўлини очди. Айниқса, яқин кечмишимизнинг салмоқли тадқиқотларга, изланишларга қучоқ очаётганлиги кишини қувонтиради. Мустабид тузум ҳукм сурган 74 йил давомида Туркистон ўлкасининг қизил салтанат мустамлакасига айлантирилганлиги совет тарихшунослигида тескари талқин этиб келинди. Бадий адабиётда ҳам бу мавзу совет мафкураси (социалистик реализм, синфийлик) белгилаб берган андоза асосида, воқеликка мутлақо тўғри келмайдиган тарзда ёритилди. Ачинарли томони, яқин тарихимизнинг муҳим, тақдиршумул қутблари атайин пинҳон тутилди, халқимиздан яшириб келинди. Миллий ўлкаларда Октябрь инқилоби бевосита халқ қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилганлиги, советлар уларга рўшнолик етказганлиги мунтазам тарғиб этиб келинди. Маҳаллий элатлар инқилобни шодийна ва хурсандчилик билан кутиб олганлиги тарихий-бадий асарлардагина эмас, большевикларнинг расмий ҳужжатларида, фирқа тарихи ва катта йиғинлар қарорларида ҳам муттасил такрорланди. Аслида шундай бўлган эдими?

Ўзбекистон Республикаси ўз озодлигининг 23-йилини нишонлади. Бу тарихан олганда, ўзини ўнглаш, ўзликни англаш, тараққиёт ва тадриж, қадриятларни тиклаш, жаҳон давлатлари ичра мавқе эгаллаш учун кифоя қиладиган даврдир.

Она-Ватанимиз мустақилликда кечган йилларда тарих кўрмаган ютуқларга эришди. Ривож ва юксалишни ҳамма соҳада кузатиш, бу хусусда исталганча далиллар келтириш мумкин. Бу ўринда, биргина тарихимизга бўлган муносабат ҳақида мухтасар фикр юритиш жоиз. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ халқимиз тарихини аслига монанд, ҳалол ва холис, ҳаққоний яратиш гоёси қўйилди. Мустабидлик руҳига мосланиб, сохталаштирилган тарих халқимизни қадриятдан, маънавиятидан, гуруридан, ўзлигидан маҳрум этишни кўзда тутар эди. Совет мафкураси учун оқни қора дейиш ҳеч гап эмасди. Бунинг учун Туркистонда большевиклар ҳокимиятининг зўравонлик билан ўрнатилиши тарихини эслаш кифоя. Айтилганидек, бу ўлка халқи совет тузумига хайрихоҳ сифатида кўрсатилиб, узоқ муддат давом этган озодлик кураши жуда саёз, хаспўшланган ҳолда, ўта салбий қораланган ҳолда зикр этилди.

Туркистон миллий озодлик ҳаракати тарихи эндиликда асл манбаларга асосланган ҳолда, илмий жиҳатдан теран ва ҳалол ёритилмоқда. Жумладан, «босмачилик» деб советлар жар солиб келган, талончи, ўғри, қароқчи деб маҳобат қилинган ҳаракат Мустақиллик даври тарихшунослигида ўзининг ҳақиқий илмий баҳосини олганини алоҳида қайд этиш лозим. Тадқиқотчи олимлар, адиблар архив ва нашрий манбалар асосида XX аср бошларида советларга қарши олиб борилган ҳаракат халқимиз томонидан қўллаб-қувватлангани, шу сабабдан, бу узоқ давом этган миллий озодлик кураши эканини далолат этиб бердилар ва бу хайрли изланишда ҳамон фаоллик кўрсатмоқдлар. Халқимиз, ёш авлодлар ҳақиқий босмачи кимлар бўлганлигини яхши тушуниб олди.

«Қўлга тушган қасоскорлар» ҳужжатли қиссаси Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 83, 133, 172, 183 нчи ва бошқа жамғармаларида сақланаётган юзлаб жилдаардаги материаллар асосида ёзилганлиги билан эътиборга молик. Муаллиф Қашқа воҳасида XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган озодлик ҳаракати тарихини бир неча йиллар давомида чуқур ўрганиб, бу мавзуда рисолалар, қиссалар, қанча мақолалар яратди. Ҳужжатли қисса ана шу сиасиланинг навбатдаги ҳалқаси бўлди.

Қашқадарё вилоятининг қуйи сарҳадларида ўтган асрнинг 20-йилларида, айтилган советлар Бухоро хонлигини емириб, большевиклар ҳукмронлигини ўрништириш бошлаган даврда «Аксиланқилобий ташкилот»нинг ҳарбий кучлари Турди тўқсоба, Гул оқсоқол, мулло Жума, Жума қоравулбеги, Эшонқул Турсун, Чори ясовулбоши, Саидхўжа, Шерқул қўрбошилар томонидан бошқарилган. Қўрбошилар ва уларнинг совет ҳокимиятини афдариш учун кураш олиб борган лашкарлари большевикларга катта талафотлар, зарарлар етказди. «Советлаштириш» ва талончилик билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотлар бу ўлкада бир неча йилга чўзилиб кетади.

Қиссада воҳанинг қуйи қисмида – Қарши, Косон, Касби, Қамаш, Булч, Азизобод (Айзобод) ва бўлак мавзеларда советларга қарши олиб борилган кураш тарихи икки ўзанда – архив манбалари ва бадиий талқин асосида тавдалантирилади. Муаллиф 20-йилларга оид ҳужжатларни тарихий далил сифатида келтириб, ўрни билан уларга шарҳ ва бадиий бўёқ бериб боради. Асарда курашаётган икки қутб – советлар ва озодлик кураши вакиллариининг қиёфаси намоён бўлади. Ўқувчи тарихийлик ва бадиийликнинг уйғунлиги сабаб,

аввало, қиссани иштиёқ билан ўқишга эҳтиёж сезади, муҳими эса унинг яқин тарихимиз, алаангаали йиллар ҳақидаги билими бойийди. У ота-боларимиз Ватан эрки учун нечоғлик машаққатлар чекканини, совет истибдодининг зулми, қаттоллиги қанчалик қаттиқ бўлганини 10 жигит тақдири мисолида теран тасаввур қилиш имконига эга бўлади.

Совет жазо органлари (13-ўқчи корпус, БСБ махсус бўлимлари гуруҳлари, милиция, босмачиликка қарши кураш бўлими кучлари ва ҳ.) қўлига асир тушган Эшонқул Турсун ўғли (қўрбоши), Ҳамро Жўра ўғли, Баҳри Жўра ўғли, Ҳамдам Маҳкам ўғли, мулло Абдурахмон Очил ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли ва бошқалар қисмати ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди.

Қўлга тушган қасоскорлар (совет даврида оқларни қийратувчи «Қўлга тушмас қасоскорлар» фильми бўларди) шўронинг зуғумига, тазйиқига бош эгмайди. Улар ўзларига қўйилган айб-талончиликни рад этади, мардона туриб, «ҳақлигимизни эдан сўранглар», дейди. Қиссада, озодлик курашчиларини Қашқадарё халқи тўла қўллаб-қувватлагани ҳужжатлар асосида далолат этилади. Қамоққа олинган қасоскорларни қутқозишга бутун бошли қишлоқлар аҳолиси оёққа туради.

Қиссада ўтган асрнинг 20-йилларидаги тарихий воқелик ҳаққоний ёритилади. У шу мавзудаги тўлақонли асар сифатида яқин тарихимиз ҳақидаги билимимизни бойитиши билан аҳамият касб этади.

«Жовиздаги ёвузлик» қиссаси ҳам мустабид ҳукмронларнинг- советларнинг ўзлари қолдирган ҳужжатлар асосида тарихий ҳақиқатни очиб беришга қаратилади. Қашқа воҳаси ҳудудида ўтган асрнинг 20-йилларида юзлаб қўрбошилар, минглаб

жйгитлар босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар. Турди тўқсоба, Тангри Берди додҳо, Мулло Абдурозиқ Хўжанди ўғли каби қўрбошилар айниқса қизил армия қисмларига қаттиқ зарбалар беради. Мулло Абдурозиқ қўрбошининг мард ва жасурлиги, «умумий иш» – Ватан озодлиги учун қилган жанглари Совет ҳокимиятини жуда додиратиб қўяди. Очиқ жангларда қўрбошини енга олмаган советлар тубанлик йўлига кириб, Жовизга — қўрбошининг қишлоғига ўт қўйиб, бу разилликни Мулло Абдурозиққа тўнкайди. Мулло Абдурозиқ устидан ўтказилган судда гувоҳлар бу уйдирмани фаш этсалар-да, қаттол ҳокимият қўрбошини ўлимга ҳукм қилади.

Илғор қарашли, халқ хизматида бўлиб келган руҳонийлар ҳеч бир гуноҳсиз қизил салтанат қурбонларига айланган эди. «Қизил жаҳолат» қиссида улардан бири, Қашқа воҳасида таниқли кишилардан бўлган, нуроний зот Мукаррамхон бошига тушган кўргуликлар архив манбалари асосида талқин этилади.

Учала қиссани ҳам бефарқ ўқиб бўлмайди. Мустақиллик юртимизга асл қадриятларни қайтарди, элимизда таниқли бўлган, шунингдек, юрт озодлиги курашига ҳисса қўшган оддий инсонларнинг ҳам исми шарифларини тиклаш имконини яратди. Шу нуқтаи назардан, учала ҳужжатли қисса мавзу, услуб, талқин эътибори билан алоҳида аҳамият касб этганидек, яқин тарихий воқеликнинг ҳаққоний манзарасини ифода этиш хусусияти билан бадиий адабиётимиз мундарижасида ўзига хос ўрин тутди.

Нарзулла РАВШАНОВ,  
журналист.

Қўрбоши Турди тўқсоба<sup>1</sup> 1921 йил баҳорида Майманоғ тоғига чиқиб, советларга қарши курашга қасамёд қилган пайт атрофида қирқ чоғли жигити бор эди. Унинг овозаси Косондан ўтиб, Жейнов, Касби, Қамашаи, Қарши, Дашти Файзобод томонларга тарқалди. Шу қасамёддан кейин кўп ўтмай, бирин-кетин Майманоғ тоғида Баҳромбойвачча, Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, мулло Жума, Жума қоравулбеги, Шерқул, Чори Ясовулбоши, Саидхўжалар ҳам «босқинчи кофирларга» қарши ғазоват эълон қилди. 1921 йил ўрталарига келиб, Қашқа воҳасининг қуйи қисмида мустабид тузумга қарши боболаридан қолган шопларни тақиб, от шайлаган жигитлар сони кундан-кунга кўпая бошлади. Косон ёнидаги Арабхона қишлоғи шу вақтда қасоскорлар чорраҳасига айланиб улгурган эди. Турди тўқсоба шу мавзедан бўлгани учун унга қўшилиб, советларга қарши жанг қилишга келаётганлар аввал шу қишлоққа тушиб, йўл-йўриқ олардилар. Кундан-кунга Турди тўқсоба бошлиқ мустабидларга қарши курашувчи гуруҳлар катта кучга айлана бораётган эди.

1921 йилнинг охирларига келиб, Косон туманида совет ҳокимиятига қарши курашга отланганлар сони мингдан ошиб кетгани Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1925-1926 йил би-

---

<sup>1</sup> Қисса Қашқадарё вилоят Давлат архиви 83 ва 183-жамгармалари 1-рўйхат, 12, 14-жилдлари асосида яратилди.



ринчи ярми ҳисоботида қайд этиб ўтилади. 1922 йилда эса Косонда вужудга келган миллий озодлик ҳаракати бениҳоя даражада кучайиб кетади. Тумандаги барча совет аппарати, маориф ходимлари ёппасига советлардан юз ўгириб, унга қарши кураш йўлига ўтади. Турди тўқсоба бу даврда мустабид тузумга қарши кураш яловбардорига айланади. Вилоятнинг қуйи ҳудудларида ҳаракатланаётган катта-кичик барча қўрбошилар унинг итоатида бўлиб, маслаҳати билан иш тутадилар.

Тўқсоба «советлаштириш» жонли бўлган қишлоқлардаги инқилобий қўмиталарни-ревкомларни, уларнинг ҳимоячилари – қизил аскарлар қисмларини, милиция бўлинмаларини мағлуб этиб, амирлик даври маъмуриятини тиклаш пайида бўлар эди. Косонда бир қанча вақт бунга деярли муваффақ бўлинади. 1923 йилга келиб Турди тўқсоба биринкетин Касби, Қамаша, Жейнов, Азизобод (Айзобод), Булуч каби қишлоқларни ҳам ўз тобеълиғига олишга эришади. Хусусан, 1923 йилнинг 26-июлида Қамаша қишлоғидан қизил армия қисмлари чиқариб юборилади ва мазкур мавзе унинг томонидан эгалланади. Қизил армия қўшимча кучлар билан фақатгина орадан беш кун ўтиб, Қамашада совет ҳокимиятини қайта тиклашга эришади. Шу даврдан бошлаб Турди тўқсоба қизил салтанатнинг энг хавфли душмани саналиб, бутун куч ва қурол унга қарши қаратилади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, қизил армиянинг 13-ўқчи корпуси, БСБнинг<sup>1</sup> махсус гуруҳлари, милиция, босмачиликка қарши кураш бўлими «кўнгилли» кучлари олдига биринчи навбатда Турди тўқсобани орадан кўтариш жанговар топшириғи қўйилади.

---

<sup>1</sup>БСБ – Бош сиёсий бошқарма (ГПУ).

Катта ов мавсуми бошланади. Юзма-юз жангларда айтарли натижаларга эриша олмаётган большевиклар кучлари, БСБ қиёфасида озодлик курашчилари ўртасига нифоқ солиш, гуруҳларни ичдан пароканда қилиш, «босмачилар»ни оғдириб олиш учун ташвиқотлар юритиш, қариндош-урувларини, хотин, бола-чақаларини қамаш, ўзларини алоҳида-алоҳида тутиб олиш каби қабих йўлга ҳам ўтади. Тарихдан маълумки, эгри қадам мақсадга тезроқ олиб боради. Қурол қила олмаган ишни шўро ҳийла-найранг усуллари беками-қўст адо этади. Амал ва ерли-сувли бўлиш ваъдасига учган жигитлар (уларнинг баъзи бирларида иккиланиш, кўрқув ваҳимаси ҳам йўқ эмасди), имкон бўлди дегунча, совет томонига ўтишга, ихтиёрий таслим бўлишга қадар борар эдилар. 1924 йилнинг кузига келиб, БСБ қилган ҳаракатлар ўз ҳосилани бера бошлайди. Турди тўқсоба ва бошқа кўрбошилар жигитларидан ихтиёрий таслим бўлиб, бош эгиб келувчилар бўлганидек, қўлга туширилган, тутиб олинганлар сони ҳам орта боради.

БСБ босмачиликка қарши кураш бўлимининг Беҳбудий (Қарши) шаҳри махсус пункти масъул ходими Мазальский айни шу иш билан оғдириш, тутиш билан шуғулланар эди. Қочоқлардан бири Зиёмиддин Боймуродов бўлган. Зиёмиддин Боймуродов Косоннинг Қуйитурган ариқ қишлоғида туғилган, 24 ёшли деҳқон киши эди. У Турди тўқсоба лашкари сафидан 1924 йилнинг 16 март куни қочади. Орадан олти ойлар чамаси вақт ўтиб, Мазальский уни гувоҳлик беришга чақиради. Бунинг сабаби шу бўлганки, 24-йилнинг сентябрига келиб, Турди тўқсобага даҳадор «лаққа балиқ»лардан бир нечтаси тўрга тушиб қолади. Улардан бири - гуруҳ таъминотчиси деб ҳисобланган Баҳри Жўра ўғли - «Кўри Баҳри» лақабли

киши эди. Мазальский узункулоқлари қишлоқма-қишлоқ изғиб, маълумотлар тўпларди. Бирон гай-ритабий хатти-ҳаракат уларнинг назаридан чет-да қолмасди.

Зиёмиддин Боймуродов Кўри Баҳри ҳақида билганларини тўкиб солиши лозим эди. 1924 йил 7 сентябрда у шундай гувоҳлик беради: «косон-лик фуқаро Кўри Баҳрини яхши танийман. У Турди тўқсоба гуруҳида тез-тез бўлиб туради, баъзан 24 кунлаб қўрбоши ёнида қолади. Ҳар сафар келганида 100-150 тадан патрон, ўқ-дорини муҳайя қилади. Уни ўзим уч марта – Қандиқ, Оқтепа, Қора Хитой қишлоқларида ўқ-дори олиб келганида кўрган эдим. Шу йил март ойида Кўри Баҳри Қандиқ қишлоғида Турди тўқсобага 2 та револвир тақдим этган эди. Бир сафар, мен билан яна уч жигит қўрбоши Баҳромбой (Турди тўқсоба сардорларидан – П.Р.) буйруғи билан март ойида Косонга бориб, Тошпўлат тарозидор деган кишиникига тушдик. Кўп ўтмай ёнимизга Кўри Баҳри етиб келди ва ўрисларнинг қўшинлари қаерда жойлашганлиги хабарини берди. Аҳолидан йиғилган кийим-кечакларни ҳам бизга топширди».

Зиёмиддин Боймуродов ипсиз боғланган эди. Мазальскийнинг қоши қовоғи унинг тақдирини ҳал этарди. Кўрсатма берганидан кейин қамалиб қолишдан хавотирга тушиб, узоқ вақт мунғайиб ўтирди.

## 2

Баҳромбойвачча танти қўрбошилардан эди. Турди тўқсоба унинг мард, жасур жигит эканлигини жангларда неча бор кузатиб, ундан кўнгли тўлган ва кўп ўтмай, қирқ жигитга бош қилган

эди. Олатўн қишлоғида қизил армия қисмлари билан бўлган жангда Баҳромбойвачча ўз жигитлари билан ғалаба қучган, қанча отлар, қурооларни ўлжа қилиб олган эди. Унинг қўри ичига ҳам совуқ ел оралай бошлайди. 24-йилда советларнинг Косон, Касби ҳудудларида ҳарбий кучни кўпайтирганлиги, жанг пайтларида пулемётларнинг «сайрай» бошлагани оддий милтиқдан ўзга кучли қуроли бўлмаган озодлик курашчиларини шошириб қўяди. «Ўрислар зўр, улар ҳокимият, уларга қарши туриш бефойда» деган гап-сўзлар оёқлаб, аввал шашт билан чиққан, вақт ўтиши билан қийинчиликлар олдида ҳовури сўнган баъзи жигитлар шубҳа исканжасида қолган эдилар.

24-йилнинг 6 июни куни Баҳром Зубайдулла ўғли қўрбоши Баҳромбойвачча қўналғасидан бир илож қилиб қочади. У қишлоқдоши Зиёмиддин Боймуродовнинг жигитликдан кетиб, олти ойдирки, Қуйитурган ариқда бамайлихотир юрганини, советлар унинг бир мўйини ҳам узиб олганини эшитиб, шу ишга журъат қилган эди. Мана, қочганидан бери уч ой ўтди, унинг ҳам мушугини пишт дейдиган кимса бўлмади... У бу ҳақда ўйла-масликка ҳаракат қилса-да, юрагининг қаърида хавотирми, нимадир гимирлар, тунлар уйқусида ҳаловат йўқ, кунлар остона ҳатлаб эшикка чиқмасди. Бир томони советлар ушлаб кетишидан қўрқса, яна бир ҳадиги собиқ қуроолдош, қўрдошларидан эди.

Охири, кўнглидан кечгани бўлди. 1924 йилнинг 7 сентябри куни уни Косонга олиб кетишди. Белидаги энлик камарига офтобадай тўппонча осиб олган Мазальский уни кўриб: «Басмач, отвечать будеш?» – деди. Тилмоч гапни таржима қилди. Ичидан зил кетган Баҳром Зубайдуллаев беихтиёр бошини пастга-юқорига қимирлатиб, ризолик

аломатни қилди. У эндигина 22 ёшга кираётган, Шўронинг «катта бошларига» биринчи бор дуч келиб турган эди.

Савол Кўри Баҳри ҳақида бўлди. «Кўри Баҳри, косонлик фуқаро, уни яхши танийман, – деди у ҳаяжонини босолмай, – у Турди тўқсоба ва Баҳромбойваччаларнинг агенти бўлади. Кўри Баҳри косонлик фуқаро Тошпўлат тарозидор билан бирга кўрбошиларга кўмак беради. Ҳар 3-4 кунда у Турди тўқсоба ва Баҳромбойваччалар олдига келиб туради. Ҳар келганида уларга 100-200 патрон беради. Буни мен уч марта кўрганман. Бундан ташқари, Кўри Баҳри ўрис қўшинлари ҳақида 30 марта маълумот етказган. Мен 1923 йилда Тошпўлат тарозидорда ишлаган эдим. Уларнинг кўрбошилар билан алоқасини биламан. Тошпўлат тарозидор 1923 йилнинг қишида мени Турди тўқсоба тўдасига мажбуран жигит қилиб юборган эди. Патронларни Тошпўлат тарозидор топар эди ва уларни Кўри Баҳри кўрбошиларга етказиб турарди».

Мазальский тилмочга қараб, «етар», деди. Баҳром Зубайдуллаевнинг рангида ранг қолмаган эди. Тилмоч унга, «чиқ» дегач, боши айланиб, кўз олди қоронғи бўлиб кетди. Эшик томон аранг юрдида, ташқарига чиқиб, зўрға нафасини ростлади.

### 3

Турди тўқсоба Амударё бўйларига, Бурдоликқа қадар бориб, қизил қўшин қисмлари билан жанглар қилган эди. Шундай тўқнашувлардан бирида Бурдолик кўнгилли милицияси Тўқсобанинг жигитларидан бўлган Тилакмурод Насриддин ўғлини асирга олади. Тилакмурод Косоннинг Нартибаланд мавзесидан бўлиб, 21 ёшга кирган эди. Ҳамма

гап унинг советлар қўлига тушишидан бошланган, гуруҳдар ҳақидаги сирларга калит у орқали топилган эди.

1924 йилнинг 10 июли куни банди қилинган Тилакмурод Насриддин ўғли Косонга, ўтдай ловуллаб турган Мазальский ҳузурига келтирилади. Бош сиёсий бошқарманинг Беҳбудий (Қарши) махсус пункти бошлиғи бирданига уни саволга тутди:

**Савол:** – Турди тўқсоба тўдасининг жосуси қим?

**Жавоб:** – Косонлик фуқаро Тошпўлат. У тўрт марта Турди тўқсобага ўқ-дори келтирган эди. Ҳар сафар 400-500 дона патрон олиб келган. у ўрис қўшинларининг ҳар бир ҳаракати ҳақида Турди тўқсобага хабар етказиб турган. Косонлик фуқаро Кўри Баҳри ҳам Тошпўлат билан бирга Турди тўқсобага тўрт марта патронлар олиб борган, маълумотлар етказиб турган.

Мазальский ишораси билан оёқ-қўли боғланган асирни олиб чиқиб кетдилар. Унинг энди кераги қолмаган эди...

#### 4

Советлар ўзи қиришдан ташқари ўз-ўзини қирғин қилишга, сотишга, хиёнатга ҳам кенг йўл очган эди. Миллатнинг синфларга ажратилиши, бойларга лаънат, йўқсилларга «рағбат» кўрсатилиши замонлар оша тинч-тотув, аҳил яшаб келган қишлоқларни бир-бирига қарши икки қутбга бўлиб ташлаган эди. Шўро мафкураси йилдан-йилга кучайиб бораётган, унинг адовларига учаётганлар ҳам пайдо бўла бошлаган эди.

1924 йилнинг 7 сентябри куни Беҳбудий босмачиларга қарши кураш махсус пунктига пўлотилик 33 ёшли Хушмурод Келдиёров келади. У Тур-



ди тўқсоба ва унинг жигитлари ҳақида қулоғини динг қилиб турган Мазальскийга шундай маълумот беради:

«Ҳамдам Маҳкамов ва Абдуназар Маҳмарасуловларни яхши танийман. Бир йилдирки улар иккиси Чори ясовулбоши тўдасида хизмат қиладди. Олти ой олдин улар тўдага жигит сифатида қабул қилинди, ҳар иккаласининг ҳам милятиги бор, туман қишлоқларига чиқиб, талончилик қиладилар, аҳолини ўлдирадилар. Бундан уч ой аввал отамнинг уйига Чори ясовул ўн бир босмачи тўдаси билан келиб, бизни боғлаб калтаклади. Отамни ўзлари билан олиб кетиб, отиб ташлаганлар. Уйимизга келган босмачилардан Гувалак қишлоғидан бўлган Ҳамдам, Абдуназар, Абдураҳмонларни, Абдураҳмоннинг укаси Содиқни танидим. Ҳамдам билан Абдуназарлар қўлингизга тушган, қолганлари яшириниб юрибди».

Шу кунни худди шу мазмундаги хабарни пўлатилик 25 ёшли Доноқул Рустамов ҳам беради: «Ҳамдам Маҳкамов ва Абдуназар Маҳмарасуловларни яхши танийман. Улар 10 ой олдин босмачилар билан алоқа боғлаган, 6 ойдирки, иккаласи ҳам Чори ясовулбоши жигитлари, улар қишлоқларни талаб, одам ўлдирганлар. 3 ой бурун уйимга Чори ясовулбошининг қуроланган 3 одами келиб, отимни тортиб олиб кетди. Улар орасида Ҳамдамни таниб қолдим».

Иш шу тариқа кундан-кунга маддалаб борар эди. Воқеалар ривожини Қашқадарё вилоят Давлат архивида сақланиб қолган ҳужжатлар асосида баён қилишда давом этамиз.

1924 йилнинг 24 сентябри куни Мазальский Пўлоти кентига қарашли Команди қишлоғидан бўлган 44 ёшли деҳқон Ҳайдарқул Қиличевни гувадаклик Содиқ Жонқувват ўғли иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилади.

«Гувалак қишлоғидан бўлган Содиқ ва мулло Абдурахмонни яхши биламан, – дейди у терговчига, – бир йилдирки, Содиқ ва мулло Абдурахмон Турди тўқсобанинг агентлари бўлганлар. Улар қишлоқма-қишлоқ юриб, ўрис қўшинларининг ҳаракати ҳақида маълумотлар тўплайдилар, бу маълумотларни тўдаларга ўзлари етказиб турганлар. Содиқ билан мулло Абдурахмонни кига кўрбоши Саидхўжа кўп марта келган эди. Турди тўқсоба жигитлари ҳам уларни кига келиб турарди. Уларнинг топшириғи билан Содиқ билан мулло Абдурахмон Пўлоти кентидан Турди тўқсоба учун солиқ йиққан эди. Команди қишлоғининг оқсоқоли Раҳмат солиқ йиғиб беришдан бош тортганда, Содиқ билан мулло Абдурахмон бу ҳақда Турди тўқсобага хабар етказадилар. Раҳмат оқсоқол Тўқсоба томонидан отиб ташланади».

Ҳайдарқул Қиличев кўрсатмаси ипидан-игна-сигача ёзиб олинди. Терговчи у берган маълумотдан қониқиш ҳосил қилиб, тилмочга қараб, «бас», дегандек имо қилди.

Кўри Баҳри шахси БСБда катта қизиқишлар боиси бўлаётган эди. Шу сабабдан БСБ Бехбудий махсус пункти бошлиғи Мазальский 1924 йилнинг 17-мартида советларга ихтиёрий таслим бўлган Косоннинг Қуйитурган ариқ қишлоғидан бўлган

21 ёшли Муфтулло Мавлоновни гувоҳ тариқасида чақириб, сўроқ қилади. Муфтулло Мавлонов ҳам Турди тўқсобанинг жигитларидан бўлган эди. У Кўри Баҳри ҳақида маълумот бериб, уни «Турди тўқсобанинг сайёр жосуси», дейди. Кўрсатмасида Муфтулло Мавлонов Кўри Баҳрининг Косон тумани бўйлаб юриши, ҳамма соҳада маълумот тўплаши, уларни кўрбоши Турди тўқсобага етказиб туриши ҳақида гапиради. Айни вақтда, Турди тўқсоба, Баҳромбойваччаларга 100-200 дондан патронлар етказиб туриш ҳам гувоҳнинг шаҳодатидан четда қолмайди. Муфтулло Мавлонов икки марта Кўри Баҳрининг кўрбошиларга ўқдорилар олиб келганлигини айтади.

Муфтулло Мавлоновнинг гувоҳлигидаги бир янги гап Баҳромбойваччанинг укаси Нарзулла ҳақида. У Нарзулланинг «Косонга, Кўри Баҳри олдига бир неча марта келганлигини, ҳар борганида милтиқларга ўқ-дори ва бошқа маълумотлар билан қайтганлигини» зикр этади.

Гувоҳлар берган маълумотлар Турди тўқсоба, у билан баҳамжиҳат ҳаракатланган Баҳромбойвачча кўрбошилар ҳақида тасаввурни тўлдиришга хизмат қилади. Чунки ҳозирга қадар Қашқа воҳасининг қуйи ҳудудларида советларга қарши кураш олиб борган Турди тўқсоба, Баҳромбойвачча, Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, Чори ясовулбоши, мулло Жума, Жума қоравулбеги каби кўрбошилар ҳақида уларнинг исми шарифидан бўлак нарса билмас эдик. Албатта, гувоҳлар кўрсатмалари «ба табъи хон» андозасида амалга оширилган, уларга танқидий асосда, холис ёндашиш тақозо этилади. Кўри Баҳри ҳақидаги кўрсатмалар бир-бирига таққослангудек бўлса, ҳаммаси сув томчиларидек бир-бирига ўхшашлиги аён бўлади. Мазальский ҳаракатини кузатиб, гувоҳлар ва

«айбдорлар» билан қилган савол-жавобларини тинглашда давом этайлик. Бу шунчаки суҳбатлар эмас, кечаги тарихимизни ойдинлаштирадиган, тўлдирадиган, унга аниқликлар киритадиган далилий лавҳалар. Майли, шаҳодат кўрсатмалари БСБ ҳоҳишига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлса ҳам. Зукко ўқувчи сомон билан донни ажрата олиши шубҳадан холидир.

## 7

1924 йилнинг саратони Ҳамдам Маҳкам ўғли учун хосиятсиз келган эди. Шу йил июль ойи бошларида уни Пўлоти қишлоғида жойлашган қизил армиянинг 13-ўқчи полки қисмлари қўлга туширган эди. Пўлоти қишлоғи яқинида банди бўлган Ҳамдам Маҳкам ўғли қамаб ташланган, унинг устидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётган эди.

Косонда танда қўйиб олган Мазальский бош эгиб келган собиқ жигитларни сўроқ қилар экан, қўрбошиларнинг ҳарбий кучини, қуроғлар миқдорини билишга аҳамият берар эди. Кўрсатмалар, берилган маълумотлар асосида қўрбошилар, уларнинг таниқли жигитлари, алоқачилари, таъминотчилари изидан тушилар, қишлоқлар, уйлар назорат остига олинарди. Жанг майдонидан кўра жигитларни ортидан таъқиб қилиб, қопқонга тушириш осон эди. Улар ҳам хом сут эмган бандалар, онда-сонда қишлоққа, бола-чақалари олдига келиб-кетишлари бор. Тузоққа туширишнинг пойлаш, пистирма қўйиш йўли камдан-кам вақтлардагина панд берарди...

Косоннинг Дарча қишлоғидан бўлган Хушвақт Қудрат ўғли Турди тўқсоба гуруҳида бир кунгина бўлиб, қочиб келган эди. 22 ёшли бу йигитнинг

бирова билиб, кўплар билмайдиган бу қилмиши ҳам БСБ (ГПУ) назаридан четда қолмайди. Чекка бир қишлоқдаги босиладиган ҳар қадамдан хабар топадиган БСБ узунқулоқларининг изғишига, ҳозир у нозирлигига ҳайрон қолмаслик иложи йўқ, уларнинг топқирлиги билан Хушвақт Қудрат ўғлини ҳам 1924 йилнинг 13 июлида оёғини ерга теккизмай Косонга, Мазальский хузурига олиб келадилар.

– Ҳамдам Маҳкам ўғли ҳақида нима биласан, дейди БСБ ходими рўпарасида дилдираб турган бир кунлик «босмачи»га, – тўғриси айт, бўлмаса, Ардомда кунингни кўрасан.

– Ҳамдам Маҳкам ўғлини танийман, – жавоб қилади йиғламоқдан бери бўлиб Хушвақт Қудрат ўғли, – у Пўлоти кентига қарашли Сайёд қишлоғидан бўлади. Бир йилдан буён Ҳамдам Маҳкам ўғли босмачилар билан бирга. Кундуз кунлари қариндоши Комил чўлоқ деганникида яшириниб ётади, кечалари эса қўрбоши Чори билан туман қишлоқларини кезиб, қасд қилганларини талайдилар, ўлдирадилар. Комил чўлоқнинг ўғли Равшан ҳам Ҳамдам билан босмачиларга хизмат қилади, у ҳам кундуз кунлари яшириниб юради.

Мазальский унинг охири гапидан мамнун бўлганини яшириб ўтирмади. Тилмочга қараб, «чакки эмас, буни юзма-юз қилсак бўлади», деди. Калава узайгани сари чийралиб борар эди.

## 8

Пастаккина хонага Ҳамдам Маҳкам ўғлини соқчилар қуршаб олиб келдилар. Унинг оёқ-қўлларига занжир боғланган эди. Маҳбуслик эзиб қўйганлиги эгилган қоматидан мана-ман деб кўриниб

турарди. Мазальский унга еб қўйгудай бўлиб тикилди-да:

– Қаршингда ўтирган одамни танийсанми? – деди дағал овозда. Тилмоч унинг сўзларини таржима қилди. Ҳамдам Маҳкам ўғли шошимай:

«Яхши танийман, бу Чори тўдасининг жигити Хушвақт Қудрат ўғли бўлади. У Чори тўдасида тўрт ой бўлган, – деб жавоб қилди.

Мазальский таржимани эшитиб, Хушвақт Қудрат ўғлига шубҳали қаради, «босмачиликда бир кун бўлганман деган эди, бу аблаҳларга ишониб бўлмайди» деган фикр хаёлидан кечди. Зарда билан Хушвақтга қараб:

– Сен-чи, рўпарангда ўтирган кимлигини биласанми? – деди.

Хушвақт сўроқчининг авзойи ўзгарганидан ранг-қути ўчиб:

– Биламан, бу Чори тўдасида бир йилдан кўп хизмат қилган Ҳамдам бўлади, – деди.

Пихини ёрган Мазальский бир-бирига қарши гувоҳлик бераётган собиқ жигитларнинг кўрсатмаларини яна бир марта тасдиқлатиб олгач, хотиржам тортди. «Ўз гўштини ўзига едириш – яхши усул, – ичдан мамнун бўлиб ўйлади тулрак яҳудий, – ортиқ овора бўлмайсан, уриб мажруҳ қилмайсан, бир-бирини еб, сотиб, сир-асрорини қолдирмайдиган қилишга ихтиёрий мажбур этади. Ҳа-ҳа, ихтиёрий мажбур этади».

Турди тўқсоба ва у билан бирга ҳаракатланаётган қўрбошилар гуруҳларидан қўлга тушган, таслим бўлган собиқ жигитларнинг кўпи Мазальский ҳузурида тўтига айланар эди. Ҳарбий давр сўроқ тизими гунг қаргани ҳам сайратар эди.



Оброн қишлоғидан бўлган Ҳамро Жўра ўғли куз тунларидан бирида, иложини топди-да, Турди тўқсоба қўналғасидан қочди. 1924 йилнинг сентябри охирларида у Косонга, махсус ҳарбий пунктга бош эгиб кириб келди. Унинг ҳақида БСБ Бехбудий бўлими етарли маълумотга эга эди. Ҳамро Жўра ўғли ўз оёғи билан келиб, банди бўлди.

Косонга туташ бўлган Оброндан унга қарши кўрсатма берадиган гувоҳлар топиш қийин иш эмасди. 29 ёшли Ҳасан Худойберди ўғли 1924 йилнинг 28 сентябрида Мазальскийга ҳамқишлоғи Ҳамро Жўра ҳақида маълумот бериб, шундай деди:

– Обронлик Ҳамро Жўра ўғлини яхши биламан, у 1922 йилдан бери Турди тўқсоба кўрбоши хизматида бўлиб келган. Уч нилли винтовкаси ва револвири бор. У яқинда совет ҳокимиятига таслим бўлди, энди қўлида қуроли йўқ. Айтганим милтиқларини уйига яшириб қўйибди. Босмачилар билан бирга бўлганида Ҳамро Жўра ўғли Косон қишлоқларини талади, одамларни калтакади. Бошқа босмачилар билан биргаликда қишлоғимиздан Азим деганни ўлдирди.

Ҳамро Жўра ўғлини жиноятга тортиш учун шу кўрсатманинг ўзи етиб ортарди. Мазальский кифтини қисди-да, тамаки тортди. Унинг ортиқ тингашга раъйи қолмаган эди.

## 10

Эшонқул Турсун ўғли қизил аскарлар билан бўлган жангларда довюраклиги, баҳодирлиги билан доврўқ тутган эди. У жуда кучли, эпчил, моҳир чавандоз эди. Турди тўқсоба уни эҳтиётлар,

оғир муаммо туғилгандагина, отга минишга ижозат берарди. Қизил аскар қисмлари Эшонқул номини эшитса безиллар, у билан жангга киришишдан чўчиб, ортга қайтиб кетардилар. Улоқ, кўпкарида унинг олдига тушадигани йўқ, курашда доим қўли баланд, милтиқ отишда, пичоқ ишлатишда моҳир эди. Ёш бўлса-да, жанг кўрган жигитлар, сардорлар унга ҳавас қилар, унга нисбатан ҳасадни кўкайга жойлаганлар ҳам йўқ эмасди. Турди тўқсобанинг ғанимлари уни қўрбошидан айтишга эришадилар. Эшонқул 1924 йилнинг сентябри бошларида, «бор-е», деб совет ҳокимиятига таслим бўлиб келади. Ваъдалар пучга чиқади, уни командир қилиб эмас, оёқ-қўлига кишан уриб, маҳбус қилиб қўядилар. Бу жуда маҳзун ҳикоя. Унинг давоми ва тадрижини қуйироқда кўрамиз. Ҳозир эса унинг ҳақида тўпланган маълумотлар билан танишайлик.

1924 йилнинг 12 сентябри куни Мазальский Месит қишлоғидан бўлган 40 ёшли Холиқул оқсоқол Дўстмурод ўғлини Эшонқул Турсун ўғли иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилади.

– Эшонқул Кўлариқ қишлоғидан бўлади, Турди тўқсобанинг жигитларидан, – дейди оқсоқол, – у таслим бўлганидан кўп ўтмай, яна босмачиларга бориб қўшилди. Бундан бир ой олдин Эшонқул 4 босмачи билан, қуролланган ҳолда қишлоғимизга келган эди. Ўзи билан иккита байтални олиб кетди, икки уйни талади. Бу уйлар Рўзибой карвон билан Равшан Саратовга (Сатторов бўлиши ҳам мумкин – П.Р.) тегишли эди. Шундан кейин яна, бундан 25 кунча аввал қишлоғимизга 5 та қуролланган босмачи келиб, 3 от ва битта байтални тортиб олди. Молидан ажралганлар – Рўзибой, Эргаш Хўжаёр ўғли, Бекназар Холмурод ўғлидирлар. Олдинги ва кейинги талонларда биз кўла-

риқлик Эшонқулни таниб қолган эдик. Холиқул оқсоқол негадир «таниб қолган эдик», дейди. Унинг ёнида кимлар бўлган, Эшонқулни таниб қолган бошқа кишилар ҳақида негадир Мазальский ҳам сўрашга, бу дудмал тахминга аниқлик киритишга эътибор қилмаган. «Таниб қолдик» билан «таниб қолдим» жумлалари ўртасида катта тафовут бор-да.

## 11

Кўларик қишлоғи Косон туманининг Жумабозор кентига қарар эди. Қишлоқ қадимдан мард, танти одалари билан танилган, Эшонқул ҳам аждодлари феълени ўзлаштирган йигитлардан саналарди. Мазальский Холиқул оқсоқолни сўроқ қилиб, Эшонқул Турсун ўғли тўғрисида ўзи истаган жавобларни олгач, хаёл ўтказмай бандда сақланаётган сардор жигитни ҳузурига келтиради.

Навқирон, маҳбус бўлса ҳам қадди адл, ўзини дадил тутаётган Эшонқулни Мазальский «сен»лай олмади. Унинг қандайдир ҳайбати, салобати бор эди.

– Милтиқни қаердан олгансиз, нега уни топширмай, уйингизда сақладингиз? – сўради БСБ ходими.

Эшонқул Турсун ўғли тилмоч таржимасидан кейин ҳам шошилмай, жавоб берсамми-йўқми, дегандай хотижам равишда:

– Милтиқ ва пашкани, 100 та патронни ўлдирилган Шерқул қўрбошидан олган эдим. Револвир-наган ва уч нилли милтиқнинг 100 та ўрис патронини ўзим томонимдан ўлдирилган Чори ясовулбошидан олганман. Милтиқларни топширмаганим сабаби, ўлдирилган Шерқул ва Чори ясо-

вулбошилар учун қўрбоши Саидхўжа ўч олади деб ўйлаганман.

Мазальский пинагини бузмай, ёлгонни хаёлига келтирмай сўзлаётган жигитга ич-ичидан қойил қолиб ўтирарди. «Бу билан ҳар қандай жангга бирга борса бўлади», — дея кўнглидан ўтказди у. Бошқалардан сўрамаган саволни ундан сўради:

– Аҳолини талаганмисиз?

Эшонқул, тилмоч саволни ўзбекчага таржима қилгандан кейин жиддий равишда:

– Йўқ. Талон-тарож билан мен ҳеч қачон шуғулланмаганман, – деди қатъий қилиб.

Мазальскийнинг тош қотган юрагида ўзи сезмаган ҳолда қайишишми, ёки шумликми, номини айтиш қийин бўлган нимадир кечаётган эди.

– Агар қишлоқларнинг аҳолиси кечалари талон ва босқинни бошқалар билан бирга сиз қилганингизни исботласа-чи? – деди у Эшонқулга яқин келиб.

Эшонқул Турсун ўғлини жон жойидан ушладим, шу билан унинг кимлиги аён бўлади деб ўйлаганди Мазальский. Унинг кутгани бўлмади, савол қанчалик кўндаланг ва жавоб масъулиятида шу бҳага ўрин қолдирмаса-да, маҳбус жигит ўзини йўқотмади, юзида ҳам ноқулай ўзгариш содир бўлмади.

– Агар одамлар буни исбот қилсалар, мени отишларига розиман, – деди у бир муддат ўйлаб туриб.

Мазальский сукутга чўмди. Тилмоч унга кўз қирини ташлади, БСБнинг сўроқларда гапини ўтказиб келган ходими биринчи бор олишиб, майдонда сулайиб қолган хўроздай ҳолга тушаётган эди.

Турди тўқсоба жигитларидан ихтиёрий таслим бўлиб келганларни дастлабки сўраб-суриштирувлар, юзлаштирувлар поёнига етади. 13-махсус ўқчи корпус, ички ишлар халқ комиссарлиги, Бош сиёсий бошқарма, унинг махсус бўлими, Бухоро кўшинлар гуруҳининг Қарши махсус пости шуғулланган бу ишда Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Палвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ҳамро Жўра ўғли – жами 5 киши жазо тузукининг ўлим чораси кўзда тутилган 76 моддаси 1-банди билан айбланган эди. Бу ҳақда 13-махсус ўқчи корпусининг махсус пункти бошлиғи Кулаков ва БСБ ходими Ситников расмий ҳужжатни имзолаганлар. Бу ҳужжат 1924 йилнинг 8 октябрида тегишли ташкилотга 2312-рақамли алоқа хати билан жўнатилади.

Дастлабки терговни олиб борган Мазальский бундан бир кун олдин – 1924 йилнинг 7 октябрида Беҳбудий (Қарши) махсус пункти бошлиғига йўллаган 300-рақамли хатида Турди тўқсобанинг қўлга тушган жигитлари тўғрисида анча батафсил маълумотлар келтиради:

«Ушбу билан бешта босмачи жўнатилмоқда. Уларнинг учтаси:

**1.** Неъматхўжа командир (Касби қишлоғи). **2.** Саломхўжа Хусайнхўжа (Касби қишлоғи). **3.** Эшонқул Турсунов (Кўлариқ қишлоғи) – шу йил 19 сентябрда Косон гаупвахтасидан қочган эдилар. 1924 йилнинг 2 октябрида улар Касби қишлоғи ҳудудида фаол разведка гуруҳи томонидан қўлга олинди. Улардан 3 та рус винтовкаси, биттадан итальян милтиғи ва берданка, револьвер, наган тортиб олинди. **4.** Полвонхўжа Пўлатов (Касби қиш-

лоғи фуқароси), 3 ой муқаддам Касби гаупвахтасидан қочган эди, у учта бердан винтовкаси ва иккита шашка билан тутилган эди. Унинг 4 отликдан иборат ўз тўдаси бўлиб, Қарши туманида аҳолини талаш билан шуғулланган. 5. Ҳамро Жўраев Турди тўқсоба тўдаси босмачиси бўлган, ўз ихтиёри билан таслим бўлган, милтиқсиз, гувоҳларнинг айтишича, унда бундай қурол бўлмаган».

Турди тўқсоба жигитларининг ихтиёрий таслим бўлиши, уларнинг қизил армия қисмлари гаупвахтасидан қочиши кишини ўйлатиб қўяди. Совет ҳокимияти вақтида «босмачилар»га умумий авф эълон қилган ва кўп ўтмай, уни бекор қилган эди. Алданиб келган собиқ «босмачилар» қочадилар, аммо ўн-ўн бир кундан кейин қўлга олиндилар. Қисмат сўқмоқларида излар чалкашиб кетади.

### 13

Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли Касби кентининг Қоратикан қишлоғидан эди. 29 ёшга кирган, 13-ўқчи корпуснинг разведка бўлинмаси томонидан қайта қўлга олинган Полвонхўжа Мазальский сўроқларига истар-истамас жавоб қайтарар эди.

«Бундан уч ой олдин, – дейди у, – босмачи мулло Абдурасул билан Косон гаупвахтасидан қочган эдим. Гаупвахтадан қочганимдан кейин Ертепа қишлоғига келиб, Йўлдошбой деган кишининг хизматига кирдим. 13 кун уникида ишладим. Шундан кейин оддимга 3 та босмачи келди, улар Райим (Қўрғошим қишлоғидан), Бозор (Бойғунди қишлоғидан), Эргаш, Фузорнинг Керойит қишлоғидан, деганлар эдилар. Уларнинг учаласи ҳам қуролланган бўлиб, мени ўзлари билан олиб кет-



дилар. Мен улар билан бирга 9 кун турдим. 3 та берданка милтиғим ва 2 та шашкам бор эди. Мен туманда талон-тарож ва ўлдириш билан машғул бўлмаганман, фақат ҳукуматдан яшириниб юрдим. Мени Касби қишлоғида тутиб олдилар. Катта милиционер ва рефкум (ревком) раисига қуролашимни топширдим».

Полвонхўжа аниқ-тиниқ қилиб, аҳолига эмас, советларга қарши курашганлигини айтган. Тўқсоба ҳар бир жигит, ҳар бир қурол учун қаттиқ турган. Адашганлар изидан, шубҳасиз, одамларини юборган. Буни тушуниш мумкин. Советлар билан, унинг Қарши ва Косонда жамланган сони кўп қуроли кучлари билан курашиш учун шундай чоралар кўриш тақозо этилган.

#### 14

Турди тўқсоба ва унга сафдош бўлган қўрбошилар гуруҳларида элнинг довқур ўғлонлари жам бўлган эди. Улар ёш, бақувват, юрт ҳимоясига кўкракни қалқон қилган шоввозлар эди. Бухоро халқ совет республикаси Қашқа воҳасининг қуйи ҳудудларида совет ҳокимиятига қарши хавф туғдираётган озодлик кучларидан ваҳимага тушиб қолган эди. Бу ҳудудда тезлик билан қўшинлар сони кўпайтирилади, Бухородан, Самарқанддан қўшимча кучлар келтирила бошланади. Советлар БСБ қиёфасида қишлоқларда тарғибот, қўрқитиш, Турди тўқсоба ва бошқа қўрбошилар гуруҳларида бўлган жигитлар қариндош-уруғларини қамаш, улар мансуб бўлган қишлоқларда фитналар уюштириш каби қабих ишларни амалга оширади. «Босмачилар» чиққан қишлоқларда мисли босмачи тариқасида талонлар уюштириш, одамларни ўлдириш, кўз остига олинган уйларга ўт

қўйиш махсус режа асосида амалга оширилган. Сохта «қўрбоши» тайёрлаб, қишлоқлардан жигитларни жалб этиш ҳоллари ҳам бўлган. Бу билан советлар одамларнинг ким томонда эканлигини аниқламоқчи, советларга қарши кураш ҳаракатида бўлганларни йўқ қилмоқчи, энг муҳими, аҳолида «босмачилар»га нафрат уйғотишни кўзлаб иш тутганлар.

15

Қарши станциясида жойлашган 13-ўқчи корпус, Косон ва унинг қишлоқларида ўрнашган Бу-хоро кўшинлар гуруҳи, БСБнинг махсус бўлими, Қарши махсус пости, Беҳбудий (Қарши), Косон махсус ҳарбий пунктлари, БСБнинг босмачиликка қарши бўлими, милиция, кўнгилли милиция отрядларининг 1924 йил июль-октябрь ойлари давомида «босмачилар»га қарши ўтказган тезкор тадбирлари айтарли натижа бермаган эди. Тарғиботлар, ваъдалар ҳам иш бермаган, шўро алдовларига ўчганлар бармоқ билан санарли бўлган эди. Жигитлардан айримлар ихтиёрий таслим бўлиб келиб, тўрға тушиб қолган, кимлардир жанг майдонида асирга олинган. 1924 йилнинг июль-октябрь ойларига тааллуқли қамоққа олиш варақлари билан танишини юқоридаги фикрга келишга ундайди. Хужжатларда қайд этилган, қамоққа олинган жигитлар қуйидагилар эди:

**Ҳамдам Маҳкамов.** 1906 йилда туғилган, 20 ёшда, Косоннинг Шербек қишлоғидан, келиб чиқиши деҳқонлардан. 1924 йилнинг 12 июлида қамоққа олинган.

**Абдуназар Маҳмарасулов.** 1892 йилда туғилган, 34 ёшда. Косоннинг Ушоқтуба қишлоғидан, деҳқон. 1924 йил 27 июлда БСБ босмачиларга

қарши кураш бўлими Беҳбудий махсус пункти бошлиғи Мазальский томонидан қамоққа олинган.

**Баҳри Жўраев (Кўри Баҳри).** 1883 йилда туғилган, 43 ёшда, тожик, Косон шаҳрида туғилган, 1924 йил 3 августда қамалган.

**Ҳамро Жўраев.** 1900 йилда Оброн қишлоғида туғилган, 24 ёшда. 1924 йил 8-августда қамоққа олинган.

**Эшонқул Турсунов.** 1907 йилда Қарши туманига қарашли Кўларик қишлоғида туғилган, 19 ёшда. 1924 йил 8 сентябрда қамоққа тушган.

**Содиқ Жонқувватов.** 1898 йилда Косон туманининг Гувалак қишлоғида туғилган, 28 ёшда, деҳқон. 1924 йил 12 сентябрь куни қамалган.

**Полвонхўжа Пўлатхўжаев.** 1903 йилда Касби қишлоғида туғилган, 23 ёшда, деҳқон. 1924 йил 27 сентябрда қамоққа олинган.

**Мулло Абдураҳмон Очилов.** 1891 йилда Гувалак қишлоғида туғилган, 35 ёшда, деҳқон. 1924 йил 12 сентябрь куни қамалган.

**Неъматхўжа Умархўжаев.** 1903 йилда Косон тумани Равот қишлоғида туғилган, 23 ёшда, ўзбек, хўжалардан. 1924 йил 2 октябрь куни ҳибсга олинган.

**Саломхўжа Ҳусайнхўжаев.** 1901 йилда Касби қишлоғида туғилган, 25 ёшда. Ўзбек, хўжалардан. 1924 йил 2 октябрь куни қамоққа олинган.

13-ўқчи корпус томонидан қамоққа олинган бу жигитлар қисмати 24-йилнинг кузида тобора қаҳратонга эврилиб борарди.

13-ўқчи корпус тарқибида БСБнинг махсус бўлими мавжуд эди. Қўлга тушириш, қопқонга илинтириш, жазога мустаҳиқ этиш билан айнан

шу қаттол махсус бўлим шуғулланарди. 1924 йилнинг 12 октябрда Янги Бухорода (Когон – П.Р.) жойлашган 13-ўқчи корпус БСБ бош махсус бўлими ходими Лагодюк ҳибсда сақланаётган жигитлар иши юзасидан қарор қабул қилади. Унинг матнини келтирамиз:

### **ҚАРОР**

**1924 йилнинг Янги Бухоро.**  
**12 октябри кунини. 13-ўқчи корпус.**

Мен, 13-ўқчи корпус БСБ бош махсус бўлими ходими Лагодюк, Бехбудий махсус пунктдан 24-йилнинг 8-октябрида 2311 ва 2312-рақамлари билан фуқаролар:

**1.** Кўри Баҳри Жўраев. **2.** Абдуназар Маҳмарасулов. **3.** Мулла Абдурахмон Очиллов. **4.** Ҳамдам Маҳкамов. **5.** Содик Жонқувватов. **6.** Неъматхўжа Умархўжаев. **7.** Саломхўжа Ҳусайнхўжаев. **8.** Эшонқул Турсунов. **9.** Полвонхўжа Пўлатхўжаев. **10.** Ҳамро Жўраевлар устидан тушган суриштирув материалларини кўриб чиқиб, улар жазо тузукининг 76-моддаси 1 ва 2-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни қилишда айбдор деб топилшини ва мазкурларнинг иши Бухоро халқ совет республикаси ҳарбий трибунали томонидан тергов ва суд қилинишини (СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 0153 (108) (3) циркуляр буйруғи) эътиборга олиб, мазкур циркулярга асослашиб,

### **ҚАРОР ҚИЛДИМ:**

Ишни рўйхатдан ўтказган ҳолда, уни ўз ихтиёрига олмасдан, номлари юқорида зикр этилган шахслар билан бирга тергов материалларини Бу-

хоро халқ совет республика ҳарбий трибуналига ўтказилсин.

Қарор нусхаси 13-ўқчи корпус ҳарбий прокурорига берилсин.

**Тергов бўйича масъул**  
**«Тасдиқлайман» – 13-ўқчи**  
**корпус қўмондони**

**Лагодюк.**  
**Путовский.**

Иш жиддий тус олмакда эди. Лагодюк пашшадан фил ясаб, маҳкумларни ҳарбий трибунаал ўпқонига ташламоқни ихтиёр қилган эди.

## 17

Халойиқ кўз ўнгида содир бўлаётган ноҳақликлар эътирозларга боис бўлмай қолмасди. Одамлар совет ҳокимиятининг ўз ташвиқотларига, ваъдаларига амалда зид иш қилаётганидан ҳақли равишда норози бўла бошлаётган эди. Турли сабаблар билан қўлга олинган жигитларнинг авф этилмасдан қамаб ташланиши кўп гап-сўзларга, мубоҳасаларга сабаб бўлади. Касби қишлоғидан советларга таслим бўлган Нейматхўжа Умархўжа ўғли ва Саломхўжа Хусайнхўжа ўғилларининг қамоққа олиниши қишлоқ аҳолисини оёққа тургазади. Кайвонилар, гапга етарман таниқли, обрўли кишилар, оқсоқоллар совет ташкилотларига арз қилиб, улар ҳимоясига отланадилар. «Маъруза» матни шундай:

**Қашқадарё музофоти сайёр шўъбасига**  
**маъруза.**

Ушбу билан Касби кенти умумий деҳқон, меҳнаткаш фуқаролар тарафидан маъруза (докладнома) тақдим қилинадурким, 2 октябрга Касби

кенти Косон тумани Осуб ада (особый отдел – махсус бўлим), иккинчи Эрнакул дегувчилар 8 нафар киши бўлуб, Касби кентига боруб эрдилар. Мазкур Неъматхўжа Умархўжа ўғли, иккинчи Саломхўжа Хусайнхўжа ўғлини сўраганларида, мазкур Неъматхўжа, Саломхўжалар ўз хешлари илан келуб, Касби ижроияси (ижроия қўмита) мазкур Саттор элбегилар, Қамашидан Матлаб Иқбол, иккинчи Ота Иқбол, Хитойдин (Хитой қишлоғи) Муҳаммаднийез ва яна неча киши Касбида бирликда турганда, келуб таслим бўлуб, от-қуроладини бериб, мазкур Саттор элбегилар илан бирликда қўшилуб туманга боруб Осуб аддан мандат (авф ҳақида – П.Р.) олиб келурмиз деб боруб эрдилар. Ҳозирда мазкурларни арастон қилуб вилоятга юборгандурлар. Шуни учун сиз муҳтарамга ариза беруб, умид, илтимос қилурмизким, мазкур ҳақиқатни бизлардан сўраб, тегишли жойидан чора кўруб, бизларга кафолатга берсалар. Мазкурлар хиёнат қилса, бизлар кафилдурмиз, деб ариза бергувчи Касби кенти умумий фуқаролари:

**Мулло Абдунабибой**

**Мулло Раҳматуллохўжа...**

**жами 27 муҳр, 100 яқин бармоқ босилган.**

## 18

13-ўқчи корпус ҳузуридаги БСБ махсус бўлими 10 маҳбус ҳақида тайёрлаган жиноий иш 90-рақам остида юритилади. 1924 йилнинг 25 октябрида БСБ Қашқадарё округ бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Алексеенко 705-сонли алоқа хати билан 90-жиноий ишни Қашқадарё округ прокурорига, унинг томонидан қабул қилиниши учун юборади. Лагодюкнинг ҳарбий трибунал гоёси нима учундир амалга ошмай қолади. Шу

ўринда Алексеенко билан унинг котиби Эйнвальд имзолаган «Акт» билан танишиш жоиздир. «Акт»-да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Беҳбудий шаҳри. 1924 йилнинг 25 октябр куни. Биз, тубанда имзо чекувчи БСБ Қашқадарё округи бўлими бошлиғи в.б. ўртоқ Алексеенко ва котиб Эйнвальд шу куни 13-ўқчи корпус махсус пунктдан 1924 йил 20 октябрда 2399-рақамли алоқа хати билан юборилган, 10 та фуқарони ЖТ 76 моддаси, 1-2 қисми билан айбловчи 90-сонли (маҳбуслар) ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни топдик:

**1.** Иш шу ҳолича ҳеч нарсани англамайди, жидданмаган, расмийлаштирилмаган.

**2. Қуйида зикр этиладиган:** **1.** Неъматхўжа Умархўжаев. **2.** Саломхўжа Ҳусайнхўжаевлар шу йил 2-октябрдан. **3.** Баҳри Жўраев – 3 августдан. **4.** Ҳамро Жўраев – 8 августдан. **5.** Полвонхўжа Пўлатхўжаев – 27 сентябрдан. **6.** Эшонқул Турсунов – 8 сентябрдан. **7.** Содик Жонқувватов – 12 сентябрдан. **8.** Ҳамдам Маҳкамов – 12 июлдан. **9.** Мулло Абдурахмон Очилов – 12 сентябрдан. **10.** Абдуназар Маҳмарасулов – 27 июлдан буён қамоқда сақланиб келинмоқда.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларнинг ҳаммаси 13-ўқчи корпуснинг босмачиликка қарши кураши бўлими вакили Мазальский томонидан ҳибсга олинган бўлиб, ҳозирга қадар қамалиб ётибдилар. Уларнинг баъзи бирлари сўроқ қилинган, айримлари тергов ҳам қилинмаган. Бундан ташқари, ҳозирга қадар уларга айблов ҳам эълон қилинмаган, эҳтиёт чораси ҳам белгиланмаган. Ишга, шунингдек, ашъвий далил сифатида қараш мумкин бўлган 3 та уч нилли винтовка, бир италян милтиғи, битта берданка ва револьвер «на-

ган» ҳамда «Смит-Виссон» русумидаги револьвер тиркалганлиги айтилади. Зикр этилган бу қуролларнинг ҳозир қаердалиги номаълум, актни шу хусусда туздик.

Ушбу акт нусхаси Қашқадарё округ прокуро-рига Мазальский Жиноят-процессуал кодексини бузганлиги сабабли, жавобгарликка тортиш учун юборилсин.

**БСБ ВБ бошлиғи в.б.**

**Алексеевко**

**БСБ ВБ котиби**

**Эйнвальд.**

Мазальский галати одам бўлган. Унинг учун йўқни қозонда бор қилиш, бир тамаки тортишдай гап бўлган. Ҳолбуки, қурол, ростдан ҳам қўлга туширилган бўлса, унинг эгасига биргина жазо таъинланган. У олий жазо, ўлим жазоси эди. Жиноий ишда собиқ босмачилардан тортиб олингани қайд этилиб, русумлари ёзиб қўйилган 7 та қурол, маълум бўладик, таг-туғи билан йўқ экан. Қарға, ноилож, қарғанинг кўзини ўзи чўқимай, уни қарқуноққа чўқитишни афзал билган. Округ прокуро-ри ҳарбий қисмдаги БСБ махсус бўлими бошлиғи-ни жазолашга қодир эдими? Ҳамма гап шунда-да.

## 19

**Мулло Абдураҳмон Очилов.** Губалак (Гувалак) қишлоғидан бўлган бу киши ўзига тўқ деҳқонлардан эди. У «Қўшчи» иттифоқи аъзоси, оилалик, икки фарзанд отаси бўлиб, 18 таноб ери, оти, сиғири, мол-ҳоли бор эди.

1924 йилнинг 25-октябри куни у БСБ Қашқадарё вилоят бўлимида тергов қилинади. Мулло Абдураҳмон шундай кўрсатма беради:

«Икки ой олдин, қайси куни экани ёдимда йўқ, бизнинг қишлоғимизга солдатларни (қизил армия



қисми) бошлаб келишди. Менга маҳаллий рефкуми (қишлоқ шўроси раиси) узум олиб келишни буюрди. Мен узум олиб келишга кетганимда укамни (Содиқ Жонқувватов) қамоққа олишибди, қайтиб келганимда рефкум мени ҳам ҳибс қилди. Мен қамоққа олинганим сабабини сўраганимда, «сен шундай иш қилгансанки, ҳали кейинроқ кўриб чиқамиз, шунда ўзинг ҳам биласан», деб айтдилар. Шундан кейин мени Қаршига юбордилар, икки ойдан буён ўтирибман. Босмачилар билан менинг алоқам йўқ, қуролим ҳам бўлмаган...».

Мазальский узунқулоқлари берган хабар асосида Гувалак қишлоғини қизил аскарлар босиб, мулло Абдурахмон ва унинг укаси Содиқни олдларига солиб ҳайдаб кетишган эди. Гувалак қишлоғида бу воқеа юз берган 1924 йилнинг 12 сентябри кунини хотирлайдиган кишилар қолганмикан? Кўп сувлар оқиб кетди-да. Уруғ-аймоқларичи? Уларни бор деб умид қиламиз, зеро, бир хонадондан икки киши жабр тортгани унутиладиган хўраиклардан эмас.

20

Мулло Абдурахмоннинг укаси Содиқ Жонқувват ўғли 1924 йилнинг 25 октябрида БСБ вилоят бўлимида тергов қилинганда, акаси айтган гапларни такрорлайди. У фақат ревком раиси исмини кўшимча қилади:

«Бир қанча вақт, яъни, икки ойча аввал, қишлоғимизга қизил аскарлар келди. Мен бу вақтда далада, ғалла ўримида эдим. Ишлаётган жойимга рефкум раиси мулло Муҳаммади келиб, ёнига чақирди-да, «отимга мингаш», деди. Мени даладан олиб келишиб, қамоққа олдилар. Бунинг сабабини билмадим. Босмачилар деганига мутлақо

дахлим йўқ, милятигим ҳам йўқ. Қуроол акамда ҳам бўлмаган».

Ўша пайтларда бу кўрсатмага кимни ишонтириш мумкин эди? БСБ терговчиси унинг шу сўзларини сўроқномага ёзиб қўйгани ҳам катта гап эди.

«...қолдим, лекин эртасига қаршига кетдим».

## 21

1924 йилнинг 25 октябрида 10 маҳбуснинг яна бири – Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли ҳам БСБ тергов чигиригидан ўтказилади. Ўлимдан кўрқмайдиган 23 ёшли йигит дадил кўрсатма беради:

«Ўтган йили эди, ой ва куни эсимда йўқ, Косонда Хидирхўжа деган кишидан револьвер-«наган»ни тортиб олган эдим. У киши милиса бошлиғига бу ҳақда «қуроли бор» деб хабар беради. Шу бўйича қамоққа олинган эдим. Косонда уч ой сўроқ қилинмай ётдим. Бир куни имкони бўлганда, «булар мени отишни унутди», дедим-да, қочдим.

Бир кеча уйимда ётиб, эртасига Қаршига кетдим. Бир ой Ертепа қишлоғида ишладим. Босмачилар хабар топиб, мени олиб кеттилар. Улар билан бирга 8 кун турдим. Тўққизинчи куни мен улардан 3 та винтовка, 2 та шашкани олиб қочиб, Касбига келдим. Уйимда ўн бир кун яшадим, шундан сўнг милисалар келди. Мен уларга, «кўрққанимдан милятиқларни яширган эдим, уларни топшираман», дедим.

Полвонхўжада «босмачилар»дан бирваракайига 5 та қуроли олиб қочиш имконияти бўлганми? Бўлди ҳам дейлик, унда бир эмас, бир неча қуроол нега изсиз йўқолган? Саволлар кўп. Бу саволлар БСБ вилоят раҳбариди ҳам туғилган бўлса керак. Саволларга жавоб тополмай, охири, юқоридида келтирганимиз «Ақт»ни ёзган ва касбдоши,

қуроолдоши Мазальскийни жазога тортишни сўрашга мажбур бўлган, чоғи. Советларнинг, айниқса, ҳарбийларнинг маҳкумлар «айби»ни бўйнига олдириш усули Чингизхонни ҳам ҳайратга солиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмайлик.

## 22

Эшонқул Турсунов ёш бўлишига қарамай, Турди тўқсобанинг довьорак сардори сифатида доврўф тутган эди. У бош бўлган жигитлар жангларида қизил аскарларни тум-тарақай қилиб қочирар, қишлоқлардан қувиб чиқарар эди. Эшонқул қўрбоши деса, шўро милисаларининг ҳам юраги қинидан чиқарди. У нега таслим бўлиб, қамоққа тушиб қолди? БСБ вилоят бўлими бошлагги вазифасини бажарувчи Алексеенко ўзининг шу саволларига жавоб топиш мақсадида уни шахсан сўроқ қилишга киришади.

Алексеенко саволини таржима қилаётган тилмочга, «айт, ҳаммасини бир бошдан гапириб берсин», дея таъкидлади. Эшонқул саволни эшитдида, шошиламай жавоб бера бошлади:

«1924 йилнинг май ойида, кечқурун ишдан қайтиб келганимда, уйимни Шерқул қўрбоши тўрт жигити билан ўраб олди. У мени мажбурий равишда ўзига жигит қилиб олиб кетди ва менга уч нилли милтиқ ва от берди. Бир ярим ойдан кейин Тошлай қишлоғида қизил армия қисмлари билан бўлган жангда менинг отимни ўлдирдилар. Шу воқеадан кейин, эсимда йўқ, кимдир қуролимни олди, мен милтиқсиз уйимга қайтиб келдим. Уйимда 13 кун турдим. Шундан кейин қишлоғимизга яна қўрбоши Шерқул икки жигити билан келди ва мени тагин ўзи билан олиб кетмоқ-

чи бўлди. У икки жигитини бир топшириқ билан қаёққадир юбориб, бир ўзи қолганида, мен унинг милтиғини олдим-да, отиб ташладим. Шерқулнинг жасадини қудуққа ташлаб юбордим. Унинг милтиғи, револвири, шашкаси ва отини олиб Косонга бордим ва Мазальскийга топширдим. Винтовкани ўзимда олиб қолдим, лекин эртасига Мазальскийга уни ҳам топширишни, бу ҳақда гувоҳнома олишни ваъда қилдим.

Қишлоғимизга қайтиб келганимда танишим Қурбон Тораё Хожиев деган киши айтдики, мен йўқ пайтимда ортимдан Чори ясовулбошининг жигити келган ва Шерқулнинг ўлими учун мени унинг олдига олиб бормоқчи бўлган экан. Анчадан кейин билдимки, Чорининг ўзи Амиртош Раҳмонбобоевнинг уйига тушиб, шу ерда ётиб қолибди. Мен болтани олиб, унинг уйига бордим-да, Чорининг калласини узиб ташладим. Унинг отини, винтовкаси ва револвирини олиб, шу заҳоти Косонга жўнадим. Мазальскийга бўлган воқеани айтиб, олиб келган нарсаларни унга топширдим. У мени от билан тақдирлади. Қайтиб келиб, Чорининг ўлигини Шерқул ётган қудуққа ташлаб юбордим. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг ортимдан қўрбоши Саидхўжа икки жигити билан келиб, мени ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлди. Мен шу вақт милтиғимни олдим-да, унинг Гулмурод деган жигитини отиб ташладим. Унинг шашкасини олдим, буни Эшмурод оқсоқол кўрган эди. Шашкани махсус бўлимнинг тилмочига бердим, бунинг учун Мазальский менга битта винтовка ва ҳужжат қилиб берди.

Бир ҳафтадан сўнг мен Ҳасанхўжанинг уйида меҳмон бўлиб турганимда бу ерга Мазальский етиб келди-да, мендан ўзи берган винтовкани қайтаришни талаб қилди. У менинг уйимга бориб, тин-

тув ўтказди. Бу ерда у икки милтиғимни топди ва шунинг учун мени қамоққа олди. Йигирма кундан кейин мен қамоқдан қочдим. Яна бир қанча вақтдан кейин эса мен Неъматхўжа ва Саломхўжа босмачиларни тутиб Мазальскийга олиб бордим, бунинг эвазига у мени улар билан бирга қамаб ташлади».

Эшонқул Турсун ўғлининг ҳаёт йўли мураккаб, албатта. Бир қарасанг, у Турди тўқсоба сардори бўлиб, қизилларни қийратади, бир қарасанг, советлар томонига ўтиб, сафдошларини ўлдиради. Бу аччиқ қисмат унга боғлиқ бўлмаган вазиятларга тақалса керак. Бу ҳақда мушоҳада қилганингда, машҳур адиб Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон» асарига Григорий Мелеховни эслаб кетсан, киши. Замон пўртаналари одамларни бу қирғоқдан у қирғоққа улоқтираётган даврлар эди у йиллар. Эшонқул Турсунов, охир-оқибатда, тамоман советлардан юз ўгиради, яна ўзини озодлик курашига бағишлайди.

## 23

1921 йилдан бошлаб Косон, умуман, Қашқа воҳасининг қуйи қисмида Турди тўқсобанинг йирик гуруҳидан ташқари, ўнга яқин нисбатан кичикроқ қаршилик кучлари ҳам ҳаракатда эди. Манбаларда эпизодик тарзда зикр этиладиган Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, мулло Жума, Жума қоравулбеги каби қўрбошилар ана шу жумлага мансуб эди. Бу исмлари зикр этилган қўрбошилардан мулло Жума тақдири маълум. 1925 йилда у совет жазо органлари қўлига тушади, Бухорога банди қилиб жўнатилганда, йўлда милиционерлар томонидан отиб ўлдирилади. Шерқул, Чори ясовулбоши, Саидхўжа каби жигитлари сони 20-

30 дан ошмаган қўрбошилар ҳақида олдинги саҳифаларда сўз юритилди. Уларнинг айримлари ўзаро келишмовчиликлар қурбони бўлганлигини ўқувчилар билиб олдилар. Турди тўқсоба ва унинг сафдошлари ҳақида ҳозирга қадар оғзаки, қарийб, нақлга монанд элас гаплардан, эшитмалардан бошқа тайин, асосли фикрлар мавжуд эмас эди. Архив хазинасида сақланиб қолган ҳужжатлар, далиллар бу борадаги бўшлиқни, бирқадар бўлсада, тўлдиради, албатта. Шу жиҳатдан, Неъматхўжа Умархўжа ўғлининг 1924 йил 25 октябрда БСБ вилоят бўлими терговчиси Алексеенкога берган кўрсатмаси диққатни тортмай қолмайди.

Касби қишлоғидан бўлган, 23 ёшга кирган Неъматхўжа сўроқда шундай дейди: «Мен 13-ўқчи корпусдаги особий бўлимда, Мазальский хизматига эдим. Уч нилли милтиқ берилган эди менга. Уйда эканлик пайтимда, бир куни қўрбошилар мулло Жума ва Жума қоравулбегилар келиб, мени ўзлари билан бирга олиб кетдилар. Улар хизматига кирдим. Жигит сифатида улар қурида 15 кун милтиқсиз, шундай юрдим. Синаб кўрганларидан кейин, ўн беш кун ўтгач, менга қурол бердилар. Жанг бўлди бир неча кундан кейин, қўрбошилар жигитларининг бир қисми Мазальский қизил аскарларига таслим бўлди. Мен яна Мазальский хизматига ўтдим ва улар билан 9 ой бирга бўлдим. Кейинчалик, Мазальский мени тағин босмачиларга қочиб кетмоқчи, деган шубҳа билан қамоққа олди».

Ўша йилларда тез ўзгариб турган вазият баъзи бировларни аросатда қолдирган, мисли Неъматхўжа янглиғ тўғри қарорга келолмай, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтиб, ишончни йўқотган. Бу уларнинг хатоси эмас эди. Хатонинг иддизи одамларни шу кўйга солган, ҳокимиятга зўравонлик билан келган тузум билан боғлиқ эди.

Мавжуд манбаларга эътибор берилса, советларга қарши қўлга қурол олиб курашган Турди тўқсоба бошлиқ озодлик кучларини аҳоли, бутун бошли қишлоқлар қўллаб-қувватлаганлиги аён бўла бошлайди. «Босмачилар»нинг ёнини олиш – ўзини гуркираб ёнаётган гулханга отишдай гап эди. «Босмачилар»нинг қариндош-уруғлари, хотин-халажлари қамаб ташланаётган, бутун қишлоқ аҳолисига «фалончи босмачини топиб берасанлар», деб зуғум ўтказилаётган бир шароитда, қамоққа ташланган «босмачи»ни озод қилишни талаб қилиб, жамоа бўлиб ариза ёзишлар халқимизнинг бағрикенглиги, орияти ифодаси бўлибгина қолмасдан, унинг майли ким томонда эканлигини ҳам аниқ, равшан кўрсатар эди.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1925-1926 йил биринчи ярмига оид ҳисобот маъруъасида, **«1924 йил бошларига қадар босмачилар сонидан ўзгариш бўлмагани ҳолда, уларни йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва қийин шароитларда олиб борилади. Жуда кам фоида дейилмаса, аҳоли бутунлай босмачилар томонида бўлди»**, деган таассуфли эътироф учрайди. Бу жиҳатдан Косон туманидаги қишлоқлар аҳолисининг «босмачилар»ни ҳимоя қилиб чиқишлари сиёсий аҳамияти бениҳоя даражада катта бўлган эди. Сайёд қишлоғи элининг вилоят сиёсий идорасига (БСВ) ёзган аризаси билан танишайлик:

«Ариза бергувчи Косон туманига қарашли Сайёд қишлоқининг катта-кичикларидурмизким, бизим қишлоқимизлик Ҳамдам Меккам (Маҳкам) ўғли дегувчи қурбон намозига борган вақтда, милисалар ушлаб олиб, Косон осуб адлга (особый отдел, махсус бўлим – П.Р.) берган эрдилар. То ҳозир-

га қадар маҳбус бўлуб ётир. Ҳозирлик кунда Қашқадарё вилоят осуб ада қўлинда келган эди. Локин, Косон туманигалик вақтида неча маротаба бориб ариза берган эрдик, локин назар-эътиборга олинмасдан кетган. Ҳукуматга маълумки, бир киши бир кишига ёлғондан босмачи, боринги, бу ўғри деб ариза бериб, маҳбус қилдуруб қўядурлар. Локин, бизлар мазкур Меккам ўғлини босмачи, боринги, ўғри ва ямонлиғини билмаймиз. Локин, ямон бўлган тақдирда эрди, ўзимиз ҳам ямон деб, ариза бериб, шоҳидликка ўтар эдук. Локин, шунинг яхшилиғига бизлар гувоҳлик ва шоҳидлик берамизким, мазкур Меккам ўғли ямон эмас, шунинг учун фуқаролар, камбағаллар ҳукуматимиздан илтимос қиламизким, шунинг онаси ва хотунига раҳмлари келсалар, мазкур аёллар кўчаларга сарсон ва саргардон бўлуб юрубдурлар. Мазкурни бирозроқ қилган деҳқончилиги ҳам ер остинда қолуб кетти. Ҳозирлик кунда бир дона ғалласи ҳам йўқ. Ҳар кимнинг ҳовлиларига боруб, ҳар охшоми битта-иккита нон олиб ейдурлар. Шунинг учун илтимос қиламизким, мазкур Меккам ўғли дегувчини бизларга кафолатга берсалар. Ҳар вақтики мазкурдан бирор хиёнат чиқса, биз янадан тоғиб келтуруб бермоқимизга шоҳидлик берамиз ва кафил бўламиз.

Ариза бергувчилар Сайёд қишлоқлик оқсоқоллар, катта-кичиклари: Тошмуҳаммад оқсоқол, Давлат бобо, Бозор, Комил, Тилло Раҳим, Баҳри, Ҳақберди, Абдусалом, Эшмуҳаммад, Қаҳҳор».

Бундан 85 йил муқаддам сайёдликлар ёзган бу аризани хотиржам ўқиб бўлмайдди. Лекин ўша 24-йилда арабий имлода битилган бу қоғозга ақалли назар ҳам ташланмаган. Хайриятки, у гижимлаб отилмаган, ишга тиркаб қўйилган ва шу важдан тарихга бадал бўлиб, қишлоқ аҳлининг ҳамжиҳат-



лик, ҳамият сингари хайрли ишларини авлодларга етказиб кела олди.

## 25

Ҳамдам Маҳкам ўғли Шербек қишлоғидан бўлиб, 23 ёшли деҳқон йигит эди. Сайёд билан Шербек қишлоқлари ёнма-ён жойлашган бўлиб, қариндош, борди-келдили эди. Ҳамдамнинг 3 таноб ери оилани бир амаллаб боқиб келарди. Фалак терс эврилди-ю, у қамоққа тушиб қолди. Бунинг сабабини у 1924 йилнинг 26-октябри куни БСБ вилоят бўлими терговчисига берган кўрсатмасида қуйидагича баён қилади:

«Бундан тўрт ой муқаддам мени Мазальский қамоққа олган эди. Сабаби, кунларнинг бирида мен бир йигит билан жанжаллашиб, муштлашиб қолдим. У бориб мени чақибди. Иккаламизни ҳам олиб бориб қамаб қўйдилар. У йигит қочиб кетти, уни яна тутиб келдилар. Уни озроқ ушлаб туришиб, қўйиб юбордилар. Унга милтиқ беришди, у хизмат (советларга – П.Р.) қила бошлади... Мени эса ҳозиргача тутиб турибдилар. Мен босмачи бўлмаганман, ҳеч қандай қуролим ҳам йўқ...».

Англашиладики, Ҳамдам Маҳкам ўғли устидан унинг босмачи эканлиги, қуроли борлиги ҳақида маълумот берилган. Маълумотлар эса кечиктирилмай ижро этиларди.

## 26

Шахсий гараз, адоват – сиёсий курашлар чорраҳасини тез-тез кесиб ўтадиган қора шарпалардан. Ўнғайи келганда адувини ўзганинг қўли билан бўғизлатиш ҳам олис тарихга эга. Ким юрт

озодлиги деб қайғурса, бу йўлда жонини тикса, яна бир кас парвойи палак, ўт тушган ўрмондан ўзини четга олиб, бошқаларнинг ёнишини томоша қилишдан ҳузур топади.

Турди тўқсобанинг алоқачиси, таъминотчиси деб қамоққа олинган Баҳри (Кўри Баҳри) Жўраевнинг 1926 йилнинг 26 октябрида бўлган сўроқда берган жавобида юқоридаги мулоҳазага туртки берадиган ишоратлар бор:

«3 ой олдин мени рефкум (ревком-инқилобий кўмита) қамоққа олдирди. Сабабини мутлақо билмайман. Ўйлашимча, рефкум раиси мендан шахсий ғарази туфайлидан ўч олди ва Мазальскийга топширди. Босмачилар билан алоқам йўқ, ўзимни ҳеч бир айбдор деб ҳисобламайман».

Бу сўзларга изоҳ ортиқча. Бу бирнинг эмас, кўпнинг доди эди ўша йилларда.

## 27

БСБ вилоят бўлими бошлиқларидан бўлган Алексеенко эринадиган жондорлардан эмасди. У ўзини кўрсатишга тиришар, қўл остидагиларга ҳам ишонмай, кунларни тунларга улаб, совет ҳокимияти душманларини сўроқ қиларди. Бу хилдаги саъй-ҳаракатлар эса, у билардики, тепада турганлар эътиборидан четда қолмасди. 1924 йилнинг 26 октябрида у қамоққа олинган ўн жигитнинг аксариятини бир бошдан сўроққа тутди.

Унинг хонасига ушоқтепалик 34 ёшли Абдуназар Махмарасуловни олиб кирдилар. Тергов билан боғлиқ расмийчиликлардан кейин маҳбус шундай кўрсатма беради:

«3 ой олдин уйимга қишлоқдошларимдан бири келиб, мени волост ижроқўми мулло Муҳаммади ҳузурига чақираётганлигини айтди. Мен дарров

айтилган жойга, Косонга жўнаб кетдим. Мулло Муҳаммади ҳеч нарса демай, мени қаматдириб қўйди. Мен, «нима учун қамаётирсиз?» деб сўрасам, «айбдорсан», деди. Айбим нималигини эса ҳозиргача билмайман».

БСБ ходими гапни чўзиб ўтирмади. Ҳали терговни кутиб турган Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Ҳамро Жўра ўғли соқчилар қуршовида ташқарида турар эди...

## 28

Касби қишлоғидан бўлган 25 ёшли Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли тергови бошланганда тонг бўзариб қолган эди. Тилмоч бир чеккада хомуза тортиб, қўнишиб ўтирарди. «Ўзингни қўлга ол», деди унга Алексеенко нописанд. Уйқуси қочган тилмоч, неча бор такрорланган саволни яна таржимада қайта зикр этишга тушди.

«Бир ой олдин мени Мазальский қамоққа олди, – деди маҳбус йиғламоқдан бери бўлуб, – мен, охир, унинг хизматида эдим. Қамалишимга сабаб шуки, Косон Ардомидан (қамоқхона – П.Р.) Эшонқул дегани қочгандан кейин, уни излаб топиш менга топширилди. Бундан сал олдин Осубий отдилда Неъматхўжа Умархўжа ўғли деган ишлар эди, у ҳам босмачиларга қўшилиб кетган эди. Шундан кейин Неъматхўжа босмачилар билан келиб мени ўзлари билан бирга олиб кетди.

Мен мулло Жума тўдасида 3 ой бўлдим ва бир куни у ердан қочдим. 20 кун давомида босмачилар билан милтиқсиз бирга бўлдим. Улар менга ишонмадилар, фақат 20 кундан кейин қўлимга милтиқ бердилар. Милтиқ уч нилаи эди. Қачонки, қочиш имконияти келганда, винтовка ва унинг 25 патронини ўзим билан олиб кетдим, бит-

та отни ҳам. Уларни Косонга келиб Мазальскийга топширдим. Неъматхўжа билан тили бир деб, Осубий отдилда ишлаганларга боғлаб устимдан маълумот берганлар, шунинг оқибатида қамоққа олиндим».

Жавоб Алексеенкога маъқул тушмади. Бошини сарак-сарак қилди-да, «кўрамиз», деди. Маҳбусни олиб чиқиб кетдилар.

## 29

Тонг оқара бошлаганда, дамба-дам эснаб, кўзига уйқу тиқилиб келаётган Алексеенко сўроққа келтирилган маҳбус Ҳамро Жўра ўғлининг нима деяётганига ҳам эътибор бермай қўйган эди.

Косоннинг Оброн қишлоғидан бўлган 25 ёшли Ҳамро Жўра ўғли саволни наридан-бери ўгирган таржимонга, «жавоб берайми?» дегандек қараб турарди. Тилмочнинг имосидан кейин у: «Шу йил (1924) май ойида уйимга иккита қуроолланган босмачи келиб, отга минишимни буюрди. Қўрққанимдан отимни эгарлаб, улар билан бирга тоғ томонга кетдим. Қишлоғимиздан 12 чақиримча нарироқда қизил аскарларга дуч келиб қолдик. Мени олиб кетаётган икки босмачи тоғда (Қўнғиртоғ бўлса керак – П.Р.) яширинди. Мен эса қишлоққа, уйимга қайтиб келдим. Ўн беш кун уйда турганимдан кейин, оқсоқол билан Мазальский олдига бордим. У бизларни сўроқ қилди. Нарзулла оқсоқолни қўйиб юборди-да, мени қамоққа ташлади. Мен 1922 йил ва ундан кейинлар ҳам ҳеч қандай тўдада қатнашмаганман. Қайси гуноҳим учун қамалдим, билмайман», деди.

БСБ сўроқчиси анойилардан эмасди. Ҳамро Жўра ўғлининг қайси кўрбошига куёв бўлишига қадар билар эди. Азбаройи чарчаганидан, «бас,

етар», деди-да, ўрнидан турди. Гап ҳали тугаманидан дарак эди бу.

30

Гувалак қишлоғидан бўлган ака-ука мулло Абдурахмон Очил («Очилади» деб ёзилаган ҳолаар ҳам учрайди) ўғли, Содик Жонқувват ўғли ўзларининг гуноҳсиз эканлигини, ноҳақ қамалиб ётганлигини далолат этишга кўп интиланлар. Ака-уканиннг вилоят сиёсий идорасига (БСБ) ёзган аризасида шундай дейилади:

«Ушбу илан ёзиб маълаум қиламизки, Косон туман, Фўлоти кенти, Гувалак қишлоқлик мулло Абдурахмон Очил ўғли, иккинчи Содик Жонқувват ўғли, икки нафар киши биродар, ака-укадурмиз. Бир рўзғордан иккимизни ҳам келтургандур. Бизни деҳқончиликларимиз даштга якка қолди, рўзғор, оилаларимизга қарайдургон одамларимиз йўқ, ҳовлимиз безга қолди. Икки ой бўлди бизлар арастон бўлгондан бери. Ҳамма кишти коримиз ерга қолиб кетти. Ҳеч биздан бир хиёнат йўқдур. Бизни гаразликдан ревқум арастон қилгондур; бизда ҳеч бир хиёнат йўқдур. Агар гапимизни боғвар қилмасалар, биз тўғримизга неча одам десалар тоғиб берамиз шоҳидликка. Сиз афандимиздан илтимос қиламизки, биз деҳқон бечораларни ҳақиқат қилиб сўраб жавоб берсангизлар. Биз бечораларни дуомизни олсангиз деб ўтунамиз. «Қоғ Ариза ёзиб бергувчи мулло Абдурахмон Очил ўғли, Содик Жонқувват ўғли».

Сиёсий идорани (БСБ) кўя турайлик, совет ҳокимиятининг ўзи дуога муҳтож эмас, аввал бошдан динларни, қадриятларни оёқости қилиб, даҳрийликка муккадан кетган эди. Аждодларимиз бунчалар эътиқодли, содда ва ишонувчан бўлмасалар?!

Зўравонлик... Мустабид тузум қадами шундан бошланган эди. Улар тилидан тушмайдиган йўқсиллар ҳокимияти, халқпарварлик – бориб турган хаспўшловчи қизил гаплар (аниқроғи, қипқизил ёлғон) эди. Совет жазо органларига одамнинг хасчалаик қадри бўлган. Босмачилиқда айбланиб қамоққа олинган 10 инсон уч-тўрт ойлаб ҳибсда сақланади, буни расмийлаштирувчи қарор эса фақатгина 1924 йилнинг 26-октябрида қабул қилинади.

Қарор БСБ Қашқадарё вилоят бўлими ходими Жданов томонидан қабул қилиниб, унда,

«1924 йилнинг 26 октябри куни, мен БСБ Қашқадарё вилоят бўлими ходими Жданов, фуқаролар: Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли, Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғли, Палвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли, Ҳамдам Маҳкам ўғли, мулло Абдураҳмон Очил ўғли, Абдуназар Маҳмарасул ўғлини ЖКнинг 76 моддаси 1-2 қисмлари билан айблавчи 90/103-махбуслар жиноий ишини кўриб чиқиб, юқорида номлари саналган фуқаролар тергов-суриштирув ишларига зарарли таъсир кўрсатишлари мумкинлигини, шунингдек, сўроқ ва суддан яширинишлари эҳтимоли борлигини эътиборга олиб, ЖПКнинг 143/5, 144, 158-моддаларига таяниб,

### **ҚАРОР ҚИЛДИМ:**

Айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида улар Беҳбудий ахлоқ тузатиш уйида қамоқда сақласин, бу ҳақда айбланувчиларга 146-модда асосида эълон қилинсин», дейилади.

Йиғлагинг, кулгинг ва ниҳоят, ғазабинг келди бу тубанликка.

Бунчалик нописандлик бир терговчининг иши бўлмаган, албатта. Бу қарорни шу вақтга келиб, БСБ вилоят бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига кўтарилган Алексеенко ҳам тасдиқлаган эди. Ҳа, бундай инсон ҳуқуқини топтовчи ҳукмлар ортида бутун бошли мустабид тузум турар эди.

## 32

Турди тўқсобанинг қўлга олинган, бир неча ойдан буён қамалиб ётган жигитлари устидан олиб борилган тергов-суриштирув ишлари октябрнинг охирларига келиб ниҳоясига етади. Жданов қамоқдагиларни «қамоқда сақлаш» қарорини қабул қилган 1924 йилнинг 26 октябри куни 90/103 жинорий иш юзасидан «Хулоса»ни ҳам чиқаради. Унда шундай дейилади:

«Беҳбудий шаҳри. 1924 йил 26 октябрь. Мен, БСБ Қашқадарё вилоят бўлими ходими Жданов, шу куни 13-ўқчи корпус махсус пунктдан олинган, фуқаролар: Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғли, Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Содик Жонқувват ўғли, Ҳамдам Маҳкам ўғли, мулло Абдурахмон Очил ўғли, Абдуназар Маҳмарасул ўғлини ЖК 76 моддаси, 1-2 қисмларида кўзда тутилган жиноятларни қилишда айбловчи (2399-рақамли, 1924 йил 20 октябрь) 51 варақдан иборат 90/103-сонли ишни кўриб чиқиб, шундай хулосага келдим:

Иш шу йил июль ойида Косонда 13-ўқчи корпуснинг босмачиликка қарши кураш бўйича вакили Мазальский томонидан қўзғатилган. Иш унинг қўлида то 25-сентябрга қадар юритилган

бўлиб, шунча вақт давомида айбланувчилардан айримлари ҳатто сўроқ ҳам қилинмаган. Бунда, 24-йилнинг 7-октябридаги кузатув хатидан маълум бўлишича, зикр этилаётган ишга 3 та уч ниали миатик, битта италян, битта бердан винтовкаси, «наган» револьвери, «Смит-Виссон» револьвери ашъвий далил сифатида тиркалган. Аммо, бу айтилган қурооларнинг қаерда эканлиги аниқ эмас.

Гувоҳлар берган кўрсатмалардан аён бўладики, юқорида номлари айтилган фуқароларнинг айримлари Турди тўқсоба гуруҳида фаол жигитлардан бўлган, баъзи бирлари гуруҳнинг ҳаракатланишига, таъминотига ҳар томонлама кўмак берганлар, Турди тўқсоба гуруҳи учун озиқ-овқат, аҳолидан йиғимлар олиш иши билан шуғуланганлар. Айбдорлик далолати тасдиқланишини эътиборга олиб, ишни қайта тергов қилиш тақозо этилади, шунга кўра, ЖПКнинг 105-моддасига асосланиб, қарор қиламан:

90/103 иш Қашқадарё вилоят прокурорига тегишли тартибда ҳал этиш учун юборилсин.

**БСБ ҚВ ходими**

**Жданов**

**«Тасдиқлайми» БСБ ҚВ бўлими**

**бошлари ўринбосари**

**Алексеевко».**

Бош сиёсий бошқарма фаолиятида ўзи қилган ишдан қоникмаслик жуда камдан-кам ҳолда содир бўлади. Мазальский ҳарбий киши эди, унинг адлия соҳасидаги саводи, англашиладики, ҳамин қадар бўлган. Тергов-суриштирув ишлари ўлда-жўлда қолган, «босмачилар»дан олинган миатиклар ашъвий далил сифатида қоғозда бор-у, амалда йўқ эди. Бу қусурларни Мазальскийдан хизмат поғонасида бир калла баланд турувчилар ноилож эътироф этишга мажбур бўладилар. Лекин



Мазальский тайёрлаган бўтқа пишган бўлса ҳам, пишмаган бўлса ҳам, сузилиши керак эди. Чўмич энди прокурор ва судьялар қўлига топширилаган эди.

### 33

Қашқадарё округ суди терговчиси Саитов 1924 йилнинг 30-октябрида 90/103-рақамли жиноий ишни юритишни ўз ихтиёрига олиш ҳақидаги қарорга келади. Округ прокурори жуда қисқа муддатда – 29-октябрда ишни судга ўтказган эди. Саитов ишда БХСР ЖКнинг 76 моддаси, 1-2 қисмларида кўзда тутилган жиноят аломатлари борлигини инobatга олиб, уни ўзи давом эттиришга киришади.

Саитовнинг иш юзасидан биринчи қилган иши Мазальский билан боғлиқ тугунни ечишга қаратилади. Айбланувчилар жиноятини исбот қилишда улардан олинган, ишга ашёвий далил сифатида қўшилган қуроллар бўлиши керак эди. Терговчи ишни қўлга олганининг эртасига, 31-октябрь куни Мазальскийга 10-3 рақами билан қайд этилган алоқа хатини йўллайди. Хат мазмуни тубандагича:

#### **«13-ўқчи корпус махсус бўлими ходими Мазальскийга.**

Жиноят – процессуал кодексининг 68-моддасига асосан, фуқаролар: Неъматхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Хусайнхўжаев ва б. 90/103-рақамли ишига дахлдор ашёвий далилларни, хусусан, 3 та уч нилли винтовка, битта итальян милтиғи, битта бердан қуроли, «наган» револьвери, «Смит-Виссон» револьверини келтириб топширишни сўрайман. Мазкур иш сиз томонингиздан 1924 йил

7-октябрдаги 300-сонли кузатув хати билан Беҳбудий махсус пункти бошлиғига ашъвий далилларсиз юборилган.

**Терговчи**

**Саитов».**

Мазальский суд терговчисининг хатига ё бовар қилмаган, ёинки, ишга тиркалган қурооллар аслида бўлмаган. Саитов орадан уч кун ўтказиб, 3-ноябрь куни Мазальскийга 20-9-рақамли хатни жўнатади. Яна ашъвий далиллар – қуроолларни топшириш талаб қилинади. Терговчининг фаоллигига сабаб бор эди, округ прокурори уни қисталанг қилаётган, ўз навбатида, прокурорни, жазо органларини, совет ташкилотларини эса қишлоқларнинг аҳолиси қамалганларни озод этиш ҳақидаги изчил талаблари билан хавотирга солиб қўйган эди.

#### 34

1924 йилнинг 1-ноябрида Касби кенти аҳолиси Беҳбудий шаҳар прокурори номига ариза ёздилар. «2-ўктабирда Касби кентига Косон туман Осуб адл (особый отдел) одамлари Остробски (Островский бўлса керак – П.Р.), Эрнакул дегувчилар, – дейилади унда, – икки нафар киши билан келиб эрдилар. Мазкурларни келганларини англаб, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли 2-ўктабирда, душанба куни, «бизлар бориб таслим (советларга) берурмиз», деб ўшал кеча ўзлари келиб, Касби кенти ижроияси ва ҳамда Шакаржўйдан Хусан оқсоқол, Эшмурод оқсоқол, Қамашидан Матлаб оқсоқол, Ота оқсоқол, Хитойдан (қишлоқ) Муҳаммадниёз дегувчилар бирликда турганда мазкур Саттор элбегилар келиб кўруб, от-қуроолларини бериб, қўшулуб туманга бориб, Осуб адлдан оқлов хати (авфнома)

олурмиз, деб бориб, мазкурлар боргандан арастон суратида қилиб, сизни ҳузурингизга юборгандурлар. Шунини учун сиз муҳтарамдан илтимос қилурмизким, мазкур кишиларни тафтиш қилиб кўрилган бўлса, бизларга кафолатга берсалар, деб: Хўжа Рустамхон, Ҳакимхўжа, мулло Элмуҳаммад, Раҳимбой, мулло Содикхон, Абдуллахон, Огаберди, Қутлухўжа, Саид Муҳаммадхўжа, мулло Абдунаби, Аҳмадхўжа, мулло Маҳмудхўжа, Ҳамроқул (жами 24 муҳр ва имзо)».

Прокурор мазкур ариза ҳошиясига «терговчи Саитовга, шуғулланиш учун» деган белги қўйган.

90/103-ишнинг сарғайиб, илвираб кетган варақлари орасида тумордай бир хат ҳам бор. У онанинг аризаси. Шубҳасиз, аризани она номидан кимдир ёзган. Шунга қарамай, унга мунис онаизорнинг ўкинч тўла қалби сингиб кетгандай, кўз ёшлари сиёҳ бўлгандай:

«Қашқадарё минтақа сиёсий идорасига ариза бергувчи Биби Назираой Абдулғани қизидурман. Ҳамроқул Жўра ўғли мани ўғлим. Биринчи, Юқори обронлик Қобил оқсоқол, иккинчи Султон Ниёз милиса, Раҳматулла товаси, тўртинчи Тошмуҳаммад ҳожиди, бешинчи Муҳаммадқул, олтинчи мулло Бобоқул деган шу олти киши мани ўғлимни ҳибс қилибдурлар. Хусуматдан, «санинг қариндошинг босмачи», деб. Мунга у ҳеч (ким) бўлмайдур. Қишлоқ ақсоқолимиз Нарзулла оқсоқол хабар берибдур, бўлмаса, шу уйингни бузуб, ёғочини сотиб оламан, дебдур. Бул сағирлар билан ман қаерга бораман. Энди, афандим, илтимос қиламанки, чорасини кўрсалар, илоҳи. Афандим саломат бўлсунлар...».

Гап шундаки, Оброн қишлоғидан бўлган, қамоққа олинган Ҳамро Жўра ўғли Турди тўқсобанинг сардорларидан бўлган кўрбоши Гул оқсоқолнинг куёви бўлган. Лекин аёли вафот этган. Шунинг назарда тутиб, она ўз аризасида (Гул оқсоқол) «мунга ҳеч ким бўлмайду», дейди. Нарзулла оқсоқол, кўринадики, Ҳамро Жўра ўғли олдига талаб қўйган, бажариш имкондан холи бу иш оқибатида у қамоққа олиниб, она бечора ёш болалар билан ёлғиз қолган.

### 36

Эшонқул Турсун ўғлининг ўз қишлоғида мавқеи қандай эди, деган савол ўйлашиб қўяди кишини. Аксар қамоққа олинганларни қишлоқдошлари кўкрак кериб ҳимоя қилганлар, совет муассасаларига аризалар билан мурожаат қилиб, уларнинг гуноҳсизлигига кафолат берганлар. Эшонқул-чи, ундан эли безор эдимиз? Бундай саволларнинг ўринсиз эканини Жумабозор кентига қарашли Шакаржўй, Кўларик қишлоқлари «меҳнаткаш фуқаролари»нинг 1924 йил 1 ноябрда «Қашқадарё минтақа фирқа қўмитасига» ёзган аризаси» далолат этади:

«Ушбу ариза баробаринда маълум қилғувчилар Жумабозор кенти, Шакаржўй, Кўларик деҳқон, меҳнаткаш фуқаролари тарафидан берган аризамиз шул хусусдаким, Кўларик қишлоғимиздан Эшонқул Турсун ўғли дегувчи кишини мундан муқаддам босмачилар банди қилуб олуб, неча вақтлар шулар билан мажбур бирга бўлуб эди. Неча вақтдан сўнг мушоҳада қилуб, қочуб уйига келуб, ҳукуматга жон-дили билан хизмат қилуб юрган эди. Шул хусусда Косон тумани Осуб ада тарафидан: Саттор элбеги, Норбўта, Мурод, Эрна-

қул, Усто Ҳамро дегувчи кишилар Касби бозорида мазкурни хийла қилуб ушлаб, арастон қилуб Косон келтуруб, арастонхонага олдилар. Сўнгра вилоятга арастон қилуб юборуб эканлар. Мундан бурун ҳам шу Эрнақул ва Саттор элбеги ва Гулмуродлар ёлғондан ёмонлаб Косон Осуб адлга арастон қилдурғон эканлар. Мазкур Эшонқул арастондан чиқуб қочуб уйига боруб ётиб эди, шундан буён уйига яшаб, 2-ўктабир ойида ҳукуматга ариза беруб, таслим бўлуб, оқлов хати (авфнома – П.Р.) оламан деганда боз бу бечорани арастонга олудур. Шу Эшонқул босмачидан келуб оқлангандан буён ҳеч ҳаракат бу кишидан чиққан йўқдур. Илтимос қиламизким, ушбу кишини гуноҳидан ўтуб, тегишли жойидан чора кўрсалар, деб ариза бергувчилар:

**Ҳайит оқсоқол, Эшмурод оқсоқол, Қаҳҳор оқсоқол, Худойберди, Тогай оқсоқол, мулло Отамурод, Қурбонмурод, Эшназарбой, Турсунбой, Бобон оқсоқол, Аббос, Санжарбой сўфи, мулло Қаландарбой, Ҳақберди, Маҳмудбой, Эркабой, Сафар оқсоқол, Қувват оқсоқол, Эшмуродбой, Жўрабой, Ота оқсоқол, Қулмурод, Эшонқул, Иқболхўжа, Элмуродхўжа, Олимхўжа, Саид Каримхўжа, Султонхўжа, Исломхўжа, Нормурод оқсоқол, Жўрабой, Бердибой, Абдулла сўфи, Бердихўжа, Мирзо оқсоқол, мулло Ҳошим, мулло Махсум, Муҳаммад Хидирбой, Турсунхўжа, Насриддин Бегижон».**

Аризага учта белги қўйилган. Вилоят фирқа қўмитаси «чора кўриласин» деб уни вилоят прокурорига юборган. Прокурор, ўз навбатида, «БСБга фуқаро Эшонқул ишини тезлатиш ва маҳбуснинг қариндошлари билан учрашувига рухсат этиш таклиф қилинсин», деб ёзади. Ҳал қилувчи визани БСБ вилоят бўлими бошлиғи ёзади. У «тергов-

чи Саитовга. Ишни тезлатиш ва учрашувга рухсат масаласини кўриб чиқиш», деган кўрсатмани ариза ҳошиясида қайд этади.

Қишлоқ аҳлининг аризаси ҳар ҳолда нималаргадир туртки берган эди.

### 37

Турди тўқсоба ва бўлак қўрбошилар гуруҳларига қарши армия ва БСБ кучларидан ташқари милиция ҳам сафарбар этилган эди. Жиноят қидирув бўлими «босмачилар»нинг қишлоқларида иш олиб борар, уларнинг қариндош-уруғларини қамар, уйларида тинтув ўтказар, маълумотлар тўплар эди. Қочган-қутганлар улар қўйган қопқонга тушар, қамаб ташланар эди. Қашқадарё вилоят милицияси жиноят қидирув бўлимининг ходими Поляков қишлоқма-қишлоқ юриб, қочиб, яшириниб юрган собиқ босмачиларни овлар эди. 1924 йилнинг 19 августида у Муғлон қишлоғида 36 ёшли фуқаро, босмачилиқда айбланиб судланган Абдуалим мулло Жўра ўғлини тутиб, ундан Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли ҳақида маълумот беришни талаб қилади. Шўро қамоғини кўрган қарқуноқнинг булбул бўлиб сайраши ажабланарли ҳол эмасди.

«Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, – дейди Абдуалим мулло Жўра ўғли, – Особий отделда хизмат қилар эди. Кейин босмачилар томонига ўтиб кетти, босмачилиқда икки ой бўлди. Уйимга босмачилар келганида у ҳам бирга эди. Пўстинимни, чопон ва қоракўл териларимни олиб кеттилар. Улар келганда уйимда қози мулло Тоҳир Муҳаммад Сафар меҳмон бўлиб турган эди. Мендан яна 50 сўмлик тилло тангаларни ҳам олдилар ва икки кун муҳлат бериб, бир милтиқ, наган ва 2 жуфт

этик, 2 чопон тайёрлаб қўйишимни буюрдилар.

Улар жўнаши билан шу ерга (жиноят қидирув бўлимига - П.Р.) арз қиломоқчи бўлдим. Саломхўжа ҳозир босмачилардан айрилиб, уйда ўтирибди. Ўғирлик қилаётир. У билан Арабхўжа ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли деганлар бирга, ҳамкорлик қилишади. Буни Кардукан қишлоғидан Қобилхўжа, Камолхўжалар тасдиқлаши мумкин».

Сабабсиз оқибат бўлмайди, дейди файласуфлар. Абдуалим мулло Жўра ўғлининг кўрсатмаси оқибатида янги-янги халқалар туташиб, силсила пайдо қила бошлади.

### 38

Поляков ўша куни ёмби топгандай қувонди. Совет ҳокимиятининг озодликда яйраб юрган учта душманини қўлга олиш унинг мавқеини ошириб юборарди-да. Зудлик билан режа тузишга киришди. Қишлоқларга қачон, ким билан боришни ҳам белгилаб олди.

1924 йилнинг 8 сентябри куни тун қоронғусида Муғлон қишлоғини қизил аскарлар ва милиционерлар тўрт тарафдан ўраб олдилар. Қишлоқдан ҳеч кимни чиқармадилар. Лекин Саломхўжани ҳам, ҳамкорларини ҳам уйдан топа олмадилар. Ҳолбуки, Поляков сувни кўрмай, этикни ечиб қўйган, собиқ босмачиларга айб қўйиш қарорини ҳам чиқариб бўлган эди:

«Мен, Беҳбудий жиноят қидирув бўлими ходими Поляков, шу куни фуқаролар Саломхўжа Хусайнхўжаев, Арабхўжа ва Неъматхўжа Умархўжаевларни босмачилик ва талончилик қилишда айбловчи материални кўриб чиқиб, иш бутунлай сиёсий йўсунга эга эканлиги сабабли қарор қилдим:

Мазкур иш, ЖПК 30-моддасига мувофиқ, келгуси амалиёт учун БСБ ихтиёрига юборилсин».

10 сентябрь куни айбланувчиларни қамоққа олиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинади. Саломхўжаларни қўлга олиш иши билан БСБ вилоят бўлими шуғуллана бошлайди. Муғлон қишлоғи шу кунларда ҳукм остида қолади, БСБнинг ёзма дағдағалари бошланади. Улардан бирида, жумладан, **«БСБ вилоят бўлими Муғлон қишлоғи фуқароларига милиция орқали Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғлини 3 октябргача келтириб топширишни таклиф этади»**, дейилади. Шунингдек, Арабхўжа ва Неъматхўжани ҳам зудлик билан топиб бериш талаб этилади.

Муғлонликлар зугумлардан қўрқмаганлар, талаб қилинган кишиларни тутиб беришни ор билганлар. Оилаларига дахл қилина бошлагач, учаласи ўзлари БСБ вилоят бўлими идорасига борганлар. 1924 йилнинг 1-ноябрида БСБ вилоят бўлими ходими Жданов Саломхўжа, Арабхўжа ва Неъматхўжани қамоққа олиш, уларнинг ишини ҳам 90/103 жинойи ишга қўшиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### 39

Аризалар, маърузалар, шикоятлар... Орадан 85 йил ўтаётган бўлса-да, уларда акс этган ўкинч, изтироб кишини бефарқ қолдирмайди. Вужуднинг қаърида мудроқ туйғулар бош кўтариб, «наҳотки» деб лаблар беихтиёр пичирлаб, бармоқлар мушт бўлиб тугилади. Тасалли ҳам пайдо бўлади шунда. Қамоққа олинганлар ўз ҳолига ташлаб, ёлғизлатиб қўйилмаганлиги, «советларнинг душмани» деб қишлоқдошлар улардан юз ўгирмаганлиги, аксинча, ноҳақ қамалган деб жамоа бўлиб ҳимоя



қилишлар оммавий тус олганлиги далили юрак ҳовурини босади. «Бор бўл, элим» дегинг келади беихтиёр. Миллий озодлик ҳаракати ортида халқ турганлиги, шу сабабдан ҳам, бу кураш бир неча йилга чўзилиб, давом этганлиги Мустақиллик даври тарихшунослигида илмий исботини топганлиги халқимизнинг халоскорлик саъй-ҳаракатларига таянганлигига яна бир карра амин бўласан, киши. Халқ қўллаб-қувватлаган кураш «миллий озодлик ҳаракати» дейилади тарихшуносликда.

Совет ҳокимияти «босмачи», ёинки, «босмачиларга кўмак берган» деб қамоққа олган кишиларни жамоа бўлиб ҳимоя қилиш, аслда, миллий озодлик курашининг бир усули, унинг вазият тақозосига кўра вужудга келган қонуний давоми эди.

Косоннинг Қуйитурган ариқ қишлоғи (маҳалласи) фуқароларидан Шариф бобо, Эшонқул ҳолвагар, Жўра оқсоқол, Ҳожи Улашбой, Абдуолим Йўлдош, Раҳмонқул оқсоқол, Юсуф ҳожи, Шарифхон, Ҳожи Берди, Холмурод, Бобо Шариф, Қаҳҳор Али, Арслон Ниёз, Тўрақул, Тиловберди, Муртозабой, Шодмон, Мирзо Ширин, Аҳмадбой, Фармонқул ва бошқа бир қанча кишилар Баҳри Жўра ўғлини (Баҳриддин, Бадриддин, «Кўри Баҳри» деб ҳам ёзилади – П.Р.) ҳимояга олиш, қутқозиш ҳақида вилоят ижроия қўмитасига, жазо органларига кўп мартаба мурожаат қилганлар.

Аризаларда, «Баҳриддин Жўра ўғлини бесабаб қамабдурлар Бўлмас қишлоқида. Ўзи бечораликда юрган мазкур Баҳриддин Жўра ўғлини саллотлар ушлаб кетибдур», дейилади. Жамоа бўлиб ёзилган яна бир маъруза матни шундай:

«Косон тумани фуқаролари тарафидан ушбу хусусда ёзиб маълум қиладурмизким, Баҳриддинхўжа бир неча кун азбаройи бечорачиликдан Шаҳрисабз бориб, жувоз қилиб юрган эди. Сўнгра,

азбаройи аҳли ваҷҳи рӯзгорини устига келмоқлик маҳалда Бўлмас қишлоқда саллотлар олдидан чиқиб, Косон туманга келтуруб, Осуб адага неча кун ҳибс қилиб қўйиб, андин Қашқадарё минтақасига юборуб, сўнгра Бухорога юборуб, анда ҳам неча кунлар ётуб, боз мазкур Баҳрини Қашқадарё минтақа вилоятига келтурдилар.

Сиз биродар ҳукуматлик афандимиздан илтимос этармизким, биз фуқаро деҳқон, меҳнаткашларни аризаларимизни назар-эътиборга олиб, мазкур Баҳрини кафолатликка берсалар. Бу Баҳри мазкур ўзи қашшоқ, меҳнаткаш, рӯзгордор кишидур. Мазкур ҳибс бўлгандан бери бола ва чақалари оч ва яланғоч, кўчаларда кеча-кундуз йиғлаб юрубдилар, деб ариза бергувчилар:

Мўмин карвон Пўлот ўғли, Маҳмуд Йўлдош ўғли, Султон Холмурод ўғли, Шоҳмардон Рўзи ўғли, Х.Холмурод ўғли, Темур Ибодулло ўғли, Абдуҳаким Ҳамро ўғли, Тило Муртоза ўғли ўғли, Мўминқул Амир ўғли, Тош ўғли, Ҳамро, Муҳаммадқул Мустафо ўғли, Мустафоқул Шер ўғли, Равшан Отамурод ўғли, Суннатулло Муқим ўғли, Маҳмудқул Муродулло ўғли, мулло Шомурод ўғли, Муллақул Рустам ўғли, Иброҳим Абдулло ўғли, Абдурауф Бобоназар ўғли, Маҳмуд мулло Искандар ўғли, Воҳид Муҳаммади ўғли, Муҳаммади Султон ўғли (жами 25 киши, айрим исмлар ўчиб кетганиги учун ўқиб бўлмади – П.Р.).

1924 йилнинг 11 ноябрида Косон тумани Қуйтурган ариқ (Куватурган деб ҳам ёзилади) аҳли «Қашқадарё минтақа маҳбуслар кимсалари» номига ҳам хат берадилар. Унда, «Баҳрихўжа азбаройи бир меҳнаткаш, деҳқон ва ҳамда косиб одам эрди. Мазкур Шаҳрисабз бориб, бир неча вақт жувоздорлик қилиб эрди. Рўзғори ташвишини қилмоққа кела турган вақтида йўлдан, Фўлоди

кентининг Бўлмас деган қишлоқидан қизил аскарлар илдайдан чиқиб, «сан босмачиларнинг кишиси», деб оғнамасдан (аниқламасдан, англамасдан – П.Р.) олиб келиб, бир неча вақт Косонда ҳибс бўлуб, бундан вилоятга борган эди.

Илтимос қиламизки, мазкурни – бир бечора камбағал, рўзғордорни авфи умумийдан баҳраманд қилуб, бизларнинг кафолатимизга берсалар, деб:

Эшонқул, Нуриддин, Темур, Нақшбандқул, Мирзо, Муҳаммад, Ҳожи Суюн, Амирқул, Юнус карвон, Амин, Эрқул, Каримбой, Сулаймон, Ҳамробой, Бегимбой, Шариф, Қули оқсоқол, Ўсарбой (жами 23 имзо)», дейилади ва ариза ёзувчилар исмлари битилади.

«Босмачилар» кўмакчиси, таъминотчиси сифатида қамалиб ётган киши ҳимоясига журъат қилган кишилар исми шарифларини атайин бирмабир келтириб ўтдик. Бундан кузатиш мақсад, уларнинг авлодлари ота-боболарининг алангали 20-йилларда озодлик курашига ҳисса қўшганлигини, ҳақ иш учун кўкрак керганлигини билиб қўйсиналар, деган яхши ният билан боғлиқ эди.

#### 40

Ушоқтепа қишлоғи аҳолиси ҳам Абдуназар Маҳмарасуловни ёқлаб, совет органларига кўп бора мурожаат қилганлар. «Ушоқтепа қишлоғининг меҳнаткаш деҳқон камбағаллари» ўз аризаларида, «Абдуназар Маҳмарасул ўғли дегувчи муддати икки ойдан буён вилоятга арастондур. Мазкур ноҳақдан арастон бўлубтур. Мазкур одам деҳқон киши эрди, арастон бўлуб ноҳақдан ётибдур... Ушбу бечорани сўраб, яхши чоралар кўруб, деҳқон бечоралигини назарда тутуб, биз меҳнаткаш-

ларга кафолатга берсалар», деган талабни қўядилар.

Ариза Шерна оқсоқол, Жонузоқ, Қўйлибой, Абдурасул, Ҳамидбой, Абдулла, Муҳаммадқул, мулло Холиёрлар томонидан берилган. Мулло Холиёр дастхати Қашқадарё вилоят Давлат архиви 183-жамғармаси, 1-рўйхати, 14-жилдининг 131-варағи сифатида сақланиб қолган. Хатнинг санаси 1924 йил 29-октябрь деб кўрсатилган.

#### 41

Жамоа аризаларидан ташқари, маҳбусларни ҳимоя қилиб алоҳида шахслар ҳам ҳаракат қилганлар. Гувалак қишлоғидан бўлган фуқаро Тўхтақул Бобомурод ўғли 1924 йилнинг 15 октябрида «Минтақа халқ қозисига» ёзган аризани шу жумлага киритиш мумкин.

«Ушбу маъруза воситаси илан, – дейди Тўхтақул Бобомурод ўғли, – маълумингизким, мулло Абдурахмон Очил ўғли, иккинчи Содиқ Жонқувват ўғли мазкур Губалак қишлоқлик. Камбағал, бечора бу меҳнаткашлар уч ойдан бери шахсоният (шахсий адоват – П.Р.) билан ётибдурлар. Даштдаги деҳқончиликлари қолиб кетти. Мазкурларни мулло Муҳаммади деган ижроияси (ижроқўм раиси) келтуруб ҳибс қилган».

Шахсий ғараз туфайли ноҳақ қамоққа олишни айтиш, барибир, катта журъат талаб қиларди. Икки ака-укани қамоққа олдирган киши ариза ёзиб, ҳақни талаб қилувчини тинч қўярмиди? Маҳбуслар билан ижроқўм раиси ўртасида қандай ихтилоф бўлган, Тўхтақул Бобомуроднинг кейинги ҳаёти нима кечган, таассуфки, билмаймиз.

«Босмачилар»га қарши кураш кучайтирилган йилларда совет жазо органлари уларнинг қариндош-уруғларини, ота-онасини, хотин-халажини, қолаверса, бутун бошли қишлоқларни қийин-қистокқа солади. Қамаш, калтаклаш, уй-жойларини ёқиб юборишга ружу қилинади. «Босмачи»ни топиб бермаган хонадон аъзолари кўрмаган азоб ва ситам қолмаган эди. Шундай бир шароитда «босмачи» деб қамаб ташланган ака ё укани оқлашга интилиш, ростини айтганда, ёнаётган ғарам устидан хатлашдай бир гап эди. Чунки олов ўрлаб аланга олаётганидан, унинг ичига тушиб қолиш ҳеч гап эмасди.

Бу жиҳатдан, Пўлоти (Фўлоди деб ҳам ёзилган – П.Р.) қишлоғида яшавчи Муртозақул Бобомурод ўғлининг журъати ва ҳимматига қойил қолмай бўлмайти. У, «Қашқадарё минтақа вилоят прокурор раисига» 1924 йил 9 ноябрда берган аризасида:

«Маъруза этгувчи Муртозақул Бобомурод ўғли – Фўлоди қишлоқликдурман. Абдурахмон Очил ўғли, иккинчи Содик Жонқувват ўғли ман бечорани укамдурлар. Ўзлари бир деҳқон, меҳнаткаш. Мулло Муҳаммади деган Косон ижроияси (ижроқўм раиси) уларни хирмон бошидан олиб кетиб, Беҳбудий (Қарши) вилоятининг ҳибсхонасига ҳибс қилган экан, уч ой бўлди. Сиз муҳтарамдан илтимос қилурмиз, биздек меҳнаткашларни назарга олуб, бизнинг маҳбусларимизни қўлимизга тобшурсангиз», дейилади.

Шу куни вилоят прокурори ариза ҳошиясига, «терговчи Одинамуродовга, хулоса учун», деб ёзиб қўяди. Бу эса масъулиятни ўздан соқит қилиш демак эди.

Терговчи Сайтов қамоққа олинган 10 кишидан тортиб олинди деб ишда ашёвий далил сифатида кўрсатилган милтиқларни суд маҳкамасига топширишни сўраб, Мазальскийга бирин-кетин иккита талабнома жўнатган эди. 1924 йилнинг октябрь ойи охирларидаги талабномага, Мазальский орадан 7-8 кун ўтказиб, қуйидаги жавобни беради:

«Шу билан маълум қиламанки, босмачилар – Неъматхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Ҳусайнхўжев, Эшонкул Турсунов, Полвонхўжа Пўлатхўжаевлар (кўп ўринларда «Пўлатов» деб ёзилган – П.Р.) менинг отрядим томонидан тутилганлар ва махсус пунктга топширилганлар. Уларни ушлаш чоғида олинган 3 дона уч нилли милтиқ, битта италян, битта берданка, 2 револьвер зикр этилганларнинг олдинги учтасига тегишли, 3 та берданка винтовкаси, 2 та мусулмон қиличи Полвонхўжа Пўлатхўжаевдан олинган эди. Бу қурооларнинг ҳаммаси мен томонидан Косон жанговар машқхонасига тухфа сифатида топширилган».

БСБнинг босмачиликка қарши кураш бўлими бошлиғи Мазальскийнинг қирриқ одам бўлганлигини унинг шу жавоби ҳам ойдинлаштиради. Чунки маҳбусларнинг ўзлари ёнларида қуроолари бўлмаганлигини, қамоққа олиншдан аввал уларни топширганликларини такрор-такрор айтганлар. Жиноятни атайдан оғирлаштириш учун Мазальский, «ушлаш чоғида улардан фалон қурооларни қўлга олдим», деб айтишдан уялмаган. У қурооларни машқхонага топширган бўлса, нега энди, сўзини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилмаган? Ҳар ҳолда, унинг қонунчиликдан хабари бўлгандирки, шундай масъул вазифага қўйилган.

Мустабид тузум кучларига қарши курашаётган ватанпарварлар тарихини ойдинлаштиришда шу кутбларга мансуб, бевосита жанггоҳ ичида бўлган иштирокчиларининг ўзлари айтган сўзларнинг аҳамияти бўлакча, албатта. 1924 йилнинг 5-нояб-рида икки амакивачча – Неъматхўжа Умархўжа ўғли ва Саломхўжа Хусайнхўжа ўғиллари Қашқарё вилоят прокурори номига ариза берадилар.

Неъматхўжа унда, «бизлар Косон махсус бўлимида уч йил ишладик. 13-ўқчи корпуснинг махсус бўлими ходимида (Мазальский кўзда тутилаётир – П.Р.) эътироз бўлмаган эди. Мен, Умархўжа, Касбида, ўз уйимда эканлигимда 12 отлиқ босмачи келиб, мени олиб чиқдилар ва «тирик қолишни хоҳласанг, биз билан кетасан, агар бормайдиган бўлсанг, шу ерда отиб ташлаймиз», дедилар. Қўрққанимдан, улар билан бирга кетишга қарор қилдим. Қўрбоши Жума қоравулбеги тўдасида босмачилар билан бир ярим ой турдим. Вақти келганда 25 отлиқ босмачиларни ўзим билан қочишга кўндирдим. Уларни Косон олиб келиб, особий адлга қуроллари билан бирга топширдим. Особий ада (махсус бўлим – П.Р.) бу ишда мени гуноҳкор деб ҳисобламади ва қайта бошдан ходим қилиб ишга олди. Бу ишда шундан кейин яна 9 ой хизмат қилдим. Қачонки мен босмачилар олдидан қайтиб келганимдан кейин, Особий адлда Саман ва Иноқул деган иккита ғанимим бор эди. Улар шахсий адоват туфайли, мени «бул босмачи» деб маълумот бергандурлар. Шу икки кишининг тухмати билан мени қамоққа олдилар ва 1 июлдан бери сўроқ-суриштирувсиз, айбим нималигини билмай ўтирибман. Илтимосимки, ишимни ҳақиқат қилиб текширсалар», деб ёзади.

Саломхўжа ҳам ўзининг оддий деҳқон эканлигини айтиб, «Касби қишлоғида ишлар эдим. Бир куни уйимга 4 та босмачи келди-да, дўқпўписа билан мени ўзлари билан бирга олиб кетди. Мени укам Умархўжа жигит бўлган Жума қоравулбеги кўрбоши тўдасига келтирдилар. Мен билан Умархўжа бир куни 25 жигитни қочишга кўндириб, у ердан қочиб кетдик. Советлар томонига ўтиб, 25 та қурол ва 30 та отни Особий атделга тобшурдик. Бизларни шунда Особий атделга ишга олдилар, бу жойда муддати 9 ой ишладик. Айтганимиздек, бизнинг душманларимиз тўхмати билан бизларни босмачи деб қамоққа ташладилар. Неча ойдирки, айбимиз айтилмасдан ҳибсда ётибдурмиз», дейди алам билан.

БСБ «босмачилар» билан салом-алик қилганлардан ҳам қаттиқ шубҳаланар эди. Гуруҳлардан жигитларни совет томонига олиб ўтган, қуроллар ва отларни топширган бўлса-да, Неъматхўжа ҳамда Саломхўжа «душманлари» маълумоти асосида қамоққа олинади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, советларга қарши курашаётган кўрбошилар ҳам қўл қовуштириб ўтирмаганлар. Махсус бўлимларда уларнинг ҳам хайрихоҳлари бўлган. Ўша пайтда ҳар бир одам, қурол учун мурасасиз кураш борган.

Маҳбуслар иши қайта терговга оширилгач, энди уларни сўроқ қилиш билан Диамурод Одинамуродов шугуллана бошлайди. У вилоят суди терговчиси эди. Диамурод Одинамуродов сўроқни Эшонқул Турсуновдан бошлайди. Эшонқул Турсунов тергови 1924 йил 11 ноябрда амалга оши-



рилади. Узундан-узоқ савол-жавобдан мухтасар тарзда, аҳамиятли ўринларини келтириб ўтамиз:

**Савол:** – Нима сабабдан ҳибсга тушдингиз?

**Жавоб:** – Ўз қишлоқимдан Шерқул командир деган келуб, босиб олуб кетти.

**Савол:** – Шерқул олуб бориб нима қилдилар?

**Жавоб:** – Мани олуб бориб сойиз (Союз, итти-  
фокчи – П.Р.) қилуб юрдилар.

**Савол:** – Сиз буларнинг ичинда қўшулуб, ми-  
тиқ олуб юрдунгизми?

**Жавоб:** – Ўн беш кун миатик олуб юрдим.

**Савол:** – Ўн беш кундан кейин нима қилдун-  
гиз?

**Жавоб:** – Ўн беш кундан кейин мулло Қаҳҳор  
(мулло Абдуқаҳҳор – Бухоро ҳудудида ҳаракатлан-  
ган советларга қарши катта гуруҳ бошлиғи, қўрбо-  
ши – П.Р.) деган келди.

**Савол:** – Сўнгра нима қилдингиз?

**Жавоб:** – Ҳукумат тарафдан аскар чиқиб уруш-  
тилар. Мазкур қизил аскарлари тутилиб кетди.

**Савол:** – Нима сабабдан сизни қамадилар?

**Жавоб:** – Мени Саттор элбеги билан Эрнақул  
ёмонлаб қамотғондур.

**Савол:** – Нима учун яна босмачиларга бориб  
қўшулдингиз?

**Жавоб:** – Йўқ, босмачиларни илдаинга борган-  
ним йўқтур, тўғри Неъматхўжа билан Саломхўжа  
деганнинг ҳовлисига келдим. Булар ҳам Эшон-  
қулани қамаган бўлса, бизларни ҳам ҳибс қиладур  
деб Косонга бормаи юрганлар. Ман боруб айтдим-  
ки, қочманлар, энди бизлар босмачига борсак ҳам  
ўлдирди. Тўғри ҳаммамиз ўзимиз бориб айта-  
миз, ўлдурсанг ўзунг ўлдир, деймиз. Шундай деб  
Неъматхўжанинг ҳовлисига келдук. Кейин эшит-  
тукки, Касбининг бозорига Саттор элбеги ва Эр-  
нақул чандир қора соқол келган эканлар. Бизлар-

ни ўзимиз киши кўйиб, уларни олуб келдук. «Бизларку ўзларингни хизматкорларинг, бизларни олуб боруб, мазкур Мазальский илан орани очти қилунглар, Косонга олуб борунглар», дедук. Сўнгра Косонга, Мазальскийга келуб, улар бизни «босиб олдук», деб турган. Шу илан Мазальский бизларни қамаб кўйди. Бизларни мазкур Саттор, Эрнақул шахсоният қилуб қамабтирдилар, бошқа гуноҳимиз йўқтур...».

Элбегининг хиёнати бир сира, ёлғони бир сира бўлган. Ёлгоннинг маъниси шуки, Саттор элбеги ўзидан советларга восита бўлишни, орага тушишни сўраб борган жигитларни «биз билан урушди, уларни мағлуб этиб, босиб, ушлаб олиб келдик», дейишдан уялмаган. Ўша йилларда бундай ҳаракат қадрланар, амал ва манфаат сари йўл шундай бошланарди.

Эшонқул Турсун ўғли кўрсатма берганидан тўрт кун ўтиб, 1924 йилнинг 15 ноябрида Саттор элбеги ҳам «шоҳидлар қаторида» сўроқ қилинади. Саттор элбеги Қулмурад ўғли тергов қарорида қайд этилишча, Косон тумани, Арабхонада қишлоғидан бўлган, 1889 йилда туғилган. Шу пайтда у 35 ёшда эди, «ижтимоий аҳволи ўртаҳол деҳқонлардан» деб кўрсатилган. У 13-ўқчи корпус махсус бўлимининг Косонда жойлашган босмачиларга қарши кураш гуруҳида, Мазальский қўл остида ишлаган. «Хизмат взифаси» деган қаторга, «босмачилар билан курашмоқ», деб ёзиб кўйилган. Терговчи Диамурод Одинамуродовнинг Нейматхўжа, Саломхўжа ва Эшонқул Турсун ўғли билан боғлиқ саволига Саттор элбеги шундай жавоб берди:

«Уларни тутуб олиб келтириш учун қоравул (қисм) илан чиқуб, аввал Касби бордук. Неъматхўжанинг ҳовлисига тушдук. Сўнгра Юсуфхўжа деган агентнинг уйига қайтдук. Ул ҳам дарагини топмади, у ердан чиқуб Қора Қатогон қишлоғига бордук, у ерга ҳам тушмадук. Сўнгра Шакаржўй қишлоққа боруб, сўроғин тобтук. У ерда ҳам тутқич бермай, қочтилар. Мазкурларни отамиз десақ, кўпчилик ўлар эди. Қочиб, Уйрот деган қишлоққа борган эканлар, қувлаб-қувлаб Касби кентига бордук. Уларни Касби ўрига (тепалик жой) қамаб олдук, бир ҳовлида босуб, гирдини қамадук, сўнгра ҳеч илож тополмасдан қолдилар. Бир отни, битта табонча (тўппонча), бир наган, икки кавалерия шашкасини (қилич), тахминан 50 дона ўқни ҳам ўлжа қилуб, ўзларини олдимизга солуб олуб келдук.

Қишлоқ одамлари кўб бизларга хушомад уруб, «бизга мазкурларни қўйиб кетинглар», дедилар. Бизлар айттукки, «сизларга бергандан кўра, отиб ўлдирамиз», деб сўзларига қулоқ солмасдан мазкурларни ҳайдаб, Қатогон деган қишлоққа келуб тушдук. Раҳмат оқсоқол деганнинг ҳовлисига тушиб, сўнгра Косонга, Мазальскийга келтуруб бердук. Мазальский уларни қамаб қўйди».

Сўроқнома охирида жигитларни қўлга олишда қатнашган Эрнақулнинг сўзлари ҳам илова қилинган. Унда, «Ушбу ўртоқ Саттор элбегини берган шаҳодати ростлиқига ман ҳам сўзум ушбу ўртоқни сўзлари илан баробардур», дейилади.

Жигитлар ўз кўрсатмаларида, бир неча қишлоқ оқсоқоллари олдида ихтиёрий равишда советлар томонига ўтганлигини, афв гувоҳномасини олиш учун ўзлари Косонга борганлигини айтганлиги шоҳиди бўлди. Кимнинг сўзига ишониш керак? Халқимизда, «Ёмон кўрингanning телпаги қозон-

дай», «Ёв қочса ботир кўпаяр» деган мақоллар бор. Излаганимиз жавоб улар моҳиятида мужассам-дек кўринади.

#### 47

Содиқ Жонқувват ўғли 1924 йил 11 ноябрда Дилмурод Одинамуродов томонидан сўроқ қилинади. «Босмачилик»да айбланаётган гувалаклик 28 ёшли маҳбус бу сафар ҳам қамоққа олиннишига даҳадор тафсилотларга мантиқан бирор ўзгартиш киритмаса-да, воқеани ойдинлаштирадиган далилларни келтириб ўтади:

«Нима сабабдан ҳибс бўлганимни билмайман, — дейди у кўрсатмасида, — лекин мулло Муҳаммади Рефқум акамни чақириб олди. Манга айтти ки, «сен мен илан юргун, сендан бир оғиз гап сўрайдурман», деди. Мен айтгимки, «гапингиз бўлса шу ерда айтунг», деб. Йўқ, деди. Отини орқасига олуб, акамга айттики, «сен боруб оқсоқолга айтгун, юз боғ беда, бир озроқ арпа олуб борсун», деб. Мени Душанба бозорига олуб боруб, бир уйга солуб қамаб қўйди. Ундан сўнгра келтуруб Косонга қамаб қўйди. Неча кун Косонда турдик, 10 кундан кейин Қаршига келтуруб қамадилар. Қаршига келгандан бери бир марта келуб сўрадилар, бошқа йўқ. Бизлар кўпдан бери ётибмиз. Муддати 3 ой бўлдики, кечалари тошни устига ётибмиз...»

Бу жавобда диққатга сазовар далил, 100 боғ беда, арпа ҳақида. Биргина «Босмачилар»нинг эмас, қизил аскарларнинг, совет ходимларининг отлари ҳам аҳолининг ем-хашагига муҳтож бўлиб турар эди-да. Бу борада фақатгина босмачиларни «талончи» дейиш бир ёқдамалик ва ҳақиқатдан юз ўгириш бўлмасмикан?! Қизил аскарлар-

нинг отларига арпа, беда йиғиш бир қишлоқ билан чекланиб қолмаган-да. Ревком раислари – ижроқўм раҳбарлари 13-ўқчи корпуснинг озиқ-овқат, ем-хашак тўминотига масъул бўлганлар. Қизил аскарлар учун қурол-яроғ, ўқ-дори Россиядан вагон-вагон келгани билан, отлар, озиқ-овқат, ем-хашак, турар жой масъулияти маҳаллий ҳокимият зиммасида эди. Маҳаллий ҳокимиятнинг кучи аҳолига етар, элнинг бор-буди мундир ва шинел кийганлар тамоғи, эҳтиёжи учун зўрлаб йиғиб олинар эди.

48

Мазальский... Бу каснинг номи ўша йилларда, «жўжи келди – бўжи келди» янгиғ тилдан тушмас, у қишлоқларга ораласа, одамлар жондордан ҳадик олган сурувдек ўзини ҳар тарафга урар, кўздан яшириниш пайида бўларди. 13-ўқчи корпусда ташкил этилган босмачиларга қарши кураш махсус бўлими бошлиғи Мазальский Косонда шунчалар танда қўйган эдики, қўл остидаги аскарлар отрядини бошлаб бормаган қишлоқ, бурнини тикмаган хонадон қолмаган эди. Шу сабабдан уни «Косон Мазальскийси» деб атардилар. Эл захарханда қилиб, «Мозорски» дерди. Ҳатто, терговчи Дилмурод Одинамуродов 1924 йилнинг 11-ноябрида қамоқда ётган 10 жигит иши юзасидан уни гувоҳлик беришга чақирганида, расмий сўроқ қарорига ҳам «Косон Мозорскийси» деб ёзади. Энди, ана шу одам овчиси Мазальский билан яқинроқ танишайлик. Унинг кўрсатмаларини мушоҳада этайлик.

«Савод: – Ушбу ўртоқларни (терговчи ҳам қовун тушириб, маҳбусларни «ўртоқ» деб атайдилар – П.Р.) таслим бўлган вақтларида берган қуроллари неча

адад бўлган ва берган қуроллари шаҳодатнома-ларга ёзилганми, берган милтиқлари қанчалиги сони йўқми? ~~дони ёзилганми~~

**Жавоб:** – Неъматхўжа боз қайтуб, бир ойда ҳибс-да бўлган Эшонқул илан бирга бўлиб, босмачилик ҳаракатига кетган (қаранг, пихини ёрган Мазальский ҳибсда ётган 10 жигитдан олинган қурол-лар ҳақидаги саволни жавобсиз қолдириб, жўртта-га «ўтлаб кетиб» терговчини чалғитади).

**Савол:** – Буларни (Неъматхўжа, Саломхўжа, Эшонқул – П.Р.) ким тутиб келди?

**Жавоб:** – Мазкурларни бир марта аскар юбо-риб, тутиб келолмадик, аскарлар иккинчи марта борганларида қўлга олдик. 2 октябрда Саттор эл-беги деган командир бориб, ушлаб келди. Мен мазкурларни Қаршига жўнатдим. Қарши особий отдели уларни Бухорога узатти. Яна Бухородан Қаршига олиб келинди.

**Савол:** – Полвонхўжа Пўлатхўжаев ҳақида нима дейсиз?

**Жавоб:** – Аввалига Полвонхўжа қизил аскар-ларга бошлиқ бўлиб, сўнгра бир қанча ёпон мил-тиқларини олиб, босмачилар томонга қочиб кет-ти. То 1924 йилга қадар босмачилик қилиб юрди ва Косон милисияси бошлиғи томонидан қўлга туширилади. Бироқ ҳибсдан қочиб, яна қўрбоши Жума қоравулбеги тўдасига бориб қўшилган. 1924-йил май ойида қайта ушлаган, 10 кундан сўнг яна қочган. Шу йил 2-октябрда Касби иж-роия қўмитаси раиси тарафидан милтиғи билан қўлга олинган».

○ Келтирилган савол-жавобдан Мазальскийнинг ким ва қандай шахс бўлганлигини англаш қийин эмас. Жиноят қидирув бўлимининг терговчиси Диамурод Одинамуродов ўзининг асосий саволи-га жавоб беришни лозим топмаган бу касдан қайта

жавоб талаб қилишга ботина олмаган. Гапни айлантирса, бу туллак, «ҳибсдагиларга ён босди», деб туҳмат қилишдан, терговчини ишдан четлатиш, ҳатто қамоққа олдиришдан ҳам тоймасди. Терговчининг тили қисқлиги – «маҳаллий кадрлардан» эканлигида эди.

#### 49

Дилмурод Одинамуродов ўзига топширилган иш масъулиятини, ундан нималар талаб қилинаётганини яхши биларди. Шу боис, терговчи ишни рисоладагидай олиб боришга интилар, сўроқ амалиётининг одатдаги усулларида фойдаланишга аҳамият қаратар эди. 1924 йил ноябри ўрталарида, Мазальский, Саттор элбегилар гувоҳ тариқасида сўралгандан кейин, шоҳидликка ўтганлар билан айбланаётганларни рўпара қилиб, юзмаюз терговни амалга оширади.

Терговчи Неъматхўжа, Саломхўжа ва Эшонқулни кучайтирилган соқчилар назоратида хонанинг адоғида жойлаштириб, Саттор элбеги ва Эрнақулни ён тарафга ўтказдирди. Оёқ-қўлларига кишан урилган маҳбусларга одатдаги расмиятчиликлардан сўнг, бирданига «туя чил» солинди – кўндаланг савол берилди:

**«Савол:** – Саттор элбеги билан Эрнақул (Андақул, деб ҳам ёзилган) боруб, сизларни Касби деган қишлоқда, бир ҳовлида босуб олганми?

**Жавоб:** – Йўқ, бизларни улар босуб (куч билан) олган йўқ, бизлар ўзимиз келдик (ихтиёрий таслим бўлиб – П.Р.).

**Савол:** (Саттор элбеги ва Эрнақулга) – Бизлар ўзимиз келдик дейдиларку?!

**Жавоб:** – Мазкурлар ёлғон дейдур. Мазкурларни Касби кентига боруб, босуб олдук.

**Савол:** – Хўш, сизлар (уч айбланувчи) энди нима жавоб берасизлар?

**Жавоб:** – Бизлар ўзимиз келганмиз, мазкурлар босуб олиб келгани йўқтур.

**Савол:** – Саттор элбеги, Эрнақул, сизлар бунга қандай жавоб берасизлар?

**Жавоб:** – Бизларга Косон Мозорскийси амр қилди, бизлар унинг амри билан боруб, Касби кен-тидан босуб олиб келтуруб берганмиз.

**Савол:** – Сизлар мазкур Неъматхўжа, Саломхўжа ва Эшонқулни босуб олиб келганингизга шоҳидларингиз борму?

**Жавоб:** – Косонда бўлган одамлар ҳаммалари билурлар ҳамда милисалар, бошқа қишлоқларга бўлган одамлар ҳам будулар.

**Савол:** – Сизлар, Неъматхўжа, Саломхўжа, Эшонқул бунга нима жавоб қиласизлар?

**Жавоб:** – Бизлар ўзимиз келганлигимизга шоҳид ўтқарармиз.

**Савол: (Саттор элбеги ва Эрнақулга)** – Неъматхўжа, Саломхўжа, Эшонқулни кимнинг ҳовлисида босуб олдингизлар?

**Жавоб:** – Кимнинг ҳовлисида бўлганини билмаймиз, қоранги кечада кимнинг ҳовлисида бўлганини билмаймиз. Лекин Касбининг бозорида Омонхўжа деган ўз ҳовлисидан бир бешотар, бир табонча, 2 та шашка, 27 та ўқни ўзи келтириб берди».

Биз бу савол-жавоб моҳиятига изоҳ бериш ва ҳакамлик қилиш ниятидан узоқмиз. Эшонқул Турсунов сўроқ охирида терговчи, гувоҳлар олдида «мен ўзимни оқламоқ учун шоҳид кўргазурман», дейди. Чамаси, бутун моҳият шу сўзларда тажассум топган. Бунда гувоҳларнинг кўрсатмасини очиқ тан олмаслик тутуни бурқсиб турибди. Бу муаммога фақат бир киши – Саттор элбеги тилга олган Омонхўжагина аниқлик киритиши мумкин эди...



Омонхўжа Маҳмудсўфиҳўжа ўғли кўпни кўрган, имонли, диёнатли одам бўлган. Касби қишлоғида туғилган, бир умр деҳқончилик орқасидан кун кўрган Омонхўжа тўғриси, ҳалол киши эди. 50 ёшга кирган Омонхўжани Қаршига гувоҳ тариқасида олиб келганларида у бор гапни айтиди. Бу воқеа 1924 йилнинг 19 ноябри куни бўлади. Терговчи Дилмурод Одинамуродовнинг ҳам ичида қандайдир ачинишми, ҳадикми, нимадир бесаранжом кезинарди – Омонхўжа Саттор элбеги гапни тасдиқлаб, «бу босмачиларни босиб олиб кетгандилар, улар ўз ихтиёрига билан таслим бўлмаган, десачи», деган ўй унга ором бермасди. Яна бир кўнгли, «хўп, босиб олиб кетти, деб тасдиқласа-чи, бу билан нима ўзгаради, маҳбусларни сизлар оппоқ экансиз деб оқлаб юборадиларми» деган хаёлга кетарди. Нима бўлганда ҳам, у Алексеенко, Поляков, Жданов эмасди-да. Дилмуродов, қаршисида ҳаво изғирин бўлишига қарамай, юпун кийинган Омонхўжага бир зум қараб турди-да, савол-жавоб қонун-қоидасини тушунтириб, ёлгон гувоҳликнинг жазосини алоҳида таъкидлаб, сўроқни бошлади.

**«Савол:** – Саттор элбеги, Эрнақуллар дейдурки, Неъматхўжа, Саломхўжа қочиб босмачи бўлган эрдилар, мазкурларни бориб босиб олуб келдур дейдурки?!

**Жавоб:** – Йўқдур, сўзлари ёлгондур.

**Савол:** – Сиз бир бешотар милтиқ, бир табонча келтуруб (Мазальскийга) берган экансиз?

**Жавоб:** – Мазкурлар (Саттор элбеги, Эрнақул) ёлгон дейдур, ман буни билмайдурман, ушбу сўзлар ёлгондур.

**Савол:** – Сизни ҳовлингизга Саттор элбеги, Эр-накул аввал келдиму ёки Эшонқул, Неъматхўжа, Саломхўжа олдин келдиму?

**Жавоб:** – Саттор элбеги, Эрнакул аввал келдилар.

**Савол:** – Сизни ҳовлингизга булар тушгандан сўнгра Неъматхўжа, Саломхўжа, Эшонқулни олиб келдингизму?

**Жавоб:** – Ўзлари келдилар, мен бул пайтда бетоб ётган эдим».

Саттор элбеги кўрсатмасида тушган ҳовлиси кимники эканлигини қоранғи бўлганлиги сабаб билмаганлигини, миштиқларни кейин, унинг ортидан Омонхўжа деган киши олиб берганлигини, уч жигитни куч ишлатиб, мажбуран (босиб) қўлга олганлигини айтган эди. Омонхўжа унинг гапларини ёлгонга чиқаради. Унинг гапларини оқизмай-томизмай сўроқ қарорига киритган Дилмурод Одинамуродов енгил торгандай бўлди. У дилининг тубидан шундай жавобни кутган эди. Омонхўжа шоҳидлик бериб айтган кўрсатма маҳбуслар тақдирида ижобий ўзгариш ясамаган бўлса ҳам, ўша даврда советлар хизматида бўлган айрим касларнинг асл башарасини кейинчалик авлодлар билиб қўйишида бебаҳо аҳамиятга эга бўладиган сўзлар сифатида айтилган эди.

## 51

1924 йилнинг 19 ноябрида, айнан Омонхўжа шоҳидлик берган кунда Касби қишлоғидан Маҳмудхўжа, Раҳматуллохўжа, Ҳакимхўжа, Мирзохўжа, Хўжақул оқсоқол, Матлаб оқсоқол, Ота оқсоқол, Муҳаммаднӣёз оқсоқол, Равшан оқсоқол, Шоди оқсоқол, Полвон оқсоқол, Қора оқсоқол, Карамхўжа, Қобилхўжа оқсоқол, Иброҳимхўжа, Бад-

риддинхўжа, Ёдгорхўжа, Аҳмад оқсоқол, Рўзимуҳаммад оқсоқол, Хусайнхўжа, Ҳамро оқсоқол, Гойибназар, мулло Каримқул, Товай оқсоқоллар Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси номига ариза берганлар.

Ушбу аризада ҳам уч жигитнинг куч билан қўлга олинганми, ёинки, ўз хоҳишлари билан ихтиёрий таслим бўлганми эканлигини равшанлаштирадиган сатрлар мавжуд. Одатда, қишлоқда пинҳон нарса бўлмайди, уйлар деворлар билан ўраб олинмай, очиқ саҳналарда жойлашганлиги сабабли, кимникига ким келаётир, нима воқеа бўлаётир, ҳамма кўриб-билиб турган. Ариза битган мўътабар оқсоқоллар оқни қора дейишга одатланмаган эдилар. Улар, таъкидлаб, «ҳаммамиз шоҳидмиз, мазкурларни (Неъматхўжа, Саломхўжа, Эшонқул) Мозорски чақирғон эмас, ўзлари ўз хешлари илан борган (яъни, қариндошлари билан ўз хоҳишларига кўра), Мозорскини бир неча одамлари (Саттор элбеги, Эрнақул) фалон жойга боруб босиб олдук деганлари ёлгон, хусуматдан айтишганлар... Мозорскини ёнидан келуб, мазкурларни олиб борган одамлар – Саттор элбеги, Эрнақул, Ҳайит сардор, Мурод деганлар эди. Олиб борганда қишлоқда кўб одамлар (яъни, бунга гувоҳ бўлган эди) бор эди», деб ёзганлар.

Саттор элбеги тўқиган кўрсатма уйдирмадан иборат бўлганлигини тушуниш учун оқсоқолларнинг шу келтирилган сўзлари кифоядир.

## 52

Қишлоқлар аҳли ёзган аризаларда, маҳбуслар берган кўрсатмаларда «шахсоният туфайли», «хусумат билан» деган сўзларга дуч келамиз. Шахсий келишмовчилик, кўролмаслик, ғараз, манфа-

ат каби миллат пайтавасига тушган қуртлар алов-далфовли, юрт ва эл тақдири ҳал бўлаётган йилларда ҳам ўрмалашдан қолмаган. Ватан аланга ичида қолган, бошбошдоқлик ҳукм сураётган, ҳарбий вазият одамларни гангитиб, саросимага солиб, ночорлаштириб қўйган бир шароитда улар авжи ривож ва тараққийда бўлган. Амалга минган, қўлига қурол тутган айрим нокаслар кимлардандир аввалги ўчаларини олишга, нафсга берилишга қулай вазият келди, деб тубанлик йўлига кирганлар. Саттор элбеги билан бу учала маҳбусни ихтилофга солган сабаб нима эди?

Бундай саволнинг туғилиши табиий бир ҳол. Ўзим ҳам ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечирар эканман, бу муаммонинг ечими бормикан, деган андешага кўп марта бордим. Саволга жавоб, хайриятки, Эшонқул Турсуновнинг 1924 йил 20-ноябрь куни бўлган сўроқда берган кўрсатмасида ақс этган экан.

Ўша куни Дилмурод Одинамуродов терговни шундай бошлайди:

**«Савол:** – Сизни нима сабабдан келтуруб ҳибс қилдилар?

**Жавоб:** – Ул Саттор элбеги келтуруб қамади, шахсоният қилуб, мани Косон особу адилига ёмонлаб келтуруб қамади.

**Савол:** – Нима деб ёмонлаб қамади?

**Жавоб:** – Турди тўқсобани Чори дегувчи ясовулини ўлдуруб, оти, бир миатиғи, бир табонча наганини, бир филта ўқни келтуруб, Косон особу адилига бердим, кейин Шерқул (қўрбоши) дегувчини, Қуамурод дегувчи ўнбошини ўлдурдум. Чори дегувчини бир оти бор эди. Косон особу адили менга берган эди. Ушбу мен ўлдирган босмачиларни неча марта аскарлар чиқуб, тутолган йўқ эрдилар. Лекин Чори дегувчини отини менга бер-

ган эрди. Шул отни Саттор элбеги, «менга бер», деган эрди. Мен бермаган эрдим, шунга биноан мани Косон особу адилга ёмонлаб, шахсоният қилуб, келтуруб қаматтурди. Сўнгра мани отимни олиб, Чандир қора соқол деганга берди

**Савол:** – Сиз шунча, тўртта-бешта босмачини ўлдурган бўлсангиз, ушбулардан милтиқ, бу олган отларга распискангиз борму?

**Жавоб:** – Мани арастон қилган вақтга жамъи хешларимни қамоққа олдилар, ман бу ҳукуматга қилган хизматларимни ҳамма халқлардан сўрасангиз агарда, бир одам отимни кўрсатиб, Эшонқул менга жабр-зулм қилди демайди».

Эшонқул Турсун ўғли шу сўроқ охирида Чори ясовулбоши ҳақида сўзлаб, унинг ўн кун давомида қизил аскарлар билан отишиб, жанг қилиб, бир неча аскарларни ўлдирганини айтади. Чори ясовулбошининг интиқомини шу жанглар иштирокчиси бўлган Умар Тош деганнинг отаси Эшонқулга айтган экан.

## 53

Эшонқул Турсун ўғли довюрак, мард ва танти сардор эди. 1924 йилнинг 24 ноябрида Дилмурод Одинамуродов уни охирги марта сўроқ қилади. Терговда берилган жавоблар ўн тўққиз ёшли навқирон йигитнинг ўлимдан қўрқмаганлигини, бошига қилич келганда ҳам тўғри сўзни айтиш хислатини намойиш этади. Юрт бошига иш тушганда қўрқоқлар, писмиқлар сандалга суқилиб, қўрпадан чиқмаган, мард, фидойи, қони жўшган фидойилар жазирама, изғирин демай, ўзларни ўтга, чўққа урганлар. Уларнинг бири Эшонқул эди. Бунга ишонч ҳосил этиш учун сўроқномага биров кўз югуртирайлик:

**«Савод:** – Ёртефа деган қишлоқли Қурбонхўжа деганга от берган экансиз, ўшал отни қайси вақтда берган эдингиз?

**Жавоб:** – Йўқ, Ёртефа деган қишлоқни мен билмайман, Ёртефа деган қишлоқ йўқдур.

**Савод:** – Мазкур Қурбонхўжа деганни келтуруб, мазкур отни ўзингизга кўрсатиб, маълум қилганда нима жавоб берурсиз?

**Жавоб:** – Манда бир от ва ёки ёшуринча сақлаб қўйилган милятиқ ва ёки ўқ бўлса, манга ўлум жазо берингиз, манда ҳеч бир милятиқ, от, мундоғ нарсалар манда йўқдур...

**Савод:** – Сизга милятиқ борлигини Косон Мозорскийси билса, нима учун овиска (тинтув) қилуб, милятиқни олуб боргандан сўнгра сизни қамаб қўйди?

**Жавоб:** – Мазкур Мозорски (Мазальский) йўқ, Бухорога эрди. Бошқа сўзум йўқдур. Ман фуқарога ёмонлиқ қилганим йўқ. Беш қишлоқ, тўрт қишлоқдан сўранг, агарда ман бир фуқарога ёмонлиқ қилган бўлсам, манга нима жазо берсангиз ман розиман. Бошқа сўзум йўқдур».

Бу сўзларга изоҳ ортиқча. У ким учун, нима учун қўлга қурол олганини шу охириги сўроқда очиқ-ойдин эътироф этади. У фуқароларга-халқига қарши милятиқ ўқталмаган эди. Унинг сўзлари ҳақлигини Кўларик қишлоғи аҳолиси, койво-ни ва оқсоқоллари далолат этадилар, уни ҳибсдан, совет ҳукумати бериши муқаррар бўлган олий жазодан қутқариш учун тинимсиз курашадилар ва мақсудларига эришадилар. Гап энди шу ҳақда бўлади.

Кўларик қишлоғи аҳолиси Эшонқул Турсун ўғли ҳимоясини бир зум ҳам бўшаштирмаган. Вилоят ташкилотларидан нажот кўрмаган одамлар Бухорога, республика ҳукуматига арз қиладилар. Унда, «Эшонқулнинг бўҳтон» туфайли қамоққа олинганлиги зикр этилади. Эшонқулнинг шўро қамоғидан қочиши Ҳусайн оқсоқол, Эшмурод оқсоқол, Хушназар оқсоқол, Худойбердибек, Тоғай оқсоқол, мулло Эшмурод, Турсун Ниёз, Бобол оқсоқол, Ҳақберди, Қаландарбой, Муҳаммад Диёрбой, Аллаберганбой, Эшонқул, Қобилхўжа, Абдукаримхўжа, Султонхўжа, Нормуродбой, Жўра оқсоқол, Оромхўжа сингари 22 фуқаро имзолаган аризада, «қизил аскарлар Ҳусайнхўжа деган одамни кўлини борлаб олиб кетганда, мазкур Эшонқул Турсун ўғли, «муни ўлдирди, мани ҳам ўлдирди», деб арастондан қочиб ҳовлисига келган эди», деб кўрсатилади.

1924 йилнинг 30 ноябрида Кўларик қишлоғидан Жиян оқсоқол Қандаҳор ўғли, Қувватхўжа Ҳамрохўжа ўғли «Қашқадарё минтақа вилоят пиркурари»га ариза ёзиб, Эшонқул Турсун ўғлини озод қилишни сўраб, унинг гуноҳсиз эканлигини баён этадилар.

Эшонқул Турсун ўғлини шўро қамоғидан озод қилиш Кўларик қишлоғида ўзига хос сиёсий кўтарилиш тусини олган эди. Вилоят ташкилотларига ариза устига ариза ёғилар эди. 1924 йилнинг 1 декабрида шу хусусда яна Жиян оқсоқол Қандаҳор ўғли, Ҳасанхўжа, Қувватхўжа, Эшмурод оқсоқол, Мажидхўжа, Тошхўжалар маҳаллий ҳукумат раҳбарларига ариза билан мурожаат қиладилар. Эшонқул Турсун ўғли ҳимоясини Кўларик қишлоғи аҳолиси собитқадамлик билан давом эт-

тираётган эди. Эшонқул Турсун ўғли ортида унинг эли, қишлоқдошлари турган эди. Ниҳоят, элининг овози эшитилади, талаби қондирилади – Эшонқул Турсун ўғли судга қадар кафилик воситасида қамоқдан чиқарилади.

Бу ҳақда терговчи Дилмурод Одинамуродовнинг «Кафолатга берув қарори» матни билан танишиш жоиз бўлади. Унда, «1924 йил 14 декабрга, мен-ким, Қашқадарё вилояти Бехбудий округи жиноий суд муфатташи (сўроқчиси) Дилмурод Одинамурод ўғли вилоят моддаиоломумидан (прокурори – П.Р.) 10-рақамли қоғоз баробаринда келган 3-рақамли ишга жиноят қонуни умумийсини 76-моддасига биноан, айбланувчи Эшонқул Турсун ўғлини ишини кўриб, мутолаа қилганимда, мазкур айбдор, локинда мазкурнинг ўзи гуноҳига иқрор бўлган сабабли мазкурни ўз қишлоқидан эътибор одамларига, мазкур кўп вақтдан боз ҳибсга ётганигини эътиборга олуб, тафтишга ва сўровга зарар келтирмаслик шарти илан ўз қишлоқидан: **1.** Эшмурод оқсоқол Умрзоқ ўғли. **2.** Тошболта Имомқул ўғли. **3.** Қаноат Чори Ясовул ўғлига кафолатга беруб, ҳарвақт ҳукумат тарафидан талаб қилганда келтуруб бермоққа шарт қилуб, жиноят мунозиъ мажмуасини (жиноят процессуал кодекси) 152-153 моддасига биноан кафолатга бермоққа қарор қилдим», дейилади.

Энди, «Кафолатга олув қарори хати»ни ҳам келтириб ўтайлик. 1924 йилнинг 14 декабрида расмийлаштирилган бу ҳужжатда: «Туман Косон, Жумабозор қишлоқидурмиз. Биринчи Эшмурод оқсоқол Умурзоқ ўғли. **2.** Тошболта Имомқул ўғли. **3.** Қаноат Чори Ясовул ўғлидурмиз. Берамиз ушбу кафолат хатини шул хусусдаким, тумани Косон, Жумабозор қишлоқли Эшонқул Турсун ўғлини ўз кафолатимизга олдик. Қашқадарё мин-



тақа округ жиний суди муфаттиши Дилмурод Одинамурод ўғайдан ҳар вақт ҳукумат тарафидан талаб қилганда келтуруб берушимизга ўз икромлигимиз илан ўз гарданимизга олдук. Акс ҳолда масъулиятга қолуб, мазкур маҳбусга тегишли бўлган жазони ўз гарданимизга олдук деб қўл қўйдук», деган сўзлар айтилади.

Шу тариқа, Жумабозор кентига қарашли Қўла-риқ қишлоғи аҳолиси ўз мақсадига эришади – Эшонқул Турсун ўғли кафилик орқали озодликка чиқарилади. Кафиликка бериш ҳужжатларида «судга қадар» деган жумла учрамайди. Лекин «тергов талаб қилганда етказиш» деган жумладан Эшонқул Турсун ўғлининг озодлиги омонат эканлиги англашилиб туради.

... шавалини бўлиб

55

Кунлар, ойлар қаторлашиб ўтиб борарди. Қамалганлар, маҳбус Содиқ Жонқувватов тергов вақтида айтганидай, тош терилган ҳужраларда совуқ тунларни дилдираб, тўшаксиз, қийналиб ўтказар эдилар. Уларнинг изида қолган ота-оналари, хотини, бола-чақалари аҳволи қамоқдагиданда ёмонроқ эди. Буни, Косон туман меҳнаткаш деҳқон фуқароларининг 1924 йил 27 ноябрда «Қашқадарё минтақа тирбунал судига» ёзган аризаси мисолида англаш мумкин бўлади:

«Туманимиздан, – дейилади унда, – Баҳри дегич Жўра ўғлини босмачиларга агинт эмиш деб, қайси бир хусуматли киши ҳукуматга маълумот берган экан. Ушбу тўғридан мазкур киши кўб вақтлардан буён арастонга ётибдур. Шу Баҳри дегич киши ўзи бир деҳқон эди. Ҳозирда анча вақтлардан буён арастонга ётибдур. Бир кампир онаси бор, кўб қарри, нотавондур. Бир хотуни, икки на-

фар майда боласи ҳам бор. Бу Баҳри арастонга ётгандан, оиласининг аҳволлари хароб бўлуб, очликдан ўладурган бўлубдур».

Бу хилдаги аризалар кўп эди. Уларда ноҳақ қамоққа олинган жигитларнинг оиласи, деҳқончилиги барбод бўлганлиги ачиниш билан баён этилади. Лекин большевиклар кўз ёшларга ишонмас, инсонийлик тушунчалари улар учун ёт эди.

Қишлоқлар аҳолиси жамоа бўлиб, маҳбусларни кафиликка беришни сўрар эдилар. Илтимослар, талаблар самарасиз қолиб кетарди. Неъматхўжа Умархўжа ўғли ва Саломхўжа Хусайнхўжа ўғлини кафиликка олиш ҳақида берилган аризалар натижаси ҳам қарийб беш ойга яқин чўзилиб кетди. Фақатгина 1924 йилнинг 1 декабрида Қобилхўжа Муқимхўжа ўғли, Шодмонхўжа Муродхўжа ўғли, Набиҳўжа Усмонхўжа ўғли, Умархўжа Қамбархўжа ўғли узоқ оворагарчиликдан кейин исмлари зикр этилган икки маҳбусни судга қадар очикда бўлишига эришадилар. Бу деярли бўладиган иш эмасди. Қишлоқ аҳдининг ҳамжиҳатлигига, қатъиятига тасаннолар айтиш камлик қилади. Бу эса яна бир бор «босмачилар» ортида элу халқ турганидан бир далолат эди дейишга асос беради.

~~жиддий бонордун «Ушбу» эди.~~

56

«Ушбу» эди.

Кафиликдаги озодлик, афсуски, қисқа бўлади. Тез орада 24-йил ниҳоясига етиб, 25-йил бошланади. Терговчи Дилмурод Одинамуродов қаттиқ ишлаган эди. У 1924 йилнинг 13 январиди вилоят прокурорига тергов ишларини якунланганлиги ҳақида расмий хат тайёрлайди:

«Ушбу баробаринда ёзиб маълум қилинадур, Қашқадарё вилоят Бехбудий округи жиний суд

муфаттиши Дилмурод Одинамурод ўғли тарафидан шул хусусдаким, 3-рақамли ишга жиноят қонун мажмуасининг 76-77 жиноят қонун умумий қисмидан 22-моддаларига биноан:

Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Полвонхўжа Пўлотхўжа ўғлиларини ишини тамом қилуб, айб-лаш қарори баробаринда жиноят мунозиъини 15-моддасига биноан 1925 йил 13-январдан эътиборан 194 варақа қозғоздан иборат қилуб, сизни қарамоқингизга юборилади, деб ҳукм маҳкамаси (суд идораси)».

1924 йил мустабид тузум тарихида фавқулодда воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Улар орасида йўқсиллар доҳийсининг ўлими, тобе ўлкаларда миллий чегараланишнинг амалга оширилиши шўролар маъмурий бошқарувига кутилмаган таҳрирлар киритган эди. Шу йили Бухоро халқ совет республикаси Ўзбекистон ССР таркибига қўшилган эди. Марказда пинҳон давом этаётган ҳокимият талашувлари жойларда акс-садо бермай қолмасди. Бу, айниқса, жазо органлари фаолиятида яққол кўзга ташлана бошлаган, қонунлар шафқатсиз тус олиб, заиф халқалар таранг ҳолга келтирилаётганида намоён бўлар эди.

Қўлга тушган қасоскорлар тақдири айнан шундай ўзгаришлар, сиёсий тузумнинг тобора қаттоллашув, қақшатқич тус олиш даврига тўғри келган эди.

1925 йилнинг 1 февралда Қашқадарё вилоят судининг тақсимот йиғилиши бўлиб, унда раис муовини Т. Ғофуров, прокурор Клемакин, коллегия аъзоларидан Сладкович, Ражабов, Хусайновлар қатнашадилар. Тақсимот ҳайъати Неъматхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Хусайнхўжаев, Эшонқул Турсунов ва Полвонхўжа Пўлатхўжаевлар

«жиной иши»ни кўриб чиқиб, яна тергов қилишга қайтарадилар. Энди улар иши билан терговчи Нўгаев шуғулланадиган бўлди. Диамурод Одинамуродов ўйиндан чиқазилади. «Маҳаллий кадрлар»га бундай жиддий ишни ишониб бўлармиди, маҳбусларни аяганлиги, уларга ён босганлиги шундай кўриниб турган бўлса?!

Нўгаев иш билан бир ой шуғулланади. Ниҳоят, 1925 йил 3-мартда у Қашқадарё милициясига 576-рақамли хатни йўллаб, қуйидаги талабни қўяди:

«Ушбунинг баробаринда сизга ёзиб маълум қилинадурким, Қашқадарё вилоят ҳукм маҳкамасини (суд идораси) 15-рақамли ишига Касби кенти Хосон (Косон – П.Р.) туманлик Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғилларини; Косон туманидан Жумабозор, Кўларик қишлоқидан Эшонқул Турсунқул ўғли; Хосон туманидан Касби кенти Қийухон (?) қишлоқлик Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғилларини 22-март ойига (22-март кунни демоқчи), соат 2<sup>00</sup>га ҳукм маҳкамаси муфаттиши (терговчиси) ўртоқ Нўгаевга олиб келушга мажбурдир. Акс ҳолда масъулият сизга қолгувчидир, деб муфаттиш Нўгаев».

«Вилоятда Косон номи туман борлигини билмайдиган, бу сўзни «Хосон» деб ёзган муфаттиш – сўроқчининг билими, савияси ҳақида гапириш энди кеч. Лекин юртдошларимизнинг, ота-боболаримизнинг қисматини ҳал қилиш ана шундай «ипдош» ипирикчилар қўлига топшириб қўйилган эди.

Суд яқинлашмоқда эди. Нўгаев тушмагур суд вақтида томонларнинг иштирокини таъминлаш учун гувоҳларни чақиришни ҳам унутмайди. У

Косонда жойлашган 13-ўқчи корпус БСБ махсус бўлимига расмий чақирув қоғозини йўллаб, айбланувчиларга қарши асосий гувоҳлар бўлган Саттор элбеги ва Эрнақулнинг иштирокини таъминлашни талаб қилади.

Косон тумани махсус бўлими 1925 йил 12-апрелда Қашқадарё вилоят судига 54-алоқа хатини юборади:

«Ушбу илан Косон туман махсус бўлими иккинчи маротаба ёзиб маълум қилади: Эрнақул ўғли, Саттор элбеги касал бўлуб ётгани сабабли, юборилмайдур. Соғайқи бўларондан кейин албатта юбориладур.

**Махсус бўлим ходими: Фўлатов».**

Одинги саҳифаларда Мазальскийнинг ашъвий дадиллар борасида тўлғама қилиб, ўзини олиб қочганлиги аён бўлгани каби, Саттор элбеги ва Эрнақулнинг кўрсатмаларидаги ёлгон ҳам фош этилганлигидан ўқувчи хабардор. Юзи шувит сохта гувоҳлар иш бундай тус олади, деб ўйламаганлар. Улар тушган ҳол махсус бўлимга ҳам обрў келтирмасди. Бўлим шунинг учун уларни ҳимоя қилиш йўлига ўтади.

58

Дилмурод Одинамурод ўғли устида қора булутлар борган сари қуюқлаша бошлайди. Мавжуд ҳужжатларда унинг ўзи сўроқ қилган «босмачлар»га ён босганлиги очиқ айтилган ҳолатлар учрамаса-да, шунга ишорат қиладиган ўринлар йўқ эмас. Дилмурод Одинамурод ўғли билимли киши бўлган, унинг арабий имлодаги ёзувлари анчайин саводли, равон эканлиги шундан

далолат бериб туради. Адлия соҳасида ишлатган истилоҳлари (муфаттиш-терговчи, моддаиоломум-айбловчи, прокурор ва б.) шу даврга доир бошқа манбаларда учрамайди. Суд идорасини ҳам у «ҳукм маҳкамаси» деб атайти. Ўз қарашларига эга бўлган терговчи маҳбуслар билан ҳам яхши муомалада сўроқ-суриштирувни олиб боради. Сўроқ бобида жуда хассос ва синчков эканлиги – ишнинг моҳиятини очишга интиланлигини кўрсатиб туради. Маҳбуслар шу сабабдан ҳам унга юрагини очганлар, батафсил маълумотлар берганлар. Афсуски, у жинойи ишни бошлаган, унинг тепасида турганларга ёқмай бошлаганди. Қайта тергов, ҳарҳолда, Дилмурод Одинамурод ўғлини орадан кўтаришдаги бир усул бўлганлиги шубҳасиздир. Чунки бу ҳақда қабул этилган қарорда, терговда йўл қўйилган ёхуд очилмай қолган жиҳатлар хусусида гапирилмаган. Фикримизни республика олий судининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Насрулло ўғлининг қуйидаги қарори ойдинлаштиради, деб ўйлаймиз:

«Ҳибсга олиш қарори. 1925-йил 4 ноябрь ойида менким Марказий олий суднинг муҳим ишлар терговчиси Насрулло ўғлидурман, ушбу кун қилурман ушбу қарорни шул тўғридаким, ушбу 3/51-рақамли ишга 76-моддани 1-қисми билан айбланиб, жиноят қилган Салом Неъмат ўғли (муҳим ишлар терговчиси ақалли маҳбуслар исмларни ҳам тўғри келтира олмайди, бу ерда гап Саломхўжа, Неъматхўжа ва б. ҳақида бораётир – П.Р.) ва бошқалар бўлуб эдилар. Ушбу ишга мазкур Салом Хусайнхўжа ва бошқаларни жиноятлари терговчи (Дилмурод Одинамурод ўғли) томонидан охир бўлуб, ушбу ишни судга топшуруб, мазкур Хусайнхўжа ўғлини гуноҳкор деб, ўзини кафиликка бер-

гандан сўнгра, мазкурлар кафилга чиққанлар. **Буни вилоят суди нотўғри билиб, уларни ҳибсга таклиф қилиб, ишни қайтаргандурлар.**

Мазкур гуноҳкорларни кафиллари 9-числоси илан ҳибс қилганда мазкур Хусайнхўжа ўғли келуб, ҳамроҳи **Неъматхўжа босмачиларга қўшулуб кетгани** зоҳир бўладур. Ушбу тўғрида мазкур Хусайнхўжа ўғлини қочмоқчи эҳтимоли борлиги сабаб, вилоят судининг таклифлари бўйича тартиб тузукининг 144-моддаси, 5-қисмини мулоҳазага олуб, келдим ушбу қарорга:

Вилоят суди терговчиси Дилмурод ўғлининг (Одинамурод ўғлининг – П.Р.) 1924 йил 13 декабрь ойида қилган қарорини тасхир (бекор қилиб), мазкур Саломхўжа ўғлини то ҳамроҳлари келгунича Ардомда ҳибсга қўймоққа деб қарорга келгучи олий суднинг муҳим ишлар терговчиси Насрулло ўғли.

Мана, гап қаерда экан. Дилмурод Одинамурод ўғлининг «жиноятчилар»ни кафилликка бериб, бир йилга яқин очиқда қўйгани жазо органлари томонидан ҳазм қилинмаган. Терговчи бутун масъулиятни зиммасига олиб, қалтис ишга журъат қилган. Шартли равишда озодликда юрганларнинг ҳаммаси айтилган вақтда совет маҳкамаларида ҳозир бўлишига у қандай ишонган? Унинг юрагидан қандай оқимлар ўтган? Бу саволларга жавоб бериш осон эмас. Терговчи кафиллик оқибати нима бўлишини яхши билган, чамаси. Бу қарорга у онгли равишда келган, шу йўл билан уларни қутқазиб қолишни хоҳлаган кўринади.

## 59

1925 йил бошларида қўлга олинган қасоскорларнинг ярмиси терговчи Дилмурод Одинамуродов жўмардлиги сабаб, очиқда-кафилликда юр-

ган эди. Мулло Абдурахмон ўғли, Содик Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли 1924 йил охирларида аҳолининг арз ва мурожаатлари, қаттиқ туриши, терговчининг бутун масъулиятни бўйинга олиб, уларни кафиликка чиқариши туфайли уйларида эдилар. Лекин Баҳри Жўра ўғли (Кўри баҳри), Ҳамро Жўра ўғли, Саломхўжа Хусайнхўжа ўғли, Ҳамдам Маҳкам ўғли ҳамон қамалиб ётмоқда, арзлар инobatга олинмаган эди. Абдуназар Маҳмарасулов эса қочувда эди.

Обронлик онаизор Назираой Абдулгани қизи ўғли Ҳамрони қамокдан чиқариш учун бормаган идора эшиги қолмайди. Ўғли қамокда ўтирганидан бери ўтган бир йилдан ошиқ вақт бу оилага кулфат устига кулфат келтиради, шу орада келини вафот этади, ёш болалар кекса аёл қўлида қолиб кетади. Яхши одамлар онага йўл-йўриқ кўрсатиб, вилоят ижроия қўмитаси номига арзнома битиб берадилар. Арзномада шундай дейилади:

«Ушбу ариза Косон туман, Оброн қишлоқлик Назираой Абдулгани қизи тарафидан шул хусусдаким, Ҳамро Жўра ўғли ўғлимни босмачиларга қўшулубсан деб Косон Особи атдили арастон қилуб, муддат уч ой сахлаб, рухсат бериб эрди. Ҳозирда, 22 декабрда (1924 й.) вилоят тирбунал суд чақириб, арастон қилуб қўйубдур. Мазкур Ҳамро ўғлимдан икки нафар набирам бордур. Мани ёшим 68 ёшта. Мани мазкур ўғлим бир деҳқон киши эрди. Рўзгоримга ўтин келтуруб бергудай одам ҳам йўқтур. Мани ўзум бир камбағал нотавондурман. Шунини учун илтимос қиламанки, шу иш чорасини кўруб, тирбунал суддан олиб берсалар, деб ариза бергувчи Оброн қишлоқлик Назира кампир».



Ўша йиллар ота-оналарнинг ҳасрати бениҳоя бўлган. 21-йилдан бери муттасил давом этаётган совет ҳокимиятига қарши кураш давомида неча юзлаб жигитлар шаҳид кетган, қўлга тушган, отиб юборилган эди. Назира момонинг кулфати эл на-доматидан бир кўриниш эди.

## 60

Қамоқдан қочиш-фавқулодда ҳодиса. 20-йиллар бошларида Қашқадарё вилоятида 4 та қамоқ-хона бўлган, улардан иккитаси (Домзак, Ардом) Қарши шаҳрида эди, Шаҳрисабз ва Фузурда эса биттадан ҳибсхона бор эди. Ҳибсхоналар мадраса биноларида жойлашган бўлиб, маҳбусларни сақлаш талабларига жавоб бермасди. Маҳкумларга жой етишмас, кўрпа-тўшак деярли йўқ, озиқ-овқат тақчил эди. Назорат ҳам ўзига яраша бўлган.

Абдуназар Маҳмарасулов Қаршидаги ахлоқ тузатиш уйидан (Исправдом, Ардом, Ҳожи Абдулазиз мадрасаси – П.Р.) 1924 йилнинг 4 ноябрида қочишга муваффақ бўлади. Шу сабабдан терговчи Дилмурод Одинамуродов 1924 йил 25 ноябрда Абдуназар Маҳмарасуловга нисбатан ишни вақтинча тўхтатиш қарорига келади. Абдуназар Маҳмарасуловни 20 кун давомида излаш натижа бермагач, терговчи шу чорани кўришга мажбур бўлади:

«Ишни тўхтатув қарори. 1924 йилнинг 25-ноябрь ойида мен ҳукм маҳкамаси терговчиси Дилмурод Одинамурод ўғли вилоят пиркуроридан келган 37-рақамли қоғоз баробаринда келган 13-рақамли ишга айбланувчи Абдуназар Маҳмарасулов ўғли 4-ноябир ойида, шанба кечаси ахлоқ тузатиш уйидан чиқиб қочган экан. Ушбу ўртоқни қочганлиги ахлоқ тузатиш уйи мудири тарафидан маълум бўлдиғи ҳолда, қарор қиламан:

Абдуназар Маҳмарасул ўғли 4-ноябир ойида Қашқадарё минтақа ҳукм маҳкамаси муфаттишини тафтиш остидан қочиб чиқуб, тобилмаганлиги сабабли, Жиноят қидирув мажмуасини 202-231-моддаларини назар-эътиборга олуб, ишни муваққат тўхтатишга қарор қилдим».

Бу қочув охиргиси эмасди. Ун жигит совет жазо органларига рўпара бўлиб, улар мустабид тузумнинг ўзига қарши қўлга қуроол олганларни кечирмаслигига ишонч ҳосил қиладилар. У садоқатни, фидойилик билан қилинган хизматларни ҳам тан олмас эди. Турди тўқсоба лашкари сафида бўлган жигитларнинг айримлари астойдил советлар хизматини қилиш ниятида эди. Лекин большевиклар анойи эмасди. Қизил аскарларга қарши бир бор ўқ узганлардан у қаттиқ шубҳаланар, ичга кириб, душманликни давом эттиради, деб ўйлар эди. Хизмат қилган, шу фикрда бўлган жигитларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Улар советларнинг ваъдалари ҳавойи, уларни қўлга туширишда йўлга қўйилган бир тузоқ эканлигини тушуниб етадилар. Кафиллик туфайли озодликка чиққанларнинг аксарияти яна совет ҳокимиятига қарши қўлга қуроол олади...

## 61

Икки йилга чўзилиб кетган, бир неча сўроқчилар қўлидан ўтиб, ниҳоят Ўзбекистон ССР олий судининг муҳим ишлар терговчи К.Насрулло ўғли шуғулаана бошлаган 10 жигит жинорий иши охирига етиб боради. Орада катта муддат кечган эди. К.Насрулло ўғлининг 1925 йил 10 ноябрда қабул қилган «охирги гуноҳни эълон қилув қарори»да ўтган даврда маҳбуслар ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган эди:

«1925 йил 10-ноябир ойида, менким Ўзбекистон ССР олий судининг муҳим ишлар терговчиси К.Насрулло ўғлидурман. Ушбу кун қилурман ушбу қарорни шул тўғридаким, ушбу 15/3 рақамли ишга 76-бобга мувофиқ жиноятга тортилган Абдурахмон Очила ўғли, Жума Ҳаким ўғли (Ҳамдам Маҳкам ўғли бўлса керак), Ҳамро Жўра ўғли, Кўри Баҳри Жўра ўғли, Абдуназар Маҳмарасул ўғли, Полвонхўжа Пўлотхўжа ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Содик Жонқувват ўғлилари бўлуб, мазкурларни гуноҳкорликларини ушбу ишнинг 154, 155, 157, 143, 77, 79, 95, 91-моддаларига кўрсатадурлар. Мазкур 10 нафар киши 24-йили вилоят терговчиси томонидан кўрилиб, мазкурлардан Жума Ҳаким ўғли (Абдуназар Маҳмарасулов – П.Р.) ҳибсдан қочиб, қолғонлари кафолатга чиққандурлар.

Мазкурлардан Эшонқул дегани ўлиб, қолганларини иборат 7 маротаба чақирилганда, то ҳозиргача мазкурлардан 3 нафари келиб, қолганлари ҳозир бўлмагандурлар. Лоақал кафиллари ҳам йўқтур. Ушбунини эътиборга олиб, биринчи, ушбу ишни жиноят қидирув сиёсий идора (БСБ) ва вилоят суди терговчисига ва Ўзбекистон ССР олий судининг муҳим ишлар терговчисига, особий атдилнинг қилган терговларига қаноатланиб, ишни ҳаракатидан мазкурларни жиноятларини собит (исботланган) бўлганлиқини эътиборга олиб, келдим ушбу қарорга:

Ушбу кун мазкур гуноҳкор Жума Ҳаким (?) ўғлига 76, 95-бобининг биринчи қисмлари, қолган Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғлиларига 76-бобни 2-қисмини гуноҳларини эълон қилиб, қолганларини илгари бўлган терговига қаноатланмоққа ва ушбу ишга

жиноятга тортилган Пўлатхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғилларини ўлганлари учун берган маълумотларига мувофиқ, 252-бобни биринчи қисмига мувофиқ ишни тўхтатиб, мазкур 2 нафар гуноҳкорни охирги гуноҳини эълон қилиб, охирги сўзини бериб, ушбу қолган гуноҳкорларни суд ҳукмига муҳокамасига ҳавола қилмоқга деб қарорга келувчи олий судни муҳим ишлар терговчиси К.Насрулло ўғли».

К.Насрулло иш билан юзаки танишган кўринади. Қамоққа олинган ўн маҳбус-жигитлар орасида Жума Ҳаким ўғли дегани йўқ. Бундай одам сўроқ ҳам қилинмаган, бутун бошли ишда у ҳақда бирор сўз, эслатиш учрамайди. Ўнтанинг бири – Ҳамдам Маҳкам ўғли исми эса айблов қароридан тушиб қолган. Жума Ҳаким ўғли ҳибсдан қочган дейилади, қамоқдан эса биргина Абдуназар Маҳмарасулов қочиб кетган. Бу ҳақда расмий равишда ишни вақтинча тўхтатиб туриш қарори қабул этилган. Айблов қарорида бу хидаги қусурларнинг бўлиши олий суднинг муҳим ишлари терговчиси савиясини мана-ман деб кўрсатиб туради.

## 62

Жазо органларида ишлаётганларнинг қонунчилик бобидаги билимлари ўзига яраша, уларнинг аксар кўпчилиги адлия соҳасига ёт кишилар эди. Олий суднинг муҳим ишлар терговчиси ишни талаб даражасида таҳлил этишини қўя турайлик, ақалли гуноҳкорларнинг исмларини ҳам тўғри келтира олмагани жуда ачинарли ҳолат эди. Прокуратура ҳам ишга жуда юзаки ёндашади. Қашқадарё вилоят прокурорининг 1925 йил 23-ноябрда «Косон тумани милитсия бошлуғуга» ёзган 4081-рақамли хати билан танишайлик.

«Ушбунинг баробаринда, – дейилади унда, – музофот прокурори тарафидан маълум қиладурки, Косон тумани Касфи қишлоқлик Абдурахмон Очил ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Полвонхўжа Пўлотхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғилларини 17-ноябир 4029-рақамлик мактуб баробаринда қарор куфияси билан амалга қўймоғингизни таклиф қилиниб, юборилган эрди. Ҳозирга қадар амалга қўйилмагани учун иккинчи мактуб илан таклиф қилинадурки, зикр этилмишларни тезлик бирлан амалга қўймоғингизни сўраладур».

Мулло Абдурахмон Очил ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли Косон туманининг Гувалак қишлоғидан эди. Гувалак қишлоғи аҳолиси вилоят прокурорига ҳам бу икки ҳамқишлоғини озод қилиш ҳақида ўнлаб аризалар берганди. Вилоят прокуратурасида улар исмини эслаб қоладиган, жуда бўлмаса, жиноий иш билан танишиб, мулло Абдурахмон Очил ўғли билан унинг укаси Содиқ Жонқувват ўғлининг Касбидан эмас, Гувалак қишлоғидан эканлигини аниқлаб хат ёзадиган кимса йўқ эди. Бундай юзакилик, ишга эътиборсизлик, ўрни билан оворагарчиликларни, ортиқча ташвишларни келтириб чиқариши табиий ҳол эди. Ҳақиқатда, орадан беш кун ўтгач, 28-ноябрь куни Касби қишлоқ ижроия қўмитаси томонидан берилган маълумотномада шу ҳол ўз аксини топади:

«Касби ва Хўжа қишлоқ ижроияси (раиси) Раҳим Соҳиб ўғли, Қорахўжа Ёқуб ўғиллари тарафидан исфиравка (маълумотнома – П.Р.):

Берамиз ушбу исфиравкани шул хусусдаким, музофот прокурори тарафидан келган 4081-рақамли қорозга биноан:

**1.** Абдурахмон Очил ўғли, Содик Жонқувват ўғли – ушбу икки нафар киши мазкур қишлоқларда ҳеч бир йўқдур.

**2.** Неъматхўжа Умархўжа ўғли фақат олти ойдан буён, арастондан чиққандан буён ҳеч бир дараги йўқдур. Эҳтимол, босмачилиқдадур, босмачилиқ қилиб, Қоракўл музофотларига кетган бўлса.

**3.** Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли мундан муқаддам, бир йилдан зиёдроқ бўлди, ўлгандур.

**4.** Эшонқул Турсун ўғли мундон муқаддам, 4 ой бўлган босмачилиқка чиқиб, особий атдил (махсус бўлим) тарафидан ўлдурулган».

Жазо органлари кафиликда бир ярим йилдан ортиқроқ очиқда юрган жигитларнинг яшаш жойи, нима иш билан шуғулланганлиги, ҳатто вафот этгани, босмачиларга қўшилиб кетганидан ҳам хабарсиз бўлган.

Қишлоқ шўроси маълумотномасидан Эшонқул Турсун ўғлининг кейинги қисмати ойдинлашади. У 1925 йилнинг ёзида яна Турди тўқсоба гуруҳига кетади, советларга қарши жангларда иштирок этади. Шу йили Турди тўқсобага қарши катта куч ташланади, сон жиҳатдан жуда камайиб кетган Турди тўқсоба гуруҳи қириб ташланади. Тўқсобанинг ўзи ҳам, жасур сардор Эшонқул Турсун ўғли ҳам ҳалок бўлади. Бутун бошли гуруҳдан бори йўғи 14 жигит зўрға қутулиб, Бухоро ҳудудига ўтиб кетади. Демак, шу қутилганлар орасида Неъматхўжа Умархўжа ўғли ҳам бўлган. Раҳим Соҳиб ўғли, Қорахўжа Ёқуб ўғли суд ва прокуратуранинг масъул ходимларидан кўра кўпроқ нарсани билганлар.

Айрим ҳужжатларга кўра, Эшонқул Турсун ўғли 1925 йилнинг октябрь ойида ҳалок бўлган, бу ҳақда Қашқадарё вилоят милицияси 1925 йилнинг 4-ноябрида вилоят судини 395-рақамли хати билан

огоҳлантирган. Одам тақдири чақага олинмаган даврда, жазо органлари фаолиятидаги ноижиддийлик, юзакилик, ҳафсаласизлик, касбий маҳоратсизлик каби иллатлар руҳфони нима бўлибди?!

## 63

Касби қишлоқ ижроия кўмитаси тақдим этган маълумотномадан кейин вилоят милицияси судни Эшонқул Турсунов ўлганлигидан хабардор қилган. Полвонхўжа Пўлатхўжаевнинг вафоти ҳеч бир жойда қайд этилмаган. Вилоят прокуратураси ҳам, вилоят суди ҳам 1925 йилнинг декабрь ойи мобайнида, ишни судда кўриб чиқиш арафасидаги расмий ёзишмаларида ҳалок бўлган, вафот этган бу икки собиқ маҳбусни тириклар қаторида ҳисоблашда, ҳатто, олдинда кўрганимиздек, уларга «сўнгги сўзни беришни» ҳам кўзда тутишда давом этадилар. Ҳужжатлар билан танишар экансан, киши бу иш учун мутасадди бўлганларнинг оддий саводи бўлмаганлигига иқрор бўлгинг келди. Маълумотнома арабий имлода ёзилган, бинобарин, уларни ҳужжатларни расмийлаштирадиган, ўзбек тилини билмайдиган котиблар, табиийки, эътибордан соқит қилганлар. Имзо қўядиганлар эса ҳужжатларни, уларнинг аслини кўриб чикмаганлар, ёинки, ўқишни билмаганлар.

Фикрни далолат этиш учун айрим расмий ёзишмаларни келтириб ўтайлик:

Қашқадарё вилоят прокуратураси 1925 йил 12-декабрда вилоят судига 7328-рақамли хатни жўнатади, унда, «ЖПКнинг 229-231-моддаларига асосан Кўри Баҳри Жўра ўғли, Абдурахмон Очи ўғли, Содиқ Жамқулов (Жонқувватов), Неъматхўжа Умар(хўжа) ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Эшонқул Турсун

**Ўғли**, Ҳамдам Маҳкам ўғли, Абдуназар Маҳмара-сул ўғли, Ҳамро Жўра ўғлини айблавчи иш олий суд терговчиси ўрт. Насруллаевнинг айблов хуло-саси билан бирга юборилмоқда. Маълум қиламан-ки, мен терговчи хулосасига розиман ва юқорида айтилган айбдорларни ЖКнинг 76 ва 95-модда-лари 1-2 қисмлари асосида судга бериб, хулосани тасдиқлашни таклиф этаман».

Прокурор «таклифи» ерда қолмайди. 1925 йил-нинг 16-декабрида Қашқадарё вилоят судининг тақсимот ҳайъати йиғилиши бўлиб, унда суд ра-иси Тўраев, муовини Саид Хўжаев, ҳайъат аъзо-лари Рустамбеков, Аҳмедов, прокурор ёрдамчиси Мансуровлар иштирок этади. Шу куни тақсимот ҳайъати 10-сонли қарорни қабул қилади. Унда, «Аниқланди: ЖКнинг 240-моддасига асосланиб, олий суднинг муҳим ишлар бўйича терговчиси ўрт. Насруллаевнинг айблов хулосасини фуқаролар Нури (Кўри) Баҳри Жўраев, Саломхўжа, Ҳамро Жўраев, Ҳамдам Маҳкамов, Абдурахмон Очилов, Содиқ Жонқувватов, Неъматхўжа Умархўжаев, **Полвонхўжа Пўлатхўжаев, Эшонқул Турсу-новларни** рўйхат бўйича тасдиқлаб, улар 76-мод-данинг 1-қисми ва 95-модда бўйича судга берил-син.

Иш Беҳбудий шаҳрида кўрилсин. Фуқаролар Кўри Баҳри, Саломхўжа, Ҳамро Жўраев. Ҳамдам Маҳкамовларга нисбатан эҳтиёт чораси олдинги ҳолида, яъни, Беҳбудий шаҳри Ардомида қамоқ-да сақланишда қолдирилсин.

Кафиллик асосида озод этилган фуқаролар: мулло Абдурахмон Очилов, Содиқ Жонқувватов, Неъматхўжа, **Полвонхўжа, Эшонқул Турсунов-**ларга нисбата эҳтиёт чораси сифатида уларни Беҳбудий шаҳри Домзақида (дом заключения, маҳ-бусхона) қамоқда сақлаш белгилансин. Қамоқдан



қочган Абдуназар Маҳмарасуловга ЖПКнинг 133-моддасини қўллаб, унга нисбатан ишни тўхтатиш ва ЖКнинг 22-моддаси асосида ишнинг амал қилиш муддати 10 йилга тайинлансин».

Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли бу қарор қабул қилинганидан бир йил олдин, Эшонқул Турсунов эса икки ой олдин ҳаётдан кўз юмган эдилар. Нима ҳам дердик, совет суди марҳумлар устидан ҳукм чиқаришга қодир, уларнинг хоқини таҳқирлашдан ҳам қайтмасди.

## 64

Яна аризаларга қайтсак. Қамоққа олинган жигитларнинг ярмиси кафилик орқали озодликка чиққан бўлса-да, Баҳри Жўраев, Ҳамдам Маҳкамов, Ҳамро Жўраев, Саломхўжа Ҳусайнхўжаевлар 1924 йилнинг июль-августидан бери Беҳбудий (Қарши) Ардомида (арестантлар уйи) ҳибсда сақланиб келинаётган эдилар. 1925 йил ҳам тугаб бораётган, суднинг қачон бўлиши аниқ эмасди.

Маҳбусларнинг ҳам, қариндош-уруғлар ва қишлоқлар аҳолисининг ҳам тоқати тоқ бўлган эди. Банддагиларнинг ҳаммаси касалга чалинганди.

1925 йилнинг 14 декабрида Беҳбудий инқилобий қўмитасига (ревком) Косон тумани Қуйитурган (Куватурган) ариқ аҳли томонидан ариза берилди. Унда шундай дейилади: «167 кунга қадар бўлдиким, Ҳамроқул дегувчи Жўра ўғли хасмкашларни шахсониятидан берган маълумотига биноан арастон бўлуб, вилоятга юборилиб эди. Сабаб шулким, бу Ҳамроқул ҳибс бўлишдан муқаддам Каттахўжа Абдулкарим ўғли дегувчи Пудина қишлоқлик уйига эшак ўғри кирган экан, ушбу хусусдан ушбу ўғриларни ичида Ҳамроқул Жўра ўғлини

кўриб танидим деб Собирхўжа Абдукаримхўжа ўглини хотуни айтган экан. Ушбу тўғридан мунча муддатдан бери ушбу деҳқонбачаи камбағал ҳибс бўлиб ётибдур. Биз деҳқон халқ шу Ҳамроқулни биламиз ва гувоҳдурмизким, ҳамиша ўғрилик ва ёмон ҳаракатлик қилган ва ўғри, ёмон ҳаракатлик кишилар илан қўшулиб, алоқада бўлганича эмасдур. Ва, ҳамда Косон билан Пудина ораси бир тошлик йўл. Бу Ҳамроқул гузаримизга самоварчилик қилар эди. Ярим кечагача самоварчиликка ўлтурган эди, мунча йўлга қандоқ бориб, ўғриларга қўшулиб, мундоқ ҳаракатларни қилдур? Ҳозирда ушбу Ҳамроқул вилоят судига ҳавола қилинубдур. Шунинг учун сизга ариза билан мазкур кишининг рост ва тўғри ва бечора деҳқон, фақирлигига гувоҳ бўлиб, ушбу аризага қўл кўйиб, маълумот бердук, деб:

Шамсиддин Муҳаммад Шариф ўғли, Нақшбандқул, Сулаймонқул Ширин ўғли, Мирзо Ашраф ўғли, Хўжақул Бобомурод ўғли, Амирқул Раҳмат ўғли, Мирзо Омонтурди ўғли, Шоҳниёз Оловхўжа ўғли, Юсуфхўжа Ҳамид ўғли, Йўлдош, Саттор Тошмуҳаммад ўғли, Бобо Калон ўғли, Омонжон Иброҳимжон, Мирзабой Тўра ўғли».

Шербек ва Сайёд қишлоқлари фуқаролари ҳам Ҳамдам Маҳкам ўғли ҳимоясига яна бир бор отланадилар. Аҳоли бир ярим йилдан буён қўлга тушган қасоскорлар тақдири билан мунтазам кизиқиб келаётган, жигитларни шўро қамогидан қутқазिश учун ўзига хос кураш йўлини давом этдираётган эдилар. Сайёд ва Шербек қишлоғи фуқаролари Қашқадарё «ҳукм маҳкамаси»га (вилоят суди) ариза йўллаб, Ҳамдам Маҳкам ўғли тарафини оладилар. «Ҳамдам Маҳкам ўғли, – дейилди арзномада, – бир йилдан буён ҳибс бўлуб ётибдур. Бул одам шахсониятдан ҳибс бўлган эди. Бир

неча маҳбуслар қочган вақтда мазкурни ҳибсхонадан судраб қочган эканлар. Мазкурни ўзи бир камбағал деҳқон бола, ўзига қарашлик олти нафар оиласи бор. Шу кеча-кундузга мазкурни оиласида ейдиган нарса, киядиган кийим йўқ, тангликда қолганлар деб:

Шарифбк, Дўланбой, Абдусалом (9 имзо)».

1926 йилнинг 6-январида Сайёд қишлоғидан 20 фуқаро вилоят судига ариза билан муожаат этади. Қарийб икки йилга чўзилган маҳкумлар иши айнан шу – 5-6 январь кунларида бўлиб ўтган эди. Суд кетаётган ва ҳукми қабул қилиш арасида ёзилган бу арзнома юракларни зирқиратиб юборади. Худди кунга кеча ёзилгандай тасаввур уйғотади кишида:

«Берамиз ушбу аризани шул хусусдаким, бизларни қишлоқимиздан бир меҳнаткаш деҳқон боласи Ҳамдам Маҳкам ўғли дегувчи тахминан бир йилдан буён шахсониятлик илан маҳбус бўлуб ётган эди. Орадан неча кун ўтганун сони, касал бўлганида неча нафар маҳбуслар ҳибсхонадан чиқиб қочатурган вақтда буни ҳам чиқ деганда, йўқ, деб жавоб берган. Мазкурлар деганким, чиқмасанг ўлдурамиз деб қўрқитганда, мажбур бўлуб қочган. Мазкурлар қўлидан ушлаб судраб чиқарганлар. Мазкур Маҳкам ўғли касал ҳолада қочиб қишлоққа борганда неча кун юруб, катта-кичикларга шундай бўлуб келдим деганда, катта-кичиклар, «ёмон иш қилибсан», деб тезроқ ҳукумат олдига бориб, оқдангин деганда, эрта билан берамиз деб турганда, касал бўлуб, тахминан икки ойлар ётиб қолган... Мазкур бир ишга хиёнати йўқ, фақатгина ўзига қарашли 7 нафар оиласини овқатини кечириб, деҳқончилик қилиб юрган деҳқон бола эди. Кечаги шохидликка ўтган (1926 йил 5-январь кунда бўлган судда – П.Р.) киши-

ларни ҳар бирларини сурув-сурув қўйлари бор. Мазкурларни қўйлари қишлоққа келиб, бутун арпа-бугдойларни еб юрганда, мазкур Маҳкам ўғли, «қўйларинг бугдойларни еди» деган ва ўшал вақтда улар ўртасида бирозроқ низо ўтган эди. Шунини учун бугуналикка келиб, шахсониятлик (ғараз, ўч олиш) илан Маҳкам ўғлини ёмон деб турубдилар.

Бизлар, Фўлоти кентига қарашли Шербек ва Сайёд қишлоқининг умумий деҳқонлари шоҳидлик бериб қўл қўямизким, мазкур шоҳидларни (Ҳамдам Маҳкам ўғлига қарши гувоҳлик берганлар) берган шоҳидлиги ёлғон деб, албатта, ёлғон... Агарда Маҳкам ўғлини бир ишга ёмонлиги бўлса эди, касалдан турган вақтда оқланмоқ учун келмас эди, деб:

Ином бобо, Раҳим, Бозор, Баҳри, Ориф, Ҳақберди, Фармон, Исоқ, Абдусалом, Пўлот, Ирис, Қувватов, Шароф, Комил, Искандар, Камол, Худойберди, Холман, Қурбон (жами 20 та имзо)».

«Сурув-сурув қўйлари бор» одамлар ғарази, долғали даврда ўч олиш имкониятини қўлдан чиқазмаслик илнжи (далага мол тушиши қишлоқлардаги майда жанжаллар манбаи эди) бир инсон қисматини барбод этганлигини, ўзимизни ўзимиз арзон, жуда арзон сотганлигимиз касофати абадий иснод бўлиб қолганлигини, орадан шунча йиллар ўтгандан кейин айтиш ҳам, барибир, оғир. Лекин ҳақ гап айтилиши керак. Тарих – ибрат дарслиги. Юрт тақдири ҳал бўлаётган оғир замонларда қишлоқларда элимиз бирлиги мустаҳкам бўлиб, ичдан ола чиқмаганда, ҳеч бир душман бошимизда қилич ўйнатмаган бўлур эди.

Қиссанинг мантиқий хулосасига етиб келдик. Бу, табиийки, суд ва у чиқарган ҳукм ҳақида. Қарийб икки йилга судралган, ўнта инсон ҳаёти-ни тилка-пора қилиб юборган маҳбуслик кечмишига нуқта қўядиган вақт белгиланади. Биз «ўнта инсон ҳаётини» дедик. Бу – бориб турган нисбий гап, чунки ўнта одам ортида уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, қишлоқдошлари ҳам бор эди. Қолаверса, совет ҳокимиятига қарши курашни ташкил этган аксилинқилобчилар ҳам қараб турмаган. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Косон ва Касби туманларидаги шўъбалари ариза орқали кураш олиб бориш йўлини танлаган. Аризанинг жамоавий йўналиш ва мунтазам тусга эга эканлиги шундан далолат беради. Бутун бошли туман ва қишлоқларда қамоққа олинган озодлик курашчиларини қутқазиб иши сиёсий ҳаракат тусини олади. Жигитларнинг 5 таси шу ҳаракат натижаси ўлароқ, судга қадар кафилик орқали озодликка чиқарилади.

1926 йилнинг 5-6-январи кунларида Турди тўқсобе шоввозлари устидан суд бўлиб ўтади. Суд чиқазган ҳукм совет ҳокимиятига қарши мунтазам қуроли кураш олиб борган ватанпарвар кучлар устидан чиқазилган айблов бўлиб қолмасдан, айни вақтда зўравон, мустабид тузумнинг жирканч моҳиятини тушуниб етишга имкон берувчи, унинг ўзини фош этувчи ҳужжат ҳам эди. Шунинг назарда тутиб, ҳукм матнини тўла келтириб ўтишни мақбул топдик:

**«Ҳукм.**

**Ўзбекистон ижроия шўролар жумҳурияти  
номидан**

Қашқадарё вилоят судини Беҳбудий шаҳри маданий-оқартув уйида бўлган суд ҳайъати Саидхожа ўғлини раислигида, Фўлод Ҳусанматов ва Олимжон Жумабой ўғилларини аъзолигида давлат моддаиоломуни (прокуратура) ўртоқ Мансуров ва оқловчи Худойназаровлар иштирокларинда, ўртоқ Соҳибов саркотиблигинда очиқ мажлиси 1926-йил 5-6 январь ойида жиноят қонунлар мажмуасининг 76-моддасини 1, 2, 95-моддалари илан айбдор бўлинувчи **1.** Ҳамдам Маҳкам ўғли. **2.** Саломхўжа Ҳусайнхожа ўғли. **3.** Ҳамро Жўра ўғли. **4.** Кўри Баҳри Жўра ўғли. **5.** Абдуназар Маҳмарасул ўғли. **6.** Абдурахмон Очил ўғли. **7.** Содиқ Жонқувват ўғли. **8.** Неъматхўжа Умархўжа ўғли. **9.** Полвонхўжа Фўлотхўжа ўғли. **10.** Эшонқул Турсун ўғилларининг жиноят ишларини кўрганда сўроқ тергови ва иш ичидаги жиҳатлар бўйича исбот бўладурким. **1.** Ҳамдам Маҳкам ўғли, 28 ёши, ўқимаган, бир хотуни, бир боласи бор, ижтимоий аҳволи – камбағал, фирқада йўқ, деҳқонлардан, 1/2 таноб ери бор, амирнинг замонасида амалдор бўлмаган. Аввалда ҳибс бўлуб, ҳибсдан қочган, миллати ўзбек, асли Косон туман, Фўлоти кенти Шербек – Сайёд қишлоқлик. **2.** Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, 26 ёши, ўқумаган, хотуни бор, касби деҳқон, носфурушлик бирла, 4 таноб ери бор, фирқага аъзо эмас, союзда (қўшчи – П.Р.) йўқ, ижтимоий аҳволи камбағал, амирни замонида амалдор бўлмаган, миллати ўзбек, асли Косон тумани, Касби кентлик. Аввалда суд, терговга тушмаган. **3.** Ҳамро Жўра ўғли, 26 ёши, ўқумаган, хотуни йўқ, 2 адад боласи бор (хотини ўлган –

П.Р.), касби деҳқон, ижтимоий аҳволи – камбағал, фирқага аъзо эмас, деҳқонлар союзига аъзо, бир ҳовлиси, бир таноб ери бор, амирни замонасига амаалдор бўлгани йўқ, миллати ўзбек, асли Косон туман, Оброн қишлоқлик. 4. Кўри Баҳри Жўра ўғли, 45 ёши, ўқумаган, бир хотуни, 2 бола-си бор, аввалда суд, терговга тушмаган, бир ҳовлиси бор, ери йўқ, касби деҳқон, фирқага аъзо эмас, ижтимоий аҳволи – камбағал, амирни замонасига амаалдор бўлмаган, миллати ўзбек, асли Косон Бозорбошидан.

1923 йилдан 26-йилгача, Ҳамдам Маҳкам ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғиллари босмачиликда давом этуб, 1926-йил особий отдел тарафидан Ҳамдам Маҳкам ўғли ҳибсга олуниб, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли оқлануб мазкурни особий отделга хизматга олунуб, 26-йил Эшонқул босмачини особий отдил тарафиндан ҳибсга олунгани, Саломхўжа Ҳусайнхўжа қўлига қурол олиб, босмачиларга қочиб боруб қўшулуб босмачиликда давом этган. 26-йилнинг нуёбир ойида қўлга олинуб, қўлидан милтиқлари ҳибсга олинган. Ҳамдам Маҳкам ўғли ҳибсдан қочуб боруб, қўлида милтиқ олиб яна бирор ойларча босмачиликда давом этган. Сўнгра яна милтиқ илан қўлга тушгани иш ичидаги материал бунга далилни кўрсатулувини суд ҳайъати буларни очиқ маълум бўлуб, жиноятлари мустақил босмачиликда давом этганда бўлуб, жиноятлари жиноят қонунини 76 моддасини 1-қисмига тўғри келадур.

Ҳамро Жўра ўғли 1923 йилдан бошлаб босмачиларга ёрдамда бўлганлиги иш ичидан ва гувоҳларни кўрсатма қўлларидан маълум бўлур. Жиноятчи Ҳамро Жўра ўғли ўзини қайинотаси Гул оқсоқол босмачига борган бўлуб, ўшал Гул оқсоқолга хизмат қилганлиги бўйича. Кўри Баҳри

Жўра ўғли Турди тўқсобага ўқ ташиб ҳамда қизил аскарларни келган-кетган ерини маълумот беруб турган... (ўчган). Ҳамро Жўра ўғли, Кўри Баҳри Жўра ўғилларни жинояти қонунини 76-моддасини 2-қисмига тўғри келадур.

Ушбу ишга айбдорлардан: Абдуназар Маҳмарасул ўғли, Абдурахмон Очил ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғлилари ҳам ушбу мақомида бирга юруб, кафилга чиқуб, суддан бош тортиб қочуб, келмаган бўлсалар ҳам буларни жиноятлари ҳам жиноят қонунини 76-моддасини 1-қисмига тўғри келадур. Аммо айбдорларни кафилда юруб, тубанда номлари ёзилмуш: Полвонхўжа Фўлотхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғлилари Косон туман кент ижроқўмларини исправкаларига кўра, ўлганини маълум қилса ҳам, жиноятлари жиноят қонунини 76-моддасини 1-қисмига тўғри келадур.

Қашқадарё вилоят судини ҳозирги ҳайъати юқорида кўрган-билган, сўралганларнинг сўзидан ижтимоий хавфни билиб, ёш Ўзбекистон жумҳуриятининг хўжалик ишига катта зарар еткуруб, камбағал деҳқон аҳолиларининг турмушларига зўр тўғаноқ солуб, уларнинг хўжалиқларини тор-мор қилмоқга сабабчи бўлуб, ҳукуматни алдаб, бир бор таслим бўлуб, янада ҳукуматга ишонмай, ҳукуматдан қочуб боруб, босмачиликларини давом этганлари учун: **Ҳамдам Маҳкам ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғилларини** афу умумийдан саросар қилуб, жиноят қонунининг 76-моддасини 1-қисмига биноан **энг олий жазога тормоқга, яъни, отмоқга;**

Кўри Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғилларини афу умумийсини саросар қилуб, жиноят қонунини 76-моддасини 2-қисмига биноан, ҳар қойсусини қаттиғ ижро қўйган ҳолда, **ўн йилдан**



**ҳибс ўлтурмоғига** ва айбдорларни бутун молмулкани мусодара қилмоқға: Кўри Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғилларини ҳибсни тамом қилганларидан сўнг **5 йилдан гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилмоқға** ва сойланув ишларига аралаштирмасликка.

Ушбу ишда айбдорлардан: Абдуназар Маҳмарасул ўғли, Абдурахмон Очил ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжан ўғилларини охтариб топиш учун жиноят қидирувга буюруб, охтарув муддатини, яъни, срок давностни 10 йилгача қидирув белгиланиб, жазо бермоқға.

Ушбу ишга айбдорлардан Полвонхўжа Фўлодхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғиллари ўлган сабабли мазкурларнинг ишларини жиноят муҳокама қонунини 4-моддасини 1-қисмига амалан, ишларини тўхтатмоқға.

Юқорида зикр қилинган айбдорлар норози бўлганда 72 соат срок ичинда Қашқадарё вилоят суди ҳукмидан Ўзбекистон олий судга шикоят ариза бермоқликға ҳақлидурлар, деб

**Суд ранси:** Саид хўжа ўғли  
**аъзолари:** Пўлат Саматов  
Олимжон Жумабоев».

1924 йилнинг ёзида қўлга олиниб, 1926 йилнинг бошида суд қилинган жигитларнинг 2 таси олий жазога – отувга, 2 таси 10 йилдан қамоқ жазоси ва 5 йилдан сайлов ва фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этувга ҳукм қилинади. Эшонқул Турсун ўғли ва Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли судгача бўлган икки йилга яқин оралиқ даврда ҳаётдан кўз юмган эдилар. Мулло Абдурахмон Очил ўғли, Содиқ Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Абдуназар Маҳмарасул ўғли эса қочувда эди. Айрим гувоҳлар кўрсатма бергани-

дек, қочувдагилар Турди тўқсоба гуруҳларида советларга қарши курашни давом этдирганлар. Полвонхўжа олдинроқ, Эшонқул Турсун ўғли эса кейинроқ, 1925 йилнинг октябрь ойида 13-ўқчи корпуснинг БСБ махсус бўлими қизил аскарлари билан бўлган жангларда ҳалок бўлади.

Алқисса, советлар қанча зўравон, жазо органлари нечоғлик шафқатсиз, алдов, макр, овдириб олиш, найранглар бемисл кучли бўлмасин, қўлга тушган қасоскорлар бундан эсанкираб қолмаганлар. Уларга тайёрланган қора курсиларнинг 6 таси суд кунларида бўш қолган эди. Шунинг ўзи ҳам муносабат, шунинг ўзи ҳам ҳали кураш давом этаётганидан расмий далолат эди!

Ўзбекистон ССР олий судининг кассация ҳайъати 1926 йилнинг 19-январида отувга ҳукм этилган Ҳамдам Маҳкамов (28 ёшда), Саломхўжа Хусайнхўжаев (26 ёшда) ва 10 йилдан озодликдан маҳрум этилган Ҳамро Жўраев (26 ёшда), Кўри Баҳри Жўраев (45 ёшда) шикоятларини кўриб чиқиб, вилоят суди ҳукмини ҳеч бир ўзгаришсиз қолдиради. Бу ҳақда кассация ҳайъатида унинг аъзоси Абоимов маъруза қилган. Шу ҳайъат аъзоси Исмоилов имзоси билан ҳукм тасдиғи расмийлаштирилган.

Ҳамдам Маҳкамов ва Саломхўжа Хусайнхўжаевлар республика прокурорига ҳам кассация шикояти билан мурожаат қилганлар. 1926 йилнинг 21-январида 13-жиной ишга (Ҳамдам Маҳкамов ва б. иши) нисбатан чиқазилган «хулоса»га республика прокурорининг ёрдамчиси Гульев имзо чеккан. «Хулоса»да шундай дейилади: «ҳукм этилган Маҳкамов ва Хусайнхўжаевларнинг кассация

шикоятини, шунингдек, ишни назорат тартибида қараб чиқиб ҳамда шикоятнинг ўзида ва амалиётда ҳукми бекор қилишга сабаблар йўқлигини эътиборга олиб, судда чиқарилган ҳукм ишдаги ҳолатдан келиб чиқиб белгиланган ва маҳкумларга берилган жазо жиноятга биноан, қонун доирасида бўлган.

Ўз МИҚнинг 1925 йил 11 мартдаги амнистиясини маҳкумларга нисбатан қўллаш-қўлламаслик масаласини суд ушбу амнистиянинг 3-бандига асосан ва, ишнинг ҳолатига кўра, ЖПКнинг 436, 441-моддаларига таяниб, салбий маънода муҳокамага қўяди. Шу боисдан:

Кассация шикоятини оқибатсиз қолдириб, вилоят судининг ҳукми ўз кучида қолдирилсин.

**1926 йил 21 январь. Самарқанд».**

Вилоят судининг отув ҳақидаги ҳукми аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Сайёд, Шербек ва Касби қишлоқларидан маҳкумларнинг оила аъзолари, қариндошлари, аҳоли вакиллари суд бўлиб ўтган шаҳар маданий-оқартув уйи атрофидан ҳафталаб кетмайдилар. Вилоят раҳбарлари ваҳимага тушиб қоладилар, Қарши станциясидаги армия қисмлари жанговар тайёргарликка келтириб қўйилади. Пойтахт Самарқанд билан маслаҳатлашувлар бўлади. Шу боисдан, жазо органларининг 19-21 январдаги хулосаларини қайта кўриб чиқишга мажбурият сезилади.

1926 йилнинг 30-январида Ўз ССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича кассация ҳайъати йиғилиши Саримсоқов раислигида, аъзолардан Пиневич ва Исмоиловлар иштирокида бўлиб ўтади. Суд ҳукми ва аҳоли талаби 50 га 50 тарзида ҳал қилинади, яъни, сих ҳам, кабоб ҳам куймасин қабилидаги ечимга келинади.

Ҳайъат Қашқадарё вилоят судининг 1926 йил 5-6 январдаги ЖКнинг 76-моддаси 1-2 қисмлари бўйича айблов иши юзасидан чиқарилган ҳукм бўйича маҳкумлар Ҳамдам Маҳкамов ва Саломхўжа Ҳусайнхўжаевлар шикоятини кўриб чиқади. Иш юзасидан ҳайъат аъзоси Исмоилов маъруза, республика прокурорининг ёрдамчиси Назаров эса хулоса қиладилар. Ажрим шундай бўлади:

1. Маҳкум Ҳусайнхўжаевнинг қилмишида 76-модданинг 2-қисмида кўзда тутилган жиноят аломатлари мавжуд, бироқ шу модданинг 1-қисмидаги эмас, чунки у, ишдан маълум бўлишича, **бевосита аҳолини талаш билан шугулланмаган**, фақатгина БСБ хизматида берилган милтиқ билан босмачилар сафида бўлган. Шу орқали босмачиларга ёрдам берган. Шунга кўра, суд унга нисбатан 76-модданинг 1-қисмини қўллашга етарлича асосга эга эмас эди, сабаби талончилик билан боғлиқ аниқ далиллар кўрсатилмаган. Бундан ташқари, Ҳусайнхўжаевнинг босмачилар сафида фаол ҳаракат қилганлигини тасдиқлайдиган далиллар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, Олий суд унга нисбатан суд тайинлаган жазони камайтириш мумкин деб ҳисоблайди.

2. Ишда бошқа кассация нуқсонлари йўқ, ЖПКнинг 437-моддасини қўллаб, Ҳусайнхўжаев жиноятини 76-модданинг 1-бандидан 76-модданинг 2-бандига қайта малакалаштирилсин ва отув ҳукми 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш, қаттиқ ажратилган ҳолда қамоқ муддатини ўташ жазоси билан алмаштирилсин. Қашқадарё вилоят судининг 1926 йил 5-6 январдаги ҳукмининг қолган қисми ўз кучида қолдирилсин, кассация шикояти оқибатсиз қолдирилсин».

Ҳамдам Маҳкамов устидан чиқарилган ҳукм, шу тариқа, ўзгаришсиз қолдирилади. Совет ҳоки-

мияти, унинг жазо органлари билан қишлоқлар аҳолисининг ўзига хос ариза, талаб қилиш йўли билан икки йил давомида олиб борган кураши шундай ниҳояланади. Агар аҳоли босмачиликда айбланиб, қамоққа олинган жигитларни кўкрак кериб ҳимоя қилмаганда, уларни озод қилиш ишини мунтазам, сиёсий кампания тарзида ҳамжиҳатликда олиб бормаганда эди, аввало, иш икки йўлга чўзилиб кетмас, маҳбусларнинг аксарияти ўлим жазосидан қутулиб қолмас эдилар.

## 67

Жазо органлари ҳукми ижро этишга жуда шоянганлар. Чамаси, улар бошқа оқибатлар бўлишидан хавфсираган. Олий суд 30 январда ҳукми Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғлига нисбатан ўзгартиб, унинг қолган қисмини тасдиқлаганидан 3 кун ўтгач, Ҳамдам Маҳкамовга нисбатан тайинланган олий жазо – отув ҳукми ижро этилади.

Вилоят суди 1926 йилнинг 3-феврали куни Беҳбудий Домзак бошлиғига 1201-рақамли хат йўллаб, «ушбунни олиш билан комендант Скорняковга тилхат орқали отувга ҳукм этилган Ҳамдам Маҳкамовни беришингиз таклиф этилади», дейилади.

Шу куни, 1926 йилнинг 3 февралда ҳукм ижро этилганлиги ҳақида акт тузилади. Акт матни қуйидагича:

«Беҳбудий шаҳри, 1926 йил февралининг 3-куни. Бизлар, қуйида имзо қўйувчилар – Қашқадарё вилоят прокурори ўрт. В.Курмаев, вилоят суди ҳайъати аъзоси С.Хўжаев, Т.Зоидов, врач М. Домбинский, БСБ Қашқадарё вилоят бўлими комендант В.Скорняковлар мазкур актни туздик шу ҳақдаким, шу бугун соат 23<sup>00</sup>да бизнинг иштирокимизда, Қашқадарё вилоят судининг маҳ-

қум Ҳамдам Маҳкамов устидан шу йил 5-январда чиқарган олий ижтимоий ҳимоя чораси – отув ҳукми шахсан унинг ўзи эканига ишонч ҳосил қилганимиз ҳолда ижро этилди».

Ҳукм ижро этилди... Ҳамдам Маҳкамов қамоқдан қочганлиги, то қўлга тушгунича яна совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борганлиги сабабли отиб ўлдиришга маҳкум этилади. Ўша йиллар бу хилдаги ҳукмлар сон-саноксиз эди. Қолган маҳбуслар Катта Қўрғонга, 1-ўлка изоляторига жўнатилади. Ўн йилга ҳукм этилган этилган Кўри Баҳри Жўраев, Саломхўжа Ҳусайнхўжаев, Ҳамро Жўраевларнинг кейинги тақдири ҳақида маълумотлар йўқ. Фақатгина, касалланиб қолган Кўри Баҳри Жўраев қамоқ муддатидан 3/1 қисми қисқартирилгани ҳақида ЎЗ ССР МИҚ хусусий авфни қўллаш ҳайъатининг 1928 йил 12-январдаги 3-йиғилиши қароридан кўчирма сақланиб қолган. Ана шу авф туфайли, Турди тўқсобанинг яқин кўмакчиси, косонлик Баҳри Жўраев қамоқдан озод бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки шу даврга келиб, унинг ҳибсга олинганига икки йилдан ошган, тез орада қисқартирилган муддатни ўтаган бўлиши мумкин эди. Саломхўжа Ҳусайнхўжаев ва Ҳамро Жўраевлар 1937 йилга қадар қаттиқ тартибдаги қамоқхоналарда белгиланган муддатни, «қўнғироқдан қўнғироққача» ўташга мажбур бўлганлар.

Мулло Абдурахмон Очиллов, унинг укаси Содиқ Жонқувватов ва Абдуназар Маҳмарасуловларнинг кейинги ҳаёти маълум эмас. Улар қамоқдан кафилик орқали озод бўлгач, яна қаршилиқ ҳаракатига кўшилганми ёки бошқа жойларга бош олиб кетганми, бир нарса дейиш қийин. Қочувда юрганлар изидан тушилган, улар ахтарилган, албатта. Улардан бири Неъматхўжа Умархўжа ўғли 1928

йилнинг ёзида қўлга олинади. Бу иш билан ҳамма ерда ҳозир у нозир, ҳамма пучмоқлардан ҳид оладиган Бош сиёсий бошқарма шуғулланган. Неъматхўжа 1928 йилнинг июнь ойи бошларида БСБ вилоят бўлими ҳибсхонасида (ДПЗ) тутиб турилган эди. Қашқадарё вилоят прокурори Марьяновский 1928 йил 13-июнда вилоят судига 2465-рақамли алоқа хатини йўллаб, Неъматхўжа Умархўжа ўғлига тааллуқли ишни талаб қилади:

«Зарурат юзасидан, 131-модда асосида сизга юборилган, Неъматхўжа Умархўжаевни айблаганга доир ишни тезлик билан менга қайтарсангиз уни ишга тиркаш ниҳоятда зарур, чунки ҳозирги пайтда айбдор Умархўжаев БСБ вилоят бўлими ҳибсхонасида (ДПЗ) сақлаб турилибди».

Қиссамизда қисмати ноаниқ қолган яна бир шахс – терговчи Дилмурод Одинамуродов ҳам бор. Тахминимизча, «босмачилар»га ён босган, ҳар бирига ўлим жазосини кўзда тутувчи 76-модданинг 1-2-қисмлари қўйилган 10 маҳбуснинг бештасига кафилик воситасида озодлик берган терговчини рағбат эмас, заҳмат кутганлиги муқаррар эди. Унинг ҳақида юқори жазо органлари фикри салбий бўлган. Нима бўлганда ҳам, Дилмурод Одинамурод ўғли юрагида юртига илиниш, уни озод кўриш истаги бўлган. У қонунда кўзда тутилган, лекин амалиятда қўллаб бўлмайдиган эҳтиёт чорасини онгли равишда ўзгартиришга, отув ҳукми хавф солиб турган маҳбусларни кафилик орқали ҳибсдан озод этишга журъат этади. Бу журъати учун у кечирилмаган кўринади...

\* \* \*

Ҳужжатли, фожиавий қиссамиз ниҳоясига етди. Унда исми шарифлари зикр этилган шахслар давр тақозоси билан ўзларини ўтга, сувга ур-

ган ҳамюртларимиздир. Улар мустабид саатанат – совет ҳокимияти зўравонлик билан ўрнатилаётган йилларда, унга қарши курашган ватанпарварлар сафида бўлганлар. Большевикларга муте бўлмаслик, Ватан ва халқ эркини қўлдан бермаслик учун элнинг энг сара, мард, жасур, ориятли ўрлонлари майдонга чиққан эдилар. Улар сони минг-минглаб эди. Майдонга чиққан паҳлавонини эл яккалатиб қўймаган, уни қўллаб-қувватлаган, изини оладиганларни ҳам захирада тутган. Шу сабабдан бундай кураш бирники эмас, мингники, юрту элники бўлган.

Қашқа воҳасининг қўйи қисмида Турди тўқсоба, ўрта ҳудудларида Тангри Берди додхо, юқори маъволарида мулло Абдурозиқ каби совет ҳокимиятига қарши курашга бош бўлган ватанпарварлар исми шарифлари мустабид тузум даврида қораланиб, таҳқирларга кўмиб келинди. Ватан озодлиги учун курашганлар бўйнига нима айблар қўйилмади. Улар босмачи, талончи, ўғри, қишлоқларни ёқувчилар сифатида талқин этилди, юртнинг, халқнинг душмани сифатида гавдалантирилди, қулоқларга қўйилди. Курашчи билан босмачини фарқлаш имкондан холи бўлган қоришиқ муҳит вужудга келтирилади. Талончилик, қароқчилик, босмачилик билан шуғулланиш қадимдан бўлган, ҳамма даврларга, ҳамма миллатларга даҳдор салбий ҳолат бу. Ватан сарҳадлари ўзгалар томонидан забт этилганда, давлат мустақиллигига раҳна солинганда, шаън учун қўлга қурол олганларни озодлик курашчилари дейдилар. Бу ҳам ҳамма замонлар, ҳамма халқлар учун муштарак жиҳат. Уйга тароҷ учун келган, уй соҳибларини бир умр эзишни мақсад қилган босқинчини ким ё нима деб аташ керак? Шу босқинчи яна хонадонини, мол-мулкини, шаънини,



Ўзлагини, эркини ҳимоя қилишга чоғланган уй соҳибини «босмачи» деб атаса, буни адолатдан деб бўладими?

Таассуфки, советлар ҳукм сурган 74 йил давомида ҳақни-ноҳақ, тўғрини-ўғри дейиш онгларга сингдирилди. Ўзбекистон ҳудудида, айниқса, унинг жанубий воҳаси – Қашқадарё вилоятида 1920 йилдан то 1930-йилларга қадар давом этган миллий озодлик кураши ҳақида тарих китобларида ҳеч нарса ёзилмади. Турди тўқсоба дейилмаса, унинг сафдошлари бўлган Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, мулло Жума, Эшонқул Турсун, Жума қоравулбеги, Шерқул, Саидхўжа, Чори ясавулбоши ва бошқа кўрбошиларни аксар юртдошларимиз деярли билмас эдилар.

Қашқадарё вилоят давлат архивида сақланган, 1920-1930-йилларга тааллуқли жиддларни синчиклаб ўрганиш бу борадаги очиқ қолиб келган бобларни тўлдириш, тиклаш имконини берди. Турди тўқсобанинг советларга қарши тузган лашкари сафида бўлган 10 жигитнинг қисмати ҳақидаги мазкур қисса фақат ва фақат далилларга, ҳужжатларда муҳрланиб қолган воқеа-ҳодисаларнинг ёзма тафсилотларига тўла асосланиб яратилди. Шу сабабли қиссада талқин этилган шахслар, майли, улар қанчалик мураккаб, фожеий йўлни босиб ўтган, гоҳ ватанпарвар кучлар, гоҳ советлар томонида бўлишларига қарамай, охир-оқибат, ҳаётлари қил устида турган вақтда, яна озодлик кураши йўлини танлаган яқин тарихимизнинг қаҳрамонлари эдилар. Уларни айблаш учун икки йил тайёргарлик кўрган совет жазо органлари, хусусан, суд, «босмачиларнинг аҳолини таламаганлигини» эътироф этишга, бу сўзларни расмий равишда ҳукмга ҳам киритишга мажбур бўлади.

Ўн нафар жигит ватан озодлиги учун қўлга қурол олган, бу йўлда жонини тиккан минглаб ўзбек марду майдонларининг типик вакиллари эдилар. Улар қисматида мустақиллик кураши тарихининг ибтидоси, тадрижи ўз ифодасини топанлиги аҳамиятлидир. Совет даври адабиётида, социалистик реализмнинг «мумтоз» намуналарида қатъий удум бўлганидек, асар қаҳрамонлари хато қилмайдиган, робот мисол образлар бўларди. Хужжатли қиссамизда талқин этилган кишилар ҳаёти силлиқ кечмаган. Давр алғов-далғовлари уларни ё у сиёсий қирғоққа, ё бу сиёсий қирғоққа улоқтирган. Ҳақиқий қаҳрамонларгина, матонатли, қатъиятли, энг муҳими, ватанпарвар, элини севган кишиларгина қалтис, тақдиршумул даврда тўғри йўлни танлай олади, бу йўлга бирданига эмас, йиқилиб-суриниб, адашиб, алданиб, охир-оқибатда машаққатлар билан етиб келади. Эшонқул Турсун, Ҳамдам Маҳкам, Неъматхўжа ва уларнинг бошқа шериклари ҳаёт йўлида бу ҳол яққол кўзга ташланиб туради. Пировард натижада, қўлга тушган қасоскорлар, қамоқ, таҳқир азобларига қарамай, имкон бўлган биринчи ондаёқ, советларга қарши курашаётганлар сафига қайтади, қизил аскарлар билан ҳаёт-мамот жанглари олиб бориб, жанг майдонида ҳалок бўладилар.

Яқин тарихимизнинг энг долзарб, долғали даври ва унинг одамлари, оддий иштирокчилари ҳақида, қисса сабаб, маълум тасаввур ҳосил бўлса, камина ўз олдига қўйган мақсадга эришган бўлади. Яна бир тасалли шундаки, зикр этилган кишилар Қарши, Косон, Касби ва бошқа шу тева-рак-атрофдаги қишлоқлардаги аниқ бир хонадонларга, тўпорларга даҳлдордир. Қиссамиз қаҳрамонларининг уруғ-аймоғлари, эвара-чеваралари ота-боболарининг бундан бир неча ўн йиллар му-

қаддам, мустабид тузум ўрнатилишига қарши мардонавор кураш олиб борганликларини билсалар, улардан фахр-ифтихор туйсалар, муаллифга бундан ортиқ рағбат бўладими? Ота-боболари Ватан, унинг озодлиги йўлида курашганлар авлодларининг элда обрўси баланд, ўрни тўрда бўлишини хоҳлардим. Мустақилликка эришган она-Ватанимизда истиқлол, эрк учун курашганлар руҳи мусаллам тутилаётганлиги, хотиралари қадрланиб, ҳурматга чулғанаётганлиги шундай хулосага асос беради.

ТАМОМ

**2009 йил, сентябрь.**

**Қарши.**



---

# ЖОВИЗДАГИ ЁВУЗЛИК

---

## МУҚАДДИМА

Китоб шаҳридан 36 чақирим шимоли-шарқ са-рида, баланд тоғлар бағрида қадимий Жовиз қиш-лоғи жойлашган эди. Жиннидарё бўйида, тора-йиб келувчи дара ёқалаб вужудга келган бу ман-зил тарихи маҳзун. Бир замонлар қишлоқ гўзал таровати билан довруқ ёйган. Жовизда мириш-кор, меҳнаткаш, ориятли одамлар яшашган, улар-нинг шижоати, саъй-ҳаракати туфайли фаровон-лик қарор топган. «Жовиз» атамаси туркийча бўлиб, X–XI асрларда «Бўз ер» маъносини англа-ган. Бу серунум, маҳсулдор заминга эга қишлоқ-да боғдорчилик, полизчилик ва чорвачилик аза-лий бўлиб, ривож топган эди.

1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълу-мотларига кўра, шу даврда Жовиз қишлоғида 199 хўжалик истиқомат қилган. Қишлоқ аҳолиси то-жик қавмларидан иборат эди. 941 нафар аҳоли-нинг 491 таси эркаклар, 450 таси хотин-қизлар бўлган.

Жовиз қишлоғи ўтган асрнинг 20-йиллари бош-ларида, мустабид тузум ўрнатилиши даврида, бош-қа ҳудудлар қатори, қаттиқ кулфатларни бошдан кечирган. Ўт ичида қолган қишлоқ кўп қурбон-лар беради. Асрий мароми бузилган, тирикчилик тарзига раҳна етган қишлоқнинг довқур киши-лари қўлга қурол олади. Юртини, элини муҳофа-за қилишга киришган ватанпарварлар Шўро ҳуку-

мати томонидан «босмачилар» деб ёмонотлиқ қилинади. Бир неча йил мустабид тузумга қарши курашган баҳодирларнинг кейинги сафларидан кимлардир босмачига айланган бўлса, бунда ҳам Советлар амалга оширган тўлғаманинг таъсири асосий сабаб бўлган. Ички ва ташқи манбалар йўли қирқиб қўйилгандан сўнг, Шўро тузумига қарши курашувчилар ора йўлда қолишга маҳкум этилади.

Жовизлик 29 ёшда бўлган Мулла Розик Хўжандиев, унинг ўз таъбири билан айтганда, умумий иш – озодлик кураши учун жон фидо қилган инсон. У Қашқа воҳасида қуролни ўз ихтиёри билан ташлаган сўнгги босмачи эди. У жуда мураккаб, бир андозада баҳолаб бўлмайдиган кураш йўлини босиб ўтади. «Босмачилик» тарихини ўрганишда мулла Розик фаолияти жуда муҳим ўрин тутди. Мустабид тузум ўрнатилишига қарши ташкилий равишда амалга оширилган озодлик курашининг узоқ давом этиши, натижалари ва бой берилиши мулла Розик ва унинг сафдошлари ҳаёт йўлида бир қадар тўлиқ акс этади. Бу мавзу шу жиҳати билан Мустақиллик даври янги тарихимиз учун фавқулодда кутилмаган, ноёб саҳифалар, боблар тўхфа этади.

«Жовиздаги ёвузлик» қиссаси тарихий ҳужжатлар – Қашқадарё вилоят архивининг 172 жамгарма, 2-рўйхат, 38-иши асосида ёзилди.

Ҳафта бурун йўлга чиқиб, тоғу тош, арчазорлар оралаб, бир амаллаб Ургутга етиб келган, озиб-тўзиб кетган йигит шарақлаб оқиб ётган сувга юз-қўлини чайиб, оғир тин олди. У жуда эҳтиёткор, тиқ этган товушдан ўзини панага оларди. Бу жойлар унга таниш, шу атрофдаги Терак деган қишлоқда туғилганди. Уни Эргаш Жўрабой ўғли дердилар. Тўққиз ой муқаддам қўрбоши Қодир полвон жигитлари сафига қўшилган эди. Китоб, Ургут ва Фароб ҳудудларида Шўрога қарши курашиб келаётган қўрбошилар кўп эди. Қашқадарёда амир Сайид Олимхон ташаббуси билан тузилган «Аксинқилобий ташкилот» қуроли қўзғолони мағлубиятга юз тутгач, курашчилар жанг олиб бориш усулини ўзгартирдилар. Худди қизил армияга монанд мунтазам қисмларни шакллантиришга интиладилар. Бошда уюшгандай кўринган курчилар, тез орада бирлашиб ҳаракат қилишга қодир бўлмаган, тумтароқ куч эканлигини намойиш этади. Тепадан мустаҳкам, аниқ мақсадга йўналтирилган марказий бошқарувнинг суст бўлганлиги, Шўро ҳокимиятининг жипс ва қаттиқ интизомга асосланган, кучли қурооларга эга қўшинлари Аксинқилобий қаршилиқ кучларининг қовушмаслигига, охир-оқибатда, бирма-бир мағлубиятга учраб, зўрға жон сақлаётган тўдаларга айланишига олиб келади. Мағлубиятларнинг бош сабаби, аввало, бирикмасликда бўлса, муҳимлардан муҳими – Шўронинг Аксинқилобий кучлар учун ҳаётий зарур бўлган ўзанларни бўғиб қўйиши билан боғлиқ эди. Аксинқилобий кучлар, табиийки, Шўро аскарлари сингари давлат таъминотида эмас эди.

Амир Сайид Олимхон Бухоро Шўролар қўлига ўтишидан бир-икки кун олдин Қаршига келиб, шаҳар ҳокими Тоғайбек қасрида машварат ўтказди. Машваратда Шўрога қарши курашни давом эттириш масаласи кўрилади. Қашқа воҳасидаги икки асосий шаҳар Қарши ва Шаҳрисабз қаршилик ҳаракатининг марказлари деб қаралади. Атоқли амалдорлар, бойлар, савдогарлар, обрўли эшонлар, хожалар, муллалар, полвонлар, ботирлар лашкар тузиш, уни қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак билан таъминлаши маслаҳат қилинади. Амирлик ва хазинанинг қизиллар қўлига ўтгани халқ лашкарларини тузиш ва боқиш элнинг бою-боёнлари зиммасида бўлиши, бошқача айтганда, хайрия тариқасида йиғиладиган маблағлар ҳисобидан қопланишини тақозо этарди. 1920-22 йилларда бу тизим бенуқсон ишлайди. Қурчи лашкарлар бошлиқлари – қўрбошилар билан Аксилинқилобий ташкилот ўртасида баҳамжиҳат ҳаракат йўлга қўйилган. Шўро тасарруфидаги ҳарбий аҳамиятга молик нуқталарга сезиларли зарбалар берилган. Шу босидан ҳам қизилларнинг Қашқа воҳасида ҳукм суриши, ислоҳотларни ўтказиши бир неча йилга кечикиб кетади. Қаршилик ҳаракатининг пойни қирқишда ҳарбий йўлдан кўра иқтисодий тadbир аҳамияти беқиёсلىгини Шўро мафкурачилари икки-уч йиллик аччиқ сабоқлардан кейин англаб етадилар. Қаршилик ҳаракати кучларининг қон томирлари – уларни қурол-яроғ, озиқ-овқат билан таъминлаб келаётган манбаларни йўқ қилишга, кесиб ташлашга киришилади. Қўрбошиларга ҳаракат қилувчи ҳудудларига кўра бириктирилган қишлоқларнинг бойлари, амалдорлари вақти-вақти билан зарур ашёларни етказиб турганлар. Қизилларга қарши кураш чўзилиб бор-



гани сари жойлардаги манбалар ҳам камайиб, танқислик сезила бошлаган. Оқибатда, масъул кишилар қишлоқ оқсоқолмарини ишга қўшиб, бор одамлардан имконига қараб от-улов, озик-овқат, ем-хашак, кийим-кечак, қурол учун маблағ тўплашга мажбур бўладилар. Бойлар ва амалдорларни тазйиқ остига олиш, қамаш, мол-мулкени тортиб олиш йўлга қўйилгач, қаршилиқ ҳаракати кучлари таъминот манбаидан бутунлай маҳрум бўлиб, ер билан осмон оралиғида муаллақ қолишга мажбур бўлади. Энди улар олдида икки йўл – ё Шўрога таслим бўлиш, ё ўз кунини ўзи кўриб, мақсад йўлида охиргача курашиш қолади. 20-йилдан буён Шўрога қарши курашиб келаётган қурчиларнинг 26-йилга қадар омон қолганлари орасида биринчи йўлни тутганлар кам бўлган.

Шўронинг ватанпарвар кучларга қарши олиб борган курашида иқтисодий зарба бериш сиёсати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Қаноти қирқилган лочин уча олмагани каби, ташқи ва ички манбаларидан маҳрум этилган қаршилиқ кучлари кичик-кичик бўлакларга бўлинишга, ўз кунини ўзи кўришга мажбур бўлади. Чорасизлик уларнинг айрим гуруҳларини қишлоқларда оқсоқолларни тазйиқ остига олишга ва куч ишлатишга қадар олиб келади...

Бу жиҳатдан, Қашқадарёнинг сўнгги «босмачиси» мулла Розик (Абдурозик) ва унинг жигитлари билан кечган воқеа-ҳодисалар юқорида айтилган фикрларга ойдинликлар киритади. Мулла Розик ва унинг итоатида бўлган қўрбошиларнинг фожиавий қиссаси Эргаш Жўрабой ўғлининг «босмачилик»дан қочишидан бошланади.

1926 йилнинг 8 юни. Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) тезкор ходими Четвертаков Ургутга етиб келган. Кунни кеча Шўрога бош эгиб келиб,

таслим бўлган, 9 ой босмачиликда юрган Эргаш Жўрабой ўғлини сўроқ қилиш унга топширилган. Йигирмага тўлган, соч-соқоли ўсиб, озиб-тўзиб кетган йигит кўринишидан қирқ ёшар одамни эслатарди. Курсига омонатгина ўтирган Эргашнинг икки тиззаси қалт-қалт титраб турарди.

– Қочиб келганига қараганда, ўлишни хоҳламайди,– деди БСБ ходими, терговни бошлаган Четвертаков таржимонга қараб,– айт унга, тўғриси гапирсин, бўлмаса... У қўлини бўйнидан айлантириб, тепага кўтарди. Бу ишоранинг нима эканлигини таржимон ҳам, собиқ босмачи ҳам яхши тушунди.

– Менга Қодир полвон, мулла Розик, Икром ва Хўжамқул кўрбошиларнинг ўзаро муносабатлари қандайлигини тушунтириб бер,– деди кескин терговчи. Чала-чулпа таржимадан нима ишташаётганини фаҳм қилган Эргаш тилга кирди:

– Кўрбошиларнинг бир-бирига ишончи йўқ,– деди ерга қараб,– бир-биридан хавфсирашади. Бу тўртови аввал бирга бўлганлар, бундан икки ойча аввал Аспидўхтар деган қишлоқда мулла Розик билан Қодир полвон жанжаллашиб қолиб, бўлиниб кетганлар. Мулла Розик кўрбоши Қодир полвонни кўрқоқликда, ҳаракат қилмасликда айблаб, бошқалар топганига шерик бўлиб келаётганини юзига солган. Шу жанжалда мулла Розик, «сенга ишониб бўлмайди, хоҳлаган пайтингда совет тарафига ўтиб кетасан», деган Қодир полвонга. Бу гап полвоннинг иззат-нафсига тегиб, «таслим бўлиб боришни истасам, бировдан сўраб ўтирмайман, лекин анови ювундихўрларга бош эгиб борадиган аҳмоқ йўқ», деб жигитлари билан айрилиб чиқиб кетган.

Менинг қочишимдан бир ойча олдин мулла Розик, Хўжамқул, Қодир полвон, Икром кўрбоши-

лар Фароб деган қишлоққа келган эдилар. Уларнинг ҳар қайсиси ўз жигитлари билан алоҳида уйларга тушдилар. Ҳаммалари жойлашиб бўлгандан сўнг мулла Розик қолган қўрбошиларга хат юбориб, Шўро ҳукуматининг таъқибни кучайтириб, ўзларини йўқ қилиш чораларини кўраётганлиги, бунинг устига, бир-бирларига ишона олмасликлари сабабли, бундан кейин ҳар бири ўз ҳудудида алоҳида ҳаракат қилиш кераклиги таклифини ўртага солади. Қўрбошилар бу таклифни қабул қиладилар. Бўлинишдан кейин ҳар қайси қўрбоши ўз жигитларини олиб, ҳаракат қиладиган тегишли ҳудудларга тарқалиб кетдилар. Алоқа фақат Қодир полвон ва Хўжамқул орасида сақланган бўлиб, улар у ёки бу ҳаракатларини амалга ошириш учун тез-тез қўшилиб турадилар, қолган қўрбошилар ўртасида борди-келди йўқ.

Мулла Розикнинг қолган қўрбошилардан ажралиб кетишига бош сабаб, Шўронинг у ҳаракатланаётган ҳудудда таъқибни кучайтириши, уни қўллаб-қувватлаб турган бир қатор таъсири кучли бўлган кишиларни йўқ қилиши эди. Бунинг устига, мулла Розик, қолган қўрбошилар ўзаро тил бириктириб, ўзини ўлдирадиларда, Шўрога таслим бўлиб, гуноҳни унга тўнкаб, шу билан айбларини ювадилар, деган ишончсизлик ва хавфсизликда бўлган».

Эргаш Жўрабой ўғлининг Қашқадарё, Зарафшон ва қисман Тожикистонда 26-йил ўрталарида Шўрога қарши ҳаракатда бўлган сўнгги «босмачи» гуруҳлари, уларнинг таркиби, қурол-яроғи ҳақида сўроқда берган маълумотлари тарихан катта аҳамиятга эга. Мулла Розик гуруҳининг шахсий таркиби, қурол-яроғи хусусида у қуйидагиларни маълум қилган:

«Гуруҳда 18 жигит бор. Қуроллари: 10 та 3 нилли милтиқ, уларнинг ҳар бирига 30-40 тадан ўқ-патрон, 8 та бердан винтовкаси ва уларнинг ҳар бирига 15-30 тадан ўқ-патрон, тўла ўқланган 2 та наган, 5 та қилич. Ҳамма жигитларда от бор, мулла Розикнинг ўзи 500 ўқи бўлган ўн бир отар милтиқ ва 70 та ўқи бор наган билан қуролланган.

Қодир полвон гуруҳида 8 жигит бўлиб, уларда 5 та 25-50 тадан ўқи бўлган уч нилли милтиқ, 15-25 тадан ўқи бўлган 3 бердан милтиғи, тўла ўқланган 2 наган, 1 қилич бор. Жигитларнинг ҳаммаси от билан таъминланган. Қодир полвон 600 ўқи бўлган уч нилли милтиқ ва 70 ўқи бор наган олиб юради.

Хўжамқул қўрбошида 4 жигит қолган, уларда 1 та уч нилли милтиқ, граната ва 2 та бердан қуроллари бор. Ўқлари оз, уч нилли милтиқнинг 40 та, берданкаларнинг 15-20 тадан патрони бор. Ҳаммалари отлиқ. Хўжамқул уч нилли милтиқ ва 70 ўқли наганга эга.

Қўрбоши Икром қўл остида 7 та жигит бор. Уларнинг ҳар бирида 40-50 ўқи бўлган 3 та уч нилли милтиқ, 4 бердан қуроли (ҳар бири учун 15-25 дона ўқ) ва 2 қилич мавжуд. Ҳаммаларида отлар бор. Икромнинг 600 ўқи бор уч нилли винтовкаси ва 70 ўқи қолган нагани бор.

Мазкур гуруҳлар таъминоти аҳоли бўйнида: озиқ-овқат, ем-хашак қишлоқлардан ва ёрдам беришга масъул кишилардан йиғилади. Отлар деҳқонлардан олинади, уларга солиқлар ҳам солинади. Мулла Розик Жовиз қишлоғи ҳудудида, Қодир полвон ва Хўжамқул гуруҳи Ургут, Фароб қишлоғи, Моғиён ва тоғолди воҳасида, Икромнинг жигитлари эса Панжакент туманида ҳаракатланадилар.

Қўрбошилар ва уларнинг жигитлари асосан тунда кўзланган манзилларга юриш қилиб, кундуз пайти тоғларда қўнолға қиладилар. Қўрбоши ўзига яқин кишилари билан алоҳида чодирда, жигитлари бошқа бошпаналарда турадилар. Ургут водийсига томон ҳаракат қилинганда, у ердан қайтиш пайтида доимо йўлни ўзгартириб, киши билмас сўқмоқлардан, кўпинча Эшак қишлоғи орқали турар жойларига келадилар.

Жигитларнинг машқи паст, асаблари таранг. Кўпчилигининг таслим бўлгиси келади. Улар бунда қўрбошиларнинг ўч олишидан эмас, таслим бўлиш пайтида Шўро ҳукумати томонидан отиб ташланишидан қўрқадилар, чунки олдин босмачиларга нисбатан эълон қилинган умумий афв эндиликда бекор қилинган».

Эргаш Жўрибой ўғлининг қўрбошилар ва улар фаолияти ҳақида бунчалик кўп нарса билиши кишини ҳайратга солади. Айниқса, унинг мулла Розик, Қодир полвонга ёрдам кўрсатиб келган кишилар, оқсоқоллар, кишлоқлар ҳақида Шўро ҳукуматига берган маълумотлари аниқлиги ва кўламли эканлиги билан кишида шубҳа уйғотмай қолмайди. Эргаш Жўрабой ўғли Шўронинг босмачилар орасига ташланган жосуси эдими, ёинки, жонини қутқизиш умидида шунча маълумотларни атай тўплаган эдими?

Эргаш Жўрабой ўғли қўрбошилар қўл остидаги жигитларни ҳам номма-ном айтиб беради. Унинг шаҳодатича, мулла Розик гуруҳида: Жовиз қишлоғидан Аббос, мулла Розикнинг укаси Бегали, мулла Розикнинг амакиси Бобо живачи, Афанди (Бухоролик, мулла Розик котиби), жовизлик Ражаб, Маҳкам, Зиёдулло, Бозор, Латиф, Мурод, Истам Турсунов, Матмонлик Жаъфар, Обикондалик

Эшон, Тош қишлоғидан Маазим (Муаззим) ва унинг укаси Отабойлар бўлган.

Қодирполвон гуруҳида мулла Шаҳобитдин, Жобир (Аспидўхтар қишлоғи), Мирзақул (Денов қишлоғи), Саттор (Мусобозор), Жиян (Чапдара), Носирхон (Хўжа қишлоғи), Ашур (Олахотин), Санақул (Моғиён) каби жигитлар; Хўжамқул қўрбоши тўдасида Ака Қурбон (Шинг қишлоғи), Нурали, Шоди, Фахриддин деган тоғлик кишилар бор. Икром қўрбоши қўл остида (у Моғиён қишлоғидан) қишлоқдошлари Қосим, Усмонлар бўлиб, қолган 5 жигитнинг исмини билмадим».

Эргаш Жўрабой ўғли мулла Розик билан Қодир полвонга ёрдам бериб келган кишилар ҳақида ҳам батафсил маълумот тўплаган. Унинг сўроқда бу ҳақда айтганлари махсус шуғулланиш натижалари эканлиги билиниб туради. Қўрбошиларга Ургутнинг Испанза қишлоғи оқсоқоли ҳамда Олмос деган киши қурол, озиқ-овқат, ем-хашак етказиб туришдан ташқари, қизил армия қисмлари ҳаракати ҳақида ҳам хабар бериб турганлар. Элпак қишлоғи оқсоқоли, Худойберди, Фароблик Шароф камитет босмачиларга озиқ ва ем-хашак бериб, уларни яшириб ҳам турганлар. Моғиён қишлоғи оқсоқоли, шу жойлик Акромкўча, фароблик Фахриддин, Шут қишлоғидан Ибодулла оқсоқол, Қабзахонадан мулла Махсум, Қўл қишлоғидан мулла Ашур, аспидўхтарлик мулла Махсум, Денов Мусобозордан Холиқча, Денов қишлоғидан Сафар полвон, Ургутнинг Бешкапасидан Султон чўчқафуруш, Теганадан Элназар Чўлтоқ, Ўроқ Тайжардан Ҳайдар камитет, Хўжа қишлоғидан Эшон ва унинг икки ўғли, Гадей қуччидан Юсуфкал ва Оқил деган кишилар босмачиларнинг фаол ёрдамчилари, маълумот етказувчилари, яширувчилари ва таъминотчиларидир. Улар милтиқ, ўқ-

мутасаддилар қурол-яроғ, озиқ-овқат билан мунтазам таъминлаб турган 20-22-йилларда уларнинг кўли баланд келган ҳоллар кўп бўлган. Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармасининг 180 кишилик қуроли милиционерлари тўла равишда улар томонига ўтиши, айрим туманларда (масалан, Косон, Ғузор) юз берган ҳокимият таназзули мустабид тузумга қарши курашаётган фидойиларнинг порлоқ галабалари эди.

Шўро ҳукумати озодлик курашчиларининг таъминот манбалари – ички ва ташқи ёрдамни кесиб қўйиб, мутасаддилар – бириктирилган оқсоқоллар, бойлар қўлга олинган, ватанпарвар кучларнинг томирига зил кетади. Шарқий Бухорода қаршилик ҳаракатини мағлуб этган, шу билан Англия, Туркия ҳарбий аралашувига, алоқасига чек қўйган Советлар Қашқадарёда ҳам кенг қўламли жанговар тадбирларни кучайтириб юборади. Тангриберди додҳо, Турди тўқсоба каби кўзга кўринган қаршилик раҳбарлари – қўрбошилар қўлга олинади, жанг майдонида ўлдирилади. Воҳа жанубида 25-йилга келиб, қаршилик кучлари асосан тугатилган эди. Қизиларнинг жазо гуруҳлари таъқибидан омон қолган собиқ ватанпарварларнинг айримлари хорижга кетишга, баъзилари таслим бўлиш ва қуролни омочга алмаштиришга, бировлари эса милтиқни ташламай, уни бошқа мақсадга ишлатишга ҳам мажбур бўлган эди. Бу кейингиларни сўзнинг тўғри маъносида босмачи, дейиш мумкин эди. Бундай йўл тутиш Шўронинг аввал-охир кўзлаган муддаоси бўлиб, у қисман шу режасини амалга оширишга муваффақ бўлган эди. Бу ҳолнинг, аччиқ қисматнинг яққол манзараси сўнгги «босмачи» мулла Розик ва унга яқин бўлган қўрбошилар тақдири мисолида намоён бўлади.



Бўлиниш юз бергач, қўрбошилар жуда кучсизланиб қолади. Ортдан қисиб келаётган қизил аскарлар сон жиҳатдан ҳам, қурооллар, отлар бобида ҳам улардан бир неча баравар устун эди. Эргаш Жўрабой ўғли томонидан берилган маълумот қизиллар учун жуда кутилган омад муждаси бўлган. «Бўлинганни бўри ер», деган мақол амалиёти айнан шу вақтда содир бўлади. Қўрбошиларнинг кўплари ўлдирилади, бошқа бирлари бош эгиб, таслим бўлади. Ўқ-дориси тутаб бўлган, тоғдан-тоққа қочиб, отлари ишдан чиққан мулла Розик гуруҳи ҳам патрат топади. Мард, жасур, Шўрога қарши 7 йил тинимсиз кураш олиб борган мулла Розикнинг ҳам таслим бўлишдан ўзга иложи қолмайди...

### **ЭГИЛГАН БОШНИ КЕСГАН ҚИЛИЧ**

1926 йилнинг 22 августи. Пойтахт Самарқандда шов-шув тарқалган. Кимсан, босмачиларнинг зўри ва энг охиргиси таслим бўлибди. Уни кимдир қўлга тушмас қасоскор эди, деб афсус қилса, бошқа бирови, ажаб бўлибди, деб гап қиларди. Шаҳарда оёқлаган миш-мишларда жон бор эди. Советларга бош эгиб келган «сўнгги босмачи» мулла Розик оёқ-қўли кишанланиб Моғиёндан Самарқандга олиб келинган, кучайтирилган қўриқлов остида Бош сиёсий бошқарма ҳибсхонасида сақланаётган эди. Пойтахтга олиб келинганининг эртасигаёқ тергов ишлари бошлаб юборилди.

Республика БСБсининг ходими Олтинбоев сўроқни олиб боради. 22-августда ўтказилган дастлабки тергов қарори матни билан танишиш «босмачилик» билан боғлиқ кўпгина жумбоқларга ойдинлик киритади. Мулла Розик (Абдурозик) сўроқ



қилинганда, анъанавий тарзда унинг шахсига доир маълумотлар ҳам келтирилади:

**«Мулла Розик Хўжандиев.** Шаҳрисабз туманининг Жовиз қишлоғидан, миллати тожик. 28-29 ёшларда (1896-1897 й. туғилган), босмачилар тўдасининг бошлиғи, кўрбоши. Уйланган, 75-90 таноб ери, 4 оти, 2 уйи, 220 қўйи бор. Мусулмон илмидан хабардор. 1919 йилдан бошлаб босмачилик қилиб келган.

### **Кўрсатмаси:**

— Аниқ ёдимда йўқ, тахминан бундан беш йилча бурун Ургут туманининг Фуз қишлоғидан бўлган Ибодулло, Исломуҳжа деган одамлар Жовиз туманига қарашли Матмон қишлоғидан Жафар мулла Анбековни мажбуран олиб кетишган эди. Ориятимиз келиб, қишлоқдошим, жовизлик мулла Мирзо Раҳмонов билан уни фузликлардан қутқариб, қишлоққа қайтариб келган эдик.

Шу воқеа сабаб бўлиб, орамизда душманлик пайдо бўлди. Мулла Мирзо бу пайтда Самарқанд теварак-атрофида ҳаракатланаётган Баҳромбек тўдасига қўшилиб кетди. Бирқанча вақт ўтгач, мулла Мирзо мени ҳам босмачилар қароргоҳига олиб борди, бу, тахминан, 1922 йилда бўлган эди. Нима гап ўтган, билмадим, анча вақтдан кейин Баҳромбек мулла Мирзони отиб ташлади. Баҳромбек мендан ҳам шубҳа қилди, қуролимни тортиб олиб қўйди. Бир амаллаб қочиб қутилдим-да, қишлоғим Жовизда бир муддат яшириниб яшадим.

Баҳромбек ҳам узоққа бормади. У кўрбоши Очилбек томонидан ўлдирилади. Очилбек менга бешта милтиқ юборди, бу қурооларни мен жовизлик Жафар мулла Анбеков, Зиёдулло Мироҳуров, Бобоали Алимов ва Ҳамидларга тарқатиб, улар билан бирга Очилбек тўдасига келиб қўшиладим. Қизил аскарлар билан Китоб яқинида бўлган

тўқнашувда Очилбек ўлдирилганидан сўнг, мен ҳамқишлоқларим бўлган жигитлар билан Холиқулбек қўрбоши гуруҳига бориб қўшилдим. Холиқулбек Китоб тумани ҳудудида ҳаракатланар эди. Ургут сарҳадида бўлган жанглардан бирида Холиқулбек ҳам ўлдирилади. Ундан сўнг қизилларга қарши курашган Мирзо полвон ҳам ўққа учди. Шундан кейин 8 жигитга бош бўлиб ўзим мустақил ҳаракат қила бошладим. Менинг ҳудудим доирасига Панжакент, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари кирар эди.

**Савол:** – Хўжамқул, Қодир полвон ва Икромқул қўрбошиларни қандай қилиб ўзингизга бўйсундирдингиз?

**Жавоб:** – Ҳали Қодир полвон, Икромқул ва Хўжамқуллар алоҳида, мустақил қўрбошилар бўлиб юрган вақтда мен Хўжамқул билан яқин муносабатда эдим. Хўжамқул Икромқул ва Қодир полвонни ўзига қарам қилиб олдида, менинг қўл остимда бўлишини билдирди. Улар мени қўрбоши қилиб сайладилар. Янги қўрбоши бўлган давримда, ҳаммаси бўлиб, 15-20 жигитим бор эди.

**Савол:** Қандай қилиб тўдангизни кўпайтириб бордингиз ва янги қўшилган жигитларга қуролни қаердан олдингиз?

**Жавоб:** менга бўйсунадиган ҳар бир қўрбоши ўз имкони даражасида қўл остидагилар сафини кенгайтириб борар эди, қуролни ҳам ўзлари топар эди, бу ҳақда мен билмайман. Икромқул акаси Холиқулбек шаҳид бўлгандан сўнг, унинг қурол-яроғидан фойдаланиб келарди. Холиқулбек жуда кўп қуролни яширин сақлаб келган. Унинг жойи менга маълум эмас.

Ўзим эса жигитларим учун мунтазам равишда қўл остимда бўлган Аспидўхтар қишлоғидан бўлган Шаҳоб Ражабов воситасида қурол ҳозирлар эдим,

у ҳам ҳозирда Шўрога таслим бўлди. Шаҳоб Ражабов Холиқулбек қўрбоши ўлдирилгандан сўнг кўп милтиқни яширган. Бу қуроллар шаҳид бўлган жигитларники ҳамда қизил аскарлардан жанглар пайтида тортиб олинган милтиқлар эди.

**Савол:** – Янги жигитларни қандай қилиб ўзингизга қўшиб олардингиз?

**Жавоб:** – Жигитлар сафига кўнгилли сифатида қўшилувчилар ҳам бўлар эди, гоҳида улар мажбуран олиб келинардди. Эл орасида сафимизни тўлдириш учун ташвиқотлар олиб борардик. Бу ишни котибим, асли бухоролик бўлган Умар афанди эплар эди.

**Савол:** – Умар афанди қаерда ва қачон тўдангизга қўшилди, ким томонидан котибликка тайинланган, унинг фаолияти нимадан иборат эди?

**Жавоб:** – Умар афандини у Баҳромбек қурида бўлган давридан бери танир эдим, Баҳромбек шаҳид бўлгач, Очилбек ҳузурида хизмат қилди, кейин Холиқулбек қўрбоши ихтиёрига келди. Унинг ўлимидан кейин менга келиб қўшилди. Уни мен гуруҳимиз котиби этиб тайинлаганман, у котиблик қилишдан ташқари, жигитлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борар, уларни Шўро ҳукуматига қарши курашишга руҳлантирарди, қайси қишлоқда бўлмасин, аҳолига ташвиқ ва тарғиб юргизар эди. Ташвиқоти маънисини шу эдики, Шўро ҳукумати зўравон, мусулмончиликка қарши, уни йўқотиш мақсади, хотин-қизларни очиб юборади...

**Савол:** – Сиз томонингиздан ҳукумат вакилларига, дейлик, Ургут ижроия қўмитаси ва бошқаларга хатлар ёзилганми?

**Жавоб:** – Ёзилган барча хатлар мазмуни котибим Умар афанди томонидан тузилган, мен уларга фақат муҳримни босганман.

**Савол:** – Ҳукм сурганингиз барча даврда ким сизни қўллаб-қувватлади, ким патрон, винтовка билан таъминлаб келди, ким қизил армия қисмлари ҳақида маълумот етказиб турди?

**Жавоб:** – Фуз қишлоғидан бўлган Ражаббой Шодиев менга олти ўқланадиган карабин, иккита наган берган вақти бўлган эди. У мен ҳаракатда бўлган ҳамма вақтда 50-60 дона патрон келтириб турарди. Ўқларни қаердан олганлиги менга маълум эмас. Битта милтиқ учун 300, бир наган учун унга 120 сўмдан тўлаганман. 100 та патрон учун эса 100 сўмдан берганман. Бу милтиқ ва наганлар менга Ражабов томонидан 1925 йилгача олиб келинган эди. 1925 йилдан бошлаб эса Жовиз кўнгилли гуруҳи (босмачиларга қарши – П.Р.) командири Рўзибой Боев ва унинг жигитлари мулла Ашур Рўзиев, Ашур Алимуродов, Қудрат Зокировлар келтирадиган қуроолардан фойдаландим. Ўтган йили Рўзибой Боев билан узоқ давом этган ихтилофдан сўнг ярашган эдим, мақсадим Шўро ҳукуматига томонига ўтиш эди.

Рўзибой, агар мен Шўрога қарши курашни давом этдирсам, милтиқ ва ўқ-дори билан таъминлашга ваъда берди. Ундан милтиқлар олмаган бўлсам-да, 50-100 донадан патронларни тез-тез олиб турганман. Ўқ-дориларни шахсан улардан, одамлар воситасида олганим сабабли, бу ошкор бўлиб, гап-сўзлар ёйилди, Рўзибой бундан қўрқувга тушиб ўзини тортди. Кейинги вақтда Рўзибой томонидан мен учун 2 милтиқ, бир қилич, 2 наган, 200 патрон (бронтешар) тайёрлаб қўйилган эди, лекин олиш имконияти бўлмади. Озиқ-овқат ва ем-хашакдан танқислик бўлмаган, ўзига тўқ бирорта киши ҳам биздан қўл тортмаган, ёрдамини берган.

**Савол:** – Аҳолидан солиқ йиғиб олувчингиз ким бўлган, ўз сирларингизни кимга айтиб, кимга ишонардингиз?

**Жавоб:** – Солиқлар оқсоқоллар томонидан йиғилар эди, сирларимни эса ўз котибим Умар афандидан бошқасига айтмас ҳам, ишонмас ҳам эдим.

**Савол:** – Нима сабабдан ҳозирга қадар Совет ҳукумати тарафига ўтмай келдингиз, эндиликда Шўрога таслим бўлишга сизни нима мажбур қилди?

**Жавоб:** – Шўро ҳукумати томонга ўтишга мени отиб ташлайди, деб кўрқдим. Чунки менга бу ҳақда ҳеч ким тушунтирмади, ҳукумат ҳам вакиллари-ни юбормади. Эндиликда эса, менинг таслим бўлишимга қизил армия қисмларининг кейинги вақтда таъқибни кучайтиргани бир томондан бўлса, ҳукуматнинг вакилларини юбориб ҳаётимни сақлаб қолиш эвазига кўндиришлари иккинчи тарафдан туртки бўлди.

**Савол:** – Совет ҳукумати билан беш йил давомида олиб борганингиз курашда нимани мақсад қилган эдингиз?

**Жавоб:** – Ҳеч қандай мақсад бўлмаган.

**Савол:** – Котибингиз ҳозир қаерда, сиз таслим бўлгандан кейин у қаерга яширинмоқчи эди?

**Жавоб:** – Унинг қаерда эканлиги менга маълум эмас, таслим бўлишимдан беш кун аввал у Шут қишлоғида мендан ажралиб кетган эди. Илгарилари Бухорода отаси, аёли ва боласи борлиги ҳақида гапириб юарди.

Шўро ҳукуматига қуролни ташлаб, бош эгиб келган мулла Розикнинг биринчи тергови шу ерда ниҳоясига етади. Савол-жавоблар аён бўладики, мулла Розик терговчига очиқ кўнгила билан тафсилотларни айтгандек туюлса-да, Шўро ҳукуматига қарши олиб борган узоқ йиллик курашининг

моҳиятини сўзлашни истамаган. У алданганини қўлига кишан солиниши билан пайқаган, ҳамма дарди, алами ичида, таслим бўлишга кўндирганларни лаънатлаётган эди. Шўро вакиллари – Шаҳрисабз ва Китобнинг таниқли оқсоқоллари орага тушиб, уни бўйсунушга даъват этгандилар. Куроллари учун ўқ-дори охирлаб қолгани, тоғма-тоғ қувгун еб қочиб юришдан отлари дармони қуриганлиги сабаб, мулла Розик вакиллар ваъдасига ўзини ишонтирган эди. Тоғдан эниб, ваъдалашган жойга келиши биланоқ уни банди қилдилар. Кошкийди жангда ўлдирилса... Мулла Розик терговчининг берган жавобларидан бўғриқиб кетганлигини эътибордан қочирмади. Олтинбоев қоғозларни йиғиштириб, соқчиларни чақирди. Оёқ-қўли занжирбанд қўрбоши ўрнидан оғир қўзғолди. Терговчи, «кўрамиз, сен сайрамасанг, анови карқуноқларинг тилга кирар», деб ўйлади-да, зўрға оёқ судраб бораётган мулла Розик ортидан ижирганиб тикилиб қолди.

### **ИКРОМҚУЛ ҚҶРБОШИ**

Мулла Розик терговхонадан олиб кетилгач, занжирларнинг шарақ-шуруқ овози яна сукунатни бузди. Олтинбоев ўраб чекаётгани тамаки тутунини ичида бир зум сақлаб турдида, шашт билан пуфлади. Соқчи эшикни очганда хона ичи бурқсиб ётарди. Қоп-қора соқол-мўйлаби ўзига ярашган, чайир жуссали Икромқул қўрбоши терговчи имоси билан курсига ўтирди.

Икромқул қўрбоши Тожикистон АССРнинг Панжакент вилояти, Фароб волостига қарашли Моғиён қишлоғидан эди. У 26 ёшга кирган, оилалик йигит бўлиб, 1923-1925 йилларда советларга қарши курашга қўшилган эди. 1925 йилда бир

сира Панжакентда Шўроларга таслим бўлган, орадан кўп ўтмай, 25-йил ёзида яна қўлига қурола олади. Мулла Розикдан бир неча кун олдин иккинчи бор Шўро ҳукуматига бош эгиб келган, авф қилинмаган ва ҳибсга олинганди.

Терговчи Олтинбоев сўроқ қилиш билан боғлиқ расмийчиликларни ниҳоялаб, қаршисида роз қотиб ўтирган кўрбоши йигитга қаради ва «тўғриси айтсангиз, ўзингизга яхши бўлади», деди. У яна тамаки тутатди-да, нописандлик билан тутунни маҳбус тарафга пуфлади. Шошиламай сўроқни бошлади:

**«Савол:** – Босмачилар сафига қандай кирганингиз ҳақида батафсил гапириб берсангиз, қандай қилиб кўрбоши бўлиб олдингиз? Мулла Абди-розиқбек итоатига қачондан бошлаб киргансиз, мулла Розик ва бошқалар тўдалари билан қўшилган вақтда қанча жигит бор эди?

**«Жавоб:** – Акам Холиқулбек Китоб, Шаҳрисабз ва Фароб волостининг Моғиён ҳудудларида ҳаракатланаётган босмачилар бошлиғи бўлганидан сўнг, одамлар мени кўрбошининг укаси деб тазйиққа олдилар. Шу сабаб улар ёнига кетишга мажбур бўлдим. Икки йил босмачилар билан бирга бўлдим. Акам қизиллар билан бўлган бир жангда ўлдирилади. Мен нима қиларимни биамай, битта уч нилли миатиқ билан Совет ҳукумати тарафига ўтдим, Панжакент ҳукумати ҳузурига бордим. Дехқончилик билан машғул бўлдим. Таслим бўлганимдан бир йил ўтиб, акамнинг собиқ жигитларидан бири, у шаҳид бўлгандан кейин мулла Розик итоатига кириб кўрбоши бўлган Хўжамқул командир мени акамнинг собиқ жигитларидан бири Қосим Шакаров билан бирга яна ўз гуруҳига олиб кетди. Кўп ўтмай Усмонбанда Алиевни ҳам олиб келди ва бизларга миатиқ берди. Фа-

роб волостининг Моғиён қишлоғидан бўлган шу одамлар билан ҳамма вақт мулла Розик қошида бўлдик. Таслим бўлишимдан, чамаси, бир ойча олдин мулла Розик мени Фароб волостининг Моғиён қишлоғидан бўлган жигитлар қўрбошиси қилиб тайинлаган эди. Менинг қўл остимда Усмонбанда Алиев, Қосим Шакаров, Саид, Умар, (фамилияларини билмайман) ва отбоқарим Ихсамлар бор эди.

**Савол:** – Қўрбоши бўлганингиздан сўнг, жигитларни қурол ва ўқ-дори билан қандай қилиб таъминладингиз, уларни қаердан олдингиз? Озиқ-овқат ва ем-хашакни қандай йиғдингиз, сизга қизил армия гуруҳлари ҳақида кимлар ахборот бериб турар эди, уларнинг кимлар эканлигини айтсангиз?

**Жавоб:** – Милтиқ ва патронларни ўзим ва жигитларим учун мулла Розикдан олар эдим, у бу нарсаларни қаердан топганлигидан хабарим йўқ. Озиқ-овқат, ем-хашакни мулла Розик ҳозирлар эди. Мен ва жигитларим ўзимизча бир иш қилмасдик. Қизил армия гуруҳлари ҳақида маълумот берувчи кишилар мулла Розик билан алоқада бўлганлар, мен уларнинг кимлар эканлигини билмайман. Мулла Розик бундай ишлар ҳақида фақатгина котиби билан маслаҳатлашар эди, бизлар мутлоқа ҳеч нарса билмаганмиз.

**Савол:** – Ким эди у котиб, мулла Розик тўдасига у қачон келиб қолган, умуман, унинг фаолияти қандай бўлган?

**Жавоб:** – Котиб 27-30 ёшлардаги бир бухоролик киши эди, исми шарифи менга маълум эмас. У олдин акам Холиқулбекнинг жигитларидан бўлган. Котибликдан ташқари қишлоқларда ва жигитлар орасида ташвиқотлар юргизган.

**Савол:** – Қандай қилиб мулла Розикдан ажралиб чиқдингиз ва Совет ҳукумати тарафига ўтдингиз?



**Жавоб:** – Моғиён қишлоғидан бўлган жигитлар таслим бўлгач, мени мулла Абдирозиқ боғлаб қўйди ва уч кун назорат остида бўлдим, охири қочишга муваффақ бўлдим.

**Савол:** – Акангиз Холиқулбек ўлдирилгандан сўнг, ундан қолган қуроллар ҳозирги вақтда қаерда?

**Жавоб:** – Акамдан ҳеч қандай қурол-яроғ қолган эмас.

**Савол:** – Этик ва кийимларни қаердан олгансиз?

**Жавоб:** – Буларнинг ҳаммасини мулла Розик берган, у кимдан олган, ким келтириб берган, менга маълум эмас».

Бир ой кўрбошилиқ қилган Икромқул, ёш бўлишига қарамасдан, анча пишиқ, лойқа сувни қаёққа оқизишни яхши билган. Бу унинг терговда ҳамма айбни мулла Розикқа ағдариш пайида бўлганлиги мисолида очиқ кўриниб туради.

1926 йилнинг 22 августи куни терговчи Олтинбоев моғиёнлик яна бир қўлга олинган босмачи Усмонбанда Алиевни сўроқ қилади. Усмонбанда 40 ёшда бўлган, 7 ой босмачилиқда иштирок этган. У БСБ терговчисига шундай кўрсатма беради: «Етти ой олдин Моғиён қишлоғининг Киштут маҳалласи раиси эдим. Икромқул тўдага кетиб қолгандан сўнг, мулла Розикбек мени ҳам зўраб у ерга олиб борди. Уч нилли милятиқ ва 25 дона патронни мулла Розик берди, доимо унинг итоатида бўлдим. Қариндошларимни кўриб келай деб қишлоққа келдим ва қайтиб бормадим».

Олтинбоев кейинги сўроқдан мамнун эди. Мулла Розик бўйнига илинадигани ортгандан ортиб борарди. «Манови қарқўноқлар тўти чиқиб қолди. Қафасдан қутулишни, лекин хаёлларига ҳам келтирмасин, қуролни берган билан қуролни ишлат-

ган тафовутини улар ўйлаб кўрмаётир...» Олтинбоев шуни ўйлаб, яна тамаки бурқситди.

## ИККИНЧИ СЎРОҚ

Орадан тўрт кун ўтиб, 1926 йилнинг 26-августини кун тонг бўзармай, узун шинел кийган Олтинбоев терговхонада мулла Розикни олиб келишларини кутиб, бетоқат у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Ниҳоят, соқчиларнинг нахалли этиклари гурс-гурси эшитилди. Оёқ-қўлига урилган кишанлар офирлигидан сал букчайган паҳлавон келбат мулла Розик кўрсатилган жойга ўтирди. Хотиржам тортган терговчи шинели чўнтагидан халтача олиб, букланган қоғоздан парча йиртди-да, унга тамаки ўрай бошлади. Қоғозларини тартибга келтирган республика БСБ терговчиси папирос тортди-да, сўроқни бошлади:

**Савол:** – Баҳромбек тўдасида мулла Мирзо билан бирга бўлган пайтингизда унда қандай вазифани бажарган эдингиз, қайси туманда кўпроқ ҳаракатда бўлиб, жанглarda неча марта қатнашгансиз?

**Жавоб:** – Баҳромбек тўдасида мен бир ойга яқин бўлган эдим, Самарқанд туманида ҳаракат қилганмиз. Мен у пайтда мулла Мирзо гуруҳида жигит бўлиб, мулла Мирзо билан биргаликда Баҳромбек тўдасида фақат бир марта Халвон волостида бўлган жангда иштирок этганман. Шу жангда Баҳромбек жигитларидан учтаси ўлдирилди. Кейин мулла Мирзо Ургут туманининг Чип деган мавзеида 20 жигити билан Баҳромбек қўрбошидан ажралиб Китоб туманига кетди. Орадан анча вақт ўтиб, аниғи ёдимда йўқ, мулла Мирзо Баҳромбек томонидан ўлдирилди, жигитлари эса, улар орасида мен ҳам бор эдим, қуролсизлантирилди.

Шу воқеадан сўнг мен Жовизга қайтиб келиб, қишлоғимда яшириниб юрдим.

**Савол:** – Очилбек тўдасига қандай қилиб қўшилиб қолдингиз, бу ерда қайси амални бажардингиз ва, умуман, Очилбек гуруҳидаги фаолиятингиз нимадан иборат бўлган эди?

**Жавоб:** – Эсимда йўқ, мен кетганимдан сўнг, анча вақтдан кейин Баҳромбек қўрбоши Очилбек томонидан ўлдирилибди. Шу орада Очилбек Денов қишлоғига келиб мени ҳузурига чақиртирди ва 5 та милтиқ берди. Милтиқларнинг 4 тасини жовизлик фуқароларга улашдим. Очилбек ихтиёримга 40 жигит берди ва мен улар билан Филон туманига жўнадим. Бу жойда бир фурсат турганимиздан сўнг, Очилбек чорлови билан Варганзага келдик. Қизил аскарлар билан қаттиқ жанг бўлди ва шу курашда Очилбек шаҳид кетди. Очилбек ўлиmidан кейин унинг тўдаси Самарқанд туманига, мен эса 4 жигит билан Холиқулбек қўрбоши ҳузурига йўл олдик.

**Савол:** – Қанча вақтдан буён мустақил қўрбоши (бек) ҳисобланасиз, ким томонидан сайлангансиз?

**Жавоб:** – Холиқулбек ўлдирилгандан сўнг, ўзимни бек деб атадим, жигитларга бошчилик қилишни бўйнимга олдим, кейинчалик Икромқул, Хўжамқул ва Қодир полвонларни ҳам итоатимга киритдим.

**Савол:** – Сизга итоат қилгунга қадар ва ундан кейин ҳам Икромқул, Хўжамқул, Қодир полвонлар мустақил қўрбошилар ҳисобланардим, уларнинг гуруҳлари сони қанча эди?

**Жавоб:** – Икромқул, Хўжамқул ва Қодир полвонлар менга бўйсунгунларига қадар ва ундан кейинлар ҳам мустақил ҳаракат қилиб келди, ҳар учаласи ҳам ўз муҳрларига эга, ўзлари аҳолига солиқлар солган, хоҳлаганларини ўлдирганлар.

**Савол:** – Икромқул ўз муҳрига эга эдимиз?

**Жавоб:** – Ҳа, муҳри бор, ҳамиша Фароб волостининг Моғиён ҳудудида мустақил ҳаракатланар эди.

**Савол:** – Фароб волости ижроқуми раисининг ўринбосари Ботир ва яна тўрт деҳқон ким томонидан ўлдирилган?

**Жавоб:** – Фароб-Моғиён ижроқуми раиси ўринбосари Ботир ва моғиёнлик қолган фуқаролар Икромқул, Усмонбанда Алиев ва менинг котибим томонидан қатл қилинганди.

**Савол:** – Роғич қишлоғида бўлган жангда, қайсики, унда бир қизил аскар ўлдирилган, қатнашганмисиз?

**Жавоб:** – Мен бу жангда иштирок этмаганман. Лекин Икромқулнинг жигити Усмонбанда Алиев менга айтган эдики, улар Икромқул итоатида бўлган Қурбон қошига 8 жигит билан Моргузар туманига жўнатишган эканлар, у мавзедан қайтишларида у ва яна 2 жигит қизил аскарлар гуруҳи билан тўқнашганлар, шахсан Усмон бир қизил аскарни отган.

**Савол:** – Қизил аскарлар ёки милиционерларни асирга олган пайтингиз бўлганми, асирларни нима қилгансиз?

**Жавоб:** – Холиқулбек бир жангда 17 та қизил аскарни қўлга олганлигини эшитганман, мен у вақтда йўқ, Жовизда эдим. Кейинчалик қизил аскарлар Холиқулбек томонидан отиб ташланган, жумладан, улардан иккитаси Сор қишлоғида қатлга етказилган.

**Савол:** – Мусобозор қишлоғида сиз томонингиздан Панжикент ижроқуми раиси билан милиция гуруҳини ўраб олиш воқеаси бўлганми, уларни асирга олиш мақсадингизни амалга ошириш учун нима қилгансиз?

**Жавоб:** – Қайси ойда бўлганини эслолмайман, 1925 йил охирларида эди, чоғи. Мен Аспидўхтар қишлоғида турган эдим, Жовиз қишлоғи милицияси қизил армия қисми билан биргаликда ҳужум қилди, биттаси ўлдирилагач, улар қочишга тушдилар ва Денов Мусобозор қишлоғига яшириндилар, мен уларни таъқиб қилиб бордим ва таслим бўлиш ҳақида хат йўлладим. Хатимда, «**Сизлар мусулмонсизлар, бизлар мусулмон, бир умумий иш учун русларга қарши курашмоғимиз керак, қуроолларни топширишни сўраймиз**», деб мурожаат қилган эдим. Шу орада қизилларга қўшимча ёрдам гуруҳи келиб қолди, бу жангда чекинишимга тўғри келди, улардан икки кўнгили ўлдирилди.

**Савол:** – БСБ ходими, Киштут қишлоғи фуқароси Когар (Қаҳҳор) ким томонидан отилган эди?

**Жавоб:** – Киштут қишлоғидан бўлган БСБ ходими Когарнинг отилуви Икромқулга яхши маълум. У бу вақтда Холиқулбек (акаси бўлади) тўдасида эди ва бевосита отишда қатнашган.

**Савол:** – Сиз томонигиздан акангизнинг хотинини ўлдириш ҳодисаси бўлганми, нима учун ва қаерда у аёл ўлдирилган?

**Жавоб:** – Акам вафот этганидан кейин Фуз қишлоғида унинг хотинида кўп молу мулк қолган эди. Мен уни талаб қилганимда, аёл молу мулкни қайтаришдан бўйин товлади. Уни Қуйи Мусобозор қишлоғига олиб кетдим ва шу ерда, Қуйи Мусобозор қишлоғида амаким Алибек ва укам Авазга буюрдим, улар акам хотинини ўлдирдилар.

**Савол:** – Жовизда бир нечта одамларни ўлдиришингиз воқеаси бўлганми, бунга сабаб нима эди?

**Жавоб:** – Жовизда менинг томонимдан Содиқ Пирназаров, Норим усто Бўриевлар ўлдирилган

эди. Улар талончилик қилгани ва халқни таққирлагани учун шундай жазога мустақил этилганди.

**Савол:** – Молу мулкингиз сақланаётган кишиларни бирма-бир айтсизми?

**Жавоб:** – Соё Фуз қишлоғидан бўлган Маҳмадназарда (фамилиясини билмайман) 30 қўй, 20 танга, таслим бўлган жигит Усмонбанда Алиевда 3 от, улардан бири той, 220 қўй бор. У Моргузар қишлоғи аҳолисидан 200 га яқин қўйларни олиб, сотиб юборган, Испанза қишлоқлик (фамилиясини эслолмадим) 26 танга, Фуз қишлоғидан бўлган Азимуротда бир от бор.

**Савол:** – Бу мол-мулклар сизга хусусийми ё талаб олинганми?

**Жавоб:** – Бир қисми хусусий, бир қисми тортиб олинган, қўйлар ва отлар шу жумлага кирди.

**Савол:** – Сиз томонингиздан аҳолига босмачилар сафига кириш ва Шўро ҳукуматига қарши курашиш ҳақида мурожаатномалар ёзилганми?

**Жавоб:** – Мурожаатномалар аҳоли орасида, қишлоқларда айтарли кўп тарқалган эмас, менинг котибим томонидан Шўро ҳукуматига қарши ва босмачилар қаторига қўшилиш ҳақида тарғиботлар олиб борилар эди.

**Савол:** – Ўз гуруҳингиз билан кўп вақт ҳаракатланган туманлар қайсилар эди, уларни кўрсатинг.

**Жавоб:** – Аспидўхтар, Жовиз, Мусобозор қишлоқлари, Моғиён туманига таслим бўлишимдан бир неча кун олдин келган эдим.

**Савол:** – Кейинги пайтларда гуруҳингиздан сизга қадар таслим бўлиб келган жигитлар, мисоли Икромқул, мулла Шаҳоб, Мирзоқул ва б. тўдалари, ҳақиқатда, қуроллари билан қочган эдилар

ми ёки сиз уларни ўзингиз тарқатиб юборган эдингизми? Икромқул Совет томонига қочишга уриқганида сиз уни боғлатиб қўйганмидингиз?

**Жавоб:** – Ҳамма жигитлар ва Икромқул менинг ройим билан таслим бўлдилар, Икромқулга милтиғи ва нагани билан кетишига рухсат берганман. Мен уни назоратда тутиб турганимда, у қуроллари билан қочиб кетолмаган бўларди. Жигитларга Шўролар томонига ўтишга ижозат берганим сабаби, ўзим ҳам Шўро тарафига ўтиш фикрида эканлигимда эди.

**Савол:** – Босмачилар сафида 5-6 йил бўлиб, нега 1926 йилда Совет ҳукумати томонига ўтиш қарорига келдингиз?

**Жавоб:** – Дастлаб Совет ҳукумати томонига ўзимнинг энг яхши икки жигитимни – Аспидўхтар қишлоғидан бўлган Мулла Шаҳоб Ражабовни ва Денов қишлоғилик Мирзоқул Худойбердиевларни юбориб кўрдим. Мақсадим, агар Совет ҳукумати уларга индамайдиган бўлса, ўзим ҳам Шўро тарафига ўтиш эди.

**Савол:** – Совет ҳукумати томонига ўтишни ўйлашингизга туртки бўлган сабаб нима эди?

**Жавоб:** – Кейинги пайтда босмачилардан ҳалқ бешиб, унга зиддона кайфиятда бўла бошлаганини, эл тортган изтиробларни, унинг тушқин руҳиятини кўриб-билиб, мен ўз фаолиятимни тўхтатишга ва шу сабабли, Шўро ҳукумати тарафига ўтиш қарорига келдим.

**Савол:** – Сизга қарши кейинги пайтда тоғли туманларга ташланган гуруҳларнинг (таслим бўлишингизда) таъсири бўлмадими?

**Жавоб:** – Олдинлари менга қарши сони 500 га етадиган гуруҳлар ҳам ташланар эди, мен улардан қўрқмаганман, кейинги пайтда юборилган гуруҳларда эса кишилар сони 50 дан ошмасди.

**Савол:** – Тўда учун пойафзал ва кийимларни қаердан олардингиз?

**Жавоб:** – Бозордан сотиб олардик».

Мулла Розик дангал ва танги одам эди. У бор гапни яширмасдан, ўз зарарига бўлса-да, очиқ-ойдин баён этади. Терговчи бундай эътирофни кутмаган бўлса керак, сўроқ охирида қовун тушириб, сиёсий руҳдаги саволлардан, қутилмаганда, маиший мавзуга ўтиб, чалғиб кетади. Шу билан иккинчи тергов ниҳоясига етади.

### ЭЛ ИЗТИРОБ ЧЕКДИ, ДЕБ...

Дастлабки тергов натижаларидан келиб чиқиб, Республика Бош сиёсий бошқармасининг ходими Олтинбоев 1926 йилнинг 26 августи куни таслим бўлиб, бош эгиб келган собиқ босмачиларга қўйиладиган айбларни расмийлаштирувчи қарорни қабул қилади. Қарор матни қуйидагича:

«Самарқанд шаҳри. 1926 йилнинг 26 августи куни. Ўзбекистон БСБ вакили ёрдамчиси мен, Олтинбоев, фуқаролар: мулла Абдурузиқ Хўжандиев (Шаҳрисабз тумани, Жовиз қишлоғи), Моғиён-Фароб волости фуқаролари Икромқул Муқимов, Қосим Шакаров, Усмонбанда Алиев, Умар Солиҳов, Саид Худойназаров ва Ургут туманида яшавчи Эшонқул Омонқуловларга доир маълумотларни шу куни кўриб чиқиб, унда мулла Абдурузиқ Хўжандиевнинг 1921 йилдан босмачилик билан шуғулланганлигини, итоатида 3 та майда қўрбошилар бўлганлигини, қўл остидаги гуруҳи билан 5 йил давомида Шаҳрисабз, Панжакент, Ургут туманлари ҳудудларида ҳаракатланиб, Совет ҳукуматига қарши фаол кураш олиб борганини,



аҳолига таҳдид солаганини, солиқлар йиққанини, талончилик ва ўдириш билан машғул бўлиб келганини аниқладим.

Икромқул Муқимов 1921 йилдан ўз акаси Холиқулнинг босмачилар тўдасида бўлган. 1925 йида Совет ҳукумати тарафига ўтган, акаси Холиқул ўдирилгандан кейин Фароб-Моғиён волости аҳолисидан Моғиён қишлоғида ўз тўдасини тузади. Тўдага акасининг собиқ жигитлари Усмонбанда Алиев, Қосим Шакаров, Умар Солиҳов, Саид Худойназаров, Эшонқул Омонқуловлар киради. Икромқул ўз тўдаси билан мулла Абдурозиқ қўл остида бўлиб, Моғиён-Фароб волости ҳудудида ҳаракатланади, аҳолига солиқлар солади, Совет ҳукуматига қарши фаол кураш йўлини тутади, одамларни ўдиради, талончилик билан шуғуланади. Мулла Абдурозиқбек билан бирга Совет ҳукуматига тўсқинлик қилиб, қишлоқ аҳолиси ўртасида бирор-бир иш қилишига имконият бермайди, мулла Абдурозиқнинг котиби Умар афанди орқали қишлоқ одамлари ўртасида Советларга қарши йўналишдаги тарғиботни олиб боради, аксилинқилобий мурожаатномаларни тарқатади, қайсики, БМИҚсининг 1922 йил 16 октябрдаги қонунига мувофиқ, Ўз ССР ЖКнинг 77 моддаси 1-қисмида кўзда тутилган ва БСБнинг 22-йилдаги 287, 23-йилдаги 362 ва 366-буйруқларида кўзда тутилган жиноятни содир этган.

Ўз ССР ЖПКнинг 107-моддасига асосланиб, қарор қилдим:

Мазкур иш Ўзбекистон БСБда кўриб чиқилиши учун қабул этилсин. Иш Ўз ССР БСБси республика тергов бўлимида рўйхатга олинсин ва унинг юзасидан тергов амалиётига киришилсин. Бу ҳақда Ўрта Осиё БСБси назоратини амалга

оширувчи прокурорнинг катта ёрдамчиси хабардор этилсин, унга ушбу қарор нусхаси юборилсин.

**БСБ вакили ёрдамчиси – Олтинбоев.**  
**«Розиман»,**  
**Ўз ССР БСБ ТБ бошлиғи – Ветлугин.**  
**«Тасдиқлайман»,**  
**Ўз ССР БСБ раиси – Гофицкий».**

БСБ терговчиси қабул қилган қарор уч айбдорни сўроқ қилиш билан чекланган ҳолда амалга оширилган эди. Ўз ихтиёри билан бош эгиб келган қолган босмачиларни сўроқ қилиш жараёни шу қарордан сўнг қизғин тус олади. Эшонқул Омонқулов терговчи Олтинбоев қарор қабул қилган кундан 2 кун ўтиб, сўроққа тутилади. У Самарқанд вилояти, Қоратепа волостининг Тароғли деган қишлоғидан бўлган 26 ёшли йигит эди. У ўз кўрсатмасида, «1920 йилда Рамазон ҳайити кунинда Дарғом ариғига иш билан борганимда босмачиликка мажбуран олиб кетилганман. Қуролни мулла Розикнинг ўзидан олганман. Мен босмачиликда гуруҳнинг котиби бўлган Умар афандининг отбоқари бўлиб хизмат қилардим», дейди. Эшонқул Омонқулов терговчининг «жангларида қачон, қаерда қатнашгансиз?» деб берган саволига, «мулла Абдурозикнинг қўйларини Муҳбил довонидан олиб ўтишда бўлган жангда қатнашганман», жавобини беради.

Шу куни Умар Солиҳов ҳам Олтинбоев қаршида ўтириб, унинг тамаки тутунига қўшилиб чиқаётган саволларига жавоб беришига тўғри келади. Умар Солиҳов Моғиён қишлоғидан бўлиб, 22 ёшли навқирон йигит эди. «Мулла Абдурозик тўдасида фақат 2 ойдан буён хизмат қилганман,

бунга қадар Икромқул қўл остида бўлганман. Бу жойга мени Икромқул, Усмон ва Қосимлар олиб келишган эди», дейди у.

28 августда сўроқ силсиласи узайгани билан, натижаси айтарли эмасди. Тергов бераётганларнинг ёши, босмачиликда қисқа муддат бўлиши Олтинбоевнинг кўзлаган асосий суриштирувларига етарли ойдинлик кирита олмасди. Моғиён қишлоғидан бўлган яна бир 23 ёшли йигит Саид Худойназаров оғир сиёҳбосқич билан бошига туширилган, сочлари орасидан қон сизиб туришига қарамай, «босмачиликда ҳаммаси бўлиб 15-20 кун турдим. Мени бу тўдага Усмон ва Икромқул мажбуран олиб келган эди. Қуролим бўлмаган, мулла Абдурозиқнинг отига қараганман. Мени Моғиён қишлоғининг Дашти Ижам деган жойидан олиб кетишган эди», дейишдан нарига ўтмайди.

Йигирма ёшга кирган, 2 йил босмачиликда бўлган моғиёнлик Қосим Шакарлов терговчининг важоҳатидан титраб-қақшаб турарди. Олтинбоевнинг лаби саволга жуфтланар-жуфтланмас, у жавраб кетарди. Терговчи унга укки кўзларини тикиб, онда-сонда хумдай бошини ирғаб қўяр, бу билан, «давом этавер», деган маънони англатарди.

«—1925 йилнинг бошларида мени қўрбоши мулла Холиқулбек жигит қилиб олиб кетган эди. Тўдасида унинг ўз укаси Икромқул ҳам бор эди. Қизил аскарлар билан бўлган бир жангда Холиқулбек ўлдирилгач, укаси Икромқул 10 жигит билан, улар орасида мен ҳам бор эдим, Жовиз, Аспидўхтар, Денов ва Шут қишлоқларида мустақил ҳаракат қилаётган мулла Розик олдига борган эди. Шунда мулла Розик Икромқулни қўрбоши қилиб тайинлади ва алоҳида муҳри бўлишига ижозат берди. Улар иккаласи анча вақт бирга бўлди. Кейин Ик-

ромқул мулла Розикдан ажралиб кетиб, Совет ҳукуматиға таслим бўлиб борди. Шу воқеадан сўнг, 4 ойлар ўтгач, Икромқул яна мулла Абдурозик ҳузурига кўнгилли бўлиб келиб қўшилди. Мустақил қўрбоши бўлиб юрди. Мулла Розик уни Рашна Қурбон деган жойда ўзига тобеъ қилган эди.

Мен қизил аскарлар билан Нав Чомоқ, Жовиз, Шинг деган қишлоқларда, Моғиён тоғларида бўлган жангларда қатнашганман. Авваллари ҳам, Холиқулбекнинг жигити бўлиб юрган пайтимда қизил аскарлар билан кўп жанглар қилганман. Лекин мен бу жангларда қизил аскарлар ўлдирилганми-йўқми, аниғини билмайман...»,- дейди у терговчига зимдан боқиб.

Маҳбуснинг изни қумга солишга уриниши уни бўзрайиб тинглаб ўтирган терговчининг газабини кўзғотди. «Ав бола, пешонангдан дарча очиб қўймасимдан, тўғриси сўзла, энди милтиқ менинг қўлимда», деди Олтинбоев стол устида ётган наганини қўлга олиб. Босмачи йигит йиғламоқдан бери бўлиб, «хўп, хўп» дея олди. Хотиржам тортган Олтинбоев саволлар беришда давом этди:

**Савол:** – Мулла Розик ва Икромқуллар томонидан қишлоқлар ёқилган, одамлар-эркаклар, аёлларнинг отилган ҳоллари бўлганми?

**Жавоб:** – Унчалик эсимда йўқ, бундан беш ойлар аввалроқ бўлса керак, Жовиз қишлоғига ўт қўйилганда анчагина одамлар ўлдирилган эди. Жовиз қишлоғи мулла Розикнинг қариндош-уруғларини Совет ҳукуматиға ушлаб берганлиги учун шундай қилинган эди.

**Савол:** – Мулла Розик ва Икромқул ўз жигитларига Совет ҳукуматиға қарши қиладиган жангларидан олдин нима дердилар?

**Жавоб:** – Жигитларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарар эдилар, орқага чекинмаслик, бир томчи

қон қолгунча курашишни тайинлаб, жангда ўлган – шаҳид, жаннати бўлиши ҳақида сўзлардилар.

**Савол:** – БСБ ходими Когар ва Моғиён-Фароб волости ижроқўми раисининг муовини Ботир ким томонидан ўлдирилган эди?

**Жавоб:** – Когар Холиқулбек томонидан ўлдирилган эди, бу ишда унинг укаси Икромқулнинг ҳам қўли бор. Раис муовини Ботирни эса Хўжамқул ва Усмонбанда Алиевлар босмачиларга қарши курашгани учун отиб ташлаган эдилар.

Терговчи ўз кутганини маҳбус очиқ баён этганидан мийиғида кулган бўлди ва наганини ёнига тақаётиб, ичида «бу сенинг кучинг», деб қўйди.

Кун бўйи маҳбусларни тергов қилишдан бўшамаган Олтинбоев олдида турган катта тунука кружкадан совиб қолган чойни хўплаб, суви қочган нондан оғзига солди. Тун яримга оғиб борарди. Кўзларига уйқу тикилиб келаётган бўлса-да, ухлолмасди. Топшириқ қаттиқ эди, ишни қанча тез тугалласа, шунча яхши эди. Босмачиларга шафқат, ён босиш, адолат қиламан деб, мирисирини аниқлашга бош қотириб ўтириш ўзини ўққа тутиб бериш эди. У қилаётган ишларининг шунчаки расмиятчилик учун эканини яхши англарди. Фақат тезлаштириши, қилдингми-қилдим, дейиши керак эди. Шундай расмиятчилик талабларидан бири икки қўрбошини – мулла Розик билан Икромқулни юзлаштириш, уларни бир-бирининг кўз ўнгида сўроқ қилиш эди.

1926 йилнинг 28 августи ярим тунида унинг хонасида юзма-юз сўроқ давом этарди.

**Савол:** (мулла Розикқа) – Икромқул тўдада қандай вазифани бажарар эди?

**Жавоб:** – Икромқул тўдада 6 жигитга бошлиқ эди, ўз муҳри ҳам бор бўлиб, қишлоқларда мустақил, ўз билганича ҳаракат қиларди. Аҳолидан

озиқ-овқат ва ем-хашак йиғиб олар эди. Аввал бошда улар 9-10 киши эди. Уни ана шу жигитлари Хўжамқул ўрнига қўрбоши қилиб тайинлашни сўрагандилар.

**Савол:** (Икромқулга) – Мулла Абдурузиқ Хўжандиевнинг гаплари тўғрими?

**Жавоб:** – Ҳа, тўғри гапираётир, лекин мен озгина вақт қўрбошилиқ қилганман.

**Савол:** (мулла Розикқа) – Икромқул ва қолган жигитлар босмачилар тўдасидан Совет ҳукумати томонига ўтиш учун қандай қилиб қочганлар?

**Жавоб:** – Шўро томонига ўтган ҳамма жигитлар, Икромқул ҳам менинг розилигим, уларга жавоб берганлигим сабабли қуроллари билан ўтишган, чунки бу пайтда ўзим ҳам ўтиш фикрида бўлиб юрган эдим. Икромқулнинг, «мени қочирмаслик учун боғлаб қўйди», деган гапи тўғри эмас. Мен буни хоҳлаганимда, у сираям қоча олмас эди, қуроли билан ўтиб кетолмасди. Биз у билан олдиндан Шўро томонига ўтишни келишиб олган эдик.

Мен тан олиб айтаманки, биз босмачилиқ қилиб юрган пайтимизда талончилик ҳам бўлган, одам ҳам ўлдирганмиз, солиқ ҳам солганмиз, уйларни ёққанмиз ҳам, нимани хоҳлаган бўлсак, шуни қилганмиз. Тоғда хўжайинчилик қилганмиз, биз учун қонун бўлмаган. Мен амр қилганман, жигитларим бажарган. Айрим пайтлар бўлганки, жигитлар қизишиб кетиб, ўзларича мустақил ҳаракат қилиб, ноҳақ ўлдириш, талашга ҳам қўл урганлар. Орамизда гуноҳкор бўлмаган йўқ.

**Савол:** (мулла Розикқа) – Тўдангизга жигитлар қандай қилиб олиб келинарди, Икромқул бунда қандай йўл тутар эди?

**Жавоб:** – Тўдамизга жигитларни мажбурлаб олиб келиш деярли бўлган эмас, айрим бўйнида

айби бор одамларнинг ўзи бизни топиб келарди. Икромқул ҳам шу йўл билан жигитларни кўпайтириб борар эди».

Айбига иқрорлик терговчини қаноатлантирмагани каби, уни мамнун ҳам эта олмасди. Маҳбуслар тақдири аллақачон ҳал этиб қўйилгани, муқаррар ҳукмдан на иқрор, на ўтинч улар ҳаётини сақлаб қололмаслиги Олтинбоевга офтобдай равшан эди. У чуқур уҳ тортди-да, қоғозларни йиғиштирди. Юзлаштирув сўроғи тугаган, у кутганидай босмачилар бошлиқлари бир-бирига ташланмаган, бир-бирига айбни тўнкаб, бир-бирига лой чапламаган эдилар. «Булар мард одамлар, шароит уларни тубанлаштирамаганда, қуролга, озиқ-овқатга зориқмаганда, ким билади, нималар бўларди», деб ўйлади у. Хаёлидан ўтказган бу фикридан чўчиб, дарҳол соқчиларни чақирди-да, маҳбусларни олиб кетишни буюрди.

1926 йилнинг 1 сентябри куни Олтинбоев мулла Розик Хўжандиевни яна сўроққа чақиртирди. Терговчи унга қилган жиноятларини санаб, қўйиладиган айбловга муносабат билдиришини талаб этар экан, бўйнига олса ҳаёти сақлаб қолинишини уқдирди. Мулла Розик ўйланиб турди-да, охир, унинг гапига ишониб, қилган гуноҳларига иқрор эканлигини айтди: «менга нисбатан қўйилган айбларда ўзимни гуноҳкор деб ҳисоблайман. Фақат шуни қўшимча қиламанки, босмачилик билан нодонлигим сабабли шугулланган эдим, олдин берган кўрсатмаларимнинг ҳаммасини тўла тасдиқлайман».

Икромқул қўрбоши ҳам терговчи ваъдасига учиб, шу куни айбига иқрорлигини айтиб, сўроқ қарорига бармоғини босади. Лекин Усмонбанда Алиев, Қосим Шакаров, Умар Солиҳов, Саид Худойназаров, Эшонқул Омонқуловлар ўзларига

қўйилган айбни рад этадилар, иқроор бўлмайдилар. Терговчи уларнинг рад жавобларини ўз амалиёти учун мақтов келтирмаслигини билса-да, ёзиб қўяди.

Расмий сўраб-суриштирувларнинг дастлабки босқичи ниҳоясига етгач, бандиликда сақлаб турилган 7 босмачига, қўрбошилар – мулла Розик ва Икромқулга, жигитлар – Усмонбанда Алиев, Умар Солиҳов, Саид Худойназаров, Эшонқул Омонкулов ва Қосим Шакаровларга Ўз ССР ЖКнинг 77 моддаси, I қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этиш айби қўйилади. Мулла Абдурозик Хўжандиев билан Икромқул Муқимовлар Бош сиёсий бошқарманинг 1-категорияли, қолган беш маҳбус эса 2-категорияли қамоқхонасига (ДПЗ) ташланади. Бу қарор 1926 йилнинг 28 августи куни қабул этилади.

Қўрбошилар ўз гуноҳларига ризо бўлганида, мулла Розик эътироф этганидек, 1926 йилга келиб Шўро ҳукумати кучайган, синфий ташвиқот ўз кучини кўрсатган, юртда бой ва камбағал табақалануви мафкуравий моҳият касб этиб улгурган эди.

«Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси ва бўлимларининг 1924/25 йиллардаги фаолияти» (Қаранг: Қашқадарё вилояти архиви, 83 жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 118-бет) деб номланган ҳисоботда «Босмачилик» деган сарлавҳа остида қуйидаги хулосалар келтирилади:

«Бухоро амирининг ағдарилишидан кейин, унинг қолган издошлари ўзларининг сиёсий тусини йўқота бориб, аҳолини талашга ва солиқлар солишга зўр берди. Талабларини бажармаган ёки Совет ҳукуматига майли бўлган фуқаролар ва хизматчиларни ўлдиришга ўтдилар... Аҳоли кайфиятида Совет ҳукуматига нисбатан кескин яқин-



лик ўзгариши пайдо бўлгач, босмачилар оммавий қата усулни қўладилар, қишлоқларнинг бир қисмини вайрон қилишни мўлжалладилар. Бу номатлуб хатги-ҳаракатдан, айниқса, Филон, Жовиз ва Олатун қишлоқлари зарар кўрди».

Шўро даврида урфга кирган ҳисоботларнинг баландпарвоз руҳини ҳисобга олмаганда, бир фикрнинг тўғри эканлигини тан олиш жоиз. Ҳақиқатда, 1924-25 йилларга келиб, мустабид тузумга қарши курашган «Аксилинқилобий ташкилот» сиёсий куч сифатида ўзининг мавқеини деярли йўқотиб бўлган эди. Бунинг сабаблари ва омиллари олдинда бафуржа гапирилади. Вилоят ижроия қўмитаси ҳисоботидаги яна бир хулоса билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади. Мулкдорларга қарши гиж-гижланган камбағаллар, ерсизлар Шўро бераётган ваъдаларга ишона бошлаган эди. Мулла Розик қишлоқларда аҳолининг икки ўт исканжасида қолганлигини яхши билган. Эл Шўрога қарши курашаётган кучларни қўллаб-қувватлашдан имконсиз бўла бошлаган, яна бир томони, «босмачилар»га ёрдам берганлар аёвсиз жазоланган, бу улар кайфиятини «Шўро томонга ўнглаган» асосий омил бўлган. Бу борада мулла Розикнинг терговда айтган сўзлари диққатга лойиқдир:

«Кейинги пайтда халқ босмачиликдан безиб, унга зиддона кайфиятда бўла бошлаганини, эл тортган изтиробларни, унинг тушкун руҳиятини кўриб-билиб, мен ўз фаолиятимни тўхтатишга ва шу сабабли Шўро тарафига ўтиш қарорига келдим», дейди мулла Розик.

Мулла Розикнинг Совет ҳукуматига қарши кураш фаолияти, вилоят ижроия қўмитаси ҳисоботида айтилгани каби, 1925 йилдан кейин сиёсий шамойилидан маҳрум бўла бошлаган эди. Таъми-

нот омиллари идизлари қирқилган курашчилар ҳаётий эҳтиёжларини мустақил барпо этиш йўлига кириб борадилар. Бу йўл зўрлик, куч ишлатиш, мажбурлаш, дўқ-пўписа ва ўлдириш сўқмоқларига бўлиниб кетган эди. Озодлик курашчисидан босмачига, талончига айланган киши қисмати оғир ва аянчли бўлади. Мулла Розик виждонини охирига қадар топтаб улгурмаганди.

Унинг қўлига қурол олган йилларидаги тараққий ва таназзулидаги уч ҳолатни пайқамаслик мумкин эмас. Аввало, у умумий иш – ватан озодлиги учун курашда яловбардорлик қилади, фаол курашчи сифатида танилади. Бу давр 20-23-йиллардагача давом этади, курашчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб турилади. 24-йилга келиб вазият ўзгаради, ватанпарварлар эҳтиёж манбаларидан узилиб, таъминотни талаб қилиш асосида эплашга ўтадилар. Бу иккинчи ҳолат бўлиб, курашчиларда ҳали адолат, эл ҳимояти тушунчалари сўнмаган эди. Мулла Розик Жовизда элни талай бошлаган, одамларни таҳқирлаган бебош кимсаларни жазога тортади. Қишлоқларда йиғиладиган ҳеч нарса қолмагач, талаб ҳам, дўқ ҳам иш бермай, ора йўл кўндаланг бўлгач – мулла Розик ва бошқа кўрбошилар зўравонлик, ўлдириш усулини қўллашга мажбур бўладилар. Бу кейинги – учинчи ҳолат Шўро ҳукуматининг ватанпарвар курашчиларга қўйган қопқони эди. Қаршилиқ ҳаракатини моддий ва маънавий қўллаб турган манбаларнинг йўқ қилиниши, охир-оқибатда, шудгордаги қуйруққа-қопқонга етаклаб келар эди. Шундай бўлиб ҳам чиқди. Мулла Розик табиатан ориятли, мард ва жасур киши бўлгани сабабли, ботқоққа ботиб бораётганини мушоҳада қилишга ўзида куч, журъат топа олган. Кейинги қилмишларидан пушаймон тортиб, фаолиятини тўхта-

тишга қарор қилган. У вақтида 500 кишилик қизил аскар ва милиционерлар гуруҳига қарши жангларда уларга бас келган. Кейинги пайтларда ортидан юборилган 50 чоғли Шўро кучларидан ҳайиқмаган. Уни мағлубиятни тан олишга ундаган куч элининг аҳволи, чекаётган ситамлари бўлган. Эли уни деб Шўро ҳукуматига тазйиқига дучор этилаётганини, ўзи ҳам азиятлар етказаётганигини мардонавор тан олган.

Мулла Розикнинг Совет ҳукуматига таслим бўлиши, бош эгиб, қуролни ташлаши адоқсиз ўйловлар, мушоҳадалар талаши оқибатида юз берди. У ўзи тан олганидек, қизил аскарлардан қўрқувга тушмаган, изтиробда қолган юртдошлари ҳақи, шу қарорга келган.

Моиёндан августнинг 10-куни Жовизга қайтган Мулла Розик қишлоғида 2 кун тин олганида, қизил аскарлар ва милиционерларнинг ўраб келаётгани маълум бўлади. 13 август куни икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, мулла Розик ҳалқани ёриб ўтиб, қутулиб кетади. Шу жангда унинг анчагина отлари нобуд бўлади. Мулла Розикни куч билан енгилшга кўзи етмаган Шўро ҳукумати ўртага оқсоқолларни қўяди...

### ТЕЛЕФОНОГРАММА

«Шахсан Ўз ССР Бош сиёсий  
бошқармаси раиси ўртоқ  
Гофицкийга»

1926 йил 13 августда бўлган жангдан сўнг мулла Розик отларининг ярмини йўқотди ва бизнинг қисмларимиз ҳамда аҳолининг кучли таъқиби остида бугун, 15 августда, эрталаб соат 8<sup>00</sup> да 4 жигит, 5 милтиқ, битта револьвер билан Жовиз

қишлоғида таслим бўлди. Яна икки жигити ҳам Жовиз қишлоғида таслим бўлиши керак, 14 августда котиб Одил (Умар– П.Р.), мулла Розик гапига кўра, 5 кун бурун ундан ажралган.

Мулла Розик 5 жигити билан мандат бериш (авф этилиши ҳақида– П.Р.) баҳонасида Шатов назорати остида Шаҳрисабзга жўнатилади. Тўғридан-тўғри алоқа орқали Шаҳрисабз билан боғланиб, зудлик билан чора кўринг ва тегишли кўрсатма беринг, бизга ҳам кўрсатма беришингизни кутамиз.

**Босмачиларга қарши кураш**  
**Сиёсий училиги раиси Абдужабборов,**  
**1926 йил, 15 август. 12<sup>00</sup>.**  
**БСБ вакили Олтинбоев».**

Икромқул кўрбоши мулла Розикдан икки ҳафта олдин Советларга таслим бўлган эди. Бу ҳақда 1926 йилнинг 3 августи куни кеч соат 20<sup>00</sup>да Ўз ССР БСБ вакили Четвертаков БСБ раиси Гофицкийга Хурмин қишлоғидан телефонограмма юборди.

Телефонограммада, «2 август куни, эрталаб, соат 8<sup>00</sup>да Қурми тали қишлоғида кўрбоши Икромқул бир ёпон милтиғи, 23 ўқи, Эшқул деган жигити ва унинг 3 ўқли бердан қуроли билан таслим бўлди.

Кўрбоши Хўжамқул 30 та ўқи билан битта 3 нилли милтиқ юбориб, мулла Розикни ўлдирганидан сўнг таслим бўлишини маълум қилди. Мулла Розикқа айни зарба бериш пайти келди, мулла Розик тўдасининг отлари ҳолдан тойган», дейилади.

Босмачилар изидан август бошларида тушилган. Кўрбошилар ўртасида бу кунларда ихтилоф

авж олиб, хиёнат, сотқинлик, бир-бирини ўлдириш, тутиб бериш орқали жон сақлашга интилиш кайфияти ҳукм сураётган эди. Бу Хўжамқул кўрбошининг хатти-ҳаракатидан, берган маълумотидан очиқ сезилиб туради.

БСБнинг, қизил қисмлар ва милиция гуруҳларининг фикри ёди кўрбошилар орасида таниқлиси бўлган мулла Розикни қўлга олиш эди. Унинг гуруҳини қадамба-қадам таъқиб этишда олинаётган маълумотномалар жуда қўл келади. БСБнинг бу ҳақдаги тезкор хабарларидан айримларини зикр этиш жоиз:

1289-рақамли телеграммада, «таслим бўлганлар сўроқ қилинганда, тўданинг ҳар бирида жуда кам ўқ-дори бор, отлар ҳолдан тойган, мулла Розикнинг икки укаси яёв бўлиб қолган. Жигитларнинг руҳи паст. Маълумотларга кўра, мулла Розик таслим бўлиш фикрида», дейилади. БСБ ходими Штейнгард марказга вазиятни аниқлаштирувчи тезкор хабарларни мунтазам йўллаб турган.

Яна бир хабарда, БСБ маҳаллий органларга шундай кўрсатма беради: «мулла Розик ва унинг котиби таслим бўлишига алоҳида кучни қаратинг. Бу ишга мулла Розикнинг амакисини қўшинг. Мулла Розикнинг бирорта талаби билан ҳисоблашилмасин, ё таслим бўлиш, ё уни қисмларимиз ёрдамида яксон қилиш».

Халқа борган сари қисилиб келаётган эди. Мулла Розик таслим бўлишидан 2 кун олдин, 1926 йил 13 август куни соат 12 дан 04 дақиқа ўтганда Бош сиёсий бошқарманинг Кашқадарё вилоят бўлими Шаҳрисабз уезди ходими Фукин вилоят БСБ бошлиғи Верховскийга телеграмма йўллаб, мулла Розик ҳақида батафсил ахборот беради:

«Олинган маълумотларга қараганда, мулла Абдурозик тўдаси Шаршара деган жойда турибди.

Тўдада 8 жигит бор, биттаси қуролсиз, отлари та-  
момила ишдан чиққан. Далилларни жамлаганда,  
мулла Розик 11 август куни таслим бўлиши ку-  
тилмоқда. 16<sup>00</sup> да баобрў кишилар Шут қишлоғи-  
га вакил қилиб жўнатилди. Уларга тезда қатъиян  
таслим бўлишни талаб қилиш топшириғи берил-  
ди. Таклиф рад этилган тақдирда мулоқот олиб  
борилаётган жойда қўлга олиш кўзда тутилган...  
Қодир полвоннинг ўлдирилгани тўғри, шу жанг-  
да Хўжамқул командир ҳам ўлдирилган».

Бу маълумотлардан аниқ бўладики, 26-йил  
охирларига келиб Совет ҳукумати учун мулла Розик  
ва унинг гуруҳини тугатиш жуда муҳим сиёсий-  
жанговар вазифа бўлиб қолган. Ҳарбий кучлар-  
дан ташқари барча воситалар мулла Розикни  
қўлга олиш ёхуд йўқ қилишга қаратилган. Шўро  
ҳукуматини талвасага солган қўрбоши ниҳоят ўзи  
бош эгиб таслим бўлади. Вазият шуни кўрсата-  
дики, мулла Розик таслим бўлишда ўзининг афв  
этилишига ишонмаган. Кўнглининг бир тубида,  
этилган бошни қилич кесмас, деган андиша кўк-  
лаб турган. Бу сўнгги илинж эди.

Терговчи Олтинбоев сўроқни тугаллаб, етти бос-  
мачини қамоқда сақлаш ишларини ҳал этиб, катта  
бошлиқ – Ўзбекистон Республикаси комиссарлар  
совети ҳузуридаги Бош сиёсий бошқарма раиси  
Гофицкийга ҳужжатларни тақдим этиб, имзо  
қўйдиргач, елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.  
Лекин унинг хотиржамлиги узоққа чўзилмади.  
Орадан 12-13 кун ўтиб, мулла Розик ва шерикла-  
ри иши билан БСБнинг бошқа бир ходими Ватин  
шуғулланаётганлиги маълум бўлгач, Олтинбоев-  
нинг ҳафсаласи пир бўлди. Бундан у ўзига нис-  
батан ишончсизлик аломатини англаб, хавотир-  
га тушди, нима қиларини билмай, босиб-босиб  
чекди.

Бу ерда гап бошқа муаммо билан боғлиқ эди. Хукумат халққа ибрат бўлсин учун босмачиларни намунали суд қилиш қарорига келган, шу боисдан мулла Розик ва сафдошлари иши БСБ қазноқларида ими-жимиди ҳал этиб юборилмайдиган бўлган, шундай экан, ишнинг вилоят судида кўрилиши қўшимча суриштирувларни, бевосита ва билвосита далил ва гувоҳларни, ашъвий далилларни тақозо этарди.

БСБнинг босмачилар ишига масъул қилинган янги ходими Ватин ҳужжатлар билан танишиб, Олтинбоев қўйган 77/1 жиноят моддасини маъқуллайди ва ўз хулосаларини 1926 йилнинг 11-сентябрида иш юзасидан қабул қилинган қарорида баён этади. Айблов хулосасида маълум гаплар такрорланади. Ватин мулла Розик фаолиятини янада бўрттириброқ талқин этишга мойил. У ёзади:

«22-йилдан 1926 йил августига қадар ҳаракатда бўлган мулла Розик бирор марта Совет ҳукумати томонига ўтишга, қуролини ташлаб, ўз жиноий фаолиятини тўхтатишга интилмади, аксинча, босмачиликнинг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида қолган сўнгги қўрбоши сифатида то кейинги вақтга қадар ҳаракатни тўхтатмади. Мулла Розикнинг ўзи тан олиб айтишича, босмачилардан безор бўлган, азият чеккан қишлоқларнинг деҳқон аҳолиси эзилишини кўриб ва совет ҳукуматининг унга қарши катта куч ташлагани сабабидан, ўз жонидан қўрқиб, таслим бўлиш фикрига келган».

Мулла Розик ва сафдошларининг иши фуқаролик судида кўрилиши муносабати билан БСБ кенг қамровли амалиётга киришади. Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Тожикистон АССРнинг Фароб,

Моғиён, хуллас, мулла Розикнинг қадами қаерга етган, қайси қишлоқлар билан муносабат қилган бўлса, ҳамма жойда текширув олиб борилади. Қишлоқларнинг оқсоқолларидан босмачилар билан боғлиқ ашъвий далиллар – хатлар тўпланади. Мулла Розик, Қодир полвон, Икромқул ва бошқа қўрбошилар билан жанг қилган кишилар, қизил аскарлар ҳам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинади.

26-йил августи охирларида бошланган иш 1927 йилда ҳам давом этади. Мулла Розик ва унга сафдош бўлган қўрбошиларнинг 69-сонли жинорий иши кундан-кунга қаппайиб боради.

### **АШЪВИЙ ДАЛИЛЛАР**

Совет ҳукумати зўравонлик ғояларини амалга оширишда тўғаноқ бўлаётган сўнгги қаршилик кучларини йўқ қилишга қаттиқ киришади. Босмачиларни қўллаб-қувватлаган собиқ амир амалдорлари, бойлар, оқсоқоллар, эшонлар, муллалар жазога тортилади, молу мулки мусодара этилади, ўзлари қамоқларга ташланади, бадарға этилади, отилади. Бу билан ҳам қизил аскарлар, босмачиларга қарши курашувчи кўнгилли гуруҳлар, милиционерлар билан қуроли тўқнашувлар барҳам топмайди. Қаршилик кучлари кутилмаган вақтда Шўронинг нозик нуқталарига зарба берар, моддий зарар етказар, шўропараст хизматчиларни ўлдириб кетар эди. Аҳоли ҳамон шундай қалтис вазият сабаб, Шўро ваъдаларига ишонмас, унинг тарафига ўтишдан ҳайиқиб яшар эди.

25-йилга келиб Совет ҳукумати босмачиларга қарши курашнинг бориб турган номардлик усулини қўллашга ўтади. Қаршилик кучлари билан



алоқаси бўлган қишлоқлар, одамлар тазйиқ остига олинади. Қўрбошилар, жигитларнинг уруғ-аймоғлари, қариндошлари қамаб ташланади, уйларига ўт қўйилади, хотин-қизлари таҳқирланади.

Бундай ҳолатга чидаб тура олмаган қўрбошилар – мулла Розик ва Қодир полвон 1926 йилнинг 30-январидида Ургут тумани ижроқўми раиси, БСБнинг босмачиликка қарши кураш бўлими, ҳарбий ҳолатда бўлган туман ва милиция бошлиқлари, барча руслар ва мусулмонларга, Совет ҳукумати раҳбарлари номига қўйидаги мактубни юборадилар:

«Ушбунинг баробаринда айтурмизки, сизлар тинч деҳқонларни қийноққа солмоқдасизлар. Агар бизлар ҳукуматингизга таслим бўлсак, жигитларимизни жиноятчилар сифатида жазога тортурсизлар, биз гуноҳимизни бўйнимиздан соқит қилмасмиз, сизлар ҳукумат, советлар ҳукумати деб ҳисоблайсиз ўзингизни, сизлар бизларни эмас, деҳқонларни азобда тутмоқдасиз.

Деҳқонларнинг бизга ғарази йўқ, уларни бизга қарши қўйиб, бизнинг қариндошларимизни қамангиз, отганингиз билан бундан таъсирланиб қолмасмиз. Бизлар ҳам раҳм-шафқат қилмаймиз. Улар сизларнинг деҳқонларингиз, уларнинг тақдири сизларга боғлиқ, нимани хоҳласангиз шуни қилаверинг. Бизларни ҳеч ким босмачи қилмаган, босмачи бўл деб маслаҳат бермаган, бизлар ўзимизни ўзимиз ҳимоя қиламиз. Ҳукумат қўлимизга қуроол бермаган, талаб ҳам қилмасин, бу инқилоб давридир. Ленин айтганки, инқилоб даврида аҳоли эҳтиёт бўлсин, ўзини қуроол билан ҳимоя қилсин, деб. Агар ҳукумат бизни куч билан таслим бўлишга мажбур этса, биз бу ҳукуматни

ҳукумат деб ҳисобламаймиз, бундай йўл тутиш Ленин йўли бўламайди.

Қодир полвон,  
Мулла Розик.

«Хатни Куёк қишлоғидан Ўсан полвон Ўтабоев етказган»

**30/1-26 й.**

Қодир полвон (у кейинчалик жангда ўлдирилган) Ургут волост ижроқўми раисига, сиёсий идорага (БСБ), ҳарбий гарнизон ва милиция бошлиқларига ва бошқа большевик органларига яна бир хат ёзади. Хат мазмуни шундай:

«Ургутлик мусулмонлар ва русларга. Ушбу хатни сизларга ёзиб маълум қиламанки, мен, Қодир полвон туфайли халқни қийноққа солаётирсизлар. Биз босмачилик билан кимнингдир маслаҳати ва тарғиботи туфайли шуғулланаётган эмасмиз. Сиз халқни қисаётирсиз, биз агар таслим бўлсак, бизни ўғрилар, босмачилар дейсиз. Сизнингча, бизлар ўғрилар, сизлар – ҳукумат. Сизлар ўзингизни халқ ҳукумати деб атайсиз, аммо халқни, ўз деҳқонларингизни, аҳолини оғир қийноқларга солмоқдасиз. Сизларнинг фикр-ўйингиз халқнинг пулини олиш, бу билан деҳқонларни хонавайрон этиб, камбағал қилиш. Сизлар камбағал халққа, босмачиларнинг қариндошлари, хотинлари бўласан, дейсизлар. Агар сизлар уларни қамасангиз ёки отиб ташласангиз жуда хурсанд бўласизлар. Бизларнинг қариндошларимиз, яқин кишиларимиз йўқ, хотинларимиз ҳам йўқ, тўкилган қонлар учун кўз ёши қилмайсизлар. Улар сизнинг аҳолингиз ва деҳқонларингиз, нима қилсангизлар қилаверинг, ўзларингиз биласиз.

Ҳозир инқилоб даври. Биз эшитганмиз, Ленин ёзган эканки, ҳар бир одамнинг душмани кўп бўлади, ҳар бир одам ўзини ҳимоя қилиш учун қўлга қурола олиши керак, деб. Биз ўзимизни қўриқлаш учун қурола кўтардик ва кўтариб юрибмиз. Бу ҳукуматга ёқмаса, дейлик, қурола топшир, деса, айтамызки, биз ҳукуматни доимий деб ҳисобламаймиз. Ленин кўрсатмасини бажармаётирсизлар, биз сизларни Ленинча иш қилаётирсизлар, деб билаймиз».

Икки хат мазмун-моҳиятига кўра, бир вақтда ёзилган. Совет ҳукумати вакилларига аталган мактубларни изоҳлашга ҳожат йўқ. Қўрбошилар, халқни биз учун қийнаш ўринсиз, улар айбдан холи деган ҳаққоний талабни қўйиб, айни вақтда, Шўро ҳукуматини тан олмасликларини, ўзини халқ ҳукумати деб атаётган тузумнинг сўзи билан иши бир эмаслигини, унинг ёлгон асосга қурилганлиги ва мангу эмаслигини очиқ-равшан ифода этганлар.

69-жиноий ишга тиркалган мурожаатномалар, хатлар талайгина. Уларни араб ёзувидан табдил этиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш мавриди келди.

### **«КАМБАҒАЛЛАРДАН ОЛМАССИЗ»**

«Рустамбек, Эшонқулбек, мулла Ҳамро ва бошқаларга маълум бўлсинки, бизлар у сизлар айтган одамларингиздин эрмасмиз. Агарда олдин бизнинг кимлигимизни билмаган бўлсангизлар, энди билишларингиз жоиз бўлади. Сизлар Худодин қўрқингизлар керак эрди, яна бандадин қўрқса эди киши. Сизни мол ва аёлингизга теккан кишилардин эрмас эрдук. Сизларга нима бўлди. Бизлар ҳам бир иш қилсак тўғрилик бирла

қиламиз. Сиз ва биз бирлашмаганимизга дин, миллат шундоғ хароб бўлди. Кофирдин шундоғ қочингизлар. Агарда ҳозир бизни миллат қўшулса керак эрди, хўб ишнинг муборак пайғамбар ва чаҳорёр ва имомларни тариқи бирла иш қилганини хўб айтинглр. Аллоҳ бир-бирингизга ёрдам қилинг, деган. Биз учун уч кун орасида юз эллик червон тобшурасизлар, агарда мубоҳаса қилсангизлар шуликлардек бўласизлар, деб

**Мулла Абдурузиқбек, муҳрим бостим.**

**Ёзгувчи мулла Шаҳобиддин».**

\* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим.**

Ушбу мактуб баробаринда мулла Раҳмонқул, Комилбой ва бошқа фуқароларға маълум бўлсунким, бизлар – аскар ислом учун беш кун ичинда юз червон тобшурасизлар, мубоҳаса қилмасдин. Агарда мубоҳаса қилсангизлар ва ёхуд хоин ҳукуматға мурожаат қилсангизлар жазо кўрасизлар, деб:

**Хўжамқул лашкарбоши,**

**Абдулқодир падавон қўрбоши».**

\* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим**

**Аллоҳ нусрати илан фатҳ ёр бўлғусидир!**

Ушбу мактуб баробаринда Юқори Сочакка, Тўхта элликбошиға маълум бўлсунким, аскар ислом учун беш кун ичинда юз червон тобшурасизлар, агарда кечиктирсангизлар ва ёхуд хоин ҳукуматға мурожаат қилсангизлар мулла Абдурузиқбек бирла Хўжамқул лашкарбошилардин ва Қодир полвондин жазо кўрасизлар.

**Ёзгувчи Умар афанди».**

\* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим  
Аллоҳга ҳамдлар айт, фатҳ яқин!**

Мактуб баробаринда мулла Сиддиқ, мулла Файзулло, мулла Саъдулло, Абдихалилбой ва бошқа фуқароларга маълум бўлсинким, аскар ислон учун тўрт кун ичинда юз червон тобшурасизлар кечиктирмасдин. Агарда кечиктирсангизлар ва ё хоин ҳукуматга мурожаат қилсангизлар жазоланурсизлар, деб

**Хўжамқул лашкарбоши,  
Абдулқодир паҳлавон,  
Ёзувчи Умар афанди».**

\* \* \*

**«Қурбон аминга**

Қувватхўжадин бизларни солиқимизни тездан юборилсун.

**Мулла Абдуросиқ,  
Саркотиб Умар афанди».**

*1342 йил, 22 муҳаррам*

*(1923 йил, 4 сентябрь.*

\* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим  
Аллоҳга ҳамдлар бўлсун, фатҳ яқин!**

**Кифтоб (Китоб) районуа**

Рустам аминга. Сизнинг қўл остингизда бўлгон Қувват, Раҳим оқсоқолларга маълум бўлсинким, ислон аскарини маишати учун уч юз минг пул, 20 дон тўн саккиз кун ичинда еткурасиз, агарда кечикадиган бўлса, мол ва ҳолларингизни тарож қилурмиз, ўзунгизни ўлум жазосига гирифтор қилурсиз, деб

**Мулла Абдуросиқбек,  
Мулла Холиқулбек».** *16 муҳаррам.*

КНИГА ... \* \* \*

**«Мусулмон биродарларимизга**

Лашкаримиз адади 150 кишидан иборат бўлуб тузилади, 3 пуд керосин ҳам жамғардук. Ушбу мактуб баробаринда биз сиз мусулмонларга мурожаат қиладурмизким, қўлунгизда бўлгон миатиқларни бизга тобшургайсизлар. Ягона Аллоҳга ва пайгамбаримизга умид ва ишонч боғлаб, эй мусулмонлар, бизлар сизларга даҳа қилмасмуз.

Агарда ўзларингиз хоҳиш қилсангизким бизга қўшулмоқликни, бизлар сизларни қабул қилгаймуз, ихтиёрингиз ўзингизда. Зиддини қилсангизлар, Мусобозорни бир четидан ёқамиз. Сизлар мусулмон, бизлар мусулмон. Биз ягона иш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Жавобини тезлик билан кутаман. Муҳрим бостим

**Мулла Абдуросиқ».**

... \* \* \*

... \* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим**

**Аллоҳ нусрати илан фатҳ яқин!**

**Кифтоб (Китоб) райунига**

Раҳмат аминга ва сизнинг қўл остингизда бўлгон фуқароларга ва сизга қарашли оқсоқолларга маълум бўлсунким, сизлар мужоҳиди ислом аскарларини маишати учун юз минг сўм пуд, 20 адад тўн (яхши) саккиз кун ичинда бизга еткура-сиз, агарда масоила (масала, муаммо— П.Р.) бўлса, муддат ичинда еткурмасангиз, мол ва ҳолларингиз тарож бўлуб, ўлум жазосига гирифторм қилинурсиз

**Мулла Абдуросиқ,**

**Мулла Холмқулбек,**

**Саркотиб Умар афанди».**

1342 йил, 16 муҳаррам,

(1923 йил, 28 август) **«БЕДАУДНАОХ ВАЛУМ»**

\* \* \*

**«Жовиз қишлоқиға**

Калони шунудаи (гапга етарман катталар, оқсоқоллар– П.Р.) Жовиз қишлоқиға маълум бўлсунким, сизлардан чиққан шул милисалар милисаликни тарк қилсун, агар жами милиса шу ишини тарк қилмасун, сизлар, калони шунудалар тамоман ўлдум жазосиға гирифтор бўлуб, қишлоқни соф қилурсиз. Бул қилғонимиз, бир ҳазилдур, ундан сизлар айтмангиз, бир мулла Розик тамом бўлса, бизлар яшаймиз. Агар мулла Розик ҳеч иш қилмаса, ана, ман мулла Тўрабой, Рўзибой илож қилур, уй, жовузлик иши бутун соф бўлсин деса. Агарда шул милисалар ишни тарк қилмаса қўшларинга (экин-тикинга, қўш ҳайдашга) чиқмайсан, биртанг (бирортанг– П.Р.) Жовиздан чиқмайсан, деб мухрларини бостилар:

**Мулла Муҳаммад Тўрабой ибн Муҳаммад  
Хотам,  
Мулла Абдурозикбек,  
Мулла Абдусаттор Тўрабой,  
Хўжамқул».**

\* \* \*

**«Бисмиллаҳир раҳманир раҳим**

**Буйруғ илан солуғ хати**

Жовиз қишлоқиға ушбу қоғоз баробаринда жамъи Жовиз қишлоқини фуқаро, калони шунудаларига маълум бўлсунки, уч кун ичинда беш юз червон шул бизларға еткурасизлар ва агар муддат ичинда тобшурмасанглар мундан ҳам ёмон қилурман, қўшларинга чиқмайсан, қўй боқарға бормайсанлар, фуқаро Жовиздан чиқмайди.

**Хўжамқул,**

**Мулла Абдурозик,**

**Мулла Абдусаттор Тўрабой».**

*1344 (1925) йил.*

\* \* \*

**«Қушчи қишлоқига**

Абдусаттор оқсоқолға маълум бўлсунким, бизларга 30 донга 5 сўмлик (150 сўм) айтилгон муддат ичинда етказилсун, агарда етказилмаса, бутун мол-ҳолинг ва жонингни олурман, деб

**Мулла Абдурозиқбек».**

\* \* \*

Чикун қишлоғи фуқароларидан 8 кун муддат ичида 150 червон, тожик Денов қишлоғидан Оллоқул, Холик, Ражаб Аҳмад оқсоқолларга бир ҳафта ичида 3000 червон (300 тилло) йиғиш ҳақида мулла Абдурозиқ хатлари юборилган.

\* \* \*

**«Паландара қишлоқига.**

Турсунбой оқсоқолларга ва калони шунудаларга етиб равшан ва маълум бўлсунки, беш кун ичинда 300 червон пул жамлаб **бойлардин олурсиз, камбағаллардин олмассиз.** Агарда масоила қилсанглар бутун жазога ва тарожга дучор бўлурсиз, деб

**Мулла Абдурозиқбек».**

\* \* \*

**«Сиёб қишлоқига**

Сиёб қишлоғини жами катта ва кичиклариға равшан бўлсунким, сизлар бир ҳафта ичинда бир юз эллик червон, яъни, бир минг беш юз сўм оқча жамлаб тобшурасизлар, агарда масоила ва ёки хоин ҳукуматға мурожаат қилсангизлар фақат қонли қиличимдан ўдум (топасиз).

**Ман мулла Абдурозиқбек муҳримни бостим Котиб Умар афанди».**



\* \* \*

**«Юқори Писталик, паст Писталик қишлоқиға**

Хусайн оқсоқолға етиб равшан бўлсунким, азбаройи аскар ислом учун элик червон (бир юз дона олтун) беш кун ичинда жамлаб берсангиз деб, муҳрим бостим:

**Мулла Абдурузиқбек,  
Умар афанди».**

\* \* \*

**«Бўри Метан қишлоқиға**

Жами калони шунудалариға, Ражабали оқсоқолға маълум бўлсунки, сизлар беш кун ичинда 100 червон пул жамлаб тобшурасиз, бўлмаса бутун тарож бўлуб, ўлум жазосига гирифтор бўлурсиз, деб

**Мулла Абурузиқбек,  
Умар афанди».**

\* \* \*

Ваткана қишлоқи жами калони шунудалариға, Берди оқсоқолға етиб равшан ва маълум бўлсунки, азбаройи аскар ислом учун беш кун ичинда бир юзу элик червон, яъни, 300 олтун берурсизлар ва агарда масоила бўлса, қўб шўриш кўрурсизлар, деб

**Мулла Абдурузиқбек».**

\* \* \*

«Бобожон амин Обикандаликға ва бошқа калони шунудалариға етиб равшан ва маълум бўлсунки, сизларға нолуг солган эдук, нима сабабға икки юз червонлукни бермадинглар, ман аскар юборган вақтда ҳамманг қочибсизлар, шу қоғоз еткан замона тўхтовсиз берганингни билдирасан ва ё

бермайдурганларингни билдирасан. Қатл қилгонимни қилурман, агарда масоила қилсанглар, нолугни узмасанглар, қонли қиличимдан ўтқарурман.

**Мулла Абдурозиқ қўрбоши».**

\* \* \*

*Махфий*

**Шаҳрисабз уезд ижроқўмига**

**Жиннидарё волост ижроия**

**қўмитаси кенгаши**

**1926 йил 15 июнь**

**14-рақам**

Ушбунинг баробаринда Жиннидарё волости ижроия қўмитаси сизга маълум қиладики, халққа қарши бўлган қўрбоши Абдурозиқ Паландара ва Мағлул қишлоқ Шўроларига хат қолдириб, унда солиқ тўлашни талаб қилган. Ушбу хатни сизга йўллаб, илтимос қиладурмизки, то бу вақтга қадар бир неча марта хат ёзиб эрдикким, Паландара халқини қаноатлантириш ва душмандан ҳимоя қилишни, лекин ҳозирга қадар бундай қониқтириш бўлмади. Сизга айтурманки, агар келгувсида деҳқонларга бирорта босқин бўлгудек бўлса, биз бунинг учун жавоб бермаймиз. Шу сабабли тезлик билан чора кўрарсизлар, деб

**Волост ижоқўми раиси**

**муовини**

**котиб**

**Қутлихўжаев,**

**Мирзаев».**

## **ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ**

1926 йилнинг октябрь ойига келиб, мулла Абдурозиқ ва Икромқул кўрбошилар жиний иши билан Ўз ССР адлия халқ комиссарлиги, аниқроқ айтганда, шу вазирлик ҳузуридаги ўта муҳим ишлар бўйича терговчи Шигарев шуғуланна бошлайди. 252-рақами билан қайд этилган бу иш билан шу орган терговчиси Букин ҳам машғул бўлиб кўрган. Шигарев жиноят содир этилган деб ҳисоблаган ҳудудларга бориб, гувоҳларни топган ва уларни сўроқ қилган. 1926 йилнинг 9-октябрида Моғиёнда Шарофутдин Сагадиев, Ҳақберди Кенжаев, Шарифбой Баракаев, Облоқул Эргашев, Сатторқул Муқимовлар тергов қилинади. Уларнинг ҳаммаси мулла Абдурозиқ, Икромқул ва жигитларга қарши гувоҳлик кўрсатмалари берадилар.

Шигарев ишнинг пишиқ-пухта яқун топиши учун тиним билмайди. Босмачилар билан курашган, жанглар қилган кишиларни излаб топади ва гувоҳлар мундарижасига киритади. 1926 йилнинг 19-октябрида Самарқанд шаҳрида Ўз КП (б) МҚсида хўжалик ишлари мудирини бўлиб ишлаётган Дмитрий Никитович Алексеенкони гувоҳ тариқасида сўроқ қилади. Дмитрий Алексеенко 26 ёшли собиқ қизил аскар бўлиб, босмачиларга қарши жангларда қатнашган. У Воронеж губернияси, Валуй уезди, Валокон волостидаги Шерамка хуторидан бўлган.

Дмитрий Алексеенко сўроқда шундай кўрсатма беради:

«1923 йилнинг февраль ойида мен Панжакент тумани Особий отделада (махсус бўлим) ходим эдим. Бу вақтда 64 кишилик босмачилар бошлиғи Моғиён қишлоғидан бўлган Холиқулбек эди.

Ўша йили март ойида мен Холиқулбекнинг Хўжа Султон тоғида турганлиги хабарини олдим. 22 кишилиқ гуруҳни олиб, унга қарши курашиш учун йўлга чиқдим. Ўртамизда қаттиқ жанг бўлди. Ушбу жангда мулла Абдурозиқ ҳам қатнашган эди. Босмачиларнинг қўли устун келди, биздан 2 қизил аскар ҳалок бўлди. Шу йилнинг ёзида бўлган жангда яна бир қизил аскар оғир жароҳат олди. Бу жанглардан ташқари, бизлар жуда кўп марта тўқнашдик, талафот айтарли кўп эмасди. 1924 йилнинг мартида мен Панжакентдан қайтиб, Самарқандга келдим. 1925 йилнинг февраль ойига қадар бошқа босмачиларга қарши ҳаракатлар олиб бордик. Март ойидан бошлаб эса яна Мирзо полвон ва мулла Абдурозиқларга қарши қилинган жангларда иштирок этдим. Улар билан биринчи тўқнашувимиз февралнинг охирида бўлган эди. Бизга қарши Мирзо полвон ва мулла Абдурозиқлар ҳаракат қилган эди. Тўқнашув Ургутнинг Ғус қишлоғи ёнида бўлди. Жангда биз тарафдан 2 қизил аскар ҳалок бўлди, 2 таси яраланди. Бундан кейинги жанг 31-мартда бўлди ва бир аскаримизга ўқ тегди. 5-6 кундан кейин босмачилар тўдаси билан Илапак деган қишлоқ яқинида тўқнашдик, биз томондан 3 қизил аскар нобуд бўлди, биттаси яраланди. Шу куннинг эртасигами ёки индинига яна Мирзо полвон билан отишмага киришдик, бу жангда биз Мирзо полвоннинг ўзини ўлдиришга муваффақ бўлдик. Бу жангдан кейин мен Самарқандга қайтдим ва жангларда бошқа қатнашмадим.

**Савол:** – БСБ ходими Когар қандай ҳолатда ўлдирилган, бу ҳақда сизга маълумми?

**Жавоб:** – Когарни биламан. У аввал босмачи бўлган эди, сўнг таслим бўлди. 1923 йил апрелида у менда тилмочлик қиларди. Мен билан доим

босмачиларга қарши юришда бирга бўлган. У босмачилар манзилларини яхши биларди. Мен фронтдан бўшаб кетганимдан кейин у бошқа гуруҳлар билан босмачиларга қарши курашган. 1924 йилнинг сентябрида касал бўлиб қишлоғи Киштутга қайтади. Қишлоғига келганидан сўнг уни қишлоқ Шўроси раислигига сайлайдилар. У, билишимча, мулла Абдурозиқ томонидан қўлга олинган, бутун мол-ҳоли талон этилган. Уни Равшани боло қишлоғига олиб кетганлар ва уч кун қийнаб, ўлдиришган. Жасадини ёқиб юборганлар. Хабарларга қараганда, Когарни Икромқул Муқимов азоблаб ўлдирган.

**Савол:** – Сизга босмачилар томонидан асир олинган 17 қизил асарнинг отиб ташланиши воқеаси маълумми?

**Жавоб:** – Бу ҳақда эшитганман-у, бироқ аниқ тафсилотини билмайман. Бу ҳақда Бурҳон Турсунов ва Нурали Раззоқлар яхши билади. Бурҳон Турсунов ҳозирда Самарқандда, Нурали Раззоқ эса Панжакентда яшайдилар.

Терговчи Шигарев 1926 йилнинг 23 октябрида Самарқандда Абдулла Раззоқов, Абдурашид Омоновларни ҳам гувоҳ тариқасида сўраб кўради. Самарқанд шаҳрида яшайдиган, 24 ёшли тожик йигити Абдулла Раззоқов шундай кўрсатма беради:

«– 1925 йилнинг охирида Панжакент обкоми томонидан Моғиён-Фароб волости ревкоми раиси қилиб тайинландим. Вилоят ижроия қўмитаси мени босмачиларга қарши кураш гуруҳи бошлиғи қилиб қўйди. Бу вазифаларда тўрт ой ишладим. Шу давр ичида босмачилар билан 5 марта жангга киришдим. Босмачилар бошлиғи мулла Абдурозиқ ва ёрдамчиси Икромқул Муқимов эди. Биринчи жангимиз Соф деган довонда бўлган эди,

бу тўқнашувда талафот кўрмаганмиз. Иккинчи курашимиз Ровидин қишлоғида бўлди, бунда ҳам биздан ҳалок бўлганлар йўқ эди.

Босмачилар билан бўлган учинчи жангимиз Аспидўхтар билан Мусобозор қишлоқлари оралиғида юз берди, бу курашда бизнинг кўнгилими гурўҳимиздан бир киши ҳалок бўлди, бир кўнгилимиз асир олинди ва қийнаб ўлдирилди. Афсуски, унинг исми шарифи ёдимда қолмаган.

Тўртинчи тўқнашувимиз Сор деган қишлоқда бўлган эди. Бу жанг талафотсиз кечди, бешинчи жанг эса Моғиён ва Фароб қишлоқлари ўртасида ниҳоясига етди. Одатда, мулла Розик аҳолини ўз тўдасига жалб этиш учун қишлоқларга тез-тез келар, обрўли одамларни йиғиб кенгаш ўтказар эди. У Шўро ҳукуматини ёмонлар, деҳқонларни хонавайрон қилади, масжидларни бузади, хотин-қизларни очади, деб тарғибот қиларди. У ҳокимиятни шариятга асослаб қуришни ҳар жойда даъват этар эди.

**Савол:** – Сиз ревком раиси бўлиб турганингизда мулла Абдурозикдан унга пул йиғиб бериш ҳақда хатлар олганмисиз?

**Жавоб:** – Бундай хатлар бўлган эмас, лекин қуролимизни ташлаш ҳақида хат келган эди, бу хатни босмачиларга қарши кенгаш раиси Бобо-жоновага топширганман».

Шу кунги сўроқ қилинган яна бир гувоҳ Абдурашид Омон ўғли Шаҳрисабзнинг Сумак қишлоғидан бўлган 26 ёшли йигит эди. У терговчи саволига, «мен 1926 йил бошидан то август ойига қадар, 6 ой давомида қишлоқ шўроси раиси бўлиб турганман. Қишлоқ шўросига 21 та қишлоқ қарар эди. Бизнинг Сумак қишлоғимизга мулла Абдурозик бирон марта ҳам келмаган. Сабаби, қишлоқда доимий равишда қизил аскарлар гуруҳи турар

эди. Лекин бошқа қишлоқларга мулла Абдурузиқ тез-тез келиб турар эди. Солиқлар куч билан йиғиб олинган, босмачилар қаршилик қилганларни аяб ўтирмаган. Ошкон қишлоғидан мулла Маҳмуд, мулла Зоит, Котлас қишлоғидан Хўжамат амин ва 3 киши мулла Абдурузиқ томонидан шу ваздан ўлдирилган».

Терговчи Шигарев Самарқандда иш билан боғлиқ деб ҳисоблагани гувоҳларни сўраб бўлиб, бу ҳақда бошлиққа ахборот берди. Бошлиқ сўроқ қарорларини кўздан кечирар экан, норози кайфиятда бошини ирғади. «Етарли эмас, далиллар кам, бу гувоҳларинг аравани қуруқ олиб қочибди. Энди Шаҳрисабзга бор, бевосита дахли бўлганлардан сўраб кўр», деди у саросимада жавоб кутиб турган терговчига. Шигарев хонасига келиб, шалвираган ҳолда стулга чўкди. «БСБга буларни отиб юбориш учун Олтинбоев қоралаган қоғозларнинг ўзи етиб ортарди. Бугун Моғиён, Эрта Панжакент, индинга Шаҳрисабз, бу нима деган гап?», ўйлади у ижирганиб.

Октябрь охираб, ҳаво совий бошлагани боис, у этаги этигининг пошнасига тегадиган шинелини кийди-да, йўлга чиқди. Эҳтиёт шарт наганига заҳира ўқларни жамлаб, винтовкани ҳам елкасига осиб олди. Шаҳрисабзга уч кун аввал етиб келган Шигарев шу кундан тавсия этилган рўйхат бўйича гувоҳларни сўрашга тушди. 1926 йилнинг 30-октябри куни унинг қисталанг қилиши билан топиб келинган бир неча киши шаҳар милицияси идорасида, махсус ажратилган хона эшиги олдида тажанг кайфиятда ўз навбатини кутиб туришар эди.

Дастлаб сўроқ берган киши Қули Содиков бўлади. У 27 ёшда, Шаҳрисабз уезди милиционери эди. Шигаревнинг мулла Розиқ ҳақида нима билиши

тўғрисидаги саволига Қули Содиков шундай жавоб берди:

«Мен Шаҳрисабз милисасида 1920 йилдан буён ишлайман. Кўп марта босмачилар билан жанг қилишимга тўғри келган, жумладан, мулла Абду-розиқ тўдаси билан ҳам. 1925 йилнинг ёзида шундай жангларнинг бирида қатнашган эдим. Бу шундай бўлган эди: босмачиларга қарши кураш комиссияси билан Жовиз қишлоғига борадиган бўлдик. Йўлда эшитдикки, мулла Абду-розиқ ўз тўдаси билан қишлоқда тўхтаб турган экан. Биз қизил аскарлар гуруҳи билан Жовиз қишлоғида жадаллаб етиб бордик, бироқ улар аллақачон кетиб бўлган экан. Ортларидан таъқиб қилиб етдик, 5 чақиримча нарида уни 9 жигити билан кетаётганида кўрдик. Икки ўртада жанг бошланиб кетди ва отишма ярим соатча давом этди. Бизлар талафот кўрмадик».

Шигарев, гувоҳнинг кўрсатмасида қўлга илинадиган бир далил йўқлигидан норози бўлса-да, у айтган сўзларни оқизмай-томизмай ёзишга мажбур эди. У босмачиларга қарши курашга сафарбар этилган 12-ўқчи полкнинг отлиқ аскарлар взводи командири, 25 ёшли Федор Васильевич Прядко берадиган жавобга катта умид боғлаган эди. Хонага қотма, сочи қиртишлаб олинган взвод командири кирганда, терговчи унга ҳурмат кўрсатган бўлиб, ўрнидан турди-да, ўтиришга таклиф қилди.

«—Мен 1926 йилнинг 7 феввали кунидан бошлаб 12-ўқчи полкнинг отлиқ аскарлар взводига командирлик қиламан. Мулла Абду-розиқ билан биринчи жангим 1926 йилнинг 2 марти кунини бўлган эди. Бу жанг Денов боло қишлоғида юз берди. Бизга мулла Абду-розиқ тўдасининг шу қишлоқда тургани ҳақида муълумот келган эди. Бу



хабар мулла Абдурозиқнинг ўзи томонидан юборилган бўлиб, бизни тузоққа илинтиришни кўзлаб, шундай қилган эди. Чунки унга гуруҳим кичиклиги, ҳаммаси бўлиб 9 та қуролимиз борлиги маълум эди. Шунга қарамай, мен Денов болога қараб юрдим. Биз етиб боргунча мулла Абдурозиқ тўдаси жанг учун табиатан қулай жойни ишғол қилиб улгурган эди. Босмачиларнинг сон жиҳатидан кўпайиши, қулай позицияни эгаллагани уларнинг қўли устун бўлишига, охир-оқибатда, бизнинг чекинишимизга сабаб бўлди.

Ширдоғ тоғ тизмаларида мулла Абдурозиқ тўдаси билан учинчи марта тўқнашган эдим, бизлар 6 киши эдик, улар 21 нафар. Шу жангда босмачилар 8 жигитини йўқотди, биз эса талофат кўрмадик. Ҳазрати Султон тоғида бўлиб ўтган яна бир жангда қизил аскарлар 12 та эди. Бу жанг августнинг биринчи кунини бўлган эди, биз яна 5 босмачини ўлдирдик, ўзимиз зарар кўрмадик, 1 та асир олдик, 2 от ўқ тегиб ўлди, 7 отни қўлга олдик».

1926 йилнинг 30 октябрида Шаҳрисабз уезди сув хўжалиги бошлари муовини Улашхон Исохонов ҳам Шигарев ҳузурини бўлиб, уни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Улашхон Исохонов (41 ёшда) 1917 йилдан Ўз КП (б) аъзоси эди. Унинг кўрсатмаси шундай бўлган:

«Мен 1926 йилнинг июл ойида Уезд ижроия қўмитаси томонидан босмачиларга қарши кураш комиссия раиси етиб тайинландим. Шу сабабдан, Шаҳрисабзнинг ҳамма қишлоқларида бўлиб, аҳолини босмачиларга қарши руҳда тайёрлаш учун ташвиқотлар юргиздим. Мулла Абдурозиқ иложи қолмай, ҳоли танг бўлгандан кейингина таслим бўлди. Унда олдин таслим бўлиш мақсади бўлмаган. Ортидан қизил аскарлар, отлиқ мили-

салар тушиб, таъқибни кучайтирдик ва уни Матмон қишлоғига яқин тоғда учратдик ва у 5 жигити билан таслим бўлди.

**Савол:** – Мулла Абдурозиқнинг таслим бўлишига нима сабаб бўлди?

**Жавоб:** – Қишлоқларнинг аҳолиси кейинги пайтда унга қатъий равишда ёрдам қилмай қўйди. Уни 9 кун давомида узлуксиз таъқиб қилиш натижасида отлари қолдан тойиб, юролмай қолган эди. Шундай бўлдики, шахсан мулла Абдурозиқнинг ўзи минган от, улар таслим бўлганидан кейин бир қадам ҳам юра олмади. Мулла Абдурозиқни бошқа отга миндириб олиб келишга тўғри келган эди.

**Савол:** – Айтинг-чи, агар мулла Абдурозиқда кучли тўда ва имконият бўлганда, у таслим бўлар эдими?

**Жавоб:** – Йўқ, у ҳечқачон таслим бўлмас эди, чунки у совет ҳукуматининг ашаддий душмани».

Икки кун один Обиконда қишлоғига жўнатилган милиционерлар 30 ёшли фуқаро Абдужалил Хаалиловни Шигаревга рўпара қилдилар. Абдужалил Хаалилов август ойига қадар босмачиликда бўлиб, Шўро томонига ўтган эди.

У «бир ярим йил босмачиликда бўлдим, – деб кўрсатма беради, – мен Додҳо (Тангриберди – П.Р.) тўдасида эдим, кейин, икки ярим ойдан сўнг мулла Абдурозиқ гуруҳига ўтдим. Бу вақтда унинг жигитлари 10-12 та эди. Самарқанд вилояти ҳудудида ҳаракатланар эдик.

**Савол:** – Сиз мулла Абдурозиққа қўшилганда қизил аскарлар билан жанглар тез-тез бўлиб турармиди?

**Жавоб:** – Босмачилар ва қизиллар ўртасида гоҳида тез-тез жанглар бўлиб турар эди, ҳатто бир кунда икки марта тўқнашув бўлган ҳоллар бор, гоҳида эса, ойлаб жанглар бўлмас эди».

Терговчи Шигарев 1926 йилнинг ноябрь ойини 12-ўқчи полк взвод командири Смелъницкийни демаса, деярли мулла Абдурозиқнинг ҳамқишлоқлари-жовизликларни тергов қилиш билан ўткарди. У бу сўроқларга алоҳида аҳамият қаратган ва катта умид боғлаган эди. У Шаҳрисабзда ишга ботиб ўтирганида, Самарқанддан телеграф орқали хабар беришиб, 12-ўқчи полкнинг отлиқ взводи командири Евгений Васильевич Смелъницкийни ҳузурига юбораётганларини, уни ҳам гувоҳ тариқасида сўроқ қилишни тавсия этишганди.

Евгений Смелъницкий 25 ёшда бўлиб, «марҳамат, нимани сўрайсан», дегандек ўзини нописанд тутарди. Шигаревнинг саволига истамайроқ жавоб бериб, «Қизил армия хизматида, взвод командири сифатида Шаҳрисабз районида 1924 йилнинг сентябридан бошлаб босмачилар билан бир неча марта жанг қилишимга тўғри келган, – деди у, – Шундай жанглардан бири 1925 йил апрелида 6 соат давом этди. Одамларимиз зиён кўрмади, лекин битта отимизни ўлдирдилар.

Иккинчи жангимиз 1925 йил июлида Ширдоғ қишлоғида содир бўлди, бунда талофот кўрмадик. Мулла Абдурозиқ билан учинчи марта 1925 йил 23 августда Ҳазрати Султон тоғида тўқнашганман. Бу отишув 9 соатга чўзилиб кетган эди. Мулла Абдурозиқ бу жангда қаттиқ қаршилиқ кўрсатган эди, улар 22 киши бўлиб қурашга кирган эди.

**Савол:** – Айтинчи, мулла Абдурозиқ жанг пайтида қизил аскарларни, милиционерларни ўлдирган ёки асирга олган ҳолатлар бўлганми?

**Жавоб:** – Менга шахсан шундай бир воқеа маълум: 1925 йил кузида Жовиз қишлоғи ҳудудида мулла Абдурозиқ тўдаси томонидан 1-взвод яксон этилган, бу жангда взвод командири ёки унинг

ёрдамчиси (эскадрон командири) ўлдирилган. Бундан взвод ваҳимага тушиб қолган, фақат бир қизил аскарнинг довьораклиги сабабли, взводни тартибга олиш мумкин бўлган.

1924 йилнинг апрелида, тахминан, Денов қишлоғида 32-дивизиянинг алоҳида эскадрони взводнинг 17 қизил аскари ва 3 та милиционер қораларидан (наша) кайф қилиб қолади. Бундан фойдаланган мулла Абдурозиқ уларни асирга олади ва ўлдириб юборади.

1923 йилнинг 26 апрелида мулла Абдурозиқ қўрбоши Очилбек тўдаси билан биргаликда 48-дивизия эскадронининг бир қисмини яқсон этади, бу жангда Ургут милициясининг бир қисми ҳам қириб ташланади».

Шигарев ўзига ишонган бу взвод командирининг феъл-атворини хушламаган бўлса-да, келтирган далилларида боши осмонга етгудай бўлиб севинди.

### **ЖОВИЗДАГИ ЁВУЗЛИК**

Ўта муҳим ишлар бўйича терговчи Шигарев ҳар уч кунда Самарқандга телеграф орқали ҳисоб бериб, топпириқ ва кўрсатмалар олиб турар эди. Пойтахт унинг кейинги ҳаракатидан розидек эди, «шундай тут», дейиларди бундай пайтда. Евгений Смельницкий кўрсатмаси Адлия комиссарлигида юксак баҳоланган, Шигаревнинг муваффақияти сифатида баҳоланган эди. Навбатдаги вазифа жовизлик гувоҳлар билан боғлиқ қилиб қўйилган эди. Мулла Абдурозиқ Жовиз қишлоғидан бўлгани учун унинг ҳамқишлоқлари айтадиган ҳар бир гап эътибордан четда қолмаслиги, имкон қадар жовизликлардан айбловларнинг қуюқ бўлишига эришиш шарт қилиб қўйилган эди. Жовизга му-

носабат бошқача эди. Бир томондан, қишлоқ босмачилар уяси сифатида қаралар, шу боисдан, гувоҳга ўтадиган жовизликлардан ҳар нарса кутиш мумкин, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Шу боисдан, қишлоқдан танлаб, мулла Розикқа адовати бўлган, қарши курашган жовизликлар гувоҳликка олинган эди. Иккинчи тарафдан, босмачиликдан энг кўп зарар кўрган, энг кўп қурбонлар берган, ўт кўйилиб оловга чулганган ҳам шу қишлоқ эди. Жовиз икки бўлакдан иборат қишлоқ эди. Аввалига қишлоқнинг мулла Абдурозиқ ва унинг қариндош-уруғлари яшамайдиган қисмидаги уйлар ўт ичида қолади. Кўп ўтмай қишлоқнинг мулла Абдурозиқлар хонадони жойлашган иккинчи қисми ҳам ёқиб юборилади. Қишлоққа ким ўт кўйган эди? Бу мудҳиш жиноят босмачилар бўйнига кўйилиши нақд бўлса-да, жовизликларда бу ҳақда бошқа гап-сўзлар, миш-мишлар юрганлигини инкор этиб бўлмасди. Шигарев зиммасига, шу важдан, муҳим топшириқни ҳал этиш вазифаси юклатилган эди.

1926 йилнинг 11 ноябрида у жовизлик 38 ёшли Зиёдулла Карим ўғлини сўроқ қилишдан ишни бошлайди. Зиёдулла Карим ўғли таслим бўлган собиқ босмачи сифатида, «мен мулла Абдурозиқ тўдасида 3 йил бўлганман, – деб кўрсатма беради, – унинг тўдасида бўлган йилларимда мулла Абдурозиқ қизил аскарлар ва милисалар билан жуда кўп марта очиқ жанглар олиб борган эди. Жовиз, Матмон, Хожа Неъмат, Ошкон, Денов боло, Фароб, Ғус, Ширдоғ қишлоқлари ҳудудида шундай қаттиқ, бир неча соатларга чўзилиб кетган жанглар бўлиб ўтган эди.

Ошкон қишлоғи ёнида бўлган тўқнашувда 1 қизил аскар, 6 милиса асир қилиб олинган эди. Улар Денов боло қишлоғига олиб борилиб, ҳамма-

си шу жойда, қишлоқ четида отиб ташланган. Уларни мулла Абдурозиқ ва унинг котиби (исмини билмайман) отганлар. Фароб қишлоғида бўлган жангда қизилларнинг қандайдир командири ўлдирилган. Мулла Абдурозиқ тўдасида вақти-вақти билан 50-60 жигитлар йиғилган ҳоллар бўлган».

13 ноябрь куни Шигарев ҳузурига жовизлик 38 ёшли фуқаро Ҳол Муқим ўғли олиб келинади. Шигарев уни илиқ қарши олиб, катта тунука чойнақдан кружкага чой қўйиб берди-да, чақмоқ қанд турган косани у томон суриб қўйди. Терговчига бу одам ҳақида гапириб беришган, унинг нима дейишини ҳам шипшитишган эдилар.

Ҳаяжонланаётганидан тизза ва қўллари титраб турган Ҳол Муқим ўғли, анчагача ўзини босиб ололмади. Таржимон далда берди, ниҳоят, тилга кирди. У, «тилимдан тугилиб қолмай», деган ташвишда гапира бошлади:

«1925 йилнинг куз ойлари эди. Кеч бўлиб, қаттиқ уйқуга кетган эканман, ваҳимали шовқинсурондан уйғониб кетдим. Бақир-чақир, йиғи-сигилардан фаҳмладимки, қишлоқда отишма бошланган. Дарров хотиним билан боламни уйнинг ортидаги хандаққа олиб ўтиб, яшириндик. Хандақдан мўралаб қарасам, қишлоқнинг бир неча жойидан гуриллаб ёнаётган олов кўринди. Қўрққанзимиздан уйимизга киролмай, тонгни хандақда оттирдик. Тун бўйи қишлоқ кўчаларида отишма давом этди, қизил аскарлар, милисалар билан мулла Абдурозиқ жигитлари қаттиқ отишдилар. Қишлоққа босмачилар ўт қўйди, деган гап тарқалди, менинг уйим ҳам ёниб кул бўлди. Ҳовлим ҳам ёниб кетди, 4 та эшагим, бир қўшга қўшадиган ҳўкизим куйиб ўлди. Қишлоқда ёнмаган 3 та уй қолган экан, эликдан ошиқ уй-жой эса ёниб, вайрон бўлди. Одамлар кўчада қолиб, бор-буди-

дан айрилди. Ҳозир қишлоқда одамлар оч-ялан-гоч, камбағалликка тушиб қолган.

Ёнғин бўлиб, Жовизга ўт кетганда қишлоғимиздан Жўрабой, Абдуқодир, Бўри, мулла Зоитдин, Ниёзёр Араб, Норали, мулла Бобо Али, Бўри Карим деган кишилар қурбон бўдилар.

**Савол:** – Мулла Абдурузиқнинг ҳам уйи ёнган эдими?

**Жавоб:** – Йўқ, шу кеча ёнмай қолган эди, чунки бизнинг Жовиз қишлоғимиз икки қисмга бўлинган, унинг биринчи бўлаги иккинчисидан 4 чақиримча нарида жойлашган. Мулла Абдурузиқнинг уйи шунисида бўлгани сабабли, ёнмай қолган.

**Савол:** – Айтингчи, мулла Абдурузиқ нима сабабдан қишлоғингизни ёқди ва одамларнинг ўлимига сабаб бўлди?

**Жавоб:** – Чунки қишлоғимизнинг кўп деҳқонлари мулла Абдурузиққа қарши курашда Шўро ҳукуматига ёрдам берган ва у солган солиқларни тўламаган эди».

Терговчи Шигарев, «бунга чой қўйиб берганим бежиз кетмади, ҳақини яхши тўлади», деб ичдан севинди. Таржимонга қараб, «яна бирор гапи бормикан», деди. Ҳол Муқим ўғлининг айтадиган бошқа сўзи қолмаган эди. Шигарев ўрnidан туриб, унинг қўлини қисди-да, кетишига изн берди.

Хонага 45 ёшли Бобоали Алибобоевнинг олиб кирдилар. Шигарев унга хумрайиб қаради-да, «ўтир», деди. Таржимон терговчи буйруғини тушунмай қўл қовуштириб турган жовизлик фуқарога курсини кўрсатиб, имо қилди.

Бобоали довурак киши эди, терговчининг совуқ мулозаматидан довдираб қолмади, сўроқни бошламай туриб қилган пўписаларидан ўзини йўқотиб қўймади. Босмачиликда бўлиб, ундан қайт-

ганидан буён «бир бошга бир ўлим-да, пўсиб юрмайман, билганларини қилсинлар», деган қарорга келиб қўйганди. У таржимонга қараб, «менда ёлғон йўқ, билганимни, ростини айтаман», деди.

Унга савол айтилди. Бобоали таржимонга юзланиб, оҳишта гапира бошлади, у имо қилган жойда сўзни тўхтатар, олдин айтганларини такрорлашга мажбур бўлар эди.

«— Мулла Абдурозиқни болалик давридан биламан,— деди у,—қишлоқдошим бўлади, менинг ёшим ундан анча катта. 5-6 йил олдин мулла Абдурозиқ босмачиларга қўшилиб кетди, қўрбоши бўлди, бек бўлди, турли тўдаларда ҳаракат қилди. Кейинги икки йилда у мустақил қўрбоши бўлиб танилди, гуруҳида 30-40 жигити бўларди. Ўзим ҳам босмачиликда 4 йил бўлдим, мулла Абдурозиқ тўдасида эканимда қизил армия қисмлари ва милисалар билан тез-тез тўқнашиб, жанг қилиб турардик.

Ширдоғ, Хўжа, Денов, Обиконда қишлоқларида қаттиқ жанглар бўлгани эсимда. Тўдага деҳқонларни мажбурлаб олиб келиш деярли бўлмас эди, мулла Абдурозиқ одамларни кўндирар эди. Одамларнинг ўзлари кўнгилли бўлиб келиб қўшиларди».

Кейинги гапларни таржимада эшитиб, терговчининг тоқати тоқ бўлди. Стол устида ётган наганини жаҳл билан четга суриб, «бас, етади», деди. Ранги ўчган таржимон нима қиларини билмай ўртада серрайиб турарди.

13-ноябрь куни ҳам тергов ишлари давом этди. Шу куни жовизлик фуқаро Абдусалой мулла Аваз ўғли кўрсатма берди. 40 ёшли бу одам қишлоққа ўт қўйилганда жабр кўрганлардан бири эди. Шу боисдан Шигарев саволини тилмоч ўтирар-ўтирмас, гапга тушиб кетди:

«Мулла Абдурозиқ ўзига тўқ, бой кишининг ўғли, у ҳеч қачон қора меҳнат билан шуғулланмаган.



1921 йида босмачиликка кетган, кўрбоши даражасига кўтарилаган. 1925 йилнинг қишида қишлоғимизга ўт кўйиб, 9 одамни ўлдирди. Аниқ ёдимда йўқ, бу қайси кун бўлгани. Кечаси эди, қаттиқ отишма овозидан уйғониб кетдим. Кўрққанимдан хотиним билан тоққа қочдик. Отишувлар туни билан узоқ давом этди. Эртасига билсам, мулла Абдурозиқ қизил аскарлар ва милисалар билан жанг қилган экан.

Шу кеча тонг отгунча торда яшириниб жон сақладик. Эрталаб қайтиб келсак, уй-ҳовлим, мол-апём бари ёниб, кул бўлибди. Мулла Абдурозиқнинг уйи қишлоқнинг нариги қисмида бўлгани учун шу кеча ёнмай қолган».

Ж. Жовиз қишлоғи фуқароларидан 38 ёшдаги Нор ўғли, 40 га кирган Ҳасанбой мулла Дўст ўғли, Рўзиқул Боқи ўғли ва яна бир қанча кишилар ўз билган-кўрганлари ҳақида кўрсатма берганлар. Қотлас қишлоғидан 50 ёшли Абшукур Қосимов, жовиздан Йўлдош Ғофуров, уста Ашур Ҳола ўғли, Ҳакимбой Авазов, Хожа Муҳаммад Ниёзовлар солинган солиқларни тўлашдан бош тотганлиги учун босмачилар томонидан ўлдирилганлиги далиллари ҳам айтади. Ошкон қишлоғидан бўлган 39 ёшли деҳқон Эшмурод Нор ўғли босмачилар соладиган солиқ ҳақида гапириб беради, жовизлик Бўри Ёрмуҳаммад ўғли кўзига ёш олиб, қишлоқ ёқиб юборилганда унинг икки акаси ҳам ҳаётдан кўз юмганини, бу қотилликни мулла Абдурозиқ қилганини, унинг отаси бой киши бўлганини сўзлайди.

Иш юзасидан сўнги гувоҳ бўлган жовизлик Абдусаммад Султонов (44 ёшли) 1926 йил 16-ноябрда сўроқ қилинади. У шундай кўрсатма беради:

«1925 йилдан бери босмачиларга қарши кўнгили гуруҳда ишлайман. Менинг қизил аскарлар билан мулла Абдурозиққа қарши 4 марта жанг

қилишимга тўғри келган. Биринчи жанг Фароб қишлоғида бўлган эди, шу отишмада босмачилар взвод командирини ўлдирган эдилар. Бу жангда 40 босмачи қатнашган. Иккинчи тўқнашувимиз Аспидўхтар қишлоғида юз берган эди. Бу жангда бизлардан 2 милиса ва бир от ўлдирилди. От менга тегишли эди. Жангда 24 босмачи иштирок этган, гуруҳга мулла Абдурозиқ бошчилик қилган.

**Савол:** – Қайси қишлоқлар мулла Абдурозиқ ва унинг тўдаси томонидан таланган?

**Жавоб:** – Қишлоқларни талаш учун мулла Абдурозиқ тўдаси томонидан қилинган босқинлар ҳақида эшитмаганман.

Кейинги жавоб таржима қилинганда терговчининг кўзи ола-кула бўлиб кетди. «Нима деди, ақли жойидами бунинг?» – деди тилмочга ўдағайлаб. Тилмоч Абдусамад Султоновга ундан нима исталаётганини яна тушунтирди. У «Худо шоҳид, билмаган нарсамни қандай айтаман», деди.

Шигарев бу фуқародан ортиқ бир гап чиқмаслигини билди-да, пўнғилаб, «кетсин» деб тилмочга ўтирилди. Жовизлик гувоҳ чиқиб кетгандан кейин шу борада ўзида бир ҳужжат борлиги ёдига тушиб, чехраси очилди-да, уни ахтара кетди. Анчадан кейин излаган қоғозни топиб, унга кўз югуртира бошлади.

Шаҳрисабз уезд ижроия кўмитасининг масъул котиби Содиқов ва БСБ Қашқадарё вилоят бўлимининг Шаҳрисабздаги вакили Фукинлар томонидан 1926 йил 2-сентябрда тузилган мазкур актда босмачилардан азият чеккан деҳқон хўжаликларига ҳақида маълумот жамланган эди. Актда Котлас қишлоғидан уста Ашур Ҳолмуҳаммадов, Хожа Муҳаммадниёз Бобоев, Ҳакимбой Авазов, уста Йўлдош Ғофуровлар (тўртталаси ҳам 1926 йилда мулла Розик томонидан ўлдирилган) оилалари,

Ошкон қишлоғидан 3, Туюн қишлоғидан 1, Жовиз қишлоғидан 17, Обиканда қишлоғидан 3 хонадон, жами 28 киши азият чеккан бўлиб, уларнинг бир қисми ўлдирилганлиги қайд этилган эди.

Терговчининг ҳаракатлари зое кетмади. Ойлар давомида «ит ётиш, мирзо туриш»га айланган кун тартиби кутганидан ҳам зиёд самара берган, жиноятни бошдан-оёқ очишга эришдим, дейишга ўзини ҳақди сезаётган эди. Хонасида тамаки тутатиб у ёқдан-бу ёққа юрар экан, қорни очикқандай бўлди. Тиамочни чақирди, «нимамиз бор», деди унга одатига зид мулойим қараб. У, «ҳозир» деб жавоб қилди-да, яримта қотган буханка, бир бош пиёз ва тагида озгина ароқ қолган шипшани олиб келиб стол устига қўйди. Шигарев ароқни тунука кружкага ағдарди-да, бир кўтаришда ичиб юборди. Газак қилишни хаёлига ҳам келтирмай, босиб-босиб чекди. У табиатан хасис, ҳиссиётга ёт одам эди. Ундан бошқа бўлганда тиамочга, «оғайни, ишни тугатдик, бир маза қилмаймизми», деган бўларди.

Тиамоч курсида индамай ўтирар, қолишини ҳам, чиқиб кетишини ҳам билмасди. Шигарев чекиб бўлиб, буханкани ушатди-да, бир бурда нонни оғзига солди. Ниҳоят, «бўпти, дамнингни ол», деб унга жавоб берди.

Қайфи жойига тушган терговчи ручканинг перосини яхшилаб тозалади-да, сиёҳга ботирди. Сўнг катта қилиб, «Айблов хулосаси» деб ёзди. Сарлавҳанинг тагини чизди-да, урфга кирган расмий ифода доирасидан чиқмай, сўзларни қоғозга тушира бошлади. «Айблов хулосаси»да 1926 йилнинг августидан то ноябрь ойи охирига қадар кечган уч ой давомида йиғилган, сўралган, тиркалган ҳужжатлар асосида қўйиладиган жиноят акс этиши лозим эди. Ичдан эшикни танбалаб олган

Шигарев перони қитирлатиб, бош кўтармай ёзгани ёзган эди. Бир неча варақдан иборат жиноий иш тафсилотидан айрим ўринларни келтириб ўтиш ўринлидир. Мулла Розик Хўжандиев ва унинг олти сафдошига «Айблов хулосаси»да алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилган.

«Айбланаётган мулла Абдурозик Хўжандиев босмачилар тўдасининг мустақил кўрбошиси ва яна бошқа кўрбошилارнинг бошлари бўлиб турганида 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани сифатида фаолият олиб борди. Совет ҳокимиятига қарши қуроли кураш олиб бориш учун босмачилар тўдасини ташкил этади. Ўз тўдасига тинч деҳқонлардан жалб қилиш учун у, мулла Абдурозик ўз котиби Умар афанди воситасида деҳқонлар орасида Совет ҳокимиятига қарши кураш тарғиботини юргизади. Оқибатда, деҳқонларнинг бир қисми бу ташвиқотлар таъсирида унинг босмачи тўдаси сафига кўнгилли бўлиб кирган.

... Ўзининг жинояткорона мақсадига эришиш учун мулла Абдурозик 5 йил давомида Совет ҳокимиятини ағдаришга интилади, бу ниятини амалга ошириш учун Совет ҳокимиятига нисбатан қуроли қаршилиқ кўрсатди, қизил армия ва милиция қисмлари билан жуда кўп марта очик жангларга киришган.

Қизил армия қисмлари билан мулла Абдурозик тўдаси ўртасида Моргузар қишлоғи ёнида бўлган жангда 1 қизил аскар, Жовиз қишлоғида бўлган икки тўқнашувда взвод командири ва 1 қизил аскар, Ғус қишлоғида 2 қизил аскар ўлдирилиб, 3 тасига жароҳат етказилган, Илапак қишлоғида 3 қизил аскар ҳалок бўлган, 1 таси яраланган, Аспидўхтар қишлоғида 1 милиционер ва 1 қизил аскар, Парафа қишлоғида полк командири, Фа-

робда эса взвод командири ва 2 милиционер ўлдирилган.

1923 йилнинг апрелида бўлган жангда мулла Абдурозиқ ва Очилбек тўдалари бирлашган ҳолда 48-дивизия эскадронининг бир қисмини в Ургут милициясини деярли битта қолдирмай қириб ташлаган.

Тергов жараёнида мулла Абдурозиқ билан Очилбекнинг бир сафар Денов боло қишлоғида 17 қизил аскар ва 3 милиционерни асирга олгани ва уларни аёвсиз жазолаб, отиб ташлагандари далолат этиади. Кейин Ошкон қишлоғида мулла Абдурозиқ томонидан 1 қизил аскар ва 6 милиционер қўлга олинган ва улар шахсан мулла Абдурозиқнинг ўзи тарафидан Денов қишлоғида отиб юборилган. Унинг томонидан Фароб қишлоғида 7 милиционер ва ўрмон назоратчиси асирга олинди, саккизтаси ҳам отиб ўлдирилган.

Қизил армия қисмлари билан муваффақатли жанг олиб бориш, уларни битта қолдирмай қириб ташлаш учун қизил армия гуруҳлари мулла Абдурозиқ томонидан ўзи учун қулай, қурбон бермайдиган жойларга жалб этиб олиб борилган, бундай жойларда унинг қўли устун келгани кўп бор содир бўлган. Бунинг учун, ўзига қарши йўлга чиққан қисм командирларига қаерда турганлиги тўғрисида маълумот юборган. Қачонки гуруҳ босмачилар тўдасига қарши айтилган ерга етиб келганларида, бу мавзенинг ўзлари учун жанг қилиш оғир жойлигини кўрганлар, аксинча, мулла Абдурозиқ тўдаси жанг қилиш учун қулай, табиий ҳимояланган позицияни эгаллаган ҳолда уларни кутганлар. Натижада, қизил армия қисмлари исканжага тушиб, мағлубиятга учраганлар...»

Мулла Розик, Икромқул қўрбоши ва беш жигитга нисбатан баён этилган айблов хулосалари

пировардида терговчи Шигарев истисносиз уларнинг ҳар бири Ўз ССР ЖКнинг 77 моддаси, 1 қисмида кўзда тутилган (ўлим жазоси) жиноятни содир этган, деган қарорга келади.

1926 йил ноябрь ойининг охирларида Самарқандга қайтган Шигарев БСБ қамоқхонасида ётган маҳбусларни охирги марта сўроқ қилиб, уларга айблов қарорини эълон қилади. 22-ноябрь куни Икромқул қўрбошининг жигити Усмонбандда Алиев ўзига қўйилган айбларни тан олмаслигини айтади. Шу куни Қосим Шакаров, Саид Худойназаровлар ҳам Шигарев қанча дўқ-пўписа қилмасин, айбни бўйинга олмай, бармоқ босишдан бош тортадилар. Эртасига, 23-ноябрь куни Эшонқул Омонқулов билан Умар Солиҳовлар ҳам шу йўлни тутадилар, қўйилган айбни тан олмайдилар.

Қўрбоши Икромқул Муқимов терговчининг, «танишдим, деб имзо қўй» деб олдиға суриб қўйган қоғозини йиртиб отади, шу ерда ҳозир турган соқчилар унинг бошига кўндок билан уриб, ҳушдан кетказадилар. Ўзига келганда ҳам сўкиниб, айбдор эмаслигини бақариб айтади. Уни бир амаллаб тинчитиб, яна қазноққа қамаб ташлайдилар.

Айбланаётганлар хатти-ҳаракатидан анча мулойим тортиб қолган республика адлия халқ комиссарлиги ҳузуридаги ўта муҳим ишлар терговчиси Шигарев мулла Розик келтирилганда, ҳатто уни ўрнидан туриб кутиб олган бўлди. Таржимон орқали гапни ётиғи билан тушунтириб бўлганидан сўнг, мулла Розикқа таржимон воситасида, «шу қилинган жиноятларда ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?» деган саволни берди-да, кўзларини лўқ қилиб унга тикилиб турди.

Бир дақиқа ўтди, жавоб йўқ. Хонада сукунат ҳукм сура бошлади. Беш дақиқа ўтди, мулла Розик

миқ этмайди. Уни мажбурлашга, қўндоқ билан уришга ҳеч ким ботина олмади. Хуллас, савол жавобсиз қолди. Восмачиликда айбланган 7 маҳбусдан бирортаси ҳам қўйилган айбларга иқроор бўлмади.

Иш билан боғлиқ барча расмийчиликлар ниҳоясига етди. Республика олий судининг жиноий ишлар суд коллегияси мулла Розик Хўжандиев ва сафдошлари жиноий ишини 1926 йил 18-декабрда бўлган тақсимоат мажлисида кўриб чиқади. Мажлисга Чудаев раислик қилади, Шарофутдинов ва Трофимовлар аъзо, Локтев прокуратура номидан қатнашиб, «ишнинг олий судда кўрилишига тўғридан-тўғри дахли бўлмаганлиги сабаб, ЖПКнинг 442/1 моддасига асосан, Шигеревнинг айблов хулосасини тасдиқламаган ҳолда, ишни Қашқадарё вилоят судида кўриб чиқишга берилсин», деган қарорга келадилар.

Шу куннинг ўзидаёқ Самарқандда республика халқ комиссарлари совети ҳузуридаги Бош сиёсий бошқарманинг қамоқхонасида маҳбус бўлиб ётган мулла Абдурозиқ, Икромқул Муқимов ва уларнинг беш жигити тақдирини ҳал этиш Қашқадарё вилоят суди ихтиёрига ҳавола этилади. Қашқадарё вилоят судининг раиси Султонов Ўзбекистон ССР БСБ раиси номига йўллаган 5065-рақамли телефонограммада, «мулла Абдурозиқ Хўжандиев ва Икромқул Муқимовларни тезда этап билан Шаҳрисабз Ардомига (арестантский дом-қамоқхона – П.Р.) жўнатиб юборинг», дейди. Қолган беш маҳбус ҳам Шаҳрисабзга олиб келинади.

## ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

1927 йилнинг 9-январида Беҳбудий шаҳрини қалин қор қоплаб, кун бўйи туман кўтарилмади. Кўримсизгина мадрасада жойлашган вилоят суди хоналари совуқ, раис Султонов чакмонига ўралиб, тезроқ йиғилишни тугаллаш ҳаракатида эди. Муовини Иброҳимхўжаев мулла Абдурозиқ ва унинг сафдошлари иши ҳақида маъруза қилди. «Бунча эзма бўлмаса бу одам», – ичида ўйлади Султонов. Охири, сабри чидамади-да, «терговчи Шигарев ёзганларига нима дейсиз, тасдиқлаймизми ё...» деб коллегия аъзоси, қоғозга тикилган бўлиб, бошини қўйи солиб ўтирган Жувонмардиевга қаради. У раиснинг саволи ўзигами, ёинки, Иброҳимхўжаевгами аталганини пайқамагандай, виқор билан томоқ қирди. «Хўш, нима дейсизлар?» – раис энди иккисидан ҳам очиқчасига талаб қилишга ўтди.

Иброҳимхўжаев, олдида қаппайиб турган жиний ишни варақлай туриб, «Терговчи ишни пухта қилган, тасдиқласак бўлади», деди каловланиб. Жувонмардиев унинг фикрини илиб олди-да, «бу Шигарев дегани ўткир, кам-кўстини қолдирмаган», деди.

Шу тариқа Қашқадарё вилоят судининг тақсимот коллегияси 1927 йилнинг 9-январида мулла Розик ва сафдошлари жиний иши юзасидан терговчи Шигарев айблов хулосасини тасдиқлашга, ишни Китобда, вилоят судининг сайёр сессиясида кўриш қарорини қабул қилади.

Мулла Розик бошда очиқ кўнгил билан қилган, билган ишлари ҳақида сўзлаб, ҳукуматдан бунинг эвазига ҳаётини сақлаб қолса керак, деган андишага борган эди. Оқловчиси Евгений Обоницкийнинг терговнинг бирёқлама йўналиш тусини ол-



гани, холис гувоҳларнинг мутлақо чақирилмаганлиги ва сўралмаганлиги ҳақидаги ташвишли сўзлари уни ўйлантириб қўйди. Жовиз қишлоғининг ёқиб юборилишида ҳеч бир алоқаси йўқлигини, қишлоққа у чиқиб кетгандан кейин ўт қўйилганини қанча айтмасин, бунга қишлоқ фуқароларидан фалон кишилар гувоҳлик беради, улар ўша кеча ёнимда эди, демасин Шигарев бу важларни эшитмади ҳам, бовар қилмади ҳам. Шўронинг муддаоси аниқ эди. 24-25-йилларда таслим бўлиб, Советлар томонига ўтган босмачиларни афв этиш ҳақида фармон ҳам бекор қилинганди. Шунга биноан, Икромқул Муқимовга Ўз ССР ХКС ҳузуридаги Давлат Сиёсий бошқармаси томонидан 1926 йилнинг 2 августидан 606/94-рақами остида берилган гувоҳнома имтиёзи ҳам эътиборга олинмайди. Гувоҳнома босмачиликка қарши кураш комиссияси раиси Абдужабборов ва БСБ вакили Четвертаковлар томонидан имзоланган эди. Унда «Ушбу гувоҳнома босмачилар кўрбошичи Икромқул Муқимовга шу ҳақда берилдики, у 1926 йил 2 августда Совет ҳукумати шафқати учун таслим бўлди, ёпон андозасидаги бир милятиқ ва унинг 21 патронини топширди.

У ушланиш ва қамоққа олинишга тегишли эмас», деган кафолат қайд этилган эди.

Шундай мазмунга эга бўлган гувоҳномалар 1926 йил 9 августда 567-рақами билан Қосим Шакаровга, 2 августда Усмонбанди Алиевга ҳам 606/914-рақами билан Абдужабборов ва Четвертаковлар томонидан берилган эди. Бош эгиб келган, Советлар томонига ўтган собиқ жигитлар, кўрбошилар кечирилмаган. Авф мақомини берадиган гувоҳномалар 10-15 кун яроқли бўлган. Август ойининг охирида, қачонки, мулла Розик таслим бўлиб, қўлга олингандан кейин эркинликда

юрган Икромқул Муқимов ҳам, бошқа гувоҳнома берилган жигитлар ҳам қамоққа олинади. Шўро сўзининг устидан чиқадиган ҳукумат эмасди. Қамаб ташланган гувоҳнома эгалари, бир нафи тегар, инобатга олинар, деган мақсадда уни Шигаревга тақдим этганлар. Хайриятки, терговчи бу ҳужжатларни тамаки ўраб чекадиган қоғоз ўрнида фойдаланмай, ишга шунчаки тиркаб қўйган. Эндиликда бу гувоҳномалар гапи билан иши бир бўлмаган мустабид тузумнинг олчоқ қиёфасига кичик бир чизги бўлиб, архив тоқчаларида сақланиб келинаётир.

1927 йил январи охирлаб бораётган эди. Қашқадарё вилоят суди босмачилар ишини Китоб шаҳрида ўтадиган ўзининг сайёр сессиясида, ойнинг 28-куни кўриб чиқишни белгиллаган эди. Шу куни ҳаво совуқ бўлишига қарамай, туман клуби тирбанд, тик турганлар, ташқарида киролмай қолганлар кўп эди. Суд ҳайъати ўтирадиган саҳнада «Босмачиларга ўлим» деган шиор осифлик турарди. Соат 10<sup>00</sup>га яқинлашганда милиционерлар одамлар орасидан йўл очиб, 20 чоғли қизил аскарлар қуршовида 7 маҳбусни ичкарига олиб кирдилар.

Қашқадарё вилоят судининг раиси, босмачилар ишини кўриб чиқиш бўйича суд ҳайъати раиси Султонов мажлисни бошлади. Мулла Абдурозик Хўжандиев, Икромқул Муқимов ва уларнинг беш нафар сафдошлари жиноий иши юзасидан олиб борилган суд 28, 29, 30 ва 31 январь кунлари давом этди. Тўрт кунлик суд тафсилотларини баён этсак, кўп саҳифалар тўлган бўлур эди. Суднинг моҳияти, йўналиши, мақсади, нимага қаратилганлиги, холис ёки ноҳақлик билан олиб борилганлиги, фикримизча, икки ҳужжатда очиқ-ойдин намоён бўлади. Булардан бири босмачи-

лар иши юзасидан чиқазилган ҳукм, иккинчиси мулла Абдурозиқ ва у билан бирга қора курсига ўтқазилган кишиларни ҳимоя қилган адвокатнинг республика олий судига ёзган кассация шикоятидир.

1927 йилнинг 31-январида босмачилар жиноий иши юзасидан чиқазилган, араб алифбосида ночор ёзилган ҳукм матнини табида келтириб ўтамыз:

**«Ҳукм  
Ўзбекистон ижтимоий Шўролар  
жумҳурияти номидан**

Қашқадарё вилоят судининг сайёр ҳайъатини ўшал вилоятнинг Китоб шаҳрида, очиқ ва ошкора намуна суд мажлисида 1927 йилнинг 28,29,30 ва 31-нчи январь ойида Султон ўғли (Султонов – П.Р.) раислигинда навбатлик халқ заседатилари Бойдада Мансур ўғли ва Азиз Наби ўғилари аъзоликларинда ва маъдаи умумий (жамоатчи қораловчилар) Абдушукуров, Арустамов ва умумий қораловчи Раҳмон ўғли (Раҳмонов) иштирокларинда ва ҳамда Е.Обониский ва Собировлар мудофаларинда (ҳимоячилар, адвокатлар) ва Ишбўлатов котибликинда:

Абдурозиқ Хўжанди ўғли, 28 ёшлик, тожиклардин, Китоб райунини Жовиз қишлоқлик фуқароларидин, ижтимоий аҳволи – бойлардин, хат-саводи бор, 260 таноб ери бор, хотуни, бир боласи бор, фирқа ва сойузга («Қўшчилар» союзи) аъзо эмас, илгари суд ва терговга тушмаган, босмачиларнинг ичинда беш йилдин ортиқ, аввал қўрбоши, сўнг бек бўлиб юрган...»

Ҳукм шу алфозда бошқа гуноҳкорлар хусусида ҳам давом этади. Мулла Абдурозиқ ҳақида тўхтам-

га келинган қисмда, унинг Шўро ҳукуматига «чин кўнгиладан таслим бўлмаганлиги, у таслим бўлгандан бу ёқиға 9 дона наган-тўфонча ва беш дона беш отар милтиқ ва 180 донадин кўброқ ўқ тофилганлари маълум. Бинобарин, мулла Абдурозик ҳукумат тарафиға таслим бўлганда чин кўнгиладан кирмай, яна бир замонда яна қочмоқ ниятида кириб, ўзининг яроғ-аслаҳаларини бир ерларга бекитиб қўйиб ҳукумат тарафиға чин кўнгиладан кирмагани очуқдин-очуқ маълумдур», дейилади.

Суд тергов ҳулосасида қўйилган Ўз ССР ЖКнинг 77/1 моддасини тўрт маҳбусга нисбатан қўллашга ҳукм чиқзади. Шу моддага биноан, қўрбошилар –мулла Абдурозик Хўжандиев, Икромқул Муқимов, жигитлар – Усмонбанда Алиев, Қосим Шакаровлар отувга ҳукм этилади. Эшонқул Омонқулов, Саид Худойназаров ва Умар Солиҳовларнинг ҳар бирига 8 йилдан қамоқ жазоси тайинланади.

Суд қарорининг сўнгги жумласи, анъанавий тарздаги «ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ» жумласи билан хотима топади. Ҳа, бўлиб ўтган судда шикоятга ўрин қолдирилмаган эди. Буни мулла Розик ва унинг сафдошларини судда ҳимоя қилган адвокат Евгений Обоницкийнинг Республика олий судига ҳукм қилинганлар номидан берган кассация шикоятининг оқибатсиз қолдирилганлиги мисолида ҳам англаш мумкин бўлади.

Адвокат Евгений Обоницкий 1927 йилнинг 5 февралда олий судга йўлланган шикоят-аризада суд ҳукм чиқаришда йўл қўйилган хатоларни инобатга олишни сўрайди. Унинг қайд этишича:

« Суд жараёнида қораловчилар – вилоят прокурори, прокурор ёрдамчиси ва жамоатчи қораловчилар, жами 3 киши бўлгани ҳолда, оқловчи-

лар – адвокатлар Евгений Обоницкий ва Собировдан – 2 кишидан иборат эканлиги, жамоатчи оқловчининг ўзини касалман деб суд мажлисига келмаганлиги, бинобарин, айблов ва ҳимоя тузи-мида мувозанат бузилганлиги;

– Жиноий ишни кўриш мажлиси битта гувоҳ иштироки билан бошланганлиги, ҳолбуки, бошқа гувоҳлар иштироки таъминланмаганлиги, бу суд амалиётида мумкин эмаслиги. Айбланувчи мулла Розикнинг гувоҳлар тўлиқ келмагунча судни тўхта-тиб туришни сўраганлиги ва гапининг инобатга олинмаганлиги. **Судда қатнашган гувоҳларнинг асосан милиционер ва қизил аскарлардан, мулла Розикқа қарши курашган ва адовати бўлганлардан иборат қилиб танланганлиги, ҳолис гувоҳларни чақириш ҳақида мулла Розик талабининг қондирилмаганлиги, шун-дай қилинганда, ҳолис гувоҳлар Жовиз қиш-логининг кимлар томонидан ёндириб юборил-ганлиги ҳақиқий сабабларини очиб берган бўлар эди. Бундан ташқари, кейинчалик ми-лиционерлар томонидан мулла Розик Хўжандиев ва унинг қариндошлари уйларини ёқиб юбориш ҳолати ҳам айтилган бўлар эди.**

Қораловчи-прокурорларнинг гўё жиноят аниқ бўлганлиги сабабли бошқа гувоҳларни чақириб сўрамасликни таклиф этишлари ва буни суд ҳайъ-атининг маъқуллаганлиги. Ачинарли жойи шун-даки, суд ўз ҳукмини асослашда ана шу сўралма-ган гувоҳларнинг кўрсатмаларига таянган.

– Суд чиқарган ҳукмда, асосан Хўжандиев ва Муқимовга бошқалар қилган жиноятларни улар зиммасига тиркаб юборилади. **Масалан, Жовиз қишлоғига, мулла Розик ва унинг қариндош-уруғлари уйларига ўт қўйиб, ёқиб юбориш мулла Розик бўйнига қўйилади. Ҳолбуки, гу-**

**воҳдардан Одилов ва Султоновлар ўз кўрсатмаларида ёнги мулла Розик қишлоқдан қувиб чиқарилгандан кейин, қишлоқни милиционерлар ва қизил аскарлар эгаллагандан сўнг бошланганлигини эътироф этдилар, афсуски, бу ҳолат судда эътиборга олинмади.**

– Суд жараёнида маълум бўлдики, айбланаётганларнинг бир нечтаси ҳукумат тарафига ўтган, таслим бўлган. Бу ҳақда уларга даҳасизлик мандати-гувоҳномалар ҳам берилган, бу ҳолат ҳам назарга олинмади. Ҳеч бўлмаганда, шундай мандатга эга бўлган Қосим Шакаровга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши адолатдан эмас. Бунинг устига, сўралган гувоҳлар айбланувчиларнинг, биринчи, навбатда, мулла Розикнинг душманлари эдилар. Масалан, босмачиларга қарши курашувчи кўнгилли гуруҳнинг бошлиғи Рўзи Бойаҳматовни мулла Розик судда фош этиб, унинг босмачиларни милтиқ ва ўқ-патронлар билан таъминлаб турганлигини айтди. Бу далилга ҳам эътибор қаратилмади.

– Биз, ҳимоячилар яна шуни-**айбланувчиларга нисбатан бўлган ошкора тақдирлаш ва руҳан эзиш адолатдан бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаймиз. 4 кун давом этган суд жараёнида судланувчиларни қизил аскарлар ўраб турдилар, уларнинг милтиқлари отишга шай бўлиб, айбдорларга жуда яқиндан ўқталиб туришар эди. Масалан, Хўжандиев ва Муқимовга 2 тадан тўртта милтиқ тираб турилди, қолганлар ҳам милтиқлар ҳалқасида қолди.** Бу ҳилдаги руҳан таъсир этиш, турган гапки, ҳақиқатни очишга тўсқинлик қилмай қолмасди.

– Суд жараёнида айбланувчилар у ёки бу далилни рад этсалар, суд ҳайъати аъзолари уларни «**ногўғри гапирялсан**», деб жеркиб ташлар эди.

Энг ёмони, гувоҳлар ўз кўрсатмаларида айбланаётганлар фойдасига бирор гап, далил айтгудек бўлса, яна суд ҳайъати уларни бўғиб қўйиб, «но-тўғри айтаяпсан», деб пўписа қилдилар...

Адвокатнинг сўзларини ўқиб, бундан 80 йилдан зиёд вақт муқаддам рўй берган адолатсизликдан бутун вужуд жимирлаб кетади. Тасаввур қилиш мумкин: ҳукм ўқилганда отув жазоси тайинланганларгина эмас, залда ҳозир бўлган қариндош-уруғларнинг, инсофли кишиларнинг ҳам вужуди музлаб қолган. «Зўрники тегирмон юргизади», деб бежиз мақол тўқилмаганда.

Евгений Обоницкийга қойил қолмай бўлмади. «Босмачи» тавқи лаънати қўйилиб суд қилинаётганларни ҳимояга олиш, улар адвокати бўлиш ҳазилакам иш эмасди. Адлиявий нуқтаи назардан эмас, ўша даврда ҳукм сурган мафкура, сиёсат жиҳатидан шундай эди. Унинг ўрнида бўлган маҳаллий ҳимоячи бу юмушнинг уддасидан чиқолмаган, судда номигагина қатнашишдан нарига ўтолмаган бўларди. Евгений Обоницкий суд хаспўшлаб кетган бир ҳақиқатни-Жовиз қишлоғига ўтти милиционерлар ва қизил аскарлар қўйганлигини, барибир, олий судга юборилган расмий ҳужжатда айтишга ўзида журъат топа олган. Биз унинг қаламига мансуб шикоятдаги бошқа далилларни шарҳлаш фикридан узоқмиз. Ўқувчи ўзи баҳо берсин. Обоницкий, чамаси, айбланаётганларни тамомила оқлаш ақлга сифмайдиган ҳаракат бўлишини яхши англаган. У, ҳеч бўлмаганда, гуноҳни бўйинга олиб, таслим бўлиб, Советларга бош эгиб келган кишилар ҳаётини сақлаб қолиш адолатдан деб ҳисоблаган. Ваҳоланки, жамоатчи оқдовчи ўзини ўйлаб, судда қатнашишдан бош тортган. Оғримаган бошга сақич ёпиштиришни истамаган.

«Совет ҳокимиятини ағдарिश» учун йиллар давомида қуроли кураш олиб борган, неча ўнааб жангларда ҳам жон берган, ҳам жон олган қўрбошилар, жигитлар минг тавба қилмасин, авф этилмас эди. Мустабид тузумга қарши кураш, Совет ҳукумати кучайган сари, Шўро сиёсатдонлари қайд этганидек, ўзининг дастлабки мақсади ва тусини йўқота бошлаган эди. Айтилганидек, юрт озодлигини сақлаб қолиш учун 20-йиллар бошларида қўлга қуроол олган ватанпарварларнинг кейинги бўғини, ҳаётий манбалардан маҳрум этилгач, зўрлик, мажбурлаш, талаш воситасида ҳукм суришга мажбур этилади. Бу Шўро сиёсати кўрган тадбирлар ҳосиласи эди. Бу ҳолни мулла Розик ва унинг сафдошлари қишлоқларга, оқсоқолларга ёзган хатлар тадрижидан ҳам пайқаш мумкин. Улар солиқлар тўплашда «камбағаллардан олмаслик»ни белгилаб берадилар. Ноиложлик, йўқлик улардан зўрроқ эди, охир-оқибат, йиғимлар отиш, ўт қўйиш дағдағалари билан амалга оширилиши кўзда тутилдиган даражагача боради. Бу хатларнинг қайси бирида қўйилган талаб бажарилган ёки бажарилмаганлиги судда ўз жавобини топмаган. Ақалли улар ҳақида эслатилмаганлиги ҳам, хатлар ишламаганлигидан, оқсоқоллар томонидан ҳукуматга топширилганлигидан дарак беради.

Жовиздаги ёвузлик ким томонидан содир этилганлиги, адвокатнинг олий судга ёзган хати бўлмаганда, мулла Розик бўйнида тоабат қолиб кетар, авлодлар унинг номини лаънат билан тилга оларди. Мулла Розик билан тўқнашувда унга бас келолмаган қизил аскарлар ва милиционерлар босмачилар Жовиздан чиқиб кетгандан сўнг, унга ўт қўядилар. Ярим тунда юз берган бу воқеа, кутилганидек, мулла Розикқа тўнкалади. Уйсиз,



жойсиз қолган, ўлган ҳамқишлоқлар мулла Розик ва унинг қариндош-уруғларига нисбатан ёмон фикрга келади. Бундан фойдаланган милиционерлар қишлоқнинг иккинчи қисмига ҳам, мулла Розик ва авлодлари уйларига ҳам ўт қўядилар... Бундай қабиҳонак, бир ўқ билан икки қўённи отиш фақат Советларнинг қўлидан келарди.

### **ҲУКМ ИЖРОСИ**

Самарқанд шаҳрининг Фрунзе кўчасидаги рус услубида қурилган 2-уйда Республика олий суди жойлашган эди. Бу ерда иш бошдан ошиб ётарди. Ҳар куни вилоятлардан юзлаб тасдиққа юборилаётган ҳукмлар келар, улар ойлаб навбат кутиб, шкаф ва столларда қалашиб турарди.

Мулла Розик, Икромқул Муқимов, Усмонбанда Алиев ва Қосим Шакаровлар отувга ҳукм қилингандан бери қарийб бир ой ўтаётган эди. 1927 йилнинг 28 февралда Ўз ССР олий суди раисининг ўринбосари Чудаев Қашқадарё вилоят судига 727-рақамли қуйидаги алоқа хатини йўллайди:

«МХУХ»

«Отув ҳақида. Беҳбудий шаҳри. Вилоят судига.

Мулла Розик Хўжандиев, Икромқул Муқимов, Усмонбанда Алиев ва Қосим Шакаровларнинг 64-иши. Ҳукм ўз кучида қолдирилди. Ушбу эълон қилинган вақтдан 72 соат ўтиши билан ижрони амалга оширинг.

**Олий суд раиси ўринбосари Чудаев».**  
**1927 йил 28-феврал.**

Ҳукм остига олинганлар Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитасига ҳам авф сўраб мурожаат қилганлар. Олий суд Қашқадарё вилоят судининг мулла Розик ва унинг сафдошларига нис-

батан 1927 йилнинг 31 январида тайинлаган ўлим жазосини тасдиқлагандан уч кун ўтиб, 1927 йилнинг 3 мартда Қашқадарё вилоят судига (нусахаси Ўз ССР олий судига юборилган) телеграмма келади:

**«Отув ҳақида.**

**Қашқадарё вилоят судига**

77-модда 1-қисми билан шу йилнинг 31 январида олий жазога ҳукм қилинган Хўжандиев ва бошқаларнинг 64-иши юзасидан афв этиш ҳақида сўровнома тушганлиги сабабли, то махсус кўрсатма берилмагунга қадар ҳукм ижроси тўхтаиб туриласин. 3309.

**Ўз ССР МИҚ котиби Челогозов».**

**1927 йил 3-март.**

**Самарқанд.**

Республика Марказий ижроия қўмитаси мулла Розик ва сафдошларнинг афвномасини орадан 5 кун ўтиб қараб чиқади. Яна ўша Челогозов 1927 йил 8 мартда вилоят судига телеграмма юбориб, «ҳукм қилинган мулла Розик Хўжандиев, Икромқул Муқимов, Усмонбанда Алиев ва Қосим Шакаровлар (айрим ўринларда Шокиров деб ёзилган) афвномаси рад этилди», деган расмий хабарни беради.

Қашқадарё округ суди раиси Комилов (Султонов ўрнига келган) телеграмма олинган куннинг эртасига – 9 мартда Шаҳрисабз уезди, 5-мавзе судяси Бобожоновга қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатади:

**«Шаҳрисабз. Отув ҳақида.**

Маҳкумлар-мулла Розик Хўжандиев, Икромқул Муқимов, Усмонбанда Алиев, Қосим Шакаровлар

ҳукми ижро этилсин. Ўзбекистон МИҚ томонидан афвнома рад этилди».

Беҳбудий (Қарши)шаҳридан юборилган телеграммани 11<sup>00</sup>ларда олган суд раиси Мадмўмин Бобожоновнинг ғайрати жўш уриб кетди. Керакли жойлар билан боғланди, қўл остидагиларга зарур топшириқларни берди. Шаҳрисабз қамоқхонаси бошлиғи билан узоқ гаплашди. Ҳукм ижроси юзасидан яна уезд прокуратураси, уезд БСБ бўлими ва қизил армия 12-ўқчи қисм бошлиқлари билан фикрлашилиб, бир қарорга келдилар. Ҳайъат таркибига врач ҳам киритиладиган бўлди.

Қорангу тушиб, соат 18<sup>00</sup> бўлганда қамоқхона дарвозаси оҳиста очилди. Қуролланган милиция ва қизил аскарлар гуруҳи тўрт маҳбусни аравага солиб Шаҳрисабздан олиб чиқиб кетдилар. Ҳукм ижро этилди. Бу ҳақда акт тузилиб расмийлаштирилди:

#### **«АКТ**

#### **1927 йилнинг 9-марти куни, Шаҳрисабз шаҳри**

Бизлар, тубанда имзо чекувчилар:

1. 5-мавзе халқ судьяси Мадмўмин Бобожонов.
2. Шаҳрисабз тумани прокурорининг ёрдамчиси, котиб Қодир Саидов.
3. БСБ Қашқадарё вилоят бўлимининг Шаҳрисабз тумани бўйича вакили Константин Александрович Фукин.
4. Шаҳрисабз тумани соғлиқни сақлаш бўлими инспектори, врач Глайбо.
5. 12-Турк ўқчи полкининг взвод командири Прядколар, Қашқадарё округ судининг раиси Комиловнинг 1927 йил 9 мартдаги 675-сонли телеграф орқали берган топшириғига мувофиқ,

64-иш бўйича Ўз ССР олий судининг сайёр сессиясида: 1. мулла Розик Хўжандиев. 2 Икромқул Муқимов. 3. Усмонбанда Алиев. 4. Қосим Шакаровларга нисбатан тайинланган олий ижтимоий муҳофаза жазоси-отувнинг ижро этилиши ҳақида ушбу актни туздик.

Ҳукм 1927 йилнинг 9 мартада кеч соат 9<sup>00</sup> да ижро этилади. Отиб ўлдирилганлар ҳақиқатда Ўз ССР олий судининг (аслида вилоят суди - П.Р.) сайёр сессиясида ҳукм қилинган шахсларнинг ўзларидир. Мазкур акт шу ҳақда 3 нусхадан иборат қилиб тузилади.

**Бобожонов Мадмўмин**

**Сандов Қодир**

**Фукин Константин Александрович**

**Врач Глайбо**

**Взвод командири Прядко».**

Бу гап халқ мақолининг тескариси юз берди. Эгилаган бошларни қилч аёвсиз кесиб ташлади. Мустабид тузум ўрнатилиши, мустаҳкамланиши ва ривожга миниси йилларида миллий ўлкаларда ҳамма нарса тескарисига эврилаган эди. Фақат асрлар давомида айтиб келинган мақолгина эмас...

## ХОТИМА

Ватан мустақиллиги қадрини ҳеч нарса билан қиёс қилиб бўлмайди. Яқин кечмишда аждодларимиз юрт озодлиги учун ҳаловатдан, жондан кечганлар. Мустабид тузум довулдай босиб, шу оназаминда асрлар оша ҳамкору ҳамдам, оға-биродар, қўни-қўшни бўлиб яшаб келган ўзбекларнинг, тожикларнинг, хуллас, Ўзбекистон халқининг турмуш маромини издан чиқарди. Қизил салтанат ўрнатилишига қарши бир неча йиллар давомида қуроли кураш, халқ озодлик ҳаракати давом этди. Шу сабабли, советлар Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё воҳасида кўзлаган режаларини амалга оширишда катта тўсиқларга дуч келдилар, кўп йўқотишлар бердилар. Ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш каби ижтимоий-сиёсий тадбирлар амалга ошиши кечикди ва кўп йилларга чўзилиб кетди. Шўро ҳукумати, гарчанд, Шарқий Бухорода, Фарғона водийсида миллий озодлик кучларини мағлуб этган бўлса-да, Қашқадарё вилоятида Совет тузумини ағдариб ташлашни мақсад қилган ватанпарварлар кураши анча узоқ давом этган эди.

Мустабид тузум ўзига қарши партизанлик йўсинида кураш йўлига ўтган ватанпарварларни «босмачилар» деб таҳқирлади. Кичик-кичик гуруҳлардан иборат бўлган қасоскорлар, одатда, Шўро кучлари кутмаган жойда пайдо бўлар, қизил армия қисмларига, милиция сафларига зарбалар берарди.

Ватанпарвар кучларни бошқаришнинг аввал бошдан марказлаштириливи заиф бўлганлиги, қурол, ўқ-дори ва бошқа ҳаётий зарур таъминот манбаининг барқарор эмаслиги уларнинг сиёсий, жанговар ва маънавий таназзули бош сабабла-

рига айланади. Борган сари кучаяётган муста-  
бид тузумга қарши кураш олиб бориш ҳаққаси ой  
эмас, кун сари тораяди. Шўро тарғибот, ташви-  
қот сиёсатида жуда одинлаб кетади. Иқтисодий  
ночор аҳвол ҳукм сурган, молу мулклар тортиб  
олинган бир вазиятда тоғу тошларда, оғир дала  
шароитида қуролни қўлдан ташламаган кишилар-  
га ниҳоятда қийин бўлган. Ҳарбий ва иқтисодий  
тангликлар, кучлар етишмаслиги қўрбошиларни  
ўзаро ёвлаштириб қўйган омиллар бўлади. Эртан-  
ги куннинг мубҳамлиги уларнинг айримларини  
маънавий жиҳатдан тубанликка ҳам етаклайди.  
Муқаддас мақсад, мулла Розик айтганидек, уму-  
мий иш учун кураш унутилган ҳоллар юз бера бош-  
лайди, нафс тажовузи ғолиб келади. Буларни мус-  
табид тузумга қарши қуролли кураш, озодлик  
ҳаракатини олиб борган ватанпарварларнинг ке-  
йинги бўғинининг бир қисми ҳатти ҳаракатида  
мустансо қилиб бўлмайди. Гапнинг очигини айт-  
ганда, курашаётганларни босмачига айлантириш  
Шўронинг мафқуравий режаси асосида амалга  
оширилган эди. Бу ерда гап ҳамма вақт, ҳамма  
ерда ва ҳамма замонларда бўладиган ўғрилар,  
талончилар, каллакесарлар ҳақида бораётгани  
йўқ.

Қашқадарё вилоятининг шарқий тоғли ҳудуд-  
ларида советларга қарши кураш бошлангандан  
буён, бу минтақада қизилларнинг Китоб ва Шаҳ-  
рисабзда жойлашган 84-отлиқ гарнизонлари, 12-  
Туркистон ўқчи полки, Алоҳида отлиқ эскадрон  
ва Туркистон ўқчи дивизиялари, яъни, жуда кат-  
та ҳарбий куч «босмачилар» билан жанглар олиб  
боришга сафарбар этилган эди. Ватанпарварлар-  
га қарши курашга тағин туманларнинг милицио-  
нерлари, «Босмачиларга қарши курашувчи кўнгила-  
йлар» гуруҳлари ҳам жалб этилган эди.

Қизил аскарлар ва милиционерларнинг аҳолига нисбатан ўзбошимчалиги, зуғуми тез-тез рўй бериб турар эди. Қишлоқларда улар аҳоли ҳисобига номақбул ишларга қўл урар, маишат, ичкиликбозлик, бангилик қилар, хоҳишларини бажармаган кишиларни «босмачи ёхуд босмачиларга ёрдам берган» деб отиб юборишдан ҳам тоймас эдилар.

1925 йилнинг 1-2 июни кунларида Шаҳрисабзда совет қурилишига бағишланган Қашқадарё вилоят 1-конференцияси бўлиб ўтади. Конференцияда сўзга чиққан китоблик делегат Қурбонов таассуф билан шундай дейди:

«Ҳарбийлар билан муносабатимиз ёмон. Китобда қизил аскарлар жуда ҳадларидан ошиб, қабиҳ иш қилдилар. Деҳқонларнинг уйларини тинтув қилиш баҳонасида 40 кишини ҳибсга олиб, мол-ашёларини талаганлар. Бизнинг сўзимизга улар заррача эътибор бермайдилар, биз билан ҳисоблашмайдилар, ҳамма жойда бизларни таҳқирлайдилар». Бу сўзларга изоҳ ортиқча.

Қизил аскарлар ва милиционерларнинг бир гуруҳи қорадори истеъмол қилиб, номатлуб ишларга берилганда, қишлоқ одамлари қўрбошиларга хабар берганлар ва уларнинг 20 таси қўлга олиниб, жазоланганлиги мулла Розик ва унинг сафдошлари тергови жараёнида ҳам зикр этилганини кўрдик.

Мулла Розик ва унинг сафдошлари қиссаси архив ҳужжатлари асосида ёзилди. Тергов ва суд жараёни далолатномалари, бутун иш ҳужжатларда қандай бўлса, шу ҳолича, ўқувчиларга тақдим этилди. Кўпгина ҳужжатлар, қўрбошилар хатлари араб ёзувидан табдил этилди. Биринчи марта «босмачилар» ички дунёсига кириб борилди. Қишлоқ аҳлига, оқсоқолларга атаб битилган мак-

тублар уларнинг шахсини, фаолиятини, қолаверса, 20-йилларда вужудга келган тарихий вазиятни бир қадар ойдинлаштиради. Бу хатлар мазмун-моҳиятига кўра зиддиятли, шу жиҳати билан улар ўша мураккаб ва қалтис давр руҳини, кишилар кайфиятини ўзида ташийдди.

Муҳтарам ўқувчи, мустақиллик йўли силлиқ ва осон кечмаган, қурбонлар кўп бўлган, бу йўлни узайтирган сабаблар кўп бўлган. Мустабид тузумга қарши олиб борилган курашлар изсиз кетмади, пировард натижада, Ватанимиз озодликка эришди. Тасалли шундаки, боболаримиз мустабид тузум човут ёзиб келганда уни қўл қовуштириб қабул қилмаган, қизиллар пойига гуллар сочиб, поёндозлар солмаган. Ҳолбуки, кун кеча собиқ Шўро тарихларида айнан шундай талқин ҳукмрон эди.

Мустақиллик тарихини, яқин ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни, айниқса, ёшларимиз, ўсиб келаётган авлод теран билиши керак. Шўро даврида ёмонотлиқ қилинган аждодлар босиб ўтган йўл ва улар амалга оширган фаолиятнинг ибратли жиҳатларини қадрлаш, номларини поклаш ниҳоятда муҳим. Мустабид тузум фидойи инсонларга нима айблар қўймади, нималарни бўйинга олдирмади. Бундан мулла Розик ва унинг сафдошларига тақалган айбловлар ҳам мустасно эмас. Бу ишда гувоҳларнинг махсус танланганлиги, холисларнинг четда қолдирилганлиги, хуллас, фожиавий сценарий амал қилганини таъкидлаш шарт эмас. Жовиз қишлоғининг ёндирилиши бобида адвокат Е.Обоницкий ўртага қўйган фикрлар ўша вақтда ҳеч кимни қизиқтирмаган, мутасадди органлар томонидан мутлақо инобатга олинмаган. Энди бу ҳақда мушоҳада юритишга ўрин бор.


Мустақиллик тарихимизга қизиқувчилар эътиборидан, умид қиламизки, ушбу қиссада зикр



этиланган бирор далил, ҳужжат, тақдир четда қолмайди. Воқеа архивда сақланаётган ҳужжатларда қандай тадриж топган, ифода этиланган бўлса, уни шу ҳолда, аслига монанд талқин этишга интиладик. Кимнинг кимлиги ҳақида хулоса ва ҳукм чиқаришни муҳтарам ўқувчининг ўзига ҳавола этамиз.

2009 йил, февраль-март.

Қарши.



---

# ҚИЗИҚ ЖАҲОЛАТ

---

**«Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокани эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафжуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатагон қилинди. Минглаб мачитлар, юзлаб мадрасалар бузиб ташланди».**

*Ислом КАРИМОВ.*

## **ТАСОДИФСИЗ ТАСОДИФЛАР**

1993-1994 йилларда Косоннинг Райимсўфи қишлоғида ўтган таниқли инсон, хайр-саховат соҳиби, элпарвар Саиднаби қоравулбеги ҳақида ёзилажак қисса учун далиллар, хотиралар тўплаб юрган эдим. Шу йилларда илк марта Мукаррамхон исми шарифларини эшитишимга, у зотнинг ўтган аср бошларида Қашқа воҳасида обрўъ-эътиборли руҳонийлардан бўлганлиги ҳақида суҳбатлар тинглашимга тўғри келган эди. Райимсўфиликлар ҳикоя қилиб берган нақллардан айрим лавҳаларни 1994 йилда нашр этилган «Саиднаби қоравулбеги» қиссасига киритган эдим. Унда Мукаррамхон эшоннинг қишлоқ ва унинг элбегиси Саиднаби қоравулбеги тақдирида тутган ўрни қаламга олинган эди. Одамлар Мукаррамхоннинг

соҳиб каромат, билимли, фуқаропарвар киши бўлганигини, шу хислатлари сабаб, катта ҳурмат топганларини ҳикоя қилиб бергандилар. Райимсўфидаги қишлоқ қабристонининг вужудга келиши тарихини ҳам Мукаррамхон номи билан боғлар эдилар.

Саиднаби қоравулбегининг отаси Абдуганибой Мукаррамхон билан борди-келдили бўлиб, ораларида яхши муносабатлар қарор топган эди. Қоравулбегининг навжувон аёли вафот этганда, унинг ёнида бўлиб, далда берган Мукаррамхон бўлади. Эшон бобо йида бир марта Райимсўфи қишлоғига келар, қадрдонлари билан узоқ суҳбатлар қураб, элнинг корига Аллоҳ таолодан мададлар сўраб, назр-ниёзларнинг бир қисмини бева-бечораларга, етим-есирларга бўлиб берарди. Шундай ҳоллар ҳам бўлардики, Мукаррамхон Райимсўфи ва унга қўшни қишлоқларда бўлган пайтларида суннат ва уйлантириш тўйларига ҳам бош-қош бўларди. Мукаррамхон камбағал йигитга беш юзлаб моли бўлган чорвадорнинг бўй етган қизини сўраб борганда, бой ноилож қолиб, унинг райига қарши боролмасди. Тўй кўнгилдагидай ўтарди. Мукаррамхон манзилларга қадам қўйганда, қишлоқлар аҳли – бойлар ҳам, камбағаллар ҳам кулбасига кириб ўтишни сўраб навбат кутарди. Эшон бобо ҳеч кимнинг кўнганни қолдирмас, ҳар бир хонадонда иззатли меҳмон бўларди. Мукаррамхон келиб-кетгач гўё қишлоққа фаришта оралагандек, ишлар юришар, тумов-қағинлар кўтарилар, тўйлар кўпаярди. Одамлар ҳаётларида юз берган катта воқеаларнинг, болалар туғилган, йигитлар уйлانган кунларнинг санасини Мукаррамхоннинг келиб-кетиш ташрифидан ҳисоб қилардилар. Райимсўфи қабристонининг пайдо бўлиши тарихи ҳам шу жиҳатдан эътиборга молик.

Райимсўфи қишлоғи Қосондаги қадимий манзиллардан бири Пўлоти қасабаси таркибида пайдо бўлади. Қишлоқнинг аҳоли доимий яшайдиган жой бўлиб қолишига Райимсўфи исмлиқ киши сабабчи бўлган экан. Дастлаб бу ҳайҳотдай дашт ерларини яйлов қилиб келганлар қиш олдидан Пўлотига қайтганлар. Баҳор келиши билан яна шу яйловга кўчиб чиққанлар. Бирор киши ҳаётдан кўз юмадиган бўлса, майитни кийизга ўраб, туяга ортиб, Пўлоти қабристонига узоқ йўл босиб олиб борганлар. Бу майит учун ҳам, кўчиб чиққан одамлар учун ҳам жуда азиятли эди. Шу ўринда «Саиднаби қоравулбеги» қиссасидаги «Райимсўфи қабристони» бобидан парчалар келтириб ўтиш жоиз туюлади.

«Муқаррамхон эшон Қоравулбегининг тўйини ўтқариб, уйига қайтиш тадорикини кўриб турганда, унинг келгани дарагини эшитган Талоқтепа қишлоғининг кексалари келиб, уни иззат-икром қилиб ўзлари билан олиб кетдилар. Эшон шу кетишда бир ой қишлоқма-қишлоқ ўтиб, муридлариникида бўлди. Ниҳоят, сафар охирида йўли яна Райимсўфига тушди. Қоравулбегиникига қўнган Муқаррамхон бир сурув эчки-улоқ ола келганди. Муридлари назр қилган бошқа ашёлар ҳам ўн отга юк бўлганди. Эшон шу кеча ётиб, бомдодни ўқибоқ уйига қайтишни режа қилиб, эчки-улоғини ҳайдашиб боришга қоравулбегидан одам сўраб қўйганди.

Бомдодни биргалашиб ўқигандан сўнг, эшон Қоравулбегига қараб:

– Саиднабибой, отангизга одам юборинг, мунда келсинлар, – деди.

Абдуғани бойнинг уй-ҳовлиси қишлоқнинг кун чиқиш тарафида, бир чақиримлик йўлда эди. Оқшом Муқаррамхон «Бойни безовта қилманг,

мен барвақт қайтурман», деб уни айтдириб келишга ризолик бермаганди. Эшоннинг қарори ўзгарганидан таажжубланган Саиднаби унга:

– Хўп, бўлади, Пирим, ҳозир Шойимқулни жўна-таман, – деди.

Дастурхон ёзилиб, нонушта тайёр бўлгач, Абдуғани бой ҳам келиб, даврага қўшилди. Эшон билан бой обдон сўрашгач, таомга қўл урдилар. Дастурхон устида Мукаррамхон ўзининг жиддий бир гап қилмоқчи эканлигини бидирди.

– Қоравулбеги, сиз элнинг амирлик томонидан қўйилган каттаси бўласиз, – деди Мукаррамхон салмоқлаб, – қишлоғингизда тўй бўлади, маърака бўлади, лекин ўлим-йитимдан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Мен бугун тонг вақти уйга қайтмоқчи эдим. Бир туш кўриб, аҳдимдан кечдим. Қишлоғингизда катта бир тепалик бор экан. Шу тепада улуғ бир оқ тош ётибди. Ҳизр алайҳиссалом шу жойни райимсўфиликлар қўйинди қилишсин, деб ишорат қилдилар. Яқинда қишлоғингиздан ёшини яшаб, ошини ошаган бир киши дорулбақога йўл олади. Бошлаб унинг жасадини шу тепага дафн этасизлар.

Абдуғани бой олтишдан ошган бўлса-да, ҳали бақувват, билагида кучи кўп эди. Эшон бояги гапни айтаётганда, «йўқ, сиз эмас», дегандек ишора қилгач, рангига қон югуриб, қуловига гап кира бошлади. Саиднабининг ҳам кўнглидан «отаммикан?!» деган шубҳа кечганди. У ҳам хотиржам тортди.

– Шойимқулга айтинг, кексаларни жам қилсин, тепаликка чиқиб борамиз, – деди эшон Қоравулбегига, – қон чиқариб, маросим ўтказамиз.

– Пирим, ҳаммаси айтганингиздай бўлади, – деди тараддуланиб Саиднаби.

Эшон билан отасини қолдириб ташқарига чиққан Саиднаби «Эшоннинг тушида оят-ибрат бор:

Неча йилдан бери шу ерда истиқомат қиламиз-у, қабристонимиз йўқ. Биримиз Пўлотига, биримиз Бешқўтонга ўликни туяга ортиб уринтирамиз. Аёлимни шу ерга кўмганимда, қабри кўз олдимда бўларди», деб кўнглидан кечирди. Шойим болани чақирди-да, унга топшириқ берди. Учта қўй, бир ҳўкиз сўйиладиган бўлди. Қишлоқ хотинларини нон ёпишга чорлаб келдилар.

Қишлоқ аҳли Мукаррамхон эшон бошчилигида тепаликка қараб юрди. Тепага етиб келдилар-да, унинг чор атрофини айланиб кўздан кечирдилар. Бирон жойда тош борлиги белгиси кўринмасди. Эшон қибла саридан бир жойни кўрсатиб, «кавланг», деди. Икки чайир йигит Мукаррамхон айтиб турган оятни такрорлаб, қазिशга тушдилар. Уч-тўрт газлар чамаси кавлаб борилганда, дафъатан бел қаттиқ нарсага урилганлиги эшитилди.

– Тош чиқди, оқ тош, – деди ишлаб турган йигитлардан бири овоз қилиб.

Одамлар эшоннинг бу кароматидан ҳайратга тушиб қолган эди. Ҳеч ким чуқурга интилиб, уни кўришга ботинолмасди. Эшон ўрнидан кўзғолди-да, йигитларига яқинлашиб, «Тозалаб олиб чиқинглар» деб буюрди. Ёргучоқдан каттароқ оқ тошни олиб чиқдилар. Уни ювиб, оқ сурпга ўраб, дуойи фотиҳа ўқиб яна жойига қайтариб қўйдилар. Оқ тошнинг ёнига эшон доим бирга олиб юрадиган Қуръонни ҳам бирга қўшиб кўмдирди. Сўнг, у зот фотиҳа бердилар:

– Халойиқ, ушбу муқаддас китоб ва Хизр алай-ҳиссалом қўйган оқ тошли тепа бундан буён райимсўфиликларнинг охират жойи бўлиб қолади, омин!

Одамлар гувиллаб юзларига фотиҳа тортдилар. Эшон шу куни маъракани ўтказиб, эртасига тонг вақти жўнаб кетди.

Оқ тош чиққан Учтепа қабристон жойи қилиб белгиланган кундан роппа-роса қирқ кун ўтгандан сўнг, мункиллаб қолган, эшон айтганидай, ёшини яшаб, ошини ошаган Ёрқул карвон оламдан ўтади. Ёрқул карвон Саиднаби қоравулбегининг қайнотаси эди. Карвоннинг ўғиллари, набиралари, аввалига, майитимизни бу жойга кўмдирмаймиз, Пўлотига, ота-боболари ёнига олиб борамиз, деб тихирлик қиладилар. Саиднаби қоравулбеги уларга насиҳат қилиб, «Мукаррамхон эшон оқ тошни бу ерга ўзи кўмиб кетмагандир, худонинг иродаси билан шу ер қўйинди қилинаётир, карвоннинг қабри бизни шу дала-даштга тагин ҳам маҳкамроқ боғлайди», деганидан сўнг, улар ризолик беришади.

Бу воқеа 1918 йилда юз беради.<sup>1</sup>

«Саиднаби қоравулбеги» қиссаси нашр этилгандан кейин, орадан ўн йил ўтиб, ушбу рисола қайта ишлаш, мукаммаллаштириш нияти туғилди. Яна Косоннинг кўплаб қишлоқларида бўлишга, Райимсўфининг қария ва фозил кишилари билан кечмиш воқеаларини аниқлаштиришга оид суҳбатлар қуришга тўғри келди.

2004 йилда «Қоравулбеги қисмати» деган хотиранома асарни чиқаришга муваффақ бўлдим. Райимсўфи қишлоғининг зиёлиларидан бири Равшан Нарзиев қабристон ҳақида тарихни бир қадар тўлиқ тавсифлаб берди. Аслида, бу тарихни Райимсўфи қишлоғининг аксар кишилари – қариялар, фахрийлар, улардан эшитган 50-60 ёшдаги кишилар, фаҳм-фаросатли, қишлоғи ўтмиши билан қизиқадиган ёш-яланлар яхши била-

---

<sup>1</sup> Поён Равшанов. Саиднаби қоравулбеги. Қисса. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995, 22-24-бетлар.



ди. Равшан Нарзиевнинг ҳикоясида Мукаррамхон эшон билан боғлиқ айрим далиллар диққатга лойиқ бўлганлиги учун, унинг китобга киритилган нақлини ҳам зикр этиш лозим кўрилади:

«Райимсўфи қишлоғига асос солингандан кейин ҳам узоқ вақтлар бу жойда қабристон бўлмаган. Райимсўфининг ўзини ҳам Пўлотига дафн этганлар. Майит туяга ортилиб, Пўлотига олиб боришган, хоки хилу хешларига қўшилган. Ҳозирги пайтда қишлоқда катта майдонни эгаллаб турган мазорот ва унинг пайдо бўлиши ҳақида Равшан Нарзиев шундай ҳикоя қилади:

«Қашқа воҳамизда таниқли бўлган эшон Мукаррамхон (XIX асрнинг учинчи чорагида тавалауд топган) бир куни кўп халфалари билан истиқомат жойи бўлиши Косондан чиқиб, Чироқчининг Талоқтепа қишлоғига муридлар чорлови билан боради. Бир неча кундан кейин у киши бир сурув эчки-улоқ билан қайтиб, йўлида Райимсўфи қишлоғида, Саиднаби қоравулбеги уйида меҳмон бўлади. Тунаш олдидан мезбонга, «узримизни қабул қилгайсиз, сафаримиз қариди, эрталаб барвақт бизга жавоб бергайсиз», дейди. Қоравулбеги Мукаррамхоннинг сўзига амал қилиб, жуда барвақт нонушта ҳозирлатади. Бироқ меҳмоннинг кетишига ошиқмаётганлигини пайқаб, кўнгли ёришади-бу ориф зот билан суҳбат давом этишини у дилдан орзиқиб хоҳларди.

Мукаррамхон эшон Саиднаби қоравулбегига қараб, «фикримиз ўзгарганидан ажабланманг. Кўрган тушимиз азму қароримизга акс тушди. Тушдаги амрни вожиб билдик ва тайин этилган юмушни бажариб, сўнг Косонга қайтишни ихтиёр қилдик»-дейди. Эшон сўзида давом этиб, тушини шундай баён этади: «Тушимизда аён бўлдики, қишлоғингиз четида бир улуғ тепалик бор экан.

Шу тепаликнинг қибла тарафида анчайин катта бўлган бир оқ тош кўмилиб ётибди. Шу тош ётган жойни топсак, исми расмини бажо келтириб, уни бундан буён қишлоғингизнинг қўйинди макони сифатида белгили қилсак. Маросим ўтгунча мен ҳам шу ерда қоламан».

Қишлоғимиз қарияларининг гувоҳлик беришига қараганда Мукаррамхон билан Қоравулбегининг суҳбати 1918 йилнинг баҳорида бўлган. Наврўзнинг нари-берисида бўлган ана шу суҳбатдан кейин Қоравулбеги бутун қишлоқ аҳлини Учтепа сарига чорлайди. Қўйлар сўйилиб, катта қозонларда шўрва қайнайди. Қишлоқ қабристони ўрнини белгилаш катта маърака тусини олади. Мукаррамхон тепаликка келиб тушида зоҳир бўлган тош кўмилган жойни халфаларига кўрсатади. Одамлар нафасларини ичга ютиб, эшоннинг каромати қандай бўларкан, деб саросимага тушиб ўтирадилар. Ҳа, деганда тош чиқавермайди. Ниҳоят икки ярим-уч метр чамасидаги чуқурликдан оппоқ ялтироқ тош кўринади. Уч-тўрт халфа тошни бир амаллаб юқорига чиқазади. Мукаррамхон бу пайтда одамлар қур тикиб ўтирган жойда, улар орасида ўтирган бўлади. Саиднаби қоравулбеги билан унинг укаси Қодир иккаласи оқ тошни қўтариб, у кишининг олдига келтириб қўядилар. Қуръони карим тиловат қилинади, худди майитни дафн этгандек амаллар бажарилади. Оқ тош ковлаб олинган жойга муқаддас китоб ўраб-чирмаб қўйилади, сўнг оқ тош ҳам ўз ўрнига оҳишта туширилади. Мукаррамхон эшон шундан кейин дуойи фотиҳа қилиб, унинг савобини қишлоқдан ўтган марҳумлар руҳига бағишлайди. Райимсўфи қишлоғи назардан холи эмаслигини, бу жойнинг қут-баракасини Яратганнинг ўзи ато қилишини айтади. Оқ тош кўмилган тепалик удуғлар жойи

эканлигини, бундан буён майитни Пўлотига туяга юклаб овора бўлиш ҳожат эмаслигини, қабристон шу жой бўлажagini айтиб, элнинг ризолиги учун фотиҳага қўл очади. Қишлоқ одамлари гувиллаб «омин» дейдилар.

Мукаррамхон эшон томонидан тамал тоши қўйилган Райимсўфи қишлоғи мазоротига биринчи дафн этилган киши ёшини яшаб, ошини ошаб, иззат-икромда кетган Ёрқул карвон бўлади. Ёрқул карвоннинг фарзандлари бир сира, «қандай бўларкан?» деган андишага борадилар. Орага Саиднаби қоравулбеги тушади, Ёрқул карвон у кишининг қайнотаси эди. Рози-ризолик билан Ёрқул карвонни янги қабристонга дафн этадилар. Шушу, майит узоқ йўл босиб Пўлотига олиб борилмайдиган бўлади. Қабристон тириклар сифиниб турадиган муқаддас зиёратгоҳга айлана боради. Кўнглида азалий қишлоғига қайтиб кетиш фикри мудраб юрган баъзи кишилар ҳам энди яқинлари кўмилган жойга абадий боғланиб қоладилар. Қишлоқ эса кенгайгандан-кенгайиб боради.

Кўпни кўрган қарияларимиз Мукаррамхон эшонни «етишган пир» эдилар, деб таъриф қиладилар. У кишининг зурриётлари Косонда ҳамон яшаб келадилар. Набиралари Муҳаммадхон туманнинг имомхатиби, ҳаж зиёратини адо этган, элда ҳурматли киши. Шўро замони қарор топгач, Мукаррамхонга ҳам азият етмай қолмайди. У кишини ҳам олиб бориб қамайдилар. Эшикка қулф урганларида ҳар сафар у ўз-ўзидан очилиб кетаверган. Охир, урдасидан чиқолмай, у киши ётган хонани қулфламай қўядилар. Мукаррамхоннинг қамалиш воқеалари 1930 йилга қадар бўлган экан».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Поён Равшанов. Қоравулбеги қисмати. Хотиранома. –Т.: «Шарқ», 2004, 22-24-бетлар.

Шу тариқа, тасодиф деймизми, ёинки, тақозо, бундан 10-15 йил муқаддам биринчи бор Мукаррамхон эшон ҳақида эшитишимга тўғри келган эди. Иккала китобни ёзиш чоғида, бир нарсага амин бўлган эдимки, яхшилик, айниқса, у эл учун қилинган бўлса, одамлар хотирасидан ўчмас экан. Райимсўфиликлар Мукаррамхон ҳақида сўзлаганларида, худди тирик одам тўғрисида гапиргандек эҳтиром билан гапирардилар. Равшан Нарзиев, «Мукаррамхоннинг қамалиш воқеалари 1930 йилга қадар бўлган экан», деганда ҳам янглишмаган экан. Бунинг тўғри айтилганлигини яна бир тасодиф тасдиқлади. Бу учинчи тасодиф бўлиб, у юз бергунича, ундан олдин иккинчиси содир бўлган эди. Ҳозир ана шу иккинчи тасодиф ҳақида сўзлаб ўтай дегандим.

1996 йилда ҳаж зиёратига бориш ниятим айрим монеликлар туфайли амалга ошмаган эди. Ниҳоят, бу мақсад 2000 йилда ушаладиган бўлди. Сафар билан боғлиқ расмиятчиликлар кўп вақтни олган эди. Менга гуруҳ раҳбарлиги ишониб топширилгач, Тошкентга, тегишли мутасадди ташкилотларга бориб учрашишимга тўғри келган эди. Шундай ташрифлардан бирида косонлик яна бир ҳаж қилувчилар гуруҳи бошлиғи Муҳаммадхон билан ҳамсафар бўлдик. Ниҳоятда маданиятли, покдомон, илми бу йигит феъл-атворда мулоим, ҳавас қилса арзийдиган киши эди. Тезда яқин бўлиб кетдик. У кишининг Мукаррамхон эшон бобо набираси эканлигини билганимдан сўнг, ҳурматим яна ошди. 2000 йилнинг 3-24 март кунлари ҳаж сафарида бирга бўлдик, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварада доим бирга бўлиб, зиёрат амалларни адо этдик. Муҳаммадхоннинг араб тилини яхши билиши жуда қўл келган эди. Ёш бўлишига қарамай, Минода, ҳожидан



лар яшаб турган чодирларда жамоат бўлиб ўқиладиган намозларда Муҳаммадхонни имомликка ўтказар эдилар. Ҳолбуки, ҳожилар орасида илми зиёда, ёши улўғроқ кишилар кўп эди. Ҳаж шарофатидан Мукаррамхоннинг набираси Муҳаммадхон билан оға-ини, биродар сифатида иноқ бўлиб қолишим тасодиф эдими ёки тақдир тақозаосими? Бу хусусда то 2008 йилгача ўйлаб кўрмаган эдим. Ўйлашимга туртки берган учинчи тасодиф борасида сўзлаш навбати келди.

2008 йил баҳорида, ниҳоят, имконият топиб, кўпдан буён жиддий шуғулланишни орзу қилиб юрган им Қашқадарё вилоят Давлат архивида ишлаб бошладим. 29 апрель куни 29-жамғарма 1-рўйхатидаги ишларни кўздан кечиришга киришдим. 29-жиладда шўро давлатининг ашаддий жазо органи – Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) Қашқадарё вилоят бўлими тайёрлаган 49-жиноий иш жамланганлигига амин бўлдим. Ишни ўрганиш жараёнида яна Мукаррамхон исми шарифига дуч келиш насиб этди. Бу сафар эшон бобомиз советлар тазйиқига учраб, қамоққа олинган ҳолда кўз ўнгимда гавдаланди. 1928 йилнинг 19-сентябрида, 65 ёшида эшонлик ва табиблик фаолияти учун маҳкум этилган Мукаррамхон эшон бобо билан бу учрашув тасодиф бўлган эдими? Фалсафий мушоҳада этиладиган бўлса, сабабсиз оқибат бўлмайди. Райимсўфидан бошланган ибтидо, ниҳоят, вилоят Давлат архивида интиҳо топадиган бўлди. Мукаррамхон Аллоҳ инояти билан теран диний билим олган, илоҳият сирларини юксак даражада англаб етган, соҳиб каромат, ҳаққа етишган, мукаммал, покиза, хушаҳлоқ, содда инсон бўлган. Дами дуоси зўр, нафаси ўткир, табобатда эл ҳурмати ва ишончини қозонган. Қашқа воҳаси халқи, яқин қўни қўшнилари – Бу-

хоро ва бошқа элатлардан одамлар Мукаррамхондан нажот истаб келганлар. Тузалиши қийин бўлган ақлдан озиш хасталиги ҳам эшон бобо ўқишларидан ортга чекинган.

Мукаррамхон деҳқончилик, зироат билан шуғулланган. Ерларида ўзи меҳнат қилишни ёқтирган, ўрим маҳалида ўроқ қўлидан тушмаган. У зотнинг нозик таби бўлиб, ғазаллар ижод қилган. Қамоқ даврида ҳам дафтарлар тўлдирган.

Советлар 20-йиллар охирларида динга, унинг вакилларига оммавий қатағон сиёсатини қўллайди. Ислом дини ва унинг пешволари таъқиб ва тазйиққа дучор этилади. «Аксилинқилобчилар»ни, ватан озодлиги учун курашган марди майдонларни 26-йил охирларида мағлуб этган шўролар, энди ўзининг асосий душманини руҳонийлар деб билади. Динга нисбатан бошланган қирғин 1929 йилнинг 8 апрелида «қонунийлаштирилади», СССР Конституциясининг 13-моддасига ўзгартиш киритилиб, давлатнинг дин устидан ҳукмронлиги чекланмайдиган қилиб қўйилади. Масжидлар, черковлар буздирилади, дин аҳли, руҳонийлар, уларнинг оила аъзолари фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ўша иқтисодий офир кечган йилларда фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар озиқ-овқат карточкаларидан, тиббий ёрдамдан фойдалана олмас, коммунал уй-жойлар уларга берилмас, фарзандлари мактаб ва олий ўқув юртига қабул қилинмас эди.

Мукаррамхон Беҳбудий шаҳрининг Ҳарамжўй маҳалласидаги «Хожа Аҳрор» масжидининг қарийб қирқ йиллик имом хатиби бўлган. 49-жиной иш бўйича гувоҳга ўтган кишилар БСБ айтган, ўргатган гапларни такрорлашдан ташқари, бир ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлганлар. Улар Мукаррамхонинг Қашқа воҳасидаги таниқли,

обрўъ-эътиборли, ҳурматли эшон бўлганлигини, илми воситасида қанчадан-қанча беморларни даволаганлигини, ақлдан озганларни тузатганлигини тан олганлар, у зотнинг ана шу фазилатларига, истисносиз, ҳаммалари иқрорлик келтирганлар.

49-жиной ишда Беҳбудий шаҳридаги «Одина» масжидининг имоми Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли ҳақида ҳам гап боради. Уларнинг иккаласи ҳам бир вақтда – 1928 йилнинг 19 сентябрида қамоққа олинган, бир кунда суд қилиниб, ҳукм этилган. Ҳар иккаласи ҳам намли, ўз соҳасининг етук кишилари бўлган. Совет жазо органлари уларни айнан шу жиҳатлари – билимли бўлганлиги, илми асосида фуқаро аҳдини даволаганлиги учун айбдор қилган, қамаган, жазо берган...

Учинчи тасодиф каминани яна Мукаррамхон ҳузурига бошлади. 49-жиной иш билан, эшон бобога кўйилган айблар билан танишар эканман, у зот билан олдинги-кейинги боғланувларим тасодиф эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Мукаррамхон тақдирида у зотга замондош бўлган юзлаб, минглаб руҳонийларнинг, мулло ва фозил кишиларнинг қисмати жам бўлганлигини англаб етдим. Мукаррамхон руҳи безовта эди, токи, ноҳақ қамалган, отилган, бадарға этилган эшонлар, муллолар – бир сўз билан айтилса, намли, зиёли кишилар ҳақидаги ҳақиқат юзага чиқмас, авлодлар уларнинг кимлигини билмас экан, шаҳидлар қабрда тинч ётолмас эди. Косон ва унинг қишлоқларида, айниқса, Мукаррамхон қадами ва фойдаси теккан мавзеларда бўлганлигим, эҳтимол, эшон бобонинг шу жойларда кезиб юрган руҳининг каминага шу изланишлар, тадқиқотларга йўл очгандир. Зикр этилган уч тасодиф, шукрки, охири

хайрли бўлди. «Одина» масжиди имоми ҳақида китоб<sup>1</sup> нашр этишга муваффақ бўлган эдик. Энди эса Мукаррамхон эшон Бузрукхон ўғиллари ҳақидаги рисоламиз ҳам ўқувчилар қўлига етиб боради, деган яхши ниятдамиз.

Ҳали ислом дини вужудга келмай, арабларда жоҳилият ҳукм сурган. Жаҳолат ақидасига кўра, жоҳилият замонларида араблар оилада қиз туғилса, ўлдириб юборганлар. Худди шундай, шўролар ҳокимиятни қўлга олгач, қизил жаҳолат ҳукм сура бошлади. Қизил жаҳолат ибтидоий араблардан фарқли ўлароқ, онгли равишда илм аҳлини – маънавиятни ўлдиришга зўр берди. Бу қатағонда эшонлар, муллолар ва руҳонийлар олдинги ўринда турар эди. Мукаррамхонлар, Ҳамиддинхонлар ана шу қизил жаҳолатнинг қурбонлари бўлган эди. Кўр-кўрона қилинган иш жаҳолатдир, лекин режа билан, узоқни кўзлаб амалга оширилган ялпи қаттоликни жаҳолатдан мудҳишроқ, дейиш жоиздир.

... Замонлар кечди. Ватанимиз Мустақил бўлди, қадриятлар тикланди. Аждодлар, ота-боболар номлари покланди. Косон шаҳрининг шарқий саридаги улкан тепалигида кўркам бир масжид тикланди. Масжиднинг имом хатиби Мукаррамхон эшон бобонинг набираси, ҳожи Муҳаммадхон бўладилар. Ватан мустақиллиги шўронинг қизил жаҳолат қонлари бўяган ва кўмиб ташлаган дарёлар ўзанларини очиб юборди, оққан дарёлар яна тўлиб оқа бошлади...

Бир умр элига хизмат қилган, имини, кучини, ҳимматини ундан аямаган, кексайганида +

<sup>1</sup> Қаранг: Гулора Равшанова, Поён Равшанов. Мозий сабоги. -Т.: «Янги аср авлоди», 2009, 77-117-бетлар.



65 ёшида шўро қатағонига дучор этилган Мукаррамхон қиссасини бошлаш мавриди етди.

### **БУХОРОДАН КЕЛГАН БЕМОР**

1926 йил Бош сиёсий бошқарманинг ҳамма тармоқлари, жумладан, унинг Қашқадарё бўлими учун ҳам катта ов мавсуми бўлган эди. Баҳор ойларида тузум душманлари деб ҳисобланган аксилинқилобчиларнинг<sup>1</sup> тирик қолганлари ёппасига қамоққа олинади. Бу мавсум Қарши ва Шаҳрисабзда деярли бир вақтда амалга оширилади. 20-йилда советларга қарши қуролли исённи ташкил этишда, «босмачи» гуруҳларини тузиш ва уларга ёрдам беришда айбланган юзлаб кишилар март, апрел, май ойлари давомида қўлга олинади. Бунда, асосан, амирлик давридаги собиқ амалдорлар (шўро хизматига кирганлигидан қатъий назар), бойлар ва руҳонийлар тазйиқ остига олинган эди. БСБ (ГПУ) 26-йилда бошлаган ов, мавсумий бўлмай, мунтазам тус ола боради.

Вилоятда «босмачилик»ка хотима бериб, нафасни ростлаган советлар энди бор кучини руҳонийлар, имом хатиблар, эшон ва муллаларни орадан кўтаришга қаратади. Айниқса, 1928-29-йиллар Қашқадарё шаҳар ва қишлоқларида жуда оғир кечади. Шўро ўз манфаатини кўзлаб амалга ошира бошлаган ислоҳотлар аҳолининг азалий турмуш маромига жуда катта путур етказди. Ерсув ислоҳоти — қулоқлаштириш, жамоалаштириш катта куч ва зўравонлик остида амалга оширила боради. Ислоҳот синфий андоза асосида ўткази-

<sup>1</sup> Аксилинқилобчилар – инқилоб қилганларга – мавжуд тузумни ағдариб, совет ҳокимиятини ўрнатувчиларга қарши курашганлар.

лади. Ўзини йўқсиллар ҳукумати деб бонг урган советлар мамлакатдаги қашшоқликни тугатишнинг энг осон, аслида, ғайринсоний, энг даҳшатли йўлини танлайди. Бу, бир қарашда, жуда оддий ечимдек туюлар эди. Бойларнинг ер-сувларини, молу мулкларини камбағал ерсизларга бўлиб бериш ҳамма замонда, ҳамма тузумларда биринчи галдаги ҳаётий зарурат бўлган муаммони осонликча, бир зарб билан ҳал қилишнинг советлар ўйлаб топган усули эди. Йўқсиллар синфини ер-сув билан таъминлаш, айни вақтда, асрлар давомида ақли, меҳнати билан ундан фойдаланиб келган мулкдорлар табақасини қашшоқлаштириш, йўқ қилиш дегани эди. Бир миллатни иккига бўлиш сиёсати ҳеч бир соҳада, на сиёсатда, на ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ва на маданиятда ўзини оқлашга қодир эмасди.

Қисқа фурсатда Қашқа воҳасида 989 хўжалик синф сифатида тугатилади. Барҳам топган, йўқ қилинган хўжаликларнинг 339 таси бойларга, 195 таси собиқ амир амалдорларига, 174 таси дин аҳлига – имом хатиблар, эшонлар, муллаларга, 53 таси савдогарларга ва бошқаларга тааллуқли эди. Бу ҳисобни жуда ҳам аниқ деб бўлмайди. Советлар тузумга ёт деб билган (уларни «ёт унсур» деб аташ урфга кирган эди) табақадан шу йиллари 12556 таноб суғориладиган, 5290 таноб лаамикор ерларни, 1001 та от, 1194 мол, 274 та туяни тотиб олади. Мусодара этилган ерлар миқдори ой ва йил сари ортиб боради. 1929 йил баҳорида бу кўрсаткич суғориладиган ерлар ҳисобига 17996 танобдан, лаамикорликда 7315 танобдан ошиб кетади. «Юқори» табақадан тортиб олинган ер-сув, мол-ҳол 7239 камбағал хўжаликка – «қуйи табақа»га бўлиб берилади. Инсоф юзасидан айтиладиган бўлса, бу азалий муаммонинг ақлона ечими эмас-

ди. Калта кўрпа бошга тортилса оёқ, оёққа тортилса, бош очиқ қолганидай бир гап эди бу. Советлар яратиш, бунёдкорликка эмас, сопини ўзидан чиқаришга, сопи ўзидан чиқарилган болта билан улкан вужуднинг бир қисмини чопиб ташлашга ружу қилган эди. Бундайин қабиҳ сиёсат миллат ичида гулувни кўзгаб, ўзаро битмас-туганмас адоват эшикларини ланг очиб юборган восита бўлди. Шу йилларда қишлоқлардан хайр-баракка, тотувлик кўтарилиб, улар ўрнини очарчилик, қаҳатчилик, бир-бирини чақув, узунқулоқлик, ҳасад, бўҳтон, ўзаро душманлик иллатлари эгаллай бошлайди.

Беҳбудий (Қарши) шаҳрининг шимолий қутбида Харамжўй маҳалласи жойлашган эди. Маҳалла аҳли косиб ва деҳқон, фозил ва фузало, имонли ва эътиқодли, меҳнаткаш одамлар эди. Айтишларича, бир пайтлар Хожа Аҳрор валий Қаршига келганларида шаҳарнинг шу сарҳадларида бўлиб, бу жойларни обод қилишга саъй қилган эканлар. Ариқ чиқазилиши, масжид ва мадраса қурилиши, шу тариқа, XV асрга бориб тақалар экан. Кўп ўтмай шаҳарнинг бу қисми обод бўлиб, аҳоли билан гавжумлашади, қурилган масжид Хожа Аҳрор валий номи билан атала бошлайди. Маҳалла эса Қашқадарёдан сув оладиган, қақраб ётган ерларга оби ҳаёт бахшида этадиган ариқ номи билан «Харамжўй» деб номланади. Хожа Аҳрор масжиди Қарши шаҳридаги юздан ортиқ масжидлар орасида, «Одина» масжидидан кейин қурилган саждагоҳ бўлиб, доимо катта мавқе тутиб келган. «Кўкгумбаз» масжиди бунёд этилгач, шаҳарда Одина, Хожа Аҳрор ва Кўкгумбаз мажмуалари энг оммавий масжидлар саналган. Хожа Аҳрор масжидининг имом хатиблиги, зикр этилган икки масжид қаторида, Бухородан бериладиган фатво

билан машҳур насабли эшонларга насиб этилган. ХХ асрнинг бошларида, ҳокимиятни шўролар эгаллаган йилларда ҳам Ҳарамжўй маҳалласидаги Хожа Аҳрор масжидининг имом хатиби, олтмиш беш ёшли муҳтарам эшон Мукаррамхон Бузрукхон ўғли эди.

Эшон бобонинг обрў-эътибори илми билан эди. У зотни Қашқа воҳасигина эмас, Бухоро эли халқи ҳам яхши биларди ва ҳурмат қиларди. Покдомон, дами-дуоси ижобатли, кароматдан холи бўлмаган Мукаррамхоннинг ота-боболари ҳам вақтида таниқли эшонлар сифатида шуҳрат тутган эдилар. Мукаррамхон авлоди Косонда мақомат тутган, у зот ҳам шу мавзеда туғилган эди. Авлод-аждодлари шажараси Маҳдуми Аъзамга бориб туташар, келиб чиқишлари Самарқанднинг Даҳбеди билан боғланарди. Хожа Аҳрор масжидининг имоми оламдан қайтгач, имом хатибликка муносиб кишини танлайдилар. Орадан бирикки ой ўтиб, шаҳар ҳокимининг майли Мукаррамхонга тушади. Суҳбатлар, сипоришлардан кейин Мукаррамхон Ҳарамжўйга кўчиб келади ва Хожа Аҳрор валий масжидида имом хатиблик қила бошлайди. Орадан кўп йиллар ўтади. Эшон бобонинг илмидан кўп одам баҳраманд бўлади, ҳаётда йўлини топади. Таҳсил олган шогирдлар ҳурматини жойига қўяди, тўйлар, маърака ва маросимлар Эшон бобонинг фотиҳасисиз, иштирокисиз ўтмайди. Зарурат бўлганда, Мукаррамхон кеча демай, кундуз демай нажот талаб оилаларга боришни қанда қилмас, дуо ўқиб, дам солиб қўйгани беморлар соғайиб кетганда беҳад мамнун бўларди. У зотга Аллоҳ илоҳий билимдан берганича берган эди. Занжирда турмайдиган жиннилар у зотнинг шарпасидан сукунатга чўмар, муолажаларидан соғайиб, бола-чақаси олдига қай-

тар эди. Кундалик майда касалликлар Мукаррамхон нафасидан тамомила қайтиб кетар, Эшон бога ихлос қилганлар у кишининг илмини таъриф қилишдан толмас эдилар. Эшон бобонинг уйи ҳамда масжидидан одам оёғи узилмасди. Дардман кўп эди. Кексайиб қолганига қарамай, Мукаррамхон улар ҳожатини раво этишга интиларди. Мукаррамхон сабаб, шу йиллари Ҳарамжўни олис ва яқин теварак-атроф яхши билар эди. Кунлар шундай ўтиб борарди.

1920 йилнинг кузида кўтарилган довул – шўро деган зўравоннинг келиши Қарши ва унинг маҳаллаларини остин-устин қилиб юборади. Шаҳарда бўлиб ўтган қирпичоқ жанглар самара бермайди, советлар ҳокимиятга келади. Ваҳималар тарқалади, мадрасалар ёпилиб, масжидлар бузиб ташланармиш деб. Бундай қилишга шу йиллари қизилларнинг имкони бўлмаган. Эр йигитлар чиқиб, шўрога қарши кураш бошлайди, зўравонларнинг ҳам пайтавасига қурт тушади, қарши туришлар уларга талафот етказиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Бир амал қилиб, қизиллар мухолифларни орадан кўтаради, нафасини ростлайди. Шунга ҳам етти-саккиз йил бўлиб қолибди. Энди эса шўро ҳукмрон, унинг айтгани айтган. Масжидларга ҳам одамлар кам кела бошлаётир. Ҳамма қўрқувда, эртага нима бўлишини ёлғиз Аллоҳ билади. Беморларни ўқиш, дам солиш билан тузатиш тақиқ остига олинган эмиш. Бу хурофот, сарқит эмиш... Мукаррамхон қавмлар хуфтон намозини тугаллаб, уй-уйларига тарқалиб кетгач, меҳроб ёнида шуларни ўйлаб узоқ ўтириб қолди.

Бир пайт муаззин томоқ қириб, эшикдан кириб келди ва:

— Ҳазрати хоҷам, Бухородан киши келибдур, сизни йўқлаётир, – деди.

Мукаррамхон, «хўп, ҳозир чиқаман», деди-да, ўрнидан қўзғалди. Йўловчилар уч отлиқ эди. Улардан ёши улугроғи салом-алик, кўришувдан сўнг таъзим бажо қилиб, Эшон бобога бир мактуб узатди. Бу хат Камолбойдан эди. Мукаррамхон бухоролик таниқли савдогар Камолбой Носирбой ўғлини яхши билар эди. Талабалик йилларида у билан танишган, борди-келдилари давом этиб келарди. Шундай киши унга мактуб йўллаб, узрини айтиб, «хаста бўлмаганимда, ҳузурингизга ўзим бориб, тавофингизни қилиш бахтига муяссар бўлур эрдим, ноиложликдан амакизодам Баҳрибойни юбораётурман, чораким, суйикли иним Ҳамиджон бир дардга чалинди, ўзингиз дафъини қилурсиз, деб ўтинадурман...», дебди. Йўқ деб бўладими?!

Баҳрибой дегани, «Эшон бобо, аравамиз сал хаёллаб етиб келади. Камолбой қардошингизнинг укалари Ҳамиджон аравада...» – деди хижиллик билан. Мукаррамхон бухоролик меҳмонларни масжид ҳовлисидаги ҳужрасига олиб кирди, дастурхон ёзилиб, чой ичилди. Меҳмонлар йўлда толиққан эдилар. Гап ҳам қовушавермади. Эшон бобонинг ҳарна дарди ичида эди. «Замон ўзгариб, кофирликка дўнди, – ўйларди Мукаррамхон, – динни беобрў қилиш бошланаётир, касални ўқима, девонани даволама, бўлмаса, қамайман, молу мулкингни мусодара қиламан, деган зуғумлар кўпайди. Бу ишлардан қўлимни тортдим. Одамлар келаётир, рад жавобимни олиб, норози бўлиб, йиғлаб-сиқтаб қайтиб кетаётир. Камолбой укасини юборибди, нима қилсам бўлади. Даволашимни билади. Йўқ, деб қайтариб жўнатсам, эски қадрдоним нима дейди. Туз ейишганмиз, мадраса туп:

роғини бирга ялаганмиз. У таҳсилни чала қилиб, савдога кирди, бойиди, танилди. Одамгарчиликни унутибди бу эшон, демайдими...».

Шўрва сузилиб, товоқдаги тўғралган гўшт тано-вул қилиб бўлинганди, бемор боғлаб олиб келинган арава масжид эшиги ёнида тўхтади. Ёшани аниқлаш қийин бўлган, озиб-тўзиб кетган киши бақириб-чақирар, болохонадор қилиб сўкинади, уст-бошини тишлаб юлқинади эди. Ҳаммалари чиқиб келдилар. Мукаррамхон эшон аравага яқин келиб, ақдан озган одам рўпарасида тўхтади. «Ҳай-ҳай, Ҳамиджон, хуш келибсиз, – деди мулойим овозда, – қани бир марҳамат қилиб, аравадан тушинг-чи». У зотнинг имоси билан оёқ-қўлидан кишанни ечдилар. Ҳамиджон дегани ювош тортиб, итоатгўйлик билан Мукаррамхон кўрсатган томонга юрди. Уни хос хужрага киритиб, ўзига шикаст етказмаслиги чораларини кўриб, хотиржам бўлдилар. Эртасига бомдод намозидан кейин меҳмонлар Бухорога қайтиб кетдилар.

### АГЕНТ ҚУЛОҚ ҚОҚАДИ

Анча вақтдан бери Ҳарамжўйда, Хўжа Аҳроп масжидида Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) Қашқадарё вилоят бўлими хуфяси изғиб юрарди. Эшон бобонинг ройига қараб, вазиятни ҳисобга олган аҳоли кўпдан бери у кишини безовта қилмас, жуда ночорлари одам оёғи тинган тонгда ёки тунда келиб, дами дуоларини олиб кетардилар. Узунқулоқлар бундан хабар топиб-топмай, доғда қолиб келарди. Бухородан девона боғланган арава келади-ю, одамлар, хусусан, айғоқчи бундан беҳабар қолармиди?!

1928 йилнинг 19 сентябри эди. Ҳамиджон ўтган кунлар давомида руҳоний муолажалар таъсири-

да ўзига келиб қолган бўлса-да, дард тамомила фориг бўлмаган, вақти-вақти билан жунбишга келар, бедаво хасталик кун санарди. Кун кеча у жуда қуюшқондан чиқди, ўзини тишлаб, қонатмаган жойи қолмади. Охири уни ҳужрага қамаб, кишанлаб қўйишга мажбур бўлдилар. Айғоқчига худди шундай ҳолат керак эди. У гизилаб БСБ идорасига борди-да, «кишанланди», деди. Шу сўз етарли, ҳаммаси пишган эди. БСБ вилоят бўлими ходими Романов номига шоша-пиша 83-рақамли қамаш ва тинтув қилиш ҳақидаги рухсатнома ёзилди.

**83-ордер**

**1928 йил 19 сентябр.**

**Ўзбекистон Бош сиёсий бошқармаси**

**Қашқадарё вилоят бўлими**

**БСБ вилоят бўлими ходими**

**ўртоқ Романовга**

*Беҳбудий шахри, Ҳарамжўй маҳалласида яшовчи фуқаро Мукаррамхон эшон Бузрукхоновни қамоққа олиш ва уй-жойини тинтув қилишни амалга ошириш учун берилди.*

**БСБ вилоят бўлими шўъба**

**бошлиғи:**

**ИМЗО.**

**Махфий бўлим бошлиғи:**

**ИМЗО».<sup>1</sup>**

Мукаррамхонни ҳибсга олиш, уй, ҳовли-жойларида тинтув ўтказиш ижозатини олган Романов тезликда зиммасига юкланган масъулиятни адо этишга киришади. Одатда, қамаш, тинтув-

---

<sup>1</sup> Қашқадарё вилоят Давлат архиви (ҚВДА), 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 1-бет.



лар туннинг ярмида амалга оширилар, бундан ишни «ими-жимиди бажариш» кўзда тутиларди. Романов бир тўда милтиқли кишилар билан Мукаррамхон уйини ўраб, ёнига холислардан Содиқхўжа Саидхонов, Шариф Камолбоев ва Сайфи Муфтуллаевларни олиб, эшикдан кириб келганида, тунги соат иккидан ошган бўлса-да, эшон бобо ухламаган, ибодат билан машғул эди.

Мукаррамхон бироздан кейин ибодатни тугаллади-да, уларни кутиб тургандай бамалийхотир, «сал кечикдинглар», деди. Ҳақиқатда, қамоққа олиш ва тинтув тадбири кечки ўн иккига белгиланган бўлиб, қизил аскарлар бўлинмаси икки соатга ушланиб қолган эди. Романов-ку, Мукаррамхоннинг гапини англамади, лекин ёнидаги Эшон бобони биладиганларнинг бу сўздан қапагаги учди.

Эшон бобонинг уйи масжид яқинида эди. Одмигина уйдан бир неча китоб, ёзишмалар, хатлардан бўлак қўлга илинадиган нарса чиқмайди. Улар масжидга, ақддан озган Ҳамиджон Носирбоев кишанлаб боғлаб қўйилган ҳужрага қараб юрадилар. Бошқа ҳужраларга бурилиб ҳам қарамайдилар. Бу ҳужрада жонли ашъвий далил – занжирда боғланган девона ётар эди. Шунинг ўзи кифоя эди. Романов тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди-да, холисларга бармоқ бостириб, Мукаррамхонни қамоққа олиб кетди. Ҳозир бўлганларнинг бирортаси «бу киши қари одам кечаси, қоранғида юриши қийин, уловда олиб кетинг», дея олмади...

Орадан тўрт кун ўтгач, 23 сентябрда БСВ вилоят бўлими талаби билан Беҳбудий шаҳар амбулаторияси дўхтурлари Андреев билан Штехин бемор Ҳамиджон Носирбоевнинг соғлигини текшириб кўрадилар. Дўхтурлар хастанинг марказий

асаб тизими ривожланиб бораётган фалажга дучор бўлганини, кўзлари ёруғликни сезмай қўйганини ташхис қиладилар.

БСБ вилоят бўлимини вақтинча бошқариб турган Соловьев, терговчи Романов шаҳар амбулаторияси дўхтурлари хулосаси беморнинг руҳий ҳолатини аниқлаб берганидан қониқиш ҳосил қиладилар. Уларга шундай хулоса керак эди. Эшон ақдан озганларни даволайди, деган айблов шундай хулосага асосланарди. Терговчи Романов, аслида, шусиз ҳам қамоққа олишни расмийлаштириб, қўйган, бунда, 18 сентябрда айғоқчи-агент берган маълумотномага таянган эди. Қолгани шунчаки, қоидада бўлгани учун эди:

### **ҚАРОР**

«Беҳбудий шаҳри. 1928 йил сентябрь ойининг 20-куни. БСБнинг Қашқадарё вилоят бўлими ходими Романов, 1928 йил 18 сентябридаги Мукаррамхон эшон Бузрукхоновни айблавчи агент материални кўриб чиқиб, зикр этилган материалда Мукаррамхоннинг Қашқадарё округидаги йирик эшонлардан бири эканлиги, инқилобгача бўлган даврлардан бошлаб то қамалганига қадар табибчилик (алдаш, диний усулда даволаш) билан шуғулланиб келганлигини, маҳаллий фуқароларнинг мурожаат қилганларини ўқиш, дуо қилиш билан даволаганлигини, бунда халқ соғлигини сақлаш ҳақидаги совет қонунчилигини назар-писанд қилмаганлигини, булардан ташқари, ақдан озганларни кишанлаб қўйиб, тузатишга уринганини, ҳозирги ҳолатда эса қамоққа олинган куни бир кишини занжирбанд қилиб қўйганлигини эътиборга олиб, Мукаррамхон эшон Бузрукхоновни жазо тузукининг 157, 255 ва 204-мод-

даларида кўзда тутилган жиноятларни қилган деб ҳисоблайман».<sup>1</sup>

## ҚАМОҚ ВА СЎРОҚ

Мукаррамхон билан бир кунда Одина масжидининг имом хатиби Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли ҳам ҳибсга олинган эди. БСБчилар иккала эшоннинг ишини бир ўзанда бирлаштириб, 49-жиной ишни шаклантирадилар. Шундай қилинганда, бу уюшган жиноят тусини олар, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўларди. 1928 йилнинг 3-октябрида Романов шундай қарор қабул қилади:

### ҚАРОР:

«Беҳбудий шахри. 1928 йил октябрининг 3-кунда, мен, БСБ Қашқадарё вилоят бўлими ходими Романов, Мукаррамхон эшон Бузрукхоновни табибчиликда айблаш юзасидан 49-иш материалларини кўриб чиқиб:

Мукаррамхон Бузрукхонов 65 ёшда, миллати ўзбек, эшон, Косон шахрида туғилган, оилали, иккита боласи бор, фирқасиз, ўрта мусулмон маълумотига эга. Молу мулки: уйи, 1 таноб ери, 1 оти, 1 хўкизи, 3 та туяси, эшак ва битта сигири бор.

Бухоро инқилобига қадар (1920, сентябр) ва қамоққа олинганича эшонлик фаолияти билан шуғулланиб келган ва «Хожя Аҳрор» масжидининг имоми бўлган.

Инқилобгача бўлган даврлардан то қамоққа олинганига қадар фуқароларнинг диний ҳисси-

<sup>1</sup> Қашқадарё вилоят Давлат архиви (ҚВДА). 29-жамғарма, 1-руйхат, 29-иш, 8-бет.

ётларидан фойдаланиб, Қуръонни пеша қилиб, табибчилик қилган, дуо ўқиш, жоду қилиш ва бошқа мурожаат қилган турли беморларни ибтидоий усулларда даволаш ишини тўхтатмаган. Мазкур эшонни қамоққа олиш пайтида, унинг масжидида Бухородан бўлган савдогар Ҳамиджон Носирбоев икки оёғидан кишанланган ҳолда, эшонда бир ярим ой давомида даволанишда бўлганлиги фош этилди».<sup>1</sup>

## СҮРОҚ

1928 йил 2 октябр. Беҳбудий шахри.

БСБ Қашқадарё вилоят бўлими терговчиси Романов.

Айбланувчи Мукаррамхон Бузрукхон ўғли.

65 ёшда (1863 йилда туғилган). Беҳбудий шахри, Ҳарамжўй маҳалласида яшайди.

Икки хотини, икки фарзанди бор.

Сиёсий эътиқоди: совет ҳукуматига ҳайрихоҳ.

Эшонлик билан шугулланган, «Хожа Ахрор» масжидининг имоми.

Мукаррамхон Бузрукхон ўғлининг иш юзасидан берган кўрсатмаси:

« Авлодимизнинг ҳаммаси эшонлар бўлган. Бу нисба меросий бўлиб, отадан болага ўтиб келган. Шахсан мен отам вафотидан сўнг, у зот бундан 51 йил олдин (1877 й.) вафот этган эди, у кишидан эшонликни мерос қилиб олган бўлсамда, бирданига эшон бўлиб қолган эмасман. Бунинг учун, аввола, ёшлигимда таҳсил олдим, сўнг имомлик қилдим. Фақатгина 35 ёшга етганимда эшонлик-

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-руйхат, 29-иш, 9-бет.

ни расман тасдиқлатиш учун Фарғона округининг Марғилон шаҳрига боришимга тўғри келган. Расмий удумга кўра, бош эшон Ҳожи Тўра ҳузурда бўлиб, тайёргарлик кўриб, хизматини қилиб, у зотнинг оқ фотиҳасини олиш жоиз ҳисобланар эди.

Зикр этганим эшон ёнида 15-20 кун бўлиб, қаттиқ тайёрланиб, у зотнинг синовларидан муваффақиятли ўтиб, расмий равишда эшонлик унвонини олганман. Беҳбудий шаҳрига қайтиб келгандан сўнг, эшонлигим элга маълум бўлиб, бу иш билан шуғуллана бошлаганман. Ота-боболаримизга ихлос қилган муридлар менинг ҳам ҳурматимни қилар, назр-ниёз ҳам улар ҳисобидан бўларди. Чунки падари бузрукворимнинг муридлари меросий равишда менга ўтган эди, уларнинг кўпчилиги Косон шаҳрида истиқомат қилардилар, уларнинг сони айти вақтда 150-200 киши атрофида.

Эшонликдан ташқари, илмли киши бўлганлигим сабабли, менинг олдимга инқилобга қадар ва ундан кейин ҳам, токи қамоққа олинганимга қадар, баъзида маҳаллий аҳоли орасидан бемор бўлганлари шифо талаб бўлиб келар эди. Мен уларни ўқиш йўли билан тузатар, қўлларига оятлар битилган туморлар берар эдим. Бош оғриғи, кўз оғриғи, безгак каби кўп тарқалган касалликлардан ташқари, ақддан озган кишиларни ҳам даволашимга тўғри келган. Лекин инқилобгача бўлган 5-6 йил давомида жинни бўлиб қолганларни кам даволаганман, улар сони 10-15 киши атрофида бўлса керак. Бизнинг юртда, мусулмон мамлакатларида бўлганидек, асрлар давомида тентаклик хасталиги беморни занжирга боғлаб, руҳий таъсир ўтказиш орқали тузатиб келинган. У вақти-вақти билан ўқиб турилган. Бундай усул қирқ кунда натижа берган ва ақддан озган киши соғайиб

кетган. Борди-ю, бемор тузалмаган тақдирда, у оиласига, қариндош-урувлари ҳузурига қайтарилган.

Инқилобдан кейин мен ақдан озган беморларни даволаш амалиётимни тўхтатдим. Бундан фақат икки ҳолат мустасно. Бу ҳақда қуйида гапириб ўтаман.

1. Шу йили, бундан 4-6 ой муқаддам, мен уйда эмас пайтимда, ҳужрага Парғуза қишлоғидан Фармон деган фуқаро ақдан озган сингласини қўйиб кетибди. Уйга қайтиб келиб, аҳволни билгач, уни даволашдан бош тортдим, лекин хастанинг акаси Худонинг зорини қилиб, сингласига ёрдам беришимни ялиниб-ёлбориб сўради. Унинг жинни сингласи кишанда олиб келинган эди, 10-15 кун даволанди. Лекин фурсат ўтган, ўқишлар натижа бермади. Фармон ноилож сингласини олиб кетди.

2. Иккинчи ҳолат, мен шунга кўра қамоққа олиндим, Бухородан олиб келинган Ҳамиджон Носирбоевга таалуқли бўлиб, бу ҳақда қуйидагиларни айтишим зарур: мен Парғуза қишлоғига яқин бўлган далада бугдой ўроғида эканимда, бундан 3-3,5 ой нари-берисида Адбуҳаким аттор томонидан ёзилган хат орқали чақирилган эдим. Аттор мени Беҳбудий шаҳрига чақириб, Бухородан олиб келинадиган жинни Ҳамиджон Носирбоевни қабул қилиб, даволашимни илтимос қилган эди.

Ҳамиджон уйимга кишанланган ҳолда, аравада олиб келинган эди. Уни ким, қандай занжирбанд қилгани менга маълум эмас. Шундан кейин кўп ўтмай, олдимга Абдуҳаким аттор ва яна иккита бухоролик (исми шарифларини билмайман) кишилар келишди. Улар, аён бўлдики, Ҳамиджонни Бухородан олиб келишган эканлар. Суҳбат да-

вомида улар айтилган беморни, акаси билан дўстлигимиз ҳурматига, даволаб беришимни сўрадилар. Мен, шунга қарамай, улар илтимоси қабул қила олмаслигимни, бунинг учун ҳукумат томонидан жавобгарликка тортилишим мумкинлигини айтдим. Бироқ улар олис йўлдан умид билан келганликларини, ўртада меҳр-оқибат борлигини айтиб, кўп ялиниб-ёлвордилар. Акаси ҳурматига, нон-туз ҳурматига, охири, даволашга рози бўлдим.

Шу воқеадан кейин 7-8 кун ўтиб, мен Ҳамиджонни даволашни бошлаганимда, бемор жуда безовта бўлиб, бақриб чақриб, ўзига бирор одамни яқинлаштиришга қўймади. Биддимки, фурсат ўтган, уни тузатиш оғир, оқибатда, ноилож масжид хужрасига қамаб қўйдим. Ўзим эса унинг акаси Носирбой Камолбой ўғлига мактуб ёзиб, Абдуҳаким аттордан Бухорога бериб юбордим. Минг бор узрлар айтиб, беморни олиб кетишни сўраган эдим, хатимни олдим-йўқми, бу ёғи менга қоранғу эди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин хатимга жавоб олдим (бу хат уйимни тинтув қилишда сиз томонингиздан олиб қўйилган), унда ўзи ҳам хаста ётгани учун Ҳамиджонни олиб кетишга кела олмаслиги ва уни тузалгунича даволашим битилган эди. Бундай жавобдан кейин мен ноилож қолиб, муолажани давом эттиришга мажбур бўлдим.

Аниқ эслай олмайман, бемор Ҳамиджон ҳузуримда чамаси 30 ё 35 кун бўлди. Бу айтилган муддат ичида у кишанланган ҳолда турди, сабаби, уни бўш қўйиш ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам хавфли эди. Ҳокимият (қамоққа олиш ва тинтув учун келиш - муал.) келганда ҳам бемор Ҳамиджон кишанланган ҳолда эди. Лекин бемор на менинг томонимдан, на менинг одамларим томонидан калтакланган эмас. Унинг баданида-

ги кўкарган, қонталаш жойлар, менинг билишимча, унинг ўзи томонидан жунуни кўзиб, жунбишга келган ҳолатда содир этилган. Яна айтишим керакки, бемор Ҳамиджон занжирбанд этилган кишан бизники эмас, балки уни олиб келган кишиларга тегишлидир. Ҳамиджонни даволаётганим учун бирор-бир нарса, ҳақ олганим йўқ.

Инқилобдан кейин, токи қамоққа олинганимга қадар, майда-чуйда диний ишлар билан шуғулланиб келдим, менга кекса киши сифатида тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишимни сўраб мурожаат қилардилар. Бундай одамлар кўпинча бош оғридан шикоят қилардилар, безгак, болаalar оғриши ҳам кўп эди. Мен шифо талаб бўлганларга билганимча, қўлимдан келганича ёрдам кўрсатар эдим. Уйимни тинтув қилиш пайтида олиб қўйилган, алоҳида қоғозларга битилган дуоларни мен ёзганман, улар хасталиклар дафъи учун бўлиб, беморлар бу қоғозни сувда эзиб ичишлари ва шифо топишлари кўзда тутилди.

Майда диндорликка оид далиллардан баъзи бирларини айтиб ўтаман. Бундан 5-6 ой олдин Косондан олдимга Аҳмад бува деган киши 9-10 ёшлардаги касаликка чалинган болани бошлаб келди. У набирасини ўқиб даволашим учун қолдириб, уйига қайтиб кетди. Бемор бўлган бола ҳафтада тузалиб, у ҳам уйига кетди.

Косонлик фуқаро Узоқ оқсоқол Муаллимшо ўғли ҳам бундан 3-4 ой аввал қизини даволатишга олиб келган эди. Қизалоқни уч-тўрт ой даволаганимдан кейин, тузалди ва уйига кетди. Булардан ташқари, яна бир қатор ҳолатлар бўлганки, беморлар шифо истаб келганлар. Уларнинг барини ўқиш орқали даволаганман. Улар турли қишлоқлардан келишарди, уларнинг бирортасини ҳам танимайман. Яна бир воқеа эсимда. Косонлик бир фуқаро



Ёқубхон Солихўжа ўғли анча бурун менга хат йўллаб (бу мактуб ҳам тинтув вақтида олиб қўйилди), сувга дам солиб беришимни, бу билан навбатдаги туғилажак боласини сақлаб қолишга ёрдам қилишимни сўраган эди. У сўраган дуо ўқилиб, дам солинган сувни юборган одамидан жўнатганман. Бу дам солинган сув чақалоқнинг яшаб кетишига ёрдам қилганми-йўқми, бунисини билмадим. Бу хилдаги дам солинган сувни илоҳий билиб, сўровчилар кўп бўлар эди.

Сиз томонингиздан тинтув пайтида мусодара этилган хатлардан бири-Уста Ниёзнинг менга ёзган мактуби ҳақида гапирсам, унинг мазмунидан англашиладики, устанинг ўғли жинсий жиҳатдан заифроқ бўлган, шу ваддан хотини ажралиб кетган. Уста Ниёзнинг ёзишига қараганла, бир қари аёл йигитни дуо қилиш йўли билан ўзига оғдириб олган, ўзидан бошқа аёлларга яқинлаша олмайдиган қилиб қўйган экан. У ўғлини ана шу дуойи банддан халос этиб беришимни илтимос қилиб сўраган. Афсуски, мен бу илтимос бўйича бирор нарса қилмадим, айтилган аёлни ҳам кўрмадим. Тинтув қилиш чоғида олиб қўйилган хатлар менинг турли танишларим томонидан ёзилган ва улар дўстона олқиш мазмун-моҳиятига эга. Уларда бирон ғараз йўқ.

Бундан ортиқ айтадиган сўзим йўқ, кўрсатмам шу, уни ўқидим, ҳаммаси менинг тилимдан, ўз сўзларим билан ёзилган, деб

**Мукаррамхон Бузрукхон ўғли: имзо.**

**сўроқ қиладим: Романов».<sup>1</sup>**

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 11-13-бетлар.

## ЧЎЗИЛГАН СУД

1928 йилнинг 19 сентябрида Қашқа воҳасидаги икки кўзга кўринган руҳонийни – Мукаррамхон Бузрукхон ўғли ва Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғлини қамоққа олиш БСБ органининг улкан муваффақияти сифатида овоза қилинади. Шўро мажлисларида бу икки исми шариф кўп турлашиб, танқид боиси қилиб олинади. Бу ҳақда матбуотда ҳам бонг урилади. Иккала имом хатиб қамоққа олинганидан ўн беш кун ўтар-ўтмас, сўраб-суриштирув ишлари эндигина бошланаётган бир пайтда, фирқанинг нуфузли газетаси бўлмиш «Правда Востока» саҳифаларида «Эшонлар беморларни қандай таҳқирлади» сарлавҳаси остида танқидий мақола босилиб чиқади. Мақола 1928 йилнинг 4 октябрида эълон қилинади. Қашқадарё вилояти прокурори вазифасини бажарувчи Марьяновский мақола чоп этилганидан 3 кун ўтиб, вилоят БСБ бўлим бошлиғи Попов номига 5327-рақамли алоқа хатини 1928 йилнинг 8 октябри куни йўллайди. Хатнинг нусхаси газета таҳририятига ҳам жўнатилади. Прокурор мақола юзасидан берган расмий жавоб хатида шундай дейди:

«Правда Востока» газетасининг 1928 йил 4 октябрдаги 229-сонида босилган «Эшонлар беморларни қандай таҳқирлади» мақоласи бўйича ишни БСБ ходими Романов олиб бораётир ва тергов қилаётир. Унга терговни 1928 йил 15 октябрдан кечиктирмасдан тугатишни таклиф этишни сўрайман. Октябрь ойи охирида иш Оқруг судида намунавий суд тариқасида кўриб чиқилиши кўзда тутилади.

**Қашқадарё округ прокурори**

**вазифаси бажарувчиси: Марьяновский**  
**Котиб: Стриганов».<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-ўйхат, 29-иш, 17-бет.

«Правда Востока» мақоласи қанчалик ваҳимали бўлмасин, далиллар унда шунчалик кам эди. Ви-  
лоят прокуратураси БСБни ишни тезлатишга даъ-  
ват этган бўлса-да, терговчи Романов айтилган  
муддатда – 15 октябрда 49-ишни охирига етказа  
олмайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Ав-  
вола, икки таниқли дин арбобини жазога тортиш  
режаси билан айбни исботлаш амалиёти тўқнаш  
келиб, мўлжалда кўзда тутилмаган далилларни  
тўплаш, гувоҳларни сўраш кўп вақтни олади.

### **ГУВОҲЛАР КЎРСАТМА БЕРАДИ**

1928 йил 21 октябрда (прокурор белгилаган муд-  
датдан бир ҳафта ўтиб) Мукаррамхон иши бўйи-  
ча гувоҳларни тергов қилиш ҳаракати бошлана-  
ди. Шу куни Ҳарамжўй маҳалласида яшайдиган  
60 ёшли Шариф Камолбоев сўроқ қилинади. Ша-  
риф Камолбоев савдо-сотиқ билан шуғулланган.  
У Мукаррамхон ҳақида шундай кўрсатма беради:

«– Мен Мукаррамхон эшоннинг қўшниси сифа-  
тида, у кишини 15-16 йилдан буён биламан. У  
киши жуда обрў-эътиборли эшонлардан бўлиб,  
эшонликдан ташқари, табобат билан ҳам шуғул-  
ланиб, унга мурожаат қилиб келган, турли касал-  
ликлар билан оғриган, турли жойлардан бўлган  
беморларни даволаб келган.

Инқилобга қадар ва инқилобнинг дастлабки  
йилларида (20-22-йиллар) менинг ўзим эшоннинг  
масжидида 10-15 талаб жинниларни кўрганман.  
Уларнинг ҳаммасини Мукаррамхон даволаган.  
Бемор эшон томонидан кишанга солиб қўйилиб,  
узоқ вақт дуо ўқиш йўли билан тuzатилган. Баъзи  
пайтлар ақдан озган киши қаттиқ дод солар эди,  
бундай ҳол доимо кечки пайтларда бўларди, ча-  
маси, жиннини калтаклар эдилар. Жиннидан

кишанни ечиб олишда, бундай вақтда ўзим шахсан иштирок этганман, унинг баданида уришдан қолган изларни кўрганман. Умуман, айтадиган хулосам шуки, Мукаррамхон эшон табиб сифатида аҳоли ўртасида катта ҳурмат қозонган эди».<sup>1</sup>

Терговчи Романов қўшни берган кўрсатмани русчага ўгирган таржимонга қараб, «ёмон эмас, давом этамиз», деди мийиғида кулиб. Сўроқ ярим тунгача чўзилиб кетди. Таржимон ҳолсизланиб, чўнтагидан соатни чиқариб қаради, миллар 2<sup>00</sup>ни кўрсатиб турарди. Романов унга қаради-да, «жин урсин, эртага қолдирамиз», деди. Шундай қилиб кузнинг дилдиратувчи кечасида тергов навбатини кутиб турган Рашид бобо Камол ўғлига, «эртага соат 10<sup>00</sup>да», деб ижозат берилди. Ёши 74 бўлган кекса гувоҳ маҳалласи Ҳарамжўйга етиб боргунча тонг отарди. Шу боис чакмонига ўралиб, БСБ вилоят бўлими идораси деворига суянганича, мижджа қоқмай чиқди.

Рашид Камол ўғли терговчи саволига шундай жавоб қилди:

«— Мукаррамхон эшонни қўшним бўлгани учун кўп йиллардан бери биламан. У эшонликдан ташқари, инқилоб бўлгунга қадар беморларни ўқиш билан даволаб келар эди. Эшонникига турли-туман касалга чалинган беморлар тўда-тўда бўлиб келардилар. Мукаррамхон уларнинг барини даволаб тузатар эди. Касаллар орасида ақлдан озган, девона бўлиб қолганлари ҳам бўларди. Мукаррамхон табобатда жуда катта обрўга эга бўлган эди.

Инқилобдан сўнг эшон фолиятини тўхтатмади, лекин кейинги йилларда мухлислари анча камайган эди. Билишимча, ўтган йили қайси бир то-

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 22-бет.

ғолди қишлоғидан жинни бўлиб қолган аёлни эшонга олиб келишган эдилар. Эшон у аёлни масжид ҳужрасида 15 кунга яқин ўқиб, даволади. Билмадим, у аёл тузалиб кетими-йўқми, бу ёғидан хабарсизман. Ҳамсоя бўлиб яшаганимиз учун ҳам, кечқурунлари девоналарнинг дод солганларини, қичқириқларини тез-тез эшитиб турардим, ақлдан озганлар қаттиқ сўкиниб, бақириб-чақирардилар. Билмадим, жинни таёқ зарбидан шундай қилармиди ёки ўзи талвасага тушармиди, анигини айтолмайман».<sup>1</sup>

Романов гувоҳликка танлаган кишиларни тилмоч орқали «яхшилаб ишларди», унинг айтганидан юрмаса, Мукаррамхонга қарши фикр айтмаса, жойи Ардомда (маҳбусхона) бўлиши қулоққа қуйиб қўйилар эди. 23 октябрь куни асли Косонда туғилган, кейинчалик Мукаррамхон туфайли Беҳбудий шаҳрининг Ҳарамжўй маҳалласида ўрнашиб қолган Содиқхўжа Саидхон ўғли ҳам эшон бобога қарши кўрсатма беришга, унинг беморларни ўқиши, ақлдан озганларни қийноққа солиб даволаши ҳақида кўрсатма беришга мажбур бўлади. Содиқхўжа 51 ёшда бўлиб, Мукаррамхонга яқин қариндош эди. БСБ вилоят бўлими олиб борган 49-жиноий иш мундарижасида Содиқхўжа тергови қайд этилган варақ 26 деб рақамланган. Лекин сўроқнома, кейинчалик бўлса керак, ишдан йиртиб олинган.

\* \* \*

20 октябрда терговчи Романов Беҳбудий шаҳридаги Маҳсумобод маҳалласининг 3-уйида истиқомат қилувчи 51 ёшли савдо-сотик билан шу-

<sup>1</sup> Шу жамғарма, 24-бет.

фулланувчи Абдуҳаким Абдужалиловни ҳам сўроқ қилади. Мукаррамхон бу одам ҳақида сўроқда берган кўрсатмасида айтиб ўтган, унинг хати воситасида бухоролик ақдан озган Ҳамиджон Носирбоевни даволашга қабул этганлигини тани олган эди. Терговчи бу муаммога аниқлик киритиш мақсадида, Абдуҳаким атторга бир қанча саволларни ёзма равишда тайёрлаб қўйган эди.

Абдуҳаким аттор, саволларни таржима қилиб, жавоб кутиб турган тилмоч ва тик туриб, узлуксиз чекиб турган терговчига қараб, «қай бирингга жавоб берай», дегандек тараддудланди. У гапирди, тилмоч эса ёзиб борди. Кўрсатма шундай эди:

«Бундан икки-уч ойлар муқаддам, бир куни эрталаб уйимга бухоролик танишларим аравада келиб қолишди. Улар эски танишларим Мирзо Иноятullo ва Шамсиддин деган кишилар бўлиб, ўзлари билан бирга ақдан озган хаста Ҳамиджон Носирбоевни ҳам олиб келган эдилар. Меҳмонлар мендан таниқли эшон Мукаррамхон уйи қаердалигини сўрадилар, улар беморни эшонда даволатиш учун узоқ йўлдан олиб келган эдилар. Улар эшитган эканки, мазкур эшон кўплаб жинниларни даволаган экан, Ҳамиджон ҳам шояд Мукаррамхондан шифо топса, деган умидда эдилар. Мен бухоролик танишларимдан, «эшонни қаердан биласизлар», деб сўрадим. Улар Мукаррамхон тўғрисида косонлик фуқаро Нашванқул айтганигини ва беморни олиб бориш кераклигини у тайин қилганигини сўзлаб бердилар. Нашванқул улар ишлайдиган ширкатга аъзо экан.

Меҳмонларга эшоннинг турар жой манзилини айтдим, улар кетишди ва тез орада қайтиб келишди. Улар борган пайтда эшонни учрата олмаганлар, қайси бир далага, иш билан чиқиб кетган экан. Шунга қарамай, бемор Ҳамиджонни

масжид ҳужрасида қолдириб, эшоннинг ходимларига тайинлаб келганликларни айтдилар. Улар мендан эшон номига хат ёзиб, беморни даволаш учун қабул қилишини сўрашимни илтимос қилдилар. Мен улар сўраган хатни ёздим-да, эшоннинг кўшниси Шариф бувадан бериб юбориб, унга эшонни шахсан кўришни, хатни қўлига бериб, гапни тушунтиришни тайинладим.

Эртасига Мукаррамхоннинг қайтганини эшитдим. Бухородан келган кишилар билан бирга уникига бордик. Мақсадимиз оғир беморни унга даволатиш учун топшириш эди. Бухороликлар Ҳамиджоннинг кўпдан буён қаттиқ хасталаниб қолганигини, уни Тошкентга, рус врачига шифо истаб олиб борганликларини, умуман, унинг муожаласидан зарра нафъ кўрмаганликларини айтиб, эшондан ялиниб-ёлвориб даволашни сўрадилар.

Мукаррамхон, одам юзи олмосдан иссиқ деган андешага бориб бўлса керак, уларнинг илтимосини қабул қилди. Ҳамиджонни бундан олдин девоналарни қандай усулда (ўқиш йўли билан) тuzатган бўлса, шундай қилажагини айтди. Ақлдан озган бемор Ҳамиджон бу вақтда масжид ҳужрасида кишанланган ҳолда ётар эди. У ҳужрага киргандан бери талваса қилмай қўйган, бақир-чақирлари ҳам эшитилмасди. Хуллас, мен бундай нохуш ҳолатни кўрмадим. Бухороликлар шу кун илзларига қайтиб кеттилар. Бўлган гап шу».<sup>1</sup>

\* \* \*

Тергов ишлари бошланиб кетганидан кўп ўтмай, БСБнинг Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи вазифасини бажариб турган Соловьёв тер-

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-рўйхат, 29-иш, 30-бет.





сирбоев Ҳамиджон ҳақиқатда оғир руҳий хасталикка чалинган (тез ривожланиб борадиган фалаж) ва Камолбой Носирбоевнинг кузатуви ва қараб туришига муҳтож.

**Шифохона мудир:** **имзо**

**невропатоолог врач:** **имзо».**<sup>1</sup>

БСБ телеграммаси Камолбойни чўчитиб юборган кўринади. Ўша йилларда даҳшатли алғов-далғовларни бошдан кечирган Бухоро одамлари ГПУ деса юрак ҳовучлайдиган бўлиб қолган эди. ГПУ терговга чақиряпти, деган нохуш сўзлар ёши бир жойга бориб қолган бойни беҳаловат қилиб, қон босимини ошириб юборди. Ҳолсизланиб, тўшакка чўзилган Камолбойни Қаршига гувоҳ тариқасида жўнатиш имкондан холи эди. Шу сабабдан, мутасаддилар унинг юрак хасталиги ҳақидаги маълумотномани юбордилар. Соловьёв ва Романов ишнинг бундай тус олишини кутмаган эдилар. Улар яна, оқибат учун жавобгарлик сизларнинг зиммангизда қолади, деган мазмунда телеграмма йўллайдилар.

1928 йилнинг 25 октябрида Бухоро БСБчилари 06521-рақами остида қуйидаги жавобни узатдилар:

### **БСБ Қашқадарё округ бўлимига**

«Беҳбудий шаҳри. Шунинг билан сизнинг ихтиёрингизга фуқаро Камолбой Носирбоевни чақириш бўйича ҳужжатларни юборяпмиз. Агар унинг илтимоси (касаллиги сабабли бора олмаслиги ҳақида—*муал.*) қондирилгудай бўлса, савол

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 32-бет.

лар билан бирга сўроқда аҳамият қаратиладиган далилларни бизга юборсангизлар.

**БСБ Бухоро вилоят бўлими**

**бошлиғи ўринбосари:**

**Акинтьев**

**ЭКО ходими:**

**Репин».<sup>1</sup>**

Чамаси, Камолбой Носирбоевдан жавоб олин-  
ши зарур деб ҳисобланган саволлар тузилиб, БСБ  
Бухоро вилоят бўлимига берилади. 1928 йилнинг  
3 ноябрида БСБ БВБ терговчиси Стариков 64  
ёшли касалманд Камолбой Носирбоевни сўроқ  
қилади. Камолбой Петроград билан савдо-сотик  
қиладиган, рус тилини яхши билган киши эди. У  
шаҳарнинг II Дисон маҳалласида яшаган. Бўлиб  
ўтган сўроқ қарорида Камолбой кўрсатмаси қуйи-  
дагича акс эттирилган:

«Укам Ҳамиджон бундан 7 ой олдин шу касал-  
га чалинди. Келиним илтимоси билан уни Қалан-  
даров деган дўхтурга қаратдим. У бир ойга яқин  
даволади, ҳеч бир натижа бўлмади. Муалло, эшон-  
ларга ҳам ўқитдим. Охири танишим Қиличхўжа  
Усмонхўжаев ва икки санитар кузатувида Бухо-  
родаги шифохонадан чиқариб, Тошкентдаги, ка-  
салхонанинг руҳий хасталиклар бўлимига олиб  
бордик. Бу ердаги шифохонада ҳам бир ойдан кўп  
даволанди. Бир куни даволагувчи врач, «укангиз  
тузалмайдиган касал, уни олиб кетинг», деди. Но-  
илож, Бухорога қайтариб олиб келдим.

Кўплар менга маслаҳат ва йўриқ кўрсатдилар.  
Косонлик танишим Нашванқул Қашқадарёда,  
Беҳбудий шаҳрида Мукаррамхон деган нами зўр  
бир эшон борлигини, унга укамни олиб борсам,  
албатта нажот топишини айтди. Унинг далдаси

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 35-бет.

билан укамни шифохонадан чиқариб, яқин кишиларим Мирзо Иноятулло Пўлатов, Шамсуддин мирзо Шарипов ва санитарлар кўмагида Қашқадарёга жўнатдим.

Улар бир неча кундан кейин қайтиб келдилар. Мукаррамхон укамни кишанда сақлаётгани хабарини эшитдим. Бу гапни эшитганимдан сўнг Қашқадарёга икки ҳамсоямни – Саид Хидиров билан Абдухолиқни юбордим. Улар Ҳамиджонни Бухорога олиб келдилар (Мукаррамхон қамоққа олингандан кейин – *муал.*). Укам Қашқадарёда қирқ кунга яқин турди, бирон натижа бўлмади.

**Савол:** – Бу ишда Абдуҳаким аттор ва Носирбой Содиковлар, иккаласи ҳам Қаршидан, қандай роль ўйнади?

**Жавоб:** – Носирбой Содиковни танимайман. Қаршида Насриддин ва Абдуҳаким атторни биламан, улар бу ишда ҳеч қандай роль ўйнаган эмас. Мен юборган одамларнинг гапиришлари-ча, улар Абдуҳаким атторнинг уйида 5-10 дақиқа тўхтаб, Мукаррамхон эшоннинг манзилини аниқлаб олганлар, холос.

**Савол:** – Абдуҳаким аттордан бирорта хат олганмисиз?

**Жавоб:** – Йўқ.

**Савол:** – Укангизни даволатиш учун эшонга нима ваъда қилгансиз?

**Жавоб:** – Ҳеч нарса ваъда қилганим ҳам, ҳеч нарса берганим ҳам йўқ. Бу укамнинг соғайишига боғлиқ эди.<sup>1</sup>

Бухоро билан боғлиқ гувоҳлар, шу тариқа, Стариков томонидан бирин-кетин сўроқ қилинади.

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 36-бет. АДБХ

Камолбой кўрсатмасида исми зикр этилган Шамсутдин Шароф ўғли 54 ёшли киши бўлиб, Бухоронинг Хожа Порсо гузаридаги 55-уйда истиқомат қилган, Камолбойнинг ичкиларидан бўлган. У терговчи Стариковга кўрсатма беради. Табиийки, саволлар рус тилида берилган, уларни тилмоч Усмонхўжаев таржима қилиб турган. Унинг гувоҳликда айтган сўзлари шундай эди:

«Камолбой Носирбоев мени укаси Ҳамиджоннинг уйига чақиртириб, Мирзо Иноятулло ва бир санитар ҳамроҳлигида Қаршига, укасини Мукаррамхон эшонга даволатиш учун олиб боришимиз кераклигини айтди. Йўлга чиқиб, Қаршига эрта-лаб, барвақт етиб келдик. Мен у кишини илгари танимас эдим. Мирзо Иноятулло аравакашга Аттормнинг уйига боришимизни айтди. Абдуҳаким атторникида ярим соатча бўлдик. Унинг гапини олганимиздан кейин аравани Мукаррамхонникига ҳайдаб келдик. Бу вақтда биз билган бирга келган санитар ёнимизда эмасди, унга рухсат берган эдик. Абдуҳаким атторнинг ўзи биз билган бирга эшонникига боргани йўқ. Мукаррамхоннинг уйига бизни бир киши бошлаб борган эди, оти ёдимда қолмаган.

Мукаррамхон эшоннинг уйида ярим соатлар чамаси бўлиб, чой ичдик, у кишига бўлган воқеани тушунтирдик. Охири, гапимизни эшитиб, даволашга рози бўлди, шундан сўнг, бизлар Бухорога қайтиб кетдик.

«Бизлар эшон билан совға-салом, оади-берди ҳақида гаплашган эмасмиз. Содиков билан Абдуҳаким атторнинг эшонга воситачилиги ҳақида бирор-бир нарса менга маълум эмас».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 37-бет.

«Қовун қовунни кўриб ранг олади», деб бежизга айтилмаган-да. Бухоро БСБсининг ходими Стариков тулрак одам эди, ўзини билимдон, ўта тажирибали қилиб кўрсатиш учун бу ишда исмаари зикр этилаётган Абдуҳаким аттор ва Носирбой Содиқовни тузоғига илинтириш пайида, савол ёғдирарди. Шамсутдин Шароф ўғайдан, саволни қанча айлантирмасин, бу борада у кутган жавоб чиқмади. Идора йўлагиди 31 ёшли, қотмадан келган, қирғийбурун Мирзо Иноятулло қунишиб ўтирарди. Суд, тергов, қамоқ дейилса, бегуноҳ одамларнинг ҳам бутун вужудига титроқ кирарди ўша пайтлар.

Саррофлар авлодидан бўлган, Бухоронинг Рангангоран гузаридаги 32-уйда яшайдиган Мирзо Иноятулло эшикнинг ғийқиллаб очилишидан чўчиб кетди. Тилмоч Усмонхўжаев сўроқ қоидаларидан огоҳ этганида, тиззалари қалт-қалт титраб турарди.

«— Бизлар Абдуҳаким атторнинг уйида ярим соатга яқин туриб, — деди у ердан кўзини узмай, — Мукаррамхон эшон бованинг турар жой манзилни суриштирдик. Аттор эса негадир манзилни айтишдан бўйин товлади. У эшонни яхши танир, яхши билар эди. Охири, кўчада қатнаб юрган аравакашлардан бирини тўхтатиб, Мукаррамхон эшоннинг уйини билиш-биамаслигини сўрадик. Аравакаш эшоннинг маҳалласини ҳам, уйини ҳам билар экан. Уни ёлладик-да, изидан Мукаррамхоникига қараб юрдик.

Мукаррамхоннинг уйида бир соат чамаси бўлиб, беморимизни у кишида қодирдик-да, Бухорога қайтдик. Эшон билан пул ҳақида гаплашган эмасмиз. Энди, Мукаррамхон билан Насриддин Содиқов ва Абдуҳаким атторларнинг тили бир-

лиги, уларнинг воситачи эканликлари ҳақида ҳеч нарса билмайман».<sup>1</sup>

\* \* \*

Стариков қанча уринмасин, тўрига ўлжа тушмади. У тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштирди-да, уларни Беҳбудий шаҳрига, Романовга жўнатиб юборди. Бу ёқда Романов ҳам шашт билан ишларди. У бу вақтда Мукаррамхоннинг туғилган жойи – Косон билан боғлиқ гувоҳларни сўроқ қилиш билан машғул эди. 1928 йил 20-октябрда 36 ёшли Ёқубхон Солихўжа ўғли унинг саволларига жавоб қайтариш билан овора эди. У Косоннинг Регзор маҳалласида истиқомат қилган, келиб чиқиши эшонлардан бўлган.

«Мукаррамхон эшонни яхши танийман, – дейди у шу жавобни тақозо этадиган саволга, – у киши билан шахсан танишман. У Косон туманидаги энг обрўли эшонлардан биридир. Мукаррамхон эшонликдан ташқари, табобат билан ҳам шуғулланади. Бу соҳада ҳам катта ҳурмат қозongan.

Бундан тўрт ой оадин, аёлимнинг туғиши жуда оғир кечди, туғолмай қийнаади. Шу сабабли, Мукаррамхон эшондан ёрдам сўрашимга тўғри келган эди. Косонлик танишим Абдужаббор Қурбоновни бозорда учратиб қолиб, эшондан дуо ёздириб беришни, туғруқнинг эсон-омон ўтишига шу билан ёрдам кўрсатишини илтимос қилдим. Эшон бова сувга дам солиб бериб юборибди, бу эса аёлимнинг туғиши энгил кўчишига сабаб бўлди».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 38-бет.

<sup>2</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 39-бет.

Сўроқ силсиласи... У кундан-кунга узайиб борарди. БСБ вилоят бўлими идораси олдида тергов навбатини кутиб, эртадан-кечгача, тунни тонга улаган кишилар уймалашиб юришарди. Регзорлик яна бир фуқаро, ёши анча ўтиб қолган мулло Абдужаббор Қурбон ўғли ҳам шу ерда эди. Кузнинг этни жунтиктирадиган тунини мижжа қоқмай ўтказган мулло Абдужабборни сўроққа чорлашди.

Терговчининг таржимон ўзбекчага ўтириб турган саволига мулло Абдужаббор бир зум ўйлаб турди-да, жавоб бера бошлади:

«— Ҳа, Мукаррамхон эшонни 15-20 йилдан бери биламан, аммо шахсан таниш эмасмиз. Икки йил давомида эшон Косонга ҳам келади, бу ерда у кишининг шахсий ери бор, шунга ҳам йилда бир келиб кетади. У Косонга келганида ҳар сафар қариндоши Икромхон Ибронхўжа ўғлиникига тушади. Эшоннинг шу теварак-атроф аҳолиси орасида обрў ва ҳурмати жуда катта. У илми киши сифатида, билишимча, жуда кўп кишиларни ўқиш йўли билан даволаб тузатган.

Мен ўқимишли киши бўлганим сабабли, ўзининг номимдан, танишларим илтимосига биноан Мукаррамхонга хатлар ёзганман. Жумладан Ёқубжон Солихон ўғли мендан туғилажак фарзанди учун эшондан дуойи фотиҳа қилишини сўраб, хат ёзиб беришимни илтимос қилган эди, чунки унинг хотини офироёқли бўлиб, бундан олдин дунёга келган болалари бари ўлган эди. Иккинчи мактубимни Узоқ оқсоқол Муаллимшо ўғли номидан эшонга миннатдорчилик маъносига ёзиб берган эдим. Яна бир сафар Мукаррамхон Косонда эканлигида, у кишини тўйга таклиф қилиб, хат битган эдим. Умуман, айтаманки, эл орасида Мукаррам-

хон кўзга кўринган, таниқли, обрўли эшондир. Унга ҳар соҳада ёрдам сўраб мурожаат қилганлар, у киши одамлардан ҳимматини аямаган».<sup>1</sup>

\* \* \*

Мулло Узоқ исми шарифи ҳам Мукаррамхонни айблашга қаратилган ҳужжатларда бир-икки бор тилга олинган эди. Косон шаҳрининг Аҳрор гузаридан бўлган бу 46 ёшли киши ҳам «терговда нимани сўрар экан», деб хавотирда эди. Унга тилмоч Романов берган саволни тушунтирди, «Мукаррамхон эшон билан қандай танишгансиз, шуни айтиб беринг», деди.

«– Бундан беш ойча олдин 13 ёшли қизим Ривоят овир бетоб бўлиб қолди. Уни Беҳбудий шаҳрига олиб бордим, дўхтурларга кўрсатмоқчи бўлдим, – дейди саволга жавоб берар экан мулло Узоқ, – жўнаш олдидан ҳаммаҳаллам Аҳмад бува, у киши Мукаррамхонга мурид эди, «агар қизингни ўрис дўхтурлар даволай олмаса, уни эшонимиз Мукаррамхонга олиб бор, у киши ҳам Қаршида турадилар, у ҳамма хасталикларни даволайди», деди. Бу маслаҳат менга маъқул келди ва унинг гапига рози бўлдим. Аҳмад бува бизга қариндошини қўшди. Қизимни дўхтурларга кўрсатганимда, у жуда ҳам кўрқиб кетди, умрида ҳеч ўрис деганни кўрмаган эди-да. Шу сабабли, Аҳмад буванинг гапини қилиб, қизимни Мукаррамхон эшонга олиб бордим. Эшон қизимни ўқиб, дуо қилиш йўли билан даволашга киришди, қизим эшоннинг уйида қолди. У шу жойда 8-9 кун даволанди, лекин тузалишига нажот бўлмагандан кейин, уйга олиб келдим. Косонда қизимни дўхтур-

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 44-бет.



ларга кўрсатдим, охири, у соғайиб кетти. Эшонга даволаш ҳақини айтган бўлсам-да, ҳозиргача унга ҳеч нарса берганим йўқ.

Мукаррамхон эшонни Беҳбудий ва Косонда машҳур эшон сифатида биламан. Аҳоли ўртасида жуда илми, яхши табиб сифатида танилган».<sup>2</sup>

\* \* \*

Мулло Узоққа маслаҳат берган, етмиш олти ёшлик шўрлик Аҳмад буванинг ҳам оёғини ерга тегизмай, БСБ ВБ тергов хонасига олиб келадилар. Аҳмад бува 1928 йил 25 октябрь кунини Романов томонидан сўроқ қилинади. У Косоннинг Нартин Баланд маҳалласидан бўлиб, Мукаррамхон ва унинг ота-боболарини яхши билган, қаттиқ ҳурмат қилган. Аҳмад бува ҳақ гапни айтишдан чўчимайди, таржимоннинг авровчи сўзларига учиб, йўқни бор демайди.

«— Мен Мукаррамхоннинг муридларидан бўлман, — дейди у дангал, — у зот жуда кўп йиллардан бери беморларни турли хасталиклардан беминнат халос этиб, одамлардан ёрдамини аямайди. У кишининг муолажаси бўлмаганда эди, кўплар чақалоқлигида, болалигида, навқиронлигида ўлиб кетарди. Эл шунинг учун ҳам эшондан миннатдор. Шу иши сабабли Мукаррамхон одамлар ҳурматини қозонган.

Шу йил май ёки июн ойи бошларида 9 ёшли Набирам Давронқул Фармонқуловнинг тўсатдан касалга чалиниб қолиши туфайли, уни Мукаррамхон эшон тузатишини билиб, эшонникига олиб бордим. Набирам эшонникида 15 кун даволанди, тузалиб кетди ва уйга соғ-омон келди. Даволага-

<sup>2</sup> Шу жойда, 46-бет.

ни учун эшонга ҳеч нарса берганим йўқ. У киши ҳеч кимдан, айниқса, бева-бечоралардан, камбағаллардан бирор нарса таъма қилмас эди. Муҳтожлардан ёрдамини аямас, кийим-кечак, зарур бўлса, пул ҳам бериб турарди. Узоқ оқсоқол Муаллимшо ўғли ҳам Мукаррамхоннинг муридларидан бўлади. Эшитишимча, у ҳам қизини эшонга қаратиб, тузаттирган. Мен унга шахсан қизингни эшонга даволат деб маслаҳат бермаганман, чунки у менинг гапимсиз ҳам Мукаррамхоннинг қўли энгил табиб эканлигини жуда яхши биларди».<sup>1</sup>

\* \* \*

Сўроқлар, жавоблар... Орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, ҳужжатларда муҳрланиб қолган бу гаплар ўз эгаларининг кимлигини мана-ман деб кўрсатиб турибди. Терговчининг дўқпўписасидан қўрқиш, қамоққа тушиб қолиш хавфи, ўзини қутқариб кетиш илинжи, санайверсанг, сабаб кўп, лекин булар ҳаммаси ҳақиқатдан юз буришга, ундан кўз юмишга, кечаги ҳурматлаган, иши тушганда ялинган кишисини ёмонлашга асос бера олмайди. Одам ҳар қандай шароитда ҳам одам бўлиб қолиши, ўзини йўқотмаслиги, жарга бошқани итариб, ўзини қутқаришга инти-маслиги керак. Шу жиҳатдан Аҳмад бува тутган йўл жуда мақбул эди. Яна гувоҳлар берган кўрсатмаларни келтиришда давом этамиз. Бундан 80 йил олдинги тергов ҳужжатлари, сўроқномалар бугун учун ойна, унда яқин кечмишда ўтган аждодларимизнинг феъл-атвори, ички дунёси, боринги, бутун қиёфаси бор бўйича гавдаланиб туради. Ўтмиш далиллар орқали англанганда, ту-

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 48-бет.

шуниб етилганда ибратга айланади. Англаш ва тушуниб етиш эса муқояса орқали амалга ошади. Зеро, Мукаррамхон ишида гувоҳ сифатида қатнашган, кўрсатма берган кишилар гап-сўзларини қиёслаб кўрайлик, уларга одамийлик юзасидан ҳалоол ёндашайлик. Кимнинг кимлиги, у дунёдан ўтиб кетганда ҳам, кўп жиҳатдан, авлодлар учун аҳамиятини йўқотмайди.

Терговчи Романов 1928 йилнинг октябрь ойи давомида қаттиқ ишлайди. Юқоридан ҳар куни суриштирувлар бўлар, «ишни нега чўзаётирсан, эшонларни яна қанча боқмоқчисан?» қабалидаги таъналар унга ором бермасди. То яқинларга қадар иш бошқача эди. БСБ қўлга олганларни бу тариқа хафсала билан сўраб-суриштириб ўтирмас, гувоҳ чақир, тергов қил, деб биров дашном бермасди. Энди эса иш судда кўрилади, шундай экан, айбларни далиллаш, гувоҳлар кўрсатмаларини тиркаш керак бўлади. БСБнинг махсус кенгаши минглаб ишларни тасдиқлаб юборар, бу ишда «мановиси чала бўлибди, буниси исботланмабди», деган эътироз асло бўлмасди. Судда эса кўпчилик иштирок этади, айбдорларнинг қариндош-уруғлари, тараф томонлар вакиллари мубоҳаса қилади, тергов заиф олиб борилган тақдирда, тепадаги «ишни тезлаштир», деб турганларга эмас, Романов, сенинг бошингга тўқмоқ тегаети, деб ўйларди терговчи. Шу сабабдан у, гувоҳларни кўпайтиришга тиришиб ётганди. Бутун бошли бир ой гувоҳларни сўроқ қилиш билан яқун топди. Ойнинг 27-кунида Косон шаҳрининг Қўйи туркан маҳалласидан бўлган, 71 ёшли уста Ниёз Наврўз ўғли топиб келиниб, сўроқ курсисига ўтказилди. Уста Ниёзнинг уйланиб, хотинидан ажралган ўғли воқеалари Романовни қизиқтириб қолган эди. У шу низодан ҳам Му-

каррамхонни айбловчи қора бўёқларни ахтарар эди.

\*\*\*

«— Ўтган йили ўғлим Воитқулни 26 ёшга кирганида, — дейди уста Ниёз каловланиб, — Муслимаой Муҳаммад Содикнинг қизи Хурсандойга уйлантирган эдим. Улар 10-12 ойча бирга яшадилар. Кейин хотини ўғлим билан яшашни истамай, уйимиздан кетиб қолди. Кўп ўтмай у Жума Ҳамидов деган одамга тегиб кетди. Ажралишга гўё ўғлимнинг жинсий заифлиги сабаб бўлган эмиш, бу ҳақда онаси билан қизи бутун маҳалламизга миш-мишлар тарқатди. Айтишларича, улар ўғлимни бошқа бир аёлга олиб бориб, дуо қилганлар, шу билан ўзининг хотинига нисбатан эркаклик сиёқини кесган эканлар.

«Мукаррамхон эшонни жуда ҳурматли, бообрў киши сифатида билганим учун, бир сафар, яъни, бундан 5-6 ой аввал, у зотнинг Косонга келганидан хабар топиб, у кишига бўлган барча воқеаларни ёзиб, юқорида айтган аёлларни инсофга келтиришни, аниқроғи, ўғлимнинг шаънини тиклаб, эркаклик сиёқини қайтаришда кўмак беришни сўраган эдим. Эшон хатимни олгач, нима қиладу, — қилмади, билмайман. У кишини шундай кейин қайтиб кўрмадим. Ўғлим эса ишлаш учун Термизга кетиб қолди».<sup>1</sup>

\*\*\*

Терговчининг кўрсатмадан кўнгли тўлмади. Тажанг бўлиб хонадан у ёқ-бу ёққа юрди-да, таржимонга қараб, «балиқларни илантиролмайсан», деб танбеҳ берди. Хонага Бойбек оқсоқолни бош-

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-руйхат, 29-иш, 52-бет.

лаб келдилар. Бойбек оқсоқол Бобо ўғли 42 ёшли киши бўлиб, Ҳарамжўй маҳалласида ижрочи эди. У ўзини янги ҳукуматга астойдил хизмат қилаётган фаоллардан деб ҳисобларди. Кейинги пайтда саллани ташлаб, дўппи кийиб олган, соқолни ҳам билинар-билинмас қолдириб, яхшилаб кузаган эди.

Бойбек оқсоқол савол таржимон оғзидан чиқарчиқмас, сўзлашга киришди.

«– Ҳа-ҳа, Мукаррамхон эшонни мен билмай ким билсин, – деди у тез-тез гапирар экан, – уни маҳалладош сифатида 35-40 йилдан бери биламан. У амирлик даврида ҳам дуохонлик, табибчилик билан шуғулланиб келган эди ва бу ишини то қамоққа олингангача ҳам тўхтатгани йўқ. Яхши биламан, инқилобдан кейин, 27-йилгача эшонни кига Бехбудий теваарак-атрофидаги қишлоқлардан кўплаб беморлар, турли касалга чалинган кишилар келиб турар эди. У касалларни ўқиш, дуохонлик қилиш йўли билан даволар эди. Касаллар ичида ақдан озган, тентаклари ҳам бўларди. Беморларни даволаб тузатгани учун аҳоли ўртасида Мукаррамхоннинг ҳурмати баланд эди. Айтишим керакки, кейинги бир-бир ярим йил давомида эшон табибчилик фаолиятини кескин равишда камайтирди, ундан шифо истаб келувчилар сони қисқариб кетди.

Эшонни кига Бухородан бир ақдан озган жиннини олиб келганларини ҳам яхши биламан. Уни олиб келганларида қаттиқ бақариб, дод солган, бутун маҳаллани бошига кўтарган эди. Ҳамма безовта бўлган эди, уни олиб келганларида кишанланмаган бўлган. Бақир-чақирни эшитиб келиб (бу пайтда эшон йўқ эди), бемор ётган хонани кўрдим ва эшон хизматкорларига девонани масжид ҳужрасидан бошқа жойга қўйишни тайин-

ладим. Лекин улар айтганимни қилмади ва жинни то эшон қамоққа олингунча шу ҳужрада қолди».<sup>1</sup>

«НОЗИҚАТ»

\* \* \*

Терговчи, ниҳоят, Мукаррамхон иши бўйича сўралиши керак бўлган гувоҳлардан кўрсатмаларни олиб бўлади. Шу иш юзасидан айбдор сифатида қамоққа олинган Бехбудий шаҳридаги «Одина» масжидининг имом хатиби Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли ҳам 19-сентябрдан буён ҳибсда эди. 49-жиноий иш шу икки эшон устидан қўзғатилган эди. Улар алоҳида-алоҳида камераларда сақланар эди. Жиноий ишга ваҳимаи сиёсий тус бериш, уюшган жиноят тариқасида баҳолаш мақсадида, бир-биридан тамомила мустақил фаолият олиб борган Мукаррамхон ва Ҳамиддинхонлар бир-бирига сунъий равишда «жиноий шерик» қилиб қўйилган, бир кунда қамоққа олинган ва бир хилда айблов моддалари билан «сийланган» эдилар.

### «НОЗИҚАТ» ЧОЙ ҚОҒОЗДАГИ ОҒУ

БСБ вилоят бўлими 49-ишнинг мураккаблашиб бораётганини ҳисобга олиб, ўзнинг яна бир ходими Сарахатуновни ҳам тергов ишларига жалб этади. У Мукаррамхон иши юзасидан қамоқда ётган, ҳамҳужра Абулқосим Авазбердиевни 1928 йил 27-ноябрь кuni сўроққа чақиради. Абулқосим Авазберди ўғли Жейнов қишлоғидан бўлиб, 27 ёшда эди. Бу уйланмаган, ўзига тўқ, деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлиб келган йигит

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 54-бет. «О» мод.

Мукаррамхон билан бир камерада сақланган. У одам ўлдиришда гумон қилиниб, қамоққа олинган эди.

Абулқосим Авазберди ўғлининг кўрсатмаси шундай бўлган:

«Узоқ вақтдан бери мен Қашқадарё округи ГПУ (БСБ) қамоқхонасида Мукаррамхон эшон билан бир хонада бирга ётибман. Камерамизда иккита ўрис (исмларини билмайман) ва яна Абулқосим Низомиддинов деган маҳбус ҳам бор эди, уни икки ҳафта олдин Домзакка<sup>1</sup> ўтказдилар.

Мукаррамхон эшон менга «хат ёзиб бергин», деб мурожаат қилган эди. Мен унга қандайдир Содиқхон деган кишининг номига хат ёзиб бердим. Хатда эшон ўз муридларига судда, «Мукаррамхон касалларни даволамаган, у табиблик амалиётини тўхтатган, узоқ вақтлардан бери мурид ҳам овламай қўйган», деб айтишлари тайинланган эди. Мен хатни Эшон илтимоси билан у айтгандай қилиб ёздим, чунки Мукаррамхоннинг кўзининг кўриш қуввати пасайганлиги учун унинг ўзи хужрада ёза олмас эди.

Ёзиб тайёрлаб қўйилган хатни Мукаррамхон Абдулқосим Низомиддиновнинг Домзакка ўтказилиши имкониятидан фойдаланиб, унинг танишлари орқали керакли кишига етказдирмоқчи эди. Абдулқосим Мукаррамхон эшонга ўз танишининг исмини ҳам айтган эди, таниши савдо-сотиқ билан шуғулланар экан. Абдулқосим Низомиддинов мен хатни ёзиб берган куннинг эртасига бошқа қамоқхонага жўнатиди, лекин ёзиб қўйилган хатни у орқали чиқаришга имкон тополмаган Мукаррамхон, уни йиртиб ташлади. Кейин эса эшон,

---

<sup>1</sup> Дом заключения – маҳбӯсхона, қамоқхона.

«бу хат етарли даражада маънилик бўлмаган эди, энди уни янгидан ёзишимиз керак», деб тағин иатимос қилади. Мен бунга рози бўлдим ва яна Содиқхон деган киши номига Мукаррамхондан мактуб ёзиб бердим. Унинг мазмуни шундай эди:

Эшон барча оқсоқолларга суд кунни Беҳбудий шахрига келишни ва судда Бухородан олиб келинган ақдан озган кишини кишанга солмаганлигини, кишан уларнинг ўзлариники эканлигини, у жиннини урмаганлигини, балки у ўзини шу кўйга солганлигини айтиш ва тасдиқлашни таъин қилган эди. Оқсоқоллар бутун қишлоқлардаги муридларга эшоннинг инқилобдан сўнг барча фаолиятини тўхтатганлигини айтишлари ҳам сўралганди. Косонлик Фармон ҳам ақдан озган синглиси эшонда даволанмаганлигини, эшонга ҳеч қандай ҳақ ёки назр-ниёз бермаганлигини айтсин. Хатда кўп нарса ҳақида ёзилган эди, ҳаммасини ҳозир эслай олмаман. Хатнинг охирига Мукаррамхоннинг ўзи ҳам қўшимча қилиб ёзган эди. У хатни тегишли жойга тезлик билан етказдириш ҳаракатида эди. Эшонни Домзакка ўтказишда, тинтув чоғида ГПУ ходимлари хатни эшоннинг липпасидан топиб, олиб қўйдилар. У хатни қариндошлари билан бўладиган яқин орадаги учрашувлардан бирида уларга бериб юборишни мўлажаал қилиб турган эди».<sup>1</sup>

49-жиной ишда, ана шу тартиб олинган хат сақланиб қолган. Уни бу ўринда тавсифлаш жоиз бўлади. Оддий чой қоғози. Ёриғида: «Чай. Китайский зеленый. Лунка-Хайсон Центрсоюза. Москва. Вес 100 гр. цена 46 к., №0», деб ёзилган. 25 x 20 см бўлган чой қоғознинг икки ерида ранг-  
бел

<sup>1</sup> КВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 102-бет.



ли ёрлиқ берилган. Қамоқхонада қоғоз дариф бўлган, шу чой қоғозни ҳам, чамаси, бир амаллаб топганлар. Қора қаламда чой қоғознинг икки тарафига шундай деб ёзилган:

«Ўртоқ Содиқхўжага ҳам Икромхўжага

Қиблагоҳингиз Мукаррамхон тарафларидан ёзиб маълум қилинадурким, ўша гузар оқсоқолларини кўриб, тайин қилинг, судга келсунлар. Инқилоб бўлгандан буён Эшон эшонликни ташлаган десунлар ҳам косонлик мулло Узоқ ҳам Фармон айтсунким, биз эшонни ҳовлиларига меҳмон бўлуб келиб эрдук, майдагина боламизни ўқутиб эдук, локин ҳеч бир нарса берганимиз йўқ, деб айтсунлар. Ёқубхон айтсунким, хотунимга қудуқ суви ёқмайдур, оқар сувдин юборсун, бир дам солиб юборсунлар, деб айтиб эдим, десун. Чолманғитлик бобо айтсунким, қизимни ўқиттим эшонга, локин ҳеч нарса берганим йўқ десун. Парғузалик девона хотун айтсунким, эшон оёғимга кишан солгонлари йўқ, қарамадилар, локин ҳеч нарса берганим йўқ десун. Бухоролик ҳам айтсунки, оёғимга бўлган кишан ўзимники, эшонники эмас, ҳам айтсун, урганлари ҳам йўқ, ҳеч нарса берганим ҳам йўқ, десун. Бизлар келганда эшон чўлга бугдой ўргани кетган эдилар, десун. Кейин эшон чоршанба куни келдилар, ўша куни арастон бўлдилар, ўтурганлари ҳам йўқ. Хабар еткурсинлар, эшонни муридлари йўқ эди, десун. Ушбу гапларни тезроқ уларга еткуринлар, албатта, албатта.

Ҳам косонлик уста Ниёз айтсунким, ўғлини бир хотун боғлаган экан, эшонни восита қилиб эдимки, мазкур аёл ўғлимни ешиб қўйсун, айтинг, деб эдим. Локин, ўзингиз дуо қилиб ешинг (ечмоқ, радди дуо – муал.) деб айтганим йўқ десун.

Зинҳор Содиқхон ушбу гапларни тегишли жойларга еткурсин. Чунки суд ушбуларни судга чақирадур албатга».<sup>1</sup>

\* \* \*

Бу хатнинг ёзилиши сабабларини шарҳлаш мушкул. Нега деганда, узоқ чўзилаган тергов жараёнида гувоҳлар айтадиганини айтиб, тасдиқлайдиганини тасдиқлаб, кўрсатмалар бериб бўлган эди. Судда бирор нарсани ўзгартириш, Мукаррамхон фойдасига буриш амалда мумкин эмасди. Кекса кишини чағғитиш кимга керак бўлган, бир нарса дейиш қийин. Жейновлик Абулқосим Авазбердиев терговчилар кўрсатмасига асосан Мукаррамхон пинжига кирдимикин? Шундай хат ёзилса, Мукаррамхонни гуноҳкор қилиш осон кўчарди, ҳа-да, «эшон қилмишларидан қўрқиб талваса қилаётир, судда одамларни огдириб олишга уринаётир, демак, у жиноятчи», деган тамгани босиш мумкин бўларди. Нима бўлганда ҳам, Абулқосим Авазбердиев билан БСБ ходимларининг бу ишда тили бир эди, дейиш мумкин. Одам ўлдиришда айбланиб турган маҳбус ишини енгиллатиш учун нималарга рози бўлмас эди? Чой қозондаги оғу шундай пайдо бўлган эди.

1928 йилнинг 26 ноябри куни БСБ ҚВБ ходими Г.Филонец қутилмаганда Домзакка келиб, ёнига одам топилмагандай, маҳбусхона қоравули Волюнинни олиб, Мукаррамхон ҳибс бўлиб ётган хужрага томон юрди. Навбатчи қулфни очиб, уларни ичкарига киритди. Хужрада Абдулқосим Авазбердиев ва Иқболхўжа Баҳодирхўжаевлар (у Қарши ва Косонда ревком раиси бўлиб ишлаган

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 105-бет.

эди) ҳам бор эди. Г.Филонев уларнинг кўз ўнгига Мукаррамхонни эшик олдига, ёруғроқ жойга олиб келди-да, уни тинтив қила кетди. Эшон бобо оқ кўйлак-иштонда эди. Иштон липпасини сиртдан пайпаслаган БСБ ходими букаланган қорозни аниқлади-да, «чиқариб бер», деб хўмрайди. Эшон бобо Содиқхўжага атаб ёзилган, биз юқорида мазмунини келтирганимиз хатни Г.Филонев кўлига тутқазди. Шу тариқа, бу мактуб тарихга бадал бўлиб қолди. Ҳа пайтда эса у Мукаррамхонни қаттиқ изтиробга ва хижолатга солган, кутилган яхшилик ўрнига кутилмаган ёмонликка сабаб бўлган эди.

Хатни кўлга туширган Г.Филонев БСБ Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи номига шошилинч рапорт ёзишга киришади.

**БСБ Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғига**

### РАПОРТ<sup>1</sup>

Маълум қиламанки, менинг томонимдан шу куни Мукаррамхон эшон Бузрукхоновни қоравул Волюнин, маҳбуслар – Абулқосим Авазов (Авазбердиев – муал.) ва Иқболхўжа Баҳодирхўжаевлар иштирокида шахсан тинтув қилганимда унинг иштонига яширилган муридларга ёзилган хатни тошиб олдим, хатни сизга юбораётirman.

**БСБ ҚВБ ходими:**

**Г.Филонев.**

1928 йил 26 ноябр.

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-руйхат, 29-иш, 107-бет.

Ўйин муваффақиятли чиққан эди. Ўз режаланинг ҳосиласи бўлган хатни қўлга туширган БСБ раҳбарияти жуда хурсанд эди. Тезлик билан вилоят прокурори номига 8-02217-рақамли алоқа хати тайёрланди:

### **Қашқадарё округ прокурорига**

Сизга юборилган 49-жиной ишга қўшимча равишда, ушбу билан айбдор Мукаррамхон Бузрукхонов томонидан БСБ ҚВБ ДПЗсида муридларига унинг ишида гувоҳ ўтадиган кишиларни оғдириб олишга, уларни тергов жараёнида берган кўрсатмаларини тасдиқламасликка даъват этиб ёзилган ва шахсий тинтув чоғида қўлга туширилган хат юборилмоқда. Бундан ташқари, кўрсатилган ишга тиркаладиган иккита сўроқ қарори ҳам илова этилаётир.

**БСБ ҚВБ бошлиғи муовини: Соловьев**  
**Ҳарбий бўлим ходими: Романов.<sup>1</sup>**  
*1928 йил 28 ноябр.*

Вилоят прокурори вазифасини бажарувчи Горошевич БСБ вилоят бўлими томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганишга киришади. Аввало, арабий битикда ёзилган хатни ўқиш қийин кечади. 49-иш Беҳбудий шаҳар, 1-мавзе халқ судига бир неча кун бурун узатилган эди. Бу хат эса кечикиб келди. Уни ишга тиркамаслик иложи йўқ. Шу ваздан, идоралараро навбатдаги ёзишма қуюни амалга ошади.

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-рўйхат, 29-иш, 108-бет.

### **1-мавзе хаақ судига**

Сизда мавжуд ишга қўшимча равишда, айбланувчи Мукаррамхон Бузрукхоновдан шахсий тинтув пайтида қўлга олинган хат юборилмоқда.

### **Қашқадарё округ прокурори**

**вазифасини бажарувчи:**

**Горошевич**

**Котиби:**

**Красюков.<sup>1</sup>**

*1928 йил 17 декабрь.*

Хат воқеаси шундай юз берган эди. Мукаррамхон содда, ишонувчан киши бўлган. Макр, қабохат ҳамиша ортда соядай эргашиб юради. Бир умр нажотталаблар ҳожатини чиқариб келган, ёрдамини катта-кичикдан дариф тутмаган Эшон бобо бошқаларни ҳам ўзидай деб билган. Уларнинг ёмон ниятда эканлигини, ақалли хаёлига ҳам келтирмаган...

### **КАТТА ТЕРГОВЧИ ИШГА КИРИШАДИ**

1928 йилнинг 27 ноябрида, тергов ишлари охирига етганидан бир ой ўтиб, БСБ вилоят бўлими 49-жиной ишни вилоят прокурорига 9-1646-рақамли алоқа хати<sup>2</sup> билан юборади. Хатда «молу мулк гарови эвазига айбдорларни тутиб туришнинг эҳтиёт чорасини ўзгартиш» мумкинлиги ҳам айтилади. Лекин Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари Горошевич, айнан шу сўзларни устидан чизиб ташлайди. Мукаррамхон ва Ҳамиддинхон Беҳбудий Домзагида (маҳбусхона) ҳибсда қолаверади.

<sup>1</sup> Шу жойда, 109-бет.

<sup>2</sup> Шу жойда, 84-бет.

Прокуратура ишни Қашқадарё вилоятининг катта терговчиси Волков ихтиёрига йўллайди. Энди иш билан у шуғуллана бошлайди.

Катта терговчи ишни қабул қилгани хусусида 106-қарорни қабул қилади:

### **Ишни ўз ихтиёрига олиш ҳақида ҚАРОР**

«1928 йилнинг декабрь ойи 8-кунинда, мен, Қашқадарё округининг катта терговчиси Волков, Беҳбудий шаҳридан бўлган эшонлар Мукаррамхон Бузрукхонов ва Ҳамиддинхон Бадриддинхонларни айблаш юзасидан тушган ҳужжатларни кўриб чиқиб, маҳбусларнинг қилмишларида:

1. Моддий манфаат кўриш мақсадида ишонувчан деҳқонларни алдаш йўли билан, ўқиш, жоду қилиш орқали ва б.

2. Ақдан озган Носирбоев ва Зоировларни қишанга солиб, калтаклаб даволаганлари сабабли, жиноят аломатлари содир этилганлигини эътиборга олдим.

Бу хилдаги жиноят қонуннинг 157 ва 204-моддаларида кўзда тутилади, шу сабабли, ЖКнинг 106, 107, 89/4 ва 94-П. моддаларига асосланиб, ишни ўз ихтиёрига олишга қарор қилдим».<sup>1</sup>

### **АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ**

Вилоят катта терговчиси тезкор ишлайдиган, қаттиққўл ходим сифатида танилган эди. У шу куннинг ўзидаёқ – 1928 йилнинг 8 декабрида Хожа Аҳроп ва «Одина» масжидлари имомлари бўлган

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамгарма, 1-рўйхат, 29-иш, 86-бет.

иккала эшонни ҳукмга тортувчи қарорини ҳам  
эълон қилади:

**Айбни эълон этиш ва айбдор сифатида  
жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида  
ҚАРОР:**

1928 йилнинг декабрь ойи, 8-кунида, мен, Қаш-  
қадарё округининг катта терговчиси Волков, ама-  
лиётимда бўлган Мукаррамхон Бузрукхонов ва  
Ҳамиддинхон Бадриддинхоновларни айблаш юза-  
сидан 49-ишни кўриб чиқиб, фуқаролар Бузрук-  
хонов ва Бадриддинхоновлар мазкур ишдаги ҳуж-  
жатлар асосида етарли даражада фош этилади-  
ки, улар фуқароларнинг ишонч ва диний ҳисси-  
ётларидан фойдаланиб, инқилобгача бўлган дав-  
рдан эътиборан:

1. Уларни ўқиш, дуо қилиш.
2. Олиб келинган ақдан озганларни кишанга  
солиш ва уриш йўли билан даволаб келганлигини.
3. 1928 йил 19 сентябрда ҳар иккала эшонни-  
кида БСБ округ бўлими ходимлари томонидан  
ўтказилган тинтувда фуқаролар – Ҳамиджон Но-  
сирбоев ва Наби Зоировлар кишанланган ва кал-  
такланган ҳолда топилаганини назарда тутиб.

Шуларга асосан жиноят процессуал кодексининг  
128-моддасини қўлланиб, **қарор** қиламан:

Фуқаролар Бузрукхонов ва Бадриддинхоновлар  
мазкур иш бўйича айбдор сифатида жиноий жа-  
вобгарликка тортиласин, уларга 157 ва 204-мод-  
даларда кўзда тутилган айблар қўйилганлиги  
эълон қилинсин.

**Катта терговчи:**

**Волков.**<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 87-бет.

Терговчи шу куни ўзи қабул этган қарордан бир нусхани вилоят прокурорига 394-алоқа хати<sup>1</sup> билан юборади. Маҳкумлар Волков қарорлари билан таништирилган, тўғрироғи, уларга рус тилида ёзилган айблов қарорлари таржима қилиниб, тушунтирилган. Маҳбуслар мажбурият остида қарорлар тагига имзо қўйганлар. Ҳар иккала имомнинг имзоси диққатга лойиқ, улар «Мукаррамхон Бузрук ўғли, Ҳамиддин Бадриддин ўғли», деб ёзганлар.

\*\*\*

Бехбудий шаҳридаги икки кўзга кўринган масжид – Хожа Аҳрор ва «Одина» масжидларининг таниқли имомлари муддати тўрт ойдан буён ҳибсда ётган эдилар. Вақтида бу иш атрофида шовшувни кўпайтириб, «Правда Востока»да бонг урган, ишни намунавий тарзда суд қилишга шошиланган жазо органлари негадир уни чўзиб юбордилар. Тергов, сўраб-суриштирув ишлари тамомланганидан сўнг ҳам ойлаб сукунат ҳукм суради. Бу орада яна далиллар тўплашга ружу қилинади. Маҳбуслардан кўпроқ нарса билиш, уларни тилидан илинтириш учун жирканч усуллардан ҳам фойдаланилади. Айниқса, диққат-этибор Мукаррамхонга кўпроқ қаратилади. Чамаси, имомларга қўйилаётган айб – эшонлик ва табиблик учун қаттиқ жазога тортиш, гарчи қонунда кўзда тутилган бўлса-да, уларни қониқтирмаган эди. Касб-тирикчилик фаолияти учун жавобгар қилишни Шўро салтанати таомилга киритган бўлиб, жаҳоннинг бирор давлатида бундай тақиқ мавжуд эмас эди.

Бузрукхоннинг айблари

<sup>1</sup> Шу жойда, 88-бетда шуни кўриш мумкин.



Волков айбловни эълон қилганидан кейин, маҳкумларни тутиб туришнинг эҳтиёт чораси ҳақида ҳам қарорга келишни унутмайди. Олдинда айтилдиги, вилоят прокуратураси кекса маҳбусларни гаров воситасида судга қадар очиқда бўлишига қарши бўлган. «Қарга қарганинг кўзини чўқимайди» – Волков прокуратура хоҳишига қарши боролмайди.

«1928 йил декабрь ойининг 8-кунида, мен, Қашқадарё округининг катта терговчиси Волков, Бехбудий шахридан бўлган эшонлар Мукаррамхон Бузрукхонов ва Ҳамиддинхон Бадриддинхонларни ЖКнинг 157, 204-моддалари бўйича айблов ишини кўриб чиқиб, Бузрукхонов ва Бадриддинхонларнинг сўроқ-суриштирув ишига таъсир кўрсатиши, шунингдек, айтиш мумкинки, ҳатто суд ва терговдан қочиб яширинишлари эҳтимоли борлигини назарда тутиб, ва шунга кўра, ЖКнинг 141-145-моддаларига асосланиб, қарор қиламан:

Айбдорлар Бузрукхонов ва Бадриддинхонларни эҳтиёт чораси сифатида Бехбудий шахри Ардомида (маҳбусхона) сақлаш белгилансин.

**Катта терговчи:** **Волков**<sup>1</sup>

Бу қарорга маҳбуслар имзо қўйганлар. Катта терговчининг ишбилармонлигига, қарорлар қабул қилишга моҳирлигига қойил қолмай бўлмайди. У эртасига, 9-декабрь куни «Айблов хулосаси»ни ҳам тақдим этади:

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 88-бет.

**Айблов ҳудосаси**  
**Эшон Мукаррамхон Бузрукхоновни ЖКнинг**  
**157 ва 204-моддалари асосида айблов иши.**

1928 йилнинг 19-сентябри кунда БСБ Қашқадарё округ бўлими агентлари томонидан ўтказилган тинтув чоғида Мукаррамхон Бузрукхонов уйининг ҳовлисида (Хожа Аҳрор масжиди яқинида) иккала оёғига темир кишан урилган фуқаро Ҳамиджон Носирбоев борлиги аниқланган. Суд-тиббий экспертизаси актига биноан, Носирбоев баданида бир қанча енгил жароҳат борлиги қайд этилади, жароҳат ўтмас қурола билан етказилган деб ҳисобланади. Бемор ривожланиб бораётган фалаж шаклидаги марказий асаб тизими бузилиши хасталигига чалинган.

Бир қатор гувоҳлар Мукаррамхон Бузрукхоновнинг инқилобга қадар ҳам эшонликдан ташқари, табобат билан шуғулланганини, яъни ҳузурига турли-туман касаллик билан келганларни ўқиш, дам солиш, дуо қилиб берилган сувни ичириш, тумор ёзиб бериш йўли билан даволаганини тасдиқ этадилар.

Эшоналар (Ҳамиддинхон ҳам кўзда тутилади — П.Р.) ақдан озганларни ҳам даволаш учун қабул қилганлар, бунинг учун уларни 4 ойга қадар кишанлаб, занжирбанд қилганлар, очлик билан тинкасини қуритганлар, калтаклаганлар ва шу билан жиннилардан жинларни ҳайдаганлар.

Даволаш ҳақи сифатида эшоналар пул, буғдой, майиз, қўй ва б.ш.к.ни олганлар, бунга яна тўзалган кишиларнинг ишлаб беришини ҳам қўшиш мумкин.

ЖКнинг 157 ва 204-моддалари бўйича айбланган эшон Мукаррамхон Бузрукхонов ўз айбларини тан олди ва буни шундай изоҳлади:

У ноқонуний қилмишини тушунмаганлик ту-  
файли содир этган. Эшонлик унга меросий бўлиб,  
унинг ҳузурига ҳамиша турли касалликка чалин-  
ган хасталар келиб турган. Эшон уларни ўқиш,  
дам солиш, эзиб ичку қилиб бериш усуллари би-  
лан даволаган.

Ақддан озганлардан 15 га яқин кишини ҳам  
даволаган, уларни анъанавий одат бўйича 40 кун-  
га қадар кишанбанд қилиб қўйган, аммо урма-  
ган, ўқиш йўли билан тузатган. Бу фойда берма-  
са, беморни уйига жўнатган.

БСБ ўтказган тинтув чоғида аниқланган, Бу-  
хородан олиб келинган Ҳамиджон Носирбоевни  
кишанда 35 кунга яқин сақлаб турган, лекин кал-  
такламаган.

Юқорида баён этилганларга асосан:

Эшон Мукаррамхон Бузрукхонов, 65 ёшда,  
ўзбек, эшонлардан, Косонда туғилган, оилалик,  
фирқасиз, ўрта мусулмон маълумотига эга, му-  
қаддам судланмаган, «Хожа Аҳрор» масжидининг  
имоми бўлиб ишлаб келган, бир уйи, ери, бир оти,  
хўкизи, 3 туяси, эшак ва сигири бор. У тубандаги  
жиноятни содир этишда айбланади:

**а)** инқилобгча бўлган даврдан бошлаб, омманг  
диний ақидасидан фойдаланиб, ўзига муожаат  
қилган, турли-туман касалга чалинган фуқаро-  
ларни дуо ўқиш, дам солиш, «муқаддас сув» бе-  
риш усули билан даволаган, бу билан шуларсиз  
ҳам онги ривожланмаган муридларни янада жа-  
ҳолатга солган. Даволагани учун ҳақ олиб, ўзига  
моддий қулайлик яратган, яъни, жиноят тузуки-  
нинг 157-моддасида кўзда тутилган жиноятни  
содир этган;

**б)** ақддан озган фуқароларни даволаш учун  
қабул қилган, улардан «жинларни ҳайдаган», бе-  
морларни кишанга солиб, 40 кунга қадар калтак

ва очлик билан мадорини қуритган. 1928 йил 19-сентябрда БСБ тинтуви пайтида эшон Мукаррамхон Бузрукхонов ҳужрасидан фуқаро Ҳамиджон Носирбоев топилган. У 35 кун давомида кишанланган ҳолда сақланган ва баданида жароҳатлар изи бўлган.

ЖПКнинг 25 ва 28-моддаларига асосан мазкур иш халқ судида кўриб чиқилишга тааллуқлидир.

**Катта терговчи:**

**Волков.<sup>1</sup>**

*1928 йилнинг 9 декабри.*

*Қашқадарё округи, Бехбудий шахри.*

### **СУД АРАФАСИДА**

Мукаррамхон ва Ҳамиддинхонларни суд қилиш учун расмий жиҳатларнинг ҳаммаси ниҳоясига етган эди. 1928 йилнинг 19 сентябридан буён қамоқда тутиб турилган кекса кишилар учун бу катта омад эди. Чунки ўша йилларда уч ой ичида ишни судга тайёрлаш тезкорлик намунаси эди. Шу йилларда аксар қамалган маҳкумлар олти ойлаб, йиллаб сўроқ-суриштирувсиз, гуноҳи нимада эканлигини билмай, касалликларга чалиниб, ҳатто ҳаётдан кўз юмиб кетгани ҳоллар кўп учрар эди.

БСБнинг Қашқадарё вилоят бўлими ишда гувоҳлик берадиган кишиларнинг қатъий рўйхатини тузган, бунга катта терговчи Волков бирор-бир ўзгартириш кирита олмаган эди. Хусусан, Мукаррамхон судида Шариф Камолбоев, Рашид Комилов, Содиқхўжа Саиджонов, Ёқубхон Салимхўжаев ва бошқалар қатнашиши лозим қилиб қўйилганди.

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 90-91-бетлар.

Ишда гувоҳ ўтадиганларнинг кўрсатмалари олдинда келтириб ўтилди. Биз уларнинг бирортасини атайдан шарҳламадик. Орадан бир асрга яқин вақт ўтаётир. Ўша пайтда ким нима деган, нега шундай деган, буни ихтиёрий айтганми, ёинки, шундай дейишга мажбур бўлганми, бугун бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш мушкул. Гувоҳлар кўрсатмаларини аслида қандай бўлса – шу ҳолича келтиришдан кузатилган мақсад, муҳтарам ўқувчиларнинг ўзи уларнинг маъзини чақсин ва ўзлари хулосага келсин, деган илинжда эди. Зотан, кимнинг ким бўлганлигини билиш ҳеч қачон кечикмайди. Ҳатто орадан йиллар, асрлар ўтган бўлса ҳам.

\* \* \*

Қашқадарё округи бош терговчиси Б.Волков 1928 йилнинг 9-декабрида Жиноят кодексининг 157 ва 204-моддалари билан айбли деб топилган Мукаррамхон Бузрукхон ўғли ишини (Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли иши билан биргаликда) 397-рақамли<sup>1</sup> алоқа хати билан округ прокурорига тақдим этади. Тергов жараёнида маҳбусларнинг талаблари эътиборга олинмаган, уларга қўйилган айблар асоссиз эканлиги, ғараз ва туҳмат асосига қурилганлиги неча бор арз қилинган бўлса-да, бирор муносабат билдирилмаган. Терговдаги бу ҳатти-ҳаракатдан норози бўлган Мукаррамхон ва Ҳамиддинхон иш округ прокурорига юборилишидан бир кун олдин 8-декабрда унинг номига ариза ёзадилар.

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 92-бет.

**Қашқадарё округ прокурорига  
Беҳбудий қамоқхонасида маҳбус  
бўлиб ётган Мукаррамхон Буз-  
рукхон ўғли ва Ҳамиддинхон  
Бадриддинхон ўғли томонидан**

**АРИЗА**

Бизларни бир жиннига, яъни, ақддан озган кишига ёрдам беришда айблашмоқда. Сабаби шулки, менинг уйимга, уйда бўлмаган пайтимда Бухородан бир беморни келтириб, ҳужрага қўйиб кетганлар. Биз эшонларнинг девонани даволашимизни билган яқин кишилари ақддан озганни тузатишимиз учун ҳукуматдан рухсат олиб келишни ваъда қилган эди. Биз уларнинг сўзларига ишондик. Буни гувоҳларимиз тасдиқлайди.

Ишимизни олдинига БСБ (ГПУ) кўрди, кейин иш бош терговчи Волковга ўтказилди, энг охирида эса сизга бериладиган бўлди. Уч ойдан буён қамалиб ётибмиз, аёл, бола-чақаларимиз бор, бизлар қари кишилармиз, меҳнатга ярамаймиз. Шу сабабли, жаноби прокурор, имкон даражасида эҳтиёт чорасини ўзгартириб, кафиллик орқали қамоқдан чиқишимизга рухсат этишингизни, акс ҳолда, ишимизни тезлаштириб, судда кўриб чиқишга кўрсатма беришингизни сўраймиз. Сўровимизнинг рад этилиши оилавий кулфатга, моддий қийинчиликларга боис бўлади. Шунга кўра, аризамизни эътиборсиз қолдирмаслигизни ўтинч ила илтимос қиламиз. Берадурган кўрсатмангиздан ҳибсхона бошлиғи воситасида хабардор бўлармиз, деб умид қиламиз.

**Мукаррамхон Бузрукхон ўғли,  
Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли.<sup>1</sup>**

*1928 йил 8-декабрь.*

---

<sup>1</sup> ҚВДА, 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 101-бет.

Маҳбуслар арзини тинглайдиган, эътибор берладиган кас йўқ эди. Кекса эшонларнинг нажот йўллари қирқиб қўйилганди. Мукаррамхон бу пайтда 65, Ҳамиддинхон эса 59 ёшда эдилар. 1928 йилнинг отябридан то ноябрь ойи охирларига қадар давом этган тергов жараёнида, Мукаррамхонга қўйилган айблар аниқ далиллар билан далолат этилмай, нуқул, умумий гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолгандай туюлади. БСБ вилоят бўлими ходимлари атайлаб танлаб олган гувоҳлар Мукаррамхоннинг инқилобгача ва ундан кейинги йилларда ҳам эшонлик ва табобат билан шуғулланганлигини такрорлайдилар. Исботдан, аниқ мисоллардан маҳрум кўрсатмаларни истганча тўплаш ва келтириш мумкин эди. Шундай қилинади ҳам. Эшонлик ҳам, табиблик ҳам – касб. Азадан, қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Бу биргина Ўзбекистонда эмас, Туркистонда, Шарқ мамлакатларида шундай анъана, касб-корга айланган удум бўлган. Уни инкор қилиш фақат ва фақат советларнинг маслағига айланган эди. Эшонларга қўйилган айбларнинг «зўри»-ақддан озганларни кишанга солиб ёҳуд калтаклаб даволаш билан боғлиқ эди. Ақддан озган кишини, жунуни хуруж қилганда қутуриб ҳаракат қилган, ўзини идора этолмаган, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаётига хавф солган жиннини сақлашнинг яна қандай усули бўлиши мумкин эди? Бироз олдинроққа кетиб айтадиган бўлсак, советлар салтанати ҳукм сурган барча даврда, жумладан, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига қадар руҳий касалларга махсус, енглари узун кийим кийдирилиши амалда бўлиб келган эди-ку. Ақддан озганнинг жазаваси қўзғанда унинг қўллари орқасига қайрилиб, узун енглари билан боғлаб қўйилиши

кишанга солинишдан унчалик катта фарқ қилмасди. Қолаверса, ақдан озган кишиларни уларнинг яқинлари охириги чора сифатида эшонларникига олиб келганлар. Ялиниб-ёлбориб даволашни, тузатиб беришни сўраганлар. Мукаррамхоннинг бу бобдаги райи билан ҳисоблашмаганлар. Бухородан олиб келинган Ҳамиджон Носирбоев ҳам шундай вазиятда даволашга келтирилган эди. Мукаррамхонни қамоққа олишда у бирдан-бир «ашёвий далил» вазифасини ўтайди. Унинг эшон ҳужрасида сақланаётгани хабари тезда БСБ қулоғига етади.

Иккала эшонга нисбатан қўзғатилган 49-жиной иш «агент маълумотига асосланганлиги» очиқ эътироф этилади. Афсуски, шу маълумотни берган агент исми ҳам, унинг Мукаррамхон устидан ёзган хати ҳам жиной иш жиғидига тиркалмаган. Агент шахсини ошкор қилмаслик БСБ манфаатига мувофиқ келар эди. Бу ҳолни тушунса бўлади. Лекин Мукаррамхонга нисбатан қамоқхона ҳужрасида уюштирилган фитнани шарҳлаш оғир. Женовлик, қотилликда айбланиб қамоққа олинган Абулқосим Авазбердиев қўли билан муридларга хат ёзиш нега керак бўлиб қолган эди? Чамаси, БСБ тергов бўлими Мукаррамхонга нисбатан тўқилган айбловларнинг тағи бўшлиғидан, гувоҳлар исбот, далилсиз «даволаган» деганлари билан, судда бу кўрсатмалар патрат топишидан хавотирда бўлганлар. Натижада, эшон ўз муридларига мактуб битиб, «судда ундай денглар, бундай денглар» деб илтимос қиладиган бўлса, бунда сўзсиз устунлик БСБ томонидан бўлур эди, Мукаррамхоннинг эшонлик, табиблик қилганига, ақдан озганларни кишанлаб, калтаклаганига шак-шубҳа қолмасди. Эшон бобонинг соддалиги, одамларга ишонувчанлиги, БСБнинг қўйинга



илон солиб қўйиш одатидан беҳабарлиги шу ишга розилик беришига сабаб бўлади...

## **СУД**

Иш судга ўтади. Суд ҳукмини келтирамыз:

### **Ҳукум**

#### **Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти номидан**

«1928 нчи йил декабрь ойининг 31-нчи кунда Қашқадарё округининг Беҳбудий шаҳри биринчи бўлум халқ суди очуқ суд мажлиси бўлуб, раислик қилувчи халқ суди раиси Фуломов, навбатлик халқ маслаҳатчиси Мукаррамой Қурбонова ҳам Собировларни бирлиги илан, Сафаров саркотиблигинда мажлис кундуз соат 3<sup>00</sup> (15<sup>00</sup>)га Беҳбудий шаҳрининг халқ суди биносинда очулуб, кўрулди – 49-сон жиноят иши жазо тузуқунинг 157-204 моддалари айбдорлар – I) Мукаррамхон Бузрукхон ўғли. II) Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғлиларни ишларини 30-31 нчи декабрь ойида текшируб, ҳақиқат қилғонда, топилди:

Айбдорлар амир ҳокимияти ва қасддан ҳозирги кунда Қашқадарё ва унинг чегараларинда ном кўтариб келган ва эски диний заҳарлик одатлар билан оммага, айниқса, ишчи-деҳқонларни заҳарлаб, эшонлик йўли илан оммани олдаб, ишчи-деҳқонларни ўқуб ҳам жинниларни саломатланиши тўғрисида қуруқ ва бўлмагур сўзлар илан ишланиб келдилар.

Шунинг билан баробар шўролар ҳокимияти вақтига ҳам кўф касаллариндан айбдорлар қўл тортмагани улки, заҳарлик одатларига давом қилдилар. 28-нчи йил август ойининг бешинда ва сентябрь ойининг ўнларида айбдорлардан Мукаррам-

хон жиннилик касалида гирифтор бўлган Ҳамиджон Носирбоевни ўрнаштириб, уни алоҳида уйда қамаб, оёғини кишанлаб, уруб жароҳатландуруб, демак жиннини қамашиб ҳам уруб ўқуйдилар, кейин тузотмоқчи бўладилар. Бу воқеадан олдин ҳам Фарғузалик жинни аёлни 15 кун келтуруб сақланади.

Мазкур айбдорлар ишчи-деҳқон орасинда кўф фойдаларни кўфлаб ёлғончи кишилар илан, қайсики, жинни одамни уруши ҳам қамаши таъсири илан ишчи-деҳқонларни захарлашиб аввалдан ҳозиргача келадилар.

Ёки жиноятчилар бир қисм жиноятларига иқрор бўлсалар ҳам, локинда ишда бўлган жиҳатлар гувоҳларни кўрсатуви, ўз баёнотларида Ж.Т.нинг (жиноят тузуки) 157-204-нчи моддаларига қилгон жиноятлари исбот бўладир:

Мукаррамхон Бузрукхон ўғли 65 ёшар, Қаршининг Харамжўй маҳалласидан, саводли, касби эшон, 2 хотун, 2 боласи бор, фирқасиз, аҳволи ўрта, мол-мулки бор, мундан аввал ҳукм остида бўлмаган. 19-нчи сентябрдан қамалгон, тани жони соғ.

**Жазо йўруқ тузукининг  
314-315-336-моддалари қўлланиб  
ҳуқум қилинади:**

Мукаррамхон ҳам Ҳамиддинхонларни Жазо тузукининг (жиноят кодексининг) 157-204-нчи моддаларига айбли топуб, жазо тузукининг 157-нчи моддасига мувофиқ бир йилдан ижтимоий мудофаа чораси илан озодликдан маҳрум қилунсун.

Жазо тузукининг 204-моддасига мувофиқ, ҳар қайсиларини 3 йилдан қаттиқ ажратилиб озодликдан маҳрум қилунсун. Жазоларнинг йўқориси бўлган Ж.Т.нинг (Жиноят тузукининг – П.Р.) 204-

моддаси бўлгани учун Ж.Т.нинг 51-нчи моддасини риоя қилиниб айбдорларнинг йўқори ижтимоий мудофаа чораси бўлган бир йил қаттиқ ажратилиб озодликдан маҳрум қилув мудофаа чораси қолдирилсун.

Мазкур эшонлар жамоат, айниқса Қашқадарё ишчи-деҳқонлари учун заларлик, келасида тарбия билан тузатиш ишониш йўқ, эски ва янги турмуш учун буларнинг касблари заларлиги учун жазо тузукининг 38 нчи моддасига кўра, эшонни мазкурлар жазони битириб чиққандан кейин 2 йил Қашқадарё, Бухоро, Зарафшон ва Сурхондарё чегаралариндан Самарқанд, Шаҳрисабза сургунга муҳофиза илан ҳайдаш, айбдорларни жазо муддати ётон (ётган – П.Р.) кунидан – 28-нчи йил 19-нчи сентябрдан ҳисоблаб, эҳтиёт чоралари – ҳозирдан қамокқа олинган. Ҳукм қатъий. Ороча бўлуб, куфия оландан кейин 14 кун ичинда халқ суди орқали ёки (вилоят) судига шикоят учун ҳуқуқ берилди».<sup>1</sup>

\* \* \*

Бундан роппа-роса 80 йил муқаддам дин ва дин аҳлига ялпи кураш амал қилган бир шароитда, мафкуравийлик, синфийлик зўғуми билан чиқарилган ҳукмнинг адолатга, инсонийлик ҳуқуқларига нечоғлик мувофиқ эканлигини муҳокама қилишдан тийилиш лозим кўрилади. Яхшиси, бу хусусда суд олдидан вужудга келган биқиқ ҳаво тарқалмай туриб билдирилган бир фикрни эътиборга ҳавола этиш ўринли бўлади, деб ўйладик.

<sup>1</sup> ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 125-126-бетлар. (Суд ҳукми матни таҳрирсиз, асл ҳолида келтирилади–П.Р.)

Суд кунидан бир ҳафта муқаддам, 1928 йилнинг 22 декабрида Мукаррамхон ва Ҳамиддинхонларнинг ҳимоячиси М.С.Ананьев иш кўриладиган Бехбудий шаҳар 1-мавзе халқ судига ариза<sup>1</sup> билан мурожаат қилади. У ҳимоясига олган маҳкумлар ва уларнинг иши хусусида шундай сўзларни битади:

«Сизнинг ихтиёрингизда Жиноят Кодексининг 157 ва 204-моддалари билан айбланаётган менинг ҳимоям остидаги маҳкумларнинг жиноий иши мавжуд. Уларга нисбатан тергов ҳокимияти эҳтиёт чеграси сифатида қамоқда сақлашни лозим топган.

Улар қилган иш юзасидан баҳс қилишга ҳожат йўқ, улар билан суд-тузатиш йўли билан курашиш даркор, лекин қуйида келтириладиган бир қатор ҳолатларга кўра, эҳтиёт чорасини ўзгартиш ҳақида сўрамоқни ўзим учун лозим деб биламан:

**1.** Уларнинг ёши қарилик даражасига етган, бу ҳолатда қамоқда сақлаш соғлиққа қаттиқ зиён келтирмай қолмайди.

**2.** Улар жиноятни тамомила тушунмаган бир вазиятда, бу анъанани шу соҳада фанат бўлган аجدодларидан қабул қилган ҳолда содир этганлар. Ҳозирги вақтда табибчилик билан шуғулланишга қарши кескин кураш бораётир, бинобарин, улар судга тортилган бир пайтда, айтиш мумкинки, ўз касбларини давом этдирмайди, чунки судланишнинг ўзиёқ уларни етарли даражада тийиб қўйиш бўлади.

**3.** Бузрукхонов ва Бадриддинов Бехбудий шаҳри ҳудудида доимий яшаш жойига эга, шундай экан, уларнинг суд ва терговдан яширинишига ҳеч бир асос йўқ.

---

<sup>1</sup> Шу жамғарма, 118-бет.

4. Уларнинг тергов жараёнига ўз муридларини тарғиб қилиш йўли билан таъсир қилишига ишнинг шу ҳолида журъати етишмайди, шунингдек, бирор-бир гувоҳдан ҳам, уларнинг дастлабки сўроқда берган кўрсатмаларидан ҳам қутила олмайди».<sup>1</sup>

М.С.Ананьев аризасининг давоми йўқ, у йиртиб олинган. Ҳимоячи қанчалик жон куйдириб, Мукаррамхон билан Ҳамиддинхонни судга қадар озодликка чиқариш ҳаракатида бўлмасин, интилиши ҳеч бир натижа бермаган.

Хожа Аҳрор масжидининг имоми Мукаррамхонни ва «Одина» масжидининг имоми Ҳамиддинхонни узоқ қамоқ муддати ва бадарға кутиб турарди. Ҳукм, таъкидланганидай, қатъий эди. Шикоятга ўрин қолдирилган бўлса ҳам, шикоят ўрин тутмас эди...

### **РУҲОНИЙ ШИФО – АЗАЛИЙ ВА БОР ГАП**

Улуғ ёш яшаган, билимли, тажрибали, нафаси ўткир эшон даражасига кўтарилган Мукаррамхон ўзига мурожаат қилган барча беморларни астойдил даволайди. Ҳали Қашқа воҳасига Оврупо тиббиёти кириб келмаган 20-йилларда безгак, яра-чақа, кўз ва бош оғриғи сингари хасталиклар жуда кўпайган. Мукаррамхон Қуръони карим суралари воситасида ақдан озган кишиларни ҳам соғайтиради. Асрлар давомида оят ва суралар беморларга шифо бахш этган. Қандай хастага қайси дуолар мувофиқ келиши даволавчи илмига боғлиқ ҳисобланган.

Қуръони карим нозил бўлгандан бошлаб, унинг шифобахшлик хусусиятидан фойдаланиб келин-

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган жамғарма, 118-бет.

ган. Бунинг бир мисолини муҳтарам Абдулазиз Мансур таржима қилган ва 2001 йилда нашр этилган «Қуръони карим»нинг 114-Нос сурасига берилаган изоҳда кўриш мумкин. Унда, жумладан, шундай дейилади: «6-оят. Ҳадиси шарифларда келган маълумотларга қараганда Қуръони каримнинг охиридаги мазкур икки сура жаноб расуллаҳо сеҳрланганларида шифо тариқасида нозил қилинган.

Қиссанинг асли шундай бўлган: Яҳудийлардан Лабид ибн ал-Аъсам деган бир мунофиқ ўзини мусулмон кўрсатиб, Пайғамбар ҳузурларига келиб-кетиб юрар ва баъзи ҳожатларини адо этишда хизмат қилиб турар экан. Шу ходимни қўлга олиб, бир гуруҳ яҳудийлар унинг ёрдамида Расуллаҳо-нинг тўкилган сочлари ва тароғидан синиб тушган тишларини қўлга туширадилар ва шу нарсаларга сеҳр-жоду қилиб бир эски қудуққа ташлайдилар. Шундан кейин Расуллаҳо-нинг сочлари тўкилиб, олти ой бетоб бўлиб ётиб қоладилар. Бир кун икки фаришта келиб, бири тиззалари рўпарасига, иккинчиси бош томонларига ўтириб бири-бири билан савол-жавоб қиладилар. Бири:

- Унга нима бўлибди? — деса, иккинчиси:
- Сеҳрланибди, — дер эди.
- Ким сеҳрлабди?
- Лабид ибн ал-Аъсам исми бир яҳудий.
- Сеҳрни нимага ўқибди?
- Тўкилган сочлари ва тароқ тишларига.
- Сеҳр ўқилган нарсалар қаерга ташланган?
- Зарвон исми қудуққа.
- Шундан кейин одам юбориб кўрсалар, ҳақиқатда, ўша қудуқда соч тодалари, тароқ тишлари ва нина суқилган яна ўн иккита тутун бор экан. Шу пайтда Аллоҳ таоло мазкур икки сурани (Фалақ ва Нос) нозил қилади. Сураларни ҳар бир марта

ўқиганларида, биттадан тугун ечилар экан. Шундай қилиб, ўн икки марта ўқиганларида, дарддан бутунлай фориг бўлиб кетган эканлар».<sup>1</sup>

Илоҳий китоблардан ўқиладиган дуоларнинг шифобахш хусусияти эндиликда илмий асосланган, дейиш мумкин. «Аргументы и факты» газетасининг 2008 йил 18 апрель (1435) сонидан Санкт-Петербургдаги Бехтерев номи илмий-тадқиқот институтининг нейропсихофизиология лабораториясининг мудирининг, профессор Валерий Слезиннинг кашфиёти ҳақида мақола эълон қилинди. Унда айтилишича, «Профессор Слезин шу вақтга қадар ҳеч ким қила олмаган ишни уddалади-у дуонинг кучини ўлчашга муваффақ бўлди», дейилади. Профессор Валерий Слезин «Дуо-кудратли соғайтирувчи восита деб ҳисоблайди, – у одам вужудида юз берадиган барча жараёнларни изга солибгина қолмай, онгнинг шикаст еган қурилишини ҳам тиклашга қодир».

Газетанинг 24-саҳифасида босилган мақола «Мўъжиза? Мўъжиза!» деб сарлавҳаланади ва дуо сабаб, кўзи ожизларнинг кўра бошлагани, чўлоқларнинг юра бошлагани ҳақида маълумот беради. Профессор В.Слезин монахлар ибодатининг электроэнцефалограмма асосида ёзиб олишга муваффақ бўлади. Оқибатда кутилмаган феномен содир бўлади – уларнинг бош миялари мағзи тўлиқ фаолиятдан тўхтаганлиги аниқланади. Бундай ҳолат фақатгина 3 ойлик чақалоқларда, қачонки, улар оналарининг ёнида бўлиб, ўзларини тамомла хавфсиз ҳис қилганларида юз берар экан. Киши улғайгани сари унинг ҳимояланиш ҳисси-

<sup>1</sup> Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржимаси, 2001, 604-бет.

ёти йўқола боради, миянинг фаоллиги эса ошади. Бош мия биотоклари зарби чуқур уйқу чоғида бўлиши кузатилиб, охир камайиб кетади. Шундай ҳолат ибодат пайтида ҳам вужудга келишини олим далолат этади. Валерий Слезин фанга илгари номаълум бўлган ҳолатни сокин ёки ибодат тетиклиги деб атайди. Бундай ҳолнинг ҳар бир одам учун ҳаётий зарурат эканлигини исбот қилади.

Хасталикларнинг келиб чиқишига салбий ҳаётий вазиятлар, низолар сабаб бўлиши маълум, уларнинг касири онгда муҳрланиб, одамни бемор ҳолига солади. Ибодат чоғида эса нохуш кўнгилсизликлар унутилади ва, умуман, ҳаёдан ювилиб кетади. Шундай қилиб, нафақат маънавий, балки жисмоний тузалиш имконияти пайдо бўлади.<sup>1</sup>

» Зикр этилган воқеаларнинг бири VII аср бошларига, Қуръони карим суралари нозил бўлишда давом этаётган даврга тааллуқли бўлса, иккинчиси XXI асрга, биз яшаб турган ҳозирги замонга даҳадор. Илоҳий китоблар мусулмонларга ёҳуд насронийларга тегишли бўлишидан қатъий назар, улардан сиҳҳат йўлида тиловат этилган калом шифобахш хусусиятга эга эканлиги мусҳафлар Ер юзига тушгандан буён маълум бўлган. Буни фақат Худони ҳам, динларни ҳам инкор этган большевиклар, Шўро салтанати тан олмади. Октябрь тўнтаришидан кейин минг-минглаб жомеъ масжидлари, черковлар, ибодатхоналар яқсон қилинди. Дин афъюн – оғу деб эълон этилди.

Қадим Шарқ табобати силсиласида Қуръони карим суралари асосида даволаш асосий ўрин

---

<sup>1</sup> Қаранг: Аргументы и факты. №18 (1435), Апрель 2008, 24-бет.



тутиб келган. Мукаррамхон, Ҳамиддинхон ва улар сингари илоҳий илмда забардаст, номдор бўлган эшонлар, муллалар беморларнинг, оғир хасталарнинг соғайиб кетишига жуда катта амалий ҳисса қўшганлар. Асрлар давомида, Ислом дини юртимизда қарор топган замонлардан бошлаб шундай бўлиб келган. Руҳоний шифо – азалий ва ҳаётда бор амалиёт. Бу хилдаги муолажадан нафъ кўрган бемор шифо бахш этган кишига миннатдорчилигини фақат сўз билангина ифодалаб қолмаган. Ҳозиргидақа, «фалон операция учун фалон пул», дейилмаган. Ҳар ким кўнглидан чиқариб нимадир қилган.

Бугун, Мустақил юртимизда бундан 80 йил муқаддам дин ва дин аҳлига нисбатан қилинган зўравонлик бориб турган тубанлик бўлиб туюлиши табиий бир ҳол. Шўро салтанатининг қизил ялов кўтариб курашган асосий душманларидан бири – дин ва дин аҳли бўлган. Мукаррамхон унинг биринчи ва охирги қурбони эмасди. Ҳали олдинда машҳум 37-йил даҳшатли кўланка солиб турарди. Қатагон тегирмонининг 20-йилларда комига тобора шиддат билан тортаётган дўлидан бир амаллаб тирик чиққанларни 37-йил ўпқони ўз қаърига ямлаб кетди.

Большевиклар ҳокимият тепасига келганда, қатагон қилинган «ўн минглаб мўътабар руҳонийлар» қаторида Мукаррамхон Бузрукхон ўғли ҳам бор эди. Ёш бир жойга борган, кексайган пайтда ноҳақ тазйиқ ҳам жисмонан, ҳам маънан ниҳоятда оғир кечади. Динга ва унинг вакилларига нисбатан тутилган қақшатгич сиёсат бориб турган қизил жаҳолат эди. Жаҳолат жабр-ситами, кўргуликлари мисли ўрмонга ўт тушгандек гап эди: хўлу қуруқ баравар ёнарди. Шундай бўлди ҳам. Советлар элда обрўли, ҳурматли, илмли ки-

шилардан, дин аҳли, руҳонийлардан, эшон ва муллолардан чўчир эди. Туркистоннинг кечмиш тарихида, масалан, мўғуллар истибдодига қарши курашда ватанпавар ислом дини намояндаларининг ўрни катта бўлган, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Шамсуддин Кулол ва бошқа руҳонийлар юрт озодлиги учун курашга элни чорлаган, ўзлари ҳам шу йўлда жон фидо қилганлар. Бу тарихни мустабид зўравонлар яхши биларди. Фарғонада Чор Россияси зулмига қарши курашган Дукчи Эшон бошлиқ халқ ғалаёнлари унутилган эмасди. Шўронинг хавфи шундан, руҳонийлар ортидан элу улус эргашади, деган хавотирда эди. Мукаррамхонни сўроқ қилиш жараёнида унга дўст бўлган ҳам, душман бўлган ҳам Эшон бобонинг Қашқадарёда ҳурматли, обрўли руҳоний бўлганини яқдил тан олган. Советлар воҳадаги дин аҳлининг етакчи кучларини Мукаррамхон, Ҳамиддинхонлар мисолида маҳв қилмоқчи эди. Қизил жаҳолат бунга тўла муваффақ бўлди.

Советлар ҳукм сурган етмиш тўрт йил мобайнида, шу сабабли ҳам, «чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди».<sup>1</sup> Тўғри эътироф этилганидек, «дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса бунинг бирдан-бир чораси бўлган. Бундай хулосалар чиқаришга, ота-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 40-бет.

боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда»<sup>1</sup>.

Ҳа, ислом дини халқимиз ҳаётининг бир қисми бўлиб қолди. Советлар қанчалик хуруж қилмасин, Мукаррамхон, Ҳамиддинхонлар шахсида уни йўқ қилишга уринмасин, халқ эътиқодига барҳам бериш амалда мумкин бўлмади. Бу ҳилдаги таъқиб ва тазйиқ ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига қадар<sup>2</sup> муттасил амал қилиб келди.

Ислом динини йўқотиб бўлмаганидек, унинг бир поқдомон, илмий вакили Мукаррамхон хонадонини ҳам барҳам уришга қизиқ жаҳолат муяссар бўла олмади. Бу Яратганнинг хоҳиши эди. Эшон бобо оиласи нималарни бошдан кечирмади, қандай зулмлар, хўрликлар кўрмади... Булар рисоланинг иккинчи қисми мавзусини ташкил этади.

Мукаррамхон сулоласи яшашда давом этди. Шўро давлати оиланинг чинорини қўпоришга уриниб, унга жуда катта халал, тузатиб бўлмайдиган катта талафот етказди. Фарзандларнинг оёққа туриши, ҳаётда ўрин топиши жуда оғир кечди. Қизил салтанат ҳукм сурган йиллар хонадон учун синов, меҳнат, машаққат даври бўлди. Азбаройи меҳнаткашлик, қийинчиликлардан ҳайиқмаслик, юксак эътиқод, улуғ бобокалонлар ишига садоқат фарзандларни, набираларни, эвараларни мақсад сари етаклади.

Ватан Мустақиллиги боболарнинг шўро даврида топталган қадрини тиклади, ғубор босган ном-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 35-36-бетлар.

<sup>2</sup> Шу асар, 40-бет.

ларини поклади. Улар орасида Қарши шаҳрида-  
ги «Хожа Аҳрор» масжидининг имоми Мукаррам-  
хон Бузрукхон ўғлининг исми шарифи алоҳида  
сайқал билан кўзга ташланиб туради.

911 ..... TAMOM ..... ЖОНАТОН ЭВАЗОВ  
021 ..... ..... МАМДУРАТ  
221 ..... ..... АСО НУРДИН  
23 20 июль, 2009 йил. ..... СЕРЖАН КЕЛДИРБЕКОВ  
381 Қарши шаҳри. ..... ҚОСИМОВ АҚМАС  
241 ..... ..... ШИКИН  
251 ..... АЗГАГА ТУШГАН ..... С

## МУНДАРИЖА

ҚЎЛГА ТУШГАН ҚАСОСКОРЛАР .....	3
Қисса – тарихий манба .....	4
<b>ЖОВИЗДАГИ ЁВУЗЛИК .....</b>	<b>119</b>
Муқаддима .....	120
Ичдаги ола .....	122
Эгилган бошни кесган қилич .....	132
Икромқул кўрбоши .....	138
Иккинчи сўроқ .....	142
Эл изтироб чекди, деб .....	148
Ашъвий далиллар .....	164
«Камбағаллардан олмассиз» .....	167
Тергов давом этади .....	175
Жовиздаги ёвузлик .....	184
Шикоятга ўрин йўқ .....	196
Ҳукм ижроси .....	205
Хотима .....	209
<b>ҚИЗИЛ ЖАҲОЛАТ .....</b>	<b>215</b>
Тасодифсиз тасодифлар .....	216
Бухородан келган бемор .....	230
Агент қулоқ қоқади .....	236
Қамоқ ва сўроқ .....	240
Чўзилган суд .....	247
Гувоҳлар кўрсатма беради .....	248
Чой қоғоздаги оғу .....	267
Катта терговчи ишга киришади .....	274
Айблов ҳулосаси .....	275
Суд арафасида .....	281
Суд .....	286
Рухоний шифо – азалий ва бор гап .....	290

*Тарихий-бадий наир*

ПОЁН РАВШАНОВ

**ҚЎЛГА ТУШГАН ҚАСОСКОРЛАР**

Муҳаррир  
Ҳасан ТЕШАБОЕВ

Мусахҳиҳ  
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 10.10.2014 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 9,375. Шартли босма тобоғи 15,75.  
Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғози.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 314.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АИ № 198, 2011 йил 28.08 да берилган.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «КОҢИ-NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими - 278-36-89;  
Маркетинг бўлими - 128-78-43. факс - 273-00-14;  
e-mail: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ**  
**«КАМОЛОТ КУТУБХОНАСИ» РУКНИДА**  
**КУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**А.Дюма**

**«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО - 1, 2»**

**84x108 1/32, 752, 756 бет, қаттиқ муқова**

Икки китобдан иборат асарнинг бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо «Иф» қалъасидан халос бўлгач, разолат ботқоғига ботган инсонларни зўр матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тириклигидаёқ уни бенаиб қолдирмаслиги асар ниҳоясида акс этади, фақат, Граф таъкидлаганидек, «кутмоқ ва умид қилмоқ керак».

**Артур Конан Дойл**

**«ШЕРЛОК ХОЛМС ВА ДОКТОР**

**УОТСОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ»**

**84x108 1/32 528 бет, қаттиқ муқова**

Бу тўпламда ёзувчининг детектив, илмий фантастика, саргузашт асарларидан саралаб олинган ҳаётий далилларга бой ҳикоя ва қиссалари жой олган.

1990 йилда «Баскервиллар ити» номи билан нашр этилган мазкур асар китобхонлар илтимосига кўра қайта чоп этилмоқда.

**Андерсен**

**«ҚОР ОДАМ»**

**84x108 1/32 382 бет, юмшоқ муқова**

Андерсеннинг эртаклари бутун ҳам энг кўп ўқилаган асарлар сирасига киради. Уларда болаларга хос бўлган беғубор кечинмалар, эзгуликнинг ғалабаси, орзу-умидларнинг ушалиши, ёруғ оламда ҳар бири-



миз ҳар қадамда дуч келиб, кундалик ҳаётимиздаюз бераётган оддий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгача талқини тилга олинади.

**Даниел Дефо** «МАДО ҲОД»  
**«РОБИНЗОН КРУЗО»**  
Инглиз ва ўзбек тилида.  
**84x108 1/32, 48 бет, юмшоқ муқова**

Йигирма саккиз йил кимсасиз ва бепоён оролда ёлғиз ўзи яшаган Робинзон Крузонинг бошидан кечирган саргузаштларга бой ҳаёти ва унинг бахтли якуни ҳақидаги қизиқарли ҳикоя сизни бефарқ қолдирмайди.

**Жюд Верн** «УН БЕШ ЁШЛИ КАПИТАН»  
**Латин алифбосида**  
**84x108 1/32, 356 бет, юмшоқ муқова**

Асрлар оша қўлдан қўймай ўқиб келинаётган мазкур асарда ўн беш ёшли капитан – Дик Сенднинг биридан қизиқарли саргузаштлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезликлар, қўллар савдоси билан боғлиқ аянчли воқеалар, турли хавф-хатарларга қолган капитан Дик ва саёҳатчи дўстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва унинг кичик ўғли Жек, хаёлараст олим Бенедикт тоғанинг бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

**Жеймс Жойс** «МАДО ҲОД»  
**«УЛИСС САРГУЗАШТЛАРИ»**  
**84x108 1/32 380 бет, қаттиқ муқова**

Тасаввур. Тафаккур. Инсоннинг фақатгина ўзига тегишли бўлган бу «манба» биттагина китоб мутолааси ва ундан кейин пайдо бўладиган мулоҳазалардан кей-

ин ўзгариши мумкин. Эътиборингизга ҳавола этилаётган дунёнинг машҳур романи мутолаасидан сўнг ҳам шундай хулосага келишингизга аминмиз.

**Ҳинд эпоси**

**«КАЛИЛА ВА ДИМНА»**

**84x108 1/32. 246 бет, қаттиқ муқова**

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат ва масаллар бобида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқ ҳаёти, дарди, аҳли донишлар улуғворлиги, ҳозиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам «Калила ва Димна» таъриф ва тавсифга эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар маъзи инсонийлик, олижанобликни улуғлайди. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бугунда ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, уқинг, донолар оламида бўлинг.

**Мигель де Сервантес Сааведра**

**«ДОН КИХОТ»**

**84x108 1/32, 432 бет, қаттиқ муқова**

Испан ёзувчиси Сервантеснинг мазкур асари жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари сирасига киради. Асарда испан халқининг ўтмишдаги ҳаёт лавҳалари, урф-одатлари етук маҳорат билан тасвирланган, шунингдек, турмушдаги лақмалик, нодонлик, фирибгарлик каби иллатлар ўткир ҳажв тили билан баён этилган.

**Пауло Коэлло**

**«АЛКИМЁГАР»**

**84x108 1/32, 184 бет, юмшоқ муқова**

Ўз тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган Алкимёгар, умумбашар тили, тақдир тошлари асида мавжудми? Орзулар, муҳаббат бу

Йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинча... Асар мана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

**Рашид Нури Гунтекин**

**«ЧОЛИҚУШИ»**

**84X108 1/32, 458 бет, қаттиқ муқова**

№ 84С . 2511 80

Муҳаббат мавзусига бағишланган асарларни миллати ва динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдари қилиб ўқийди. Рашид Нури Гунтекиннинг машҳур «Чолиқуши» асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан кўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

**Эриест Хемингуэй**

**«ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ»**

**84x108 1/32 444 бет, қаттиқ муқова**


Ушбу китобга дунё миқёсида машҳур адиб, «Нобель» мукофоти совриндори Э.Хемингуэйнинг энг сара асарлари киритилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улуғлиги, ундаги ирода ва матонат, оқиллик ва азму қароридан оғинмаслик ўзгача талқинда акс этган.

**Чингиз Айтматов**

**«КАССАНДРА ТАМФАСИ»**

**84x108 1/32, 296 бет, қаттиқ муқова**

Буюк адиб ушбу фалсафий романида бутун сайёра, боринги, космос миқёсида кенг ва узвий мушоҳада юритган. Бугунги шафқатсизлик, ёвузлик, ваҳшийлик уруғларини келажакда қандай даҳшатли мевалар беришини космик юксакликдан башорат қилган.



Тарихий – бадий мавзудаги кўпгина асарлар муаллифи. Адиб қиссалари ва романларида XX аср бошларида, мустабид тузум даврида кечган тажовуз, истибдод, қатағон воқеа-ҳодисалари изчил талқин этилади.

Қизил салтанат ҳукм сурган йилларда хаспўшланган озодлик кураши қирралари, ватанпарвар фидоийлар ҳаёт йўли архив ҳужжатлари асосида инкишоф этилади.

Уч қисса – “Қўлга тушган қасоскорлар”, “Жовиздаги ёвузлик”, “Қизил жаҳолат” асоратли ва маҳзун йиллар тарихининг ёрқин бадииятидир.



ISBN 978-9943-27-350-4



9 789943 273504